Ў.ТУРСУНОВ, Б.ЎРИНБОЕВ, А.АЛИЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ



83
Т 8

У. ТУРСУНОВ, Б. ЎРИНБОЕВ, А. АЛИЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

Дорилфунунлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун дарслик

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН ИККИНЧИ НАШРИ

-4273-

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Мазкур дарсликда ўзбек адабий тилининг энг қадимги даврдан ҳозиргача бўлган тараққиёт босқичлари тарихий-қиёсий асосда тадрижий таҳлил этилган. Адабий тил ривожига Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғўзий, Хоразмий, Лутфий, Атоий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхон, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби сўз санъаткорларининг қўшган ҳиссалари, уларнинг тил ва услуб соҳасидаги ўзига хос томонлари мунтазам баён қилинган.

Тақризчилар: Ўзбекистон ФА академиги ***Ш. Шоабдураҳмонов,***
филология фанлари доктори ***Ж. Мухторов,***
филология фанлари номзоди Ж. **Лапасов.**

Т $\frac{4602000000—60}{353(04)—95}$ 113—95

ISBN 5—645—02383—8

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1982.
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995.
Ўзгаришлар билан.

МУҚАДДИМА

Ўзбек тили республикамизнинг давлат тили деб қонунлаштирилиши халқимизнинг тарихий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ўзбек халқининг ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммоларидан бири эди. Чунки ушбу долзарб масалани ҳал қилмасдан туриб, миллий сиёсатни тўла амалга ошириш, миллий тиллар ҳақидаги таълимотнинг ўзбек тили тараққиётидаги ролини атрофлича, илмий асосда тушуниш мумкин эмас.

Қонуннинг 19- бандида: «Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади»,— дейилади.

Бу умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида «Эски ўзбек ёзуви ва тили», «Ўзбек адабий тили тарихи», «Ўзбек адабиёти тарихи» дастурларини ҳозирги талаб даражасида қайта тузишни, шунга мос дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қилади.

Дорилфунунларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида «Она тили ва адабиёт» мутахассислиги бўйича филология, ўзбек тили ва адабиётидан малакали илмий ходимлар ва ўқитувчилар тайёрлашда «Ўзбек адабий тили тарихи» курси илмий-назарий, амалий, таълим-тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эгадир. Чунки бу курс талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичларини, унинг лексик, фонетик ва грамматик тизимини чуқур ҳамда атрофлича тушуниб олишда ёрдам беради.

«Ўзбек адабий тили тарихи» ўқув фани талабаларнинг тилимизда содир бўладиган турли ўзгаришларни онгли равишда тушуниб олишларига ёрдам бериб қолмай, балки ҳозирги ўзбек тилини ўрганишда пойдевор вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбек тилшунослигининг ажралмас ва энг муҳим

соҳаларидан бўлган «Ўзбек тили тарихи» курси «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» ва «Ўзбек адабий тили тарихи» деб юритилаётган икки ўқув фанидан ташкил топган бўлишига қарамай, кўпчилик олий ўқув юртларида «Ўзбек тили тарихи» номи билан бир фан тарзида ўқитилиб келинмоқда.

«Ўзбек адабий тили тарихи» тил тарихи курсининг таркибий қисми бўлиб, умумхалқ ўзбек тилининг даврлараро адабийлашган йўсинда шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги фандир.

Ўзбек адабий тили тарихи — ўзбек элати ва миллати адабий тилининг тарихий тараққиётидан иборат бўлиб, умумхалқ тили бойликларининг қайта ишланиши асосида яратилган янги услуб, сўз шакллари, иборалар тарихи ҳамдир.

Тилни халқ яратади. Халқнинг маданий ва ижтимоий-тарихий тараққиёти ўз изларини, биринчи галда, тилда қолдиради. Шу маънода: «Тил халқнинг маънавий, кўп асрлик ҳаётининг энг тўлиқ ва энг ҳаққоний йилномасидир»[1].

Адабиёт сўз санъати бўлса, адабиёт тарихи адабий тилимизнинг ривожланиш тарихидир. Шунинг учун адабиёт тарихи борган сари тил тарихи билан яқинлашиб бориши керак. Қимёсиз физиология фан бўла олмагани каби адабиёт тарихи ҳам тил тарихисиз фан бўла олмайди,— деб ёзган эди А. А. Потебня[2]. Ҳақиқатан ҳам адабиёт тил билан тирик. Шундай экан, тилшунослик ва филологиянинг ўзаро муносабати ҳамда фарқли томони нимада намоён бўлади?

1-§. Тилшунослик ва филология

Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. Тил ва онг ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодисалардир. Бу нарса тилшуносликни гуманитар фанлар қаторига қўшади.

Шундай қилиб, гуманитар фанларнинг ҳамкорлигидан ташкил топган филология таркибига кирган тилшунослик тил ва ёзма матнларнинг услубий таҳлили орқали инсоният маънавий маданияти моҳиятини очишга интилади. Матн ўзининг ички тузилиши ва ташқи алоқадорлиги жиҳатидан жуда мураккаб ҳодисадир. Филология фан сифатида матнларни шарҳлашдан бошланган бўлса-да, кейинчалик бир неча мустақил фанларга бўлиниб кетди: тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик кабилар. Афсуски, бу фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муносабати, кейинчалик, бир хилда бўлмади. Натижада филологик фанлардан бўлмиш тилшунослик ва адабиётшунослик кўп жиҳатдан бир-биридан узоқлашиб кетди. Шунга қарамасдан адабий тил тушунчаси филологиянинг икки асосий йўналиши бўлмиш тил ва адабиётни ўзида бирлаштиради.

Ҳозирги замон филологиясида адабий тил ҳақидаги фикрлар адабиёт ҳақидаги тушунчалардан узилиб қолган. Шунинг учун адабий тил ҳақидаги фикрларни кенг филологик доирада таҳлил қилиш лозим. Шу жиҳатдан тилнинг қурилиши ва қўлланилиши муаммосини тилшунослик ҳамда филологиянинг ўзаро боғлиқлиги асосида кўриб чиқиш керак.

Айрим ишларда тил ва нутқ бир-бирига зид ҳодиса сифатида қаралади.

Тил ва нутқ ўзаро бир-бири билан боғланган, аммо айни чоғда, бир-биридан фарқ қиладиган ижтимоий ҳодисалардир. Кўпинча бу ҳодисалар бир-биридан ажратилмай, аралаш қўлланиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хўш, тил нима-ю, нутқ нима? Тил — кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашув, фикрлашув қуроли бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир.

Нутқ сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган ҳодисадир. Нутқ тил бирликларининг маълум қисмидан фикр ифодалаш мақсадида фойдаланилишидир. Кишиларнинг сўзлашуви тил унсурларидан маълум қисмининг амалга ошувидан иборат. Демак, нутқ шахсдаги руҳий-физиологик жараён бўлиши билан бирга, тил материалининг намоён бўлиши ва қўлланилиши ҳамдир.

Тилшуносликка оид адабиётларда қайд этилганидек, тил ва нутқни қуйидагича қиёслаб кўрсатиш мумкин:

1. Тил алоқа материали бўлса, нутқ алоқа шаклидир.
2. Тилни халқ яратади, нутқни эса ҳар бир шахс вужудга келтиради.
3. Тилнинг ҳаёти узоқ, у халқ ҳаёти билан боғлиқдир; нутқнинг ҳаёти эса қисқа бўлиб, у айтилган пайтдагина мавжуддир.

[1] Ушинский К. Д. Таълим ва тарбия масалалари. Тошкент, 1959, 399-бет.

[2] Потебня А. А. Мысль и язык. Одесса, 1922, 183-бет.

4. Тил — турғун, статик ҳодиса, нутқ эса ҳаракатда бўлувчи, динамик ҳодисадир.

5. Тилнинг ҳажми ноаниқ, нутқнинг ҳажми эса аниқ: у матн шаклида бўлиши мумкин. Шунга кўра, матн ҳажми ҳам ҳар хил шаклланади: минимал матн (маълумотнома, телеграмма, ариза, таржимаи ҳол, қарор, хат, ишончнома, тушунтириш хати, газета хабари, эълон каби), максимал матн (ҳикоя, қисса, достон, поэма, роман, драматик асар).

Матнлар ўз тузилишига кўра сўз бирикмаси, гап, мураккаб синтактик бутунлик, абзац, бўлим, қисм, боб ва банддан ташкил топади. Шу бирликлар матн ҳосил қилишда иштирок этади ва уни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир матн маълум бир мазмунни ташийди ва бошқаларга турли хил хабарларни етказади. Хабарларни етказишига кўра, матнлар турли-туман бўлади. Улар бадиий матн, публицистик матн, илмий матн, расмий матн бўлиши мумкин.

Ҳар бир нутқий шакл — маълум мантиқий мазмун ва тузилма типи саналади. Мантиқий мазмун воқеа-ҳодиса, нарса-буюм, муаммо орқали намоён бўлади. Тузилма типи макон ва замонга қараб фарқланади. Шулар асосида ҳар бир матндаги тасвирийлик, хабар бериш ва фикр юритиш томонлари ҳисобга олиниши керак. Нарса ва объектларнинг бир-бири билан ёнма-ён мустаҳкам алоқадорлиги тасвирийлик орқали; макон ва замондаги тараққиёти хабар орқали; фикр мантиқий мулоҳаза орқали берилади. Ана шу омиллар асосида тил бирикмаларини танлаш имкониятлари ҳам ҳар хил бўлади.

Маълумки, матн назарияси тилшуносликнинг бошқа соҳалари, чунончи, семасиология, услубият, грамматика билан узвий боғланган. Анъанавий тилшунослик сўз маъноларини изоҳлаш ва бир-биридан фарқлаш муаммоси, сўз бирикмаси ва гап муаммоси билан етарли даражада шуғулланган бўлса-да, матн ва унинг тузилиши, семантикаси билан етарли шуғулланмаган.

Тилшунослар 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб матннинг моҳиятини астойдил ўрганишга киришдилар. Нутқ ҳодисасига кенг кўламда қараб, матн киши нутқий фаолиятининг маҳсули, деб ҳисоблай бошладилар.

Ҳар қандай матн яратилиши ва идрок қилинишидан ташқарида бўлмайди. Шунинг учун матнни яратиш муаммосига бағишланган бир қанча асослар пайдо бўлдики, уларда нутқий фаолият жараёнининг маҳсули сифатида матннинг шаклланиш босқичлари баён этилган.

Матнни яратиш билан бирга уни идрок қилиш жараёни ҳам мавжуддир. Бу муаммога бағишлаб ҳам бир қанча ишлар яратилди.

Матнни ҳар томонлама ўрганиш ҳам назардан четда қолмади. Бу ишлар ўз хусусияти ва моҳиятига кўра, матнни ўрганиш иши бир неча йўналишда олиб борилаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, матн — нутқ кўриниши бўлиб, вазифа жиҳатдан тугал нутқий бутунлик саналади. Матн алоқа бирлиги бўлиб, у тил тизими бирликларини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Матннинг нутқий парча эканлигини ҳисобга олиб, унда алоқа вазифасини бажарувчи гап ва гаплар йиғиндисини тадқиқ қилганда, унинг уч томонига: тил бирликлари, матн ва алоқа бирлигига эътибор бериш керак. Бу бирликларнинг биринчиси тил қурилиши соҳасидан ўрин олса, қолган иккитаси тилнинг амалий қўлланилиши соҳасига тааллуқлидир.

Тил қурилишини ўрганишда матнлардан тил материали сифатида фойдаланилади ва ундан тил бирликлари — фонема, морфема, лексема, гаплар ажратиб олинади. Матндан ажратиб олинган тил бирликлари тадқиқот объекти сифатида қатнашади. Тил бирликлари тегишли соҳаларга ажратилади ва ҳар бир соҳанинг ичидаги алоқадорлик ҳамда ўзига хос хусусиятлар кўриб чиқилади; фонологияда — фонемалар, лексикологияда — лексемалар, морфологияда — морфемалар ва ҳоказо. Шундай қилиб, фонологик, лексикологик, морфологик ва ҳоказо тизимлар тасвири яратилади. Ана шу тасвирлар асосида тил бирликлари тузилади ва ўрганилади.

Тил бирликларини амалий фаолиятда қўлланилиши жиҳатидан ўрганишда тил бирликлари ва матн ўртасидаги алоқалар бошқача нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Тилшунослик тараққиётининг маълум босқичларида лингвистик тадқиқотларнинг айримларида матнлар тил материали сифатида тўғридан-тўғри ўрганиш манбаи бўлмай қолди. Натижада улар матнлардан ажратиб олинган тил ва нутқ бирликларини таҳлил қилиш билан чегараландилар. Бунинг натижасида тилшунослик ўзининг филологик моҳиятини тезда йўқота бошлади. Шу сабабли тил мавҳум ҳодиса, деган тушунчалар пайдо

бўлди. Шундай тушунча таъсирида тилшунослик адабиётшуносликдан ўзининг тадқиқот объекти билан ажралиб туради.

Тилшунослик тил бирликлари ҳажми ва мундарижасини аниқлаш билан ҳам шуғулланади. Бу хил тадқиқотларда тилшуносликнинг филологик тадқиқот даражасига кўтарилганини кўрамиз. Афсуски, ҳозирги тилшунослигимизда бундай тадқиқотларнинг сони ва сифати давр талаби даражасида эмас. Шунинг учун матнни тил ва нутқ бирликлари жиҳатидан лингвистик ўрганиш тилшуносликдан ташқарида олиб қаралмаслиги лозим. Шу концепция асосида ўзбек адабий тили тарихининг моҳиятини ёритишга киришиш тилшунослик учунгина эмас, балки ўзбек филологияси учун ҳам муҳимдир. Бу нарса ўзбек адабий тили тарихи ва ўзбек халқининг маънавий бойлигини ўрганишда муҳим бир йўналишдир.

Тилшуносликнинг филологиядаги ўрнини белгилаб, Г. О. Винокур шундай ёзади: «Тилшуносликни ҳамда айрим олинган тил ва унинг тарихини ўрганиш—филологик энциклопедиянинг бош негизи, биринчи бобидир. Усиз бошқа боблари ёзилмайди. Тил тарихини бошқа маданий соҳалар тарихи билан боғловчи ҳалқа сифатида лингвистик услубият хизмат қилади. У фан сифатида, тил маданияти факти сифатида алоқа воситаси эмас, балки маълум даражада маданий онгни тушуниш натижасида пайдо бўлади»[1].

Демак, тилни ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган маданий факт сифатида ўрганиш филологиянинг объектидир. Тилшуносликнинг филология жиҳати лингвистик услубиятда (аниқроғи, тарихий услубиятда) ўз ифодасини топади. Филологияда тилшунослик, адабиётшунослик ва тарихга тегишли фактлар таҳлил қилинганда миллий маданиятнинг кўриниши бўлган тилнинг хусусияти ва унинг қўлланилиши ўрганилиши керак.

2- §. Тилнинг қурилиши ва қўлланилишини ўрганувчи фанлар

Тил бирликларини ўрганувчи тилшуносликнинг бир қанча соҳалари мавжуд бўлиб, улар тилнинг қурилиши ва қўлланилишини турли нуқтаи назардан ўрганади.

[1] Винокур Г. О. Избранные работы по русскому языку. М., 1959, 226- бет.

Тилни ўрганувчи тилшунослик фани тил бирликларини дастлаб икки жиҳатдан тадқиқ қилади:

а) тил бирликлари асосида — фонологик, лексикологик, морфологик, синтактик асосда ўрганиш;

б) давр жиҳатидан — тарихий ва ҳозирги давр нуқтаи назаридан ўрганиш.

Тилни бирликлар ва давр нуқтаи назаридан ўрганганда унинг қурилиши ҳамда қўлланилиши жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим. Шу жиҳатларини ҳисобга олиб тилшунослик фанларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тил қурилишини ўрганувчи фанлар: фонетика, лексикология, семасиология, грамматика.

2. Тилнинг қўлланилишини ўрганувчи фанлар: услубият.

Тилшуносликда тилнинг қўлланилишини ўрганиш фақат услубиятда эмас, балки тил қурилишини ўрганувчи бошқа фанларда ҳам амалга оширилади.

Ўзбек тили қурилишини ўрганувчи «Ҳозирги ўзбек тили» (фонетика, лексика, фразеология, сўз ясалиши, морфология, синтаксис), «Ўзбек тили тарихи» (қадимги туркий тил, эски ўзбек тили, тарихий грамматика, диалектология, ўзбек адабий тили тарихи), «Тилшунослик асослари» (тилшуносликка кириш, умумий тилшунослик) каби курслар мавжуд. Улар ўзбек тилининг ҳар хил йўналишлари асосида тадқиқ қилинади.

Тилнинг амалий қўлланилишини ўрганувчи фан *услубиятидир.* Матннинг тили ва услубиятини таҳлил қилиш орқали инсоният маънавий маданиятининг тарихи ва моҳиятини ўрганувчи умумий фан филологиядир.

Услубият тилшуносликнинг тилдан фойдаланиш услубларини ўрганадиган тармоғи бўлиб, у тил услублари, нутқ услублари, жанр услублари, ёзувчининг хусусий услубини тадқиқ қилади. Бундан ташқари, тилнинг ифодавий воситаларини (тил услубияти) ва улардан турли нуткий муносабатда фойдаланиш усулларини ўрганади.

Шунга кўра, услубият: а) тил услубияти; б) нутқ услубияти; в) матн услубиятига бўлинади.

Тил услубиятини функционал услубият деб атайдилар. Бунда тил бирликларининг маълум шароитдан ташқаридаги ҳолати ўрганилади.

Нутқ услубияти тилнинг ижтимоий ҳаётда, маълум шаклда қўлланишига қараб ажратилади.

Матн услубияти кўпинча амалий услубият деб ҳам

юритилади. Бунда матн услуби, ёзувчи услуби, адабий оқим услуби ўрганилади. Матнда тил фақат фикр шакли бўлиб қолмай, балки бадиий образ унсури ҳамдир. Матнда ҳар қандай тил факти (жумладан, адабий тилга кирмаган диалектизмлар, жаргонлар ҳам) бадиийлик вазифасини бажариши мумкин. Функционал услуб тилнинг умумий фактларига асосланади, бадиий услуб эса фақат берилган матн хусусияти билан чегараланади. Тил материалининг вазифаси матнда ўзгаради. Матн услубияти тилнинг адабиётда қандай қилиб санъат ҳодисасига айланганини текширади.

Матн услубияти фақат ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги ўзига хослигини, асар тилининг хусусиятларини тадқиқ этиш билан чегараланади. Услубнинг муҳим қисми бўлган тилнинг матндаги вазифасини аниқлашга ёрдам беради, аммо матн тилининг барча хусусиятларини ўрганиш унинг соҳасига кирмайди. Кўпинча бир нарсани услубият ҳам, адабиётшунослик ҳам ўрганиши мумкин. Масалан, метафора ва истиора поэтиканинг факти сифатида ўрганилади, ҳолбуки уларнинг моҳияти фақат тилшунослик соҳасида тўла очиб берилади.

Матн услубияти аниқ бир матн тилини таҳлил қилиш орқали умумлашма хулосалар чиқаради, бир қанча матнларга хос хусусиятларни аниқлайди. Натижада бадиий нутқнинг бир қанча қонуниятлари ишлаб чиқилади. Бу, ўз навбатида, халқ тили билан бадиий тил орасидаги муносабатларни, умумхалқ тилининг бадиий омилга айланиш йўлларини белгилашга ёрдам беради.

Шунинг учун адабий тилни матн даражасида ўрганиш матннинг лингвистик тузилишини билдиради. Олий ўқув юртларида матнни ўрганиш билан боғлиқ «Матннинг лисоний таҳлили», «Бадиий матннинг лисоний таҳлили» каби курслар ўқитилмоқда. Ана шу фанларнинг қўлга киритган ютуқлари асосида адабий тил тарихи курсини ўрганиш ва ўргатиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳар бир матн композициясини аниқ белгилашда унинг тарихий жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу нарса ўзбек адабиёти тарихи учун ҳам муҳимдир.

3-§. Ўзбек адабий тили тарихи филологик фандир

Ўзбек адабий тили тарихидаги асосий муаммо тилнинг функционал томони ва ишлатилишини ўрганишдир.

Ана шу муаммо атрофида тилшунослик ва филология бир-бирини тўлдиради.

Шунинг учун ҳозирги кунда ўзбек адабий тили тарихига ўзбек адабий тилининг тарихий функционал томони ва ишлатилишини ўрганувчи фан сифатида қараш кенг тарқалди ва шу тарзда ўқув дастури ҳамда қўлланмалардан ўрин олди.

Ўзбек адабий тили тарихининг объекти матн ва адабий тилдир. Матн бирликлари матннинг таркибий қисми саналади. Тил бирликлари ва уларнинг ички алоқадорлигини ўрганувчи тилшунослик фанларидан адабий тил тарихи ажралиб туради.

Адабий тил тарихи матнда қўлланилувчи тил ва нутқ бирликларининг хусусиятларини тадқиқ қилади. Бунда адабий тил тарихи ва назарияси тилшуносликнинг бошқа соҳаларини ўрганувчи фанларнинг натижаларига таянади ва уларнинг умумлашмаларидан фойдаланади. Ўзбек адабий тили тарихи ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ва лексикологияси материалларига асосланади, аммо уларни ўз таркибига киритмайди.

Ўзбек адабий тили тараққиёти шуни кўрсатадики, ёзишлар нутқида ишлатилган ва пайдо бўлган ҳар бир сўз ҳамда бирикма шу халқ тарихи билан боғлиқ бўлган тилда ўз аксини топади.

Ана шу ўз аксини топган матнларни филологик таҳлил қилгандагина, улар тушунарли бўлади. Шунинг учун ҳам адабий тил тарихи филологик фандир.

Ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланиши, синфларнинг пайдо бўлиши, ёзувнинг келиб чиқиши давлатнинг туғилиши, илм-фан ва адабиётнинг тараққиёти каби ижтимоий-тарихий омиллар тил тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Бу ҳар бир омил ўзбек адабий тилида ўз аксини топиш билан чегараланиб қолмасдан, балки улар бадиий тасвир воситалари тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбек адабий тили тарихида ўрганилиши муҳим бўлган масалалар асосан қуйидагилардир:

1. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш тилда, албатта, ўз аксини топади. Бу ҳол адабий тилнинг янги сўз ва жумлалар билан бойиб боришини ҳамда ишлатилиб турган сўзларнинг янги маъно нозикликлари касб этишини, тилнинг морфологик ва синтактик қурилишидаги такомиллашувни аниқлашни тақозо этади.

2. Алоқа воситаси бўлган тилнинг фан, маданият,

адабиёт ва санъат тараққиётига таъсирини ўрганиш.

3. Адабий тил тараққиётида ижтимоий ривожланиш қонунларининг акс эттирилишини ҳамда тил тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

Тил ҳодисалари вақт ва тарих синовларига жуда ҳам бардошли бўлади. Фақат жуда катта ижтимоий ҳодисалар содир бўлгандагина, тилда сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Горький таъкидлаганидек, тил кишиларнинг фаол ижтимоий фаолиятлари билан боғлиқ равишда тўлдирилади ва ўзгартириб борилади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИЙ РИВОЖИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1- §. Ўзбек адабий тили ҳақида тушунча. Адабий тил умумхалқ тилининг олий шаклидир

Адабий тил асос эътибори билан умумхалқ тилининг ижодий бойитилган ва қайта ишланган шаклидир.

«Шуни эсда тутиш лозимки, тилни халқ яратади. Тилни адабий ва халқ тилига бўлиш фақат «хом» тил ва ёзувчилар томонидан ишланган тил борлигинигина кўрсатади. Буни биринчи марта тушунган киши Пушкин бўлди, халқнинг сўз материалидан қандай фойдаланиш кераклигини, унинг қандай қилиб ишлаш зарурлигини ҳам биринчи марта у кўрсатиб берди» (М. Горький. Адабиёт ҳақида. Мақолалар тўплами, Тошкент, 1962, 96- бет).

Умумхалқ тилини қайта ишлаш, ундаги энг яхши унсурларни саралаб олиш, фикр ва ҳис-туйғуларни жуда содда ва ихчам қилиб ифодалаш соҳасида буюк сўз усталарининг тажрибаси каттадир. Умумхалқ тилини бадиий қайта ишлаш усуллари турли даврларда ўзгариб ҳамда такомиллашиб боради. Нутқ воситалари, ҳатто, энг қадимги даврларда ҳам қайта ишланган ва силлиқлаштирилган. Бундай қайта ишлаш намунасини М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари мисолида жуда равшан кўрамиз.

Адабий тил тарихининг энг муҳим вазифаларидан бири буюк сўз усталари томонидан умумхалқ тилининг қайта ишланиш хусусияти ва ролини аниқлашдир.

Адабий тил — бу мураккаб услублар тизмасидан иборат. Шундай экан, адабий тилнинг ижодкори фақат ёзувчилардир, деб бўлмайди. Шунинг учун илмий баён

этиш услубини яратишда фаол иштирок этган буюк олимларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Масалан, Алишер Навоий бир қанча бадиий асарлар яратиш билан бирга, «Мажолисун-нафоис»да адабий танқид, «Мезонул авзон»да адабиёт назарияси, «Муҳокаматул луғатайн»да тил билими ҳақида илмий фикрлар билдирган, шунингдек, бу соҳалар бўйича фикр баён этиш йўлларини ҳам амалда кўрсатиб берган.

Адабий тил лексикаси ва фразеологияси фақат миллий тил сўзлари ҳисобига эмас, балки бошқа тиллардан сўзлар олиш йўли билан ҳам бойиб боради.

Умумхалқ тилининг грамматик қурилиши ва луғат таркибидаги ҳамма омиллар адабий тилнинг меъёри қилиб олинавермайди. Адабий тил меъёрига кирмай, четда қоладиган сўз ва иборалларга шеваларга хос сўз ва иборалар, содда сўз ва иборалар, жаргонлар ва арготик лексика, махсус касб-ҳунар лексикаси киради.

Юқоридагиларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкин: ўзбек адабий тили муайян меъёрга, қолипга солинган, ўзбек халқининг барча маданий эҳтиёжи ва талабларига хизмат қиладиган тилдир, расмий давлат ҳужжатлари, фан ва техника, матбуот, радио ва телевидение, театр ва бадиий адабиёт тилидир. Адабий тилнинг икки хили — оғзаки ва ёзма шакли бор.

Адабий тилнинг оғзаки шакли қадимий бўлиб, қадимги халқ қўшиқлари, достонлари, эртаклари, латифалари, мақоллари, топишмоқлари шу шаклда яратилган ва оғиздан-оғизга ўтиб, сайқаллашган.

Ўзбек адабий тили ёзма шаклининг шаклланиши ва такомиллашиши ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Лекин адабий тилнинг ёзма шаклини оғзаки шаклидан ажратмаган ҳолда текшириш лозим, чунки усиз адабий тилнинг шаклланишини ўрганиш мумкин эмас.

Адабий тилнинг ёзма шакли фақат кишилар ўртасида бевосита алоқа воситаси бўлмай, балки бошқа жой ва замонда яшовчи инсонлар билан алоқа боғлаш воситаси ҳамдир.

Ёзма адабий тил фикр баён этиш услублари билан ҳам оғзаки адабий тилдан фарқланади. Уларнинг бирида нутқнинг монологик шакли, иккинчисида диалогик шакли кўпроқ қўлланади.

Ёзма адабий тил билан оғзаки адабий тил мустаҳкам бирликда ривожланади ва бир ҳодисанинг турли томонларини аниқлашга ёрдам беради. Оғзаки адабий

тил лексик, грамматик таркиби жиҳатидан ёзма адабий тилга мос келади. Бироқ оғзаки адабий тил сўз ишлатиш услуби ва синтактик қурилмаларни қўллаш нуқтаи назаридан ўзига хосликка эгадир.

2- §. Адабий тил меъёрга келтирилган тилдир

Адабий тил грамматик қурилиши ва луғат таркиби жиҳатидан меъёрга келтирилгандир. Адабий тил шевалар ва жаргонлардан ўзининг меъёрга солинганлиги билан фарқ қилади. Адабий тил сўзларни қонуний равишда бир хилда ишлатишни, услубда сўз маъносидан лексик-семантик меъёрда фойдаланишни, морфологик тузилиши ва синтактик қурилмаси жиҳатидан тўғри ифодалашни талаб қилади. Бундан ташқари, у нутқ воситаларини қўллаш йўллари ва усулларини, услубий меъёр асосида бадиий тасвир воситаларини яратиш усулларини, орфоэпик меъёр асосида талаффуз қилишни талаб этади.

Тил тараққиёти жараёнида адабий тил меъёри ҳам ўзгаради. Масалан, Навоий давридан бери ўзбек тили, унинг луғат таркиби ва грамматик қурилишида катта ўзгаришлар юз берди. Бу нарса, албатта, адабий тил меъёрига таъсир этмасдан қолмади. Тарихий тараққиёт жараёнида юз берган ўзгаришлар тилда ўз аксини топа борди.

Адабий тилнинг энг муҳим вазифаларидан бири, умумий тил учун ҳаётий, типик бўлган янги нарсаларни сақлаб қолишдир. Тилни яратувчи ҳам, тарқатувчи ҳам халқдир. Шунинг учун адабий тил меъёри халқчил, замонавий бўлиши билан бирга, тилнинг олға томон ҳаракатини акс эттириши керак.

Адабий меъёр онгли аралашиш орқали қайта ишланган, танланган, баҳоланган меъёрдир. Шу сабабли баъзан адабий тилни «сунъий тил», «ясама тил», халқ тили ва шеваларни «табиий тил» деб ҳам юритадилар.

Адабий тилнинг белгиси унда маълум қоидаларга асосланган меъёрларнинг бўлишидир. Бу меъёрлар тил бирликларини нутқда қандай қўллашни, бир хилликни белгилаб берувчи қоидалар йиғиндисидир. Бундай меъёрлар ҳар хил (лексик, фонетик, орфографик, грамматик) бўлади.

Адабий меъёр таркибида турли хил ижтимоий-нутқий услубларга хос содда тил, шевали, сўзлашув нут-

қдаги шакллар учрайди. Улар адабий тил меъёри доирасига кирмайди.

Ижтимоий-нутқий услуб умумхалқ сўзлашув нутқидан сўз ишлатишдаги ўзига хос хусусияти ва бошқа томонлари билан фарқланиб туради. Сўзлашув тили бир хил эмас, чунки бу тилда сўзлашувчиларнинг ўзлари ҳам турли-туман хусусиятларга эгадир.

Ҳар хил ижтимоий табақалар сўзлашув тилига хос сўз ишлатишлари ва тилдан фойдаланишлари билан фарқ қиладилар. Улар тилга ўзларини қизиқтирган, ўзларни севган сўз ва жумлаларни киритадилар.

Маълумки, жаргонлар нутқий маданият соҳасида ҳам ўзини халқдан юқори қўювчи, халқдан ажралган синфлар томонидан яратилади. Ижтимоий-нутқий услубдаги сўзлашув тили халққа тушунарсиз, аниқ бўлмаган жаргонлардан ўзининг таркиби, хусусияти ҳамда луғат ва грамматик материали жиҳатидан фарқ қилади. Лекин бунда ҳам ҳар бирининг ўзига хос хусусияти бор. Ўзбек насрида Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғ. Ғулом каби санъаткорлар қаламига мансуб бўлган асарларда бундай хусусият жуда аниқ акс эттирилган.

Хуллас, ижтимоий-нутқий услуб — бу услубий хусусият категорияси бўлиб, ўзининг сўз ишлатиш услублари билан фарқланади.

Ижтимоий-нутқий услуб шифокорлар, санъаткорлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар ва бошқа зиёли кишиларнинг сўзлашув нутқига хосдир. Нутқ воситаларининг таркиби ва улардан фойдаланиш меъёри жиҳатидан бу услуб адабий тил меъёридан четга чиқмайди.

Ижтимоий-нутқий услуб муаммосини ҳал қилмасдан ва унинг ўзига хос хусусиятини ўрганмасдан туриб, персонажлар тилини таҳлил қилиш ва унинг типиклик даражасини тўғри англаш мумкин эмас.

Ўзбек адабий тили тараққиётига шеваларга хос нутқ воситаларининг таъсири турли босқичларда турлича бўлади. Ўзбекларнинг халқ ва миллат бўлиб ташкил топиш жараёнида маҳаллий шевалар умумхалқ тилининг асоси ва муҳим манбаи бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек адабий тили тарихи олдида турган энг муҳим вазифалардан бири тил тараққиётининг қайси даврида диалектизм (шевалар) адабий тил лексикасини бойитишда асосий манба бўлиб хизмат қилганини аниқлашдир.

Ҳамма ҳаётий, типик ва тил учун керакли бўлган

нарсалар шевалардан умумхалқ тилига олинган. Шеваларда шундай сўзлар сақланиб қоладики, булар умумхалқ тилидаги сўзлар билан бирга синоним вазифасини ўтайди. Масалан, *нарвон — шоти, дўппи — каллапўш* ва бошқалар.

Айрим шеваларга, касб-ҳунарга хос сўзлар маҳаллий ўзига хосликни беришда, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда, диалогларда муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо бундай сўзларни муаллиф нутқида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шундай қилиб, адабий тилнинг шаклланиши ва тараққиётига асос бўлган манбалар тарихан ўзгариб боради.

Адабий тил ўз лексик, фразеологик, морфологик, синтактик унсурларининг турғунлиги билан ажралиб туради.

Янги тушунча ва нарсаларни ифодаловчи тилдаги янги сўзлар маҳаллий шевалардан олинмасдан, балки турли сўз ясаш йўллари асосида ҳосил қилинади ёки айрим сўзларнинг маъноси ўзгартирилади ёхуд бошқа тиллардан сўзлар олинади.

3- §. Адабий тилни тарихий-услубий жиҳатдан ўрганиш

Бадиий, публицистик, илмий, илмий-оммабоп ҳужжатлар ҳамда иш юритиш қоғозлари тилининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнларини, адабий тилнинг тарихий тараққиётини, ҳар бир услуб учун хос бўлган лексик, фразеологик, морфологик, синтактик воситаларнинг шаклланишини ўрганиш ўзбек адабий тили тарихи курсининг асосий мазмунини ва ўқув мавзуини ташкил этади.

Бу курс ўзбек тили тарихий грамматикасидан ўзининг вазифаси, материали ва тадқиқот усули билан фарқ қилади.

Тарихий грамматика энг қадимги даврдан то ҳозирги даргача бўлган тилнинг товуш таркиби ва грамматик қурилишини ҳар хил ёзма ва оғзаки нутқ материаллари асосида тадқиқ қилади. Адабий тил тарихининг вазифаси эса грамматик воситаларнинг меъёрлашиш масалаларини, уларнинг услубий фарқлари қонуниятини ўрганишдир.

Ўзбек адабий тили тарихини ўрганиш жараёнида ўзбек халқи нутқ маданиятини такомиллаштириш ва

юксалтиришда катта ҳисса қўшган ёзувчилар ижодига эътибор берилади. Уларнинг тили бадиий нутқ ҳамда миллий адабий меъёрларнинг намунасидир.

Адабий тил тарихи курси — меъёрга келтирилган бадиий иборалар таркибини ва уларнинг турли нутқ типларида ишлатилишини текширади.

Адабий тилнинг табиати ва тараққиёти асосан икки жиҳатдан, тарихий ва услубий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тарихий-услубий жиҳатдан фақат нутқ воситаларининг таркибигина эмас, балки уларнинг турли нутқ типларида ишлатилиш қонуниятлари ҳам ўрганилади.

Адабий тил услублар тизмасидан иборат бўлиб, у турли даврларда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши мумкин. Услублар тарихан шаклланган адабий тилнинг турли кўринишлари бўлиб, улар фикрни ифода этиш жараёнида нутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади.

Адабий тил услублари тараққиётини адабий жанрлар тараққиётидан ажралган ҳолда қарамаслик керак. Нутқий воситалар таркиби ва уларни қўлланиш меъёрлари асар жанри билан мустаҳкам алоқадордир. Адабий тил услублари жанрлар принципи асосида тасниф қилинади. Масалан, адабиётнинг асосий жанрларидан бири бўлган публицистика публицистик услуб асосида иш кўради.

Ҳар бир услубнинг тараққиёти ва унинг бошқа услубларга муносабатини аниқлаш учун даставвал адабий тилдаги мавжуд услуб турларини ва уларнинг вазифа доирасини белгилаш зарур бўлади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги услубларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин.

I. Тил услуби. Бунинг ўзи китобий услуб ва сўзлашув услуби сифатида иккига бўлинади.

II. Нутқ услуби. У алоқа услуби ва эстетик-алоқа услуби, деб иккига ажралади.

1. Асосий алоқа услуби ўз навбатида сўзлашув услуби, илмий баён услуби, публицистик услуб, расмий-иш услубига бўлинади.

2. Эстетик-алоқа услубига бадиий адабиёт услуби киради.

Адабий тил тараққиётининг турли даврларида адабий услубларнинг қўлланиш мавқеи ўзгариб боради.

Масалан, ўзбек адабиёти тарихининг маълум даврида шеърият услуби асосий ўринга кўтарилиши мумкин.

Адабий услублар учун умумий хусусиятлар нималар ва уларнинг бир-биридан фарқлари нимада?

Умум қўллайдиган сўзлар турли нутқ услубларида турлича маънода келади. Масалан *руҳ* сўзининг асосий ва умумий маъноси бор. Бадиий нутқ услубида: *Қизнинг руҳи шод. У фақат ва фақат ўйнагиси ва яйрагиси келарди.* Публицистикада эса бошқа маъно касб этади: *мақола руҳи,* яъни ғоявий йўналиши маъносида келса, илмий-фалсафий услубда *руҳ* сўзи материяга қарама-қарши маънода ишлатилади.

Бундан ташқари, услублар бир-биридан ўзига хос лексикаси ва фразеологияси билан фарқланади. Масалан, публицистик услубда *совуқ уруш, хотин-қизлар масаласи, Яқин Шарқ масаласи* иборалари кўп ишлатилади. Бу ўзига хос публицистик фразеология бўлиб, *масала* сўзи ўз маъносида эмас, балки ижтимоий-публицистик маъносида қўлланилган.

Услублар бир-биридан сўз ва атамалардан фойдаланиш усуллари ва таркиби жиҳатидан, бадиий тўқима, ҳар хил гап қурилмаларини ишлатиш билан фарқ қилади.

Нутқнинг ифода мақсадига ва мазмунига, экспрессивлигига кўра услублар турли хил бўлади. Шунга асосан, академик Л. В. Шчерба адабий тил услубидаги сўзларни тўрт гуруҳга бўлади:[1] тантанали сўзлар, бетараф сўзлар, бетакаллуф сўзлар, вульгар сўзлар. Буни мисоллар орқали қуйидагича кўрсатиш мумкин: юз, бет, афт, башара ва бошқалар.

Услублар алоқаси, биринчи навбатда, шеъриятга хос услублар билан насрга хос услубларнинг аралаш ҳолда қўлланилишида кўринади. Айниқса, кейинги йилларда яратилган насрий асарларда шеърий услубнинг таъсири (масалан, инверсия) аниқ кўринади. Яна бунинг устига, ҳозирги кундаги етакчи ёзувчиларимиз ҳам насрда, ҳам шеъриятда, ҳам драматургияда ижод қилаётганлиги услублар алоқасининг кучайишига таъсир этмоқда.

Шунингдек, А. Мухтор, И. Раҳим каби ёзувчиларнинг

---

[1] Щерба Л. В. Современный русский литературный язык. «Русский язык в школе», 1939, № 4, 22-бет.

асарлари тилида публицистиканинг таъсири бошқаларга нисбатан кучлироқдир.

Публицистик услуб учун ижтимоий-публицистик лексика хос бўлади. Бу лексика шеърий асарда бошқача, насрий асарда бошқача жаранглайди. Публицистик услуб бир хил эмас, чунки унда ижтимоий йўналиш ва мафкуравий кураш акс этади.

Бадиий адабиётда илмий атамалардан фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бу ҳам ўз навбатида услубларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди. Масалан, А. Мухторнинг «Туғилиш» романи, Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» повестида техникага доир атамалардан фойдаланилган.

Адабий тилнинг турли услубларида синфий интилишлар маълум даражада ўз ифодасини топиб, унда ўзига хос сўз ва ифодалар қўлланади.

Адабий тил ва матн тилида умумхалқ тилининг муҳим ютуқлари умумлашган. Ёзувчи тилининг умумхалқ тили билан алоқаси мана шу тил халқчиллигининг асосий мазмунидир.

«Ёзувчи тилини ўрганиш биринчи даражадаги аҳамиятга молик илмий масала бўлиб, асар тилини ўрганиш асардаги воқеалар, ҳодисалар рўй берган давр тилини ҳам ўрганишдир»,— деган эди академик Виноградов.

«Адабий тил» ва «бадиий адабиёт тили» атамалари яқин тушунчалар бўлиши билан бирга, ҳаммавақт ҳам бир-бирига мос тушавермайди.

Бадиий адабиёт тили умумхалқ тили тараққиёт қонунларига бўйсунади, матбуот тили ҳисобланган адабий тилга ва сўзлашув тили ҳисобланган жонли тилга асосланади. Ёзувчи ҳаётий воқеаларни тасвирлаганда, тимсол яратганда, асосан, адабий тилнинг ифода воситаларидан, жонли тилдаги шевалардан, касб-ҳунарга хос сўз-атамалардан ҳам кенг фойдаланади. Бинобарин, бадиий адабиёт тили адабий тилга қараганда кенг қамровлидир.

4- §. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш

Ҳозирги ўзбек тили қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тиллар билан биргаликда туркий тиллар тизмасини ташкил этади. Чунки уларнинг келиб чиқиши бирдир. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги ҳолатини илмий

жиҳатдан ўрганиш учун унинг узоқ тарихий тараққиёт йўлларини чуқур билиш зарур.

Тил тараққиётининг турли даврларида амал қилган қонуниятларни ва шу қонуниятларга мувофиқ тилда воқе бўлган фонетик, лексик, граматик ва семантик ўзгаришларни ўрганишга қизиқиш қадимги даврлардаёқ бошланган.

Тил тарихини ўрганишдаги энг муҳим масалалардан бири — даврлаштиришдир. Даврлаштириш учун ўзбек тили ва унга уруғдош бўлган туркий тилларнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзаро муносабатлари аниқланиши лозим.

Маълумки, даврлаштириш туркий тилларнинг таснифи билан ҳам боғлиқдир. Тасниф маълум даражада тиллар тарихини даврлаштириш демакдир. Чунки таснифда ҳам, даврлаштиришда ҳам бир хил принципга, яъни тарихийлик принципига амал қилинади.

Туркий тилларнинг таснифи XI асрда М. Қошғарий томонидан берилган бўлса ҳам, XIX асргача бу тилларнинг мукаммал таснифи яратилмаган эди. XIX асрдан бошлаб туркий тилларни рус олимлари тасниф қила бошладилар. Булардан айримларини намуна учун келтирамиз:

I. В. В. Радлов туркий тилларни тўрт гуруҳга бўлади: 1. Шарқий гуруҳ (Сибирь татарлари тили). 2. Ғарбий гуруҳ (қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар тиллари...). 3. Ўрта Осиё гуруҳи (ўзбек, уйғур тиллари). 4. Жанубий гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк, қрим-татар тиллари).

II. А. Н. Самойлович Радлов ва Корш таснифларини бирлаштириб олади. 1. Жануби-Шарқий ёки чиғатой гуруҳига ҳозирги уйғур, ўзбек тилларини ва шевларини киритади. 2. Жануби-Ғарбий ёки ўғуз гуруҳига ўзбек тилининг ўғуз шеваларини киритади.

III. С. Е. Малов ўз таснифида янги турк тиллари гуруҳига ўзбек, чиғатой тилларини киритади.

IV. Н. А. Баскаков таснифида турк тилларининг Ғарбий хун тармоғи қарлуқ тиллари гуруҳига киритилади: а) қарлуқ-уйғур гуруҳи; б) қарлуқ-хоразм гуруҳи. Бунга қорахоний-хоразм тили (Аҳмад Яссавий асарлари), ҳозирги ўзбек тили ва шевалари, ҳозирги уйғур тили ва шевалари киритилган (бунда айрим лингвистик белгилар ҳисобга олинган).

V. В. А. Богородицкий (1921) таснифида Ўрта Осиё

гуруҳига ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари киритилган.

Уларнинг баъзилари туркий тилларни ҳудудий-жўғрофий жиҳатдан тасниф қилса, бошқалари тилларнинг бир хил лингвистик белгисига асосланади. Учинчиларида туркий тиллар тарихи халқ тарихи билан етарлича боғланмайди. Шулар ичида Н. А. Баскаков таснифи анча мукаммал туюлади.

Таснифларда бир хиллик бўлмаганлиги сабабли туркий тиллар тарихини даврлаштириш ҳам ҳар хилдир.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи, асосан, 1940 йилдан бошланди.

1. Устоз Теша Салимов 1940 йилда тузган «Ўзбек тили тарихи» дастурида тилимиз тарихини қуйидагича даврлаштирган:

1. Қадимги даврда Ўрта Осиё адабий тиллари (VIII асрдан XIV аср ярмигача). 2. XIV аср адабий тили. 3. XV—XVI асрларда адабий тил. 4. XVII—XIX асрларда адабий тил тараққиёти. 5. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек адабий тили. 6. Ўзбек адабий тили тараққиётида янги шўро даври (ҳозирги замон ўзбек тили).

1948 йилда тузилган «Ўзбек тили тарихи» дастурида даврлаштириш қуйидагича берилган:

1. Ўрта Осиёдаги қадимги тиллар ва ёзувлар (VIII асрдан XI асргача). 2. XI—XII асрларда қадимги турк адабий тили. 3. XIII—XIV асрлардаги адабий тил. 4. XV—XVI асрларда ўзбек адабий тили (темурийлар давридаги адабий тил). 5. XVII—XIX асрларда ўзбек адабий тили (мустамлака даврида ўзбек адабий тили). 6. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили (шўро даврида ўзбек адабий тили тараққиёти).

Ўзбек тили тарихини даврлаштиришга оид махсус ишлар 1950 йилдаги тилшунослик соҳасидаги мунозарадан кейин юзага келди.

II. Фахри Камол 1952 йилда «Ўзбек миллий тилининг ташкил топиши ва тараққиёти» мақоласида тил тарихини қуйидаги босқичларга бўлади:

1- босқич — V асргача бўлган даврда уруғ-қабила хусусиятига эга бўлган тил; 2- босқич — V—XI асрларда халқ тили унсурларига эга бўлган қабила тили; 3- босқич — XI—XII асрлардан Октябрь инқилобигача бўлган даврдаги миллий тил унсурларига эга бўлган халқ

асрнинг 20-йилларигача; 2) ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Ўзбек тили тарихини даврлаштиришга доир юқоридаги тархлар ҳозирги талабга тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилигида ўзбек адабий тилининг қадимги турк даври турлича номланади ва изоҳланади.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда Ф. Абдуллаев, О. Усмонов ва А. Шчербакларнинг тархлари тил тараққиёти қонуниятларини маълум даражада ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Биз ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришга оид таснифлардан фойдаланиб, даврлаштиришнинг қуйидаги тархини тавсия этамиз:

I. Қадимги туркий халқлар даврида адабий тил (V—X асрлар).

Бу даврда қадимги туркий адабий тилнинг шаклланиши ва унинг ёдгорликлари. Қадимги туркий адабий тилнинг хусусиятлари.

II. Илк давр ўзбек халқ тили (X асрдан XIV асрнинг ярмигача бўлган давр):

1) ўзбек адабий тилида икки хил функционал типнинг шаклланиши ва дастлабки тараққиёти (X—XII асрлар). Бу даврда ўзбек адабий тилининг китобий тил ва халқ адабий тили каби типлари шаклланди. Халқ адабий тилининг шаклланишида халқ оғзаки ижоди катта роль ўйнади. Грамматик қурилиши ва луғат таркиби нуқтаи назаридан китобий тил билан халқ адабий тили бир-бирига фаол таъсир қилади. Шу икки типли адабий тил Шарқий ёки Шарқий Туркистон адабий тили деб аталади. Бу даврнинг китобий тил ёдгорлиги сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XI аср), Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» (XII аср) асарларидир. Ўша даврда яратилган ҳуқуқий ҳужжатларда китобий тил билан халқ адабий тили аралашган ҳолда ишлатилган;

2) адабий тилда маҳаллийлашиш тамойилининг пайдо бўлиши ва кучайиши (XII—XIV асрнинг ярми). Бу даврга келиб Чиғатой ва Олтин Ўрда давлатлари тузилди. Адабий тилда ҳудудий унсурлар ўз ифодасини топди. Китобий тилда ҳам, адабий тилда ҳам, расмий ҳужжатлар тилида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Шарқий адабий тилнинг таъсири камайиб, Ғарбий адабий тил кучайди. Ғарбий адабий тил ёдгорлиги сифатида

қарлуқ-хоразм лаҳжасида ёзилган Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» и (XII аср), Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» (XIV аср) асари, адабий тилнинг Олтин Ўрда туркумида ёзилган «Наҳжул-фародис», «Муҳаббатнома», «Хусрав ва Ширин», «Меърожнома» каби асарлар, адабий тилнинг Чиғатой улуси тилида «Муқаддимат-ул-адаб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Равнақ-ул-исломом», «Ўғузнома» каби асарларни кўрсатиш мумкин. XI—XIV асрлардаги аралаш шева хусусиятларини «Тафсир»да учратамиз.

III. Ўзбек халқи тилининг такомиллашиш даври (XIV асрнинг охиридан XIX асрнинг иккинчи ярмигача).

1) Ўзбек халқ адабий тилининг тўлиқ шаклланиши (XIV асрнинг охиридан XVII асргача). Бу давр элат адабий тилининг роли ошганлиги билан ажралиб туради. Бу тил маълум даражада ўзбек халқининг оғзаки ижоди билан муносабатда бўлади.

Элат адабий тилининг луғат таркиби, грамматик қурилиши ва товуш таркибида ўзгаришлар юз беради. Китобий адабий тил шакллари архаиклаша боради. Расмий ҳужжатлар тили жонли сўзлашув тилига яқинлашади. XIV асрнинг охирида Мовароуннаҳрда ягона Темур давлатининг вужудга келиши ва бу даврда эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш ва тараққиёти Саккокий, Атоий, Лутфий, А. Навоий, Заҳириддин Бобур, М. Солиҳ каби ижодкорлар яратган асарлардан маълум;

2) халқ адабий тили билан китобий тилнинг бир-бирига яқинлашувининг тугалланиши ва адабий тилга сўзлашув нутқи хусусиятларининг сингиши (XVII аср ва XIX асрнинг II ярмигача).

Бу даврда халқ адабий тили сўз санъаткорлари ижоди таъсирида ривожланди ва мустаҳкамланди. У китобий тил ва расмий ҳужжатлар тили билан мустаҳкам алоқада тараққий қилди. Лекин расмий ҳужжатлар услуби ҳали ўрта аср даражасида эди. Ўша даврда яратилган ёдгорликлар тилида сўзлашув нутқи хусусиятлари кўплаб учрайди. Халқ адабий тили билан китобий тилнинг бир-бирига яқинлашуви шу даврда яшаб ижод этган ёзувчилар — Абулғози, Турди, Гулханий, Маҳмур, Мунис, Огаҳий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқ тилининг такомиллашуви даврида икки хил услуб — дабдабали услуб ва сўзлашув тили услуби мавжуд эди.

IV. Миллий тил унсурларининг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш давридаги ўзбек адабий тили (XIX асрнинг II ярмидан ҳозирги кунгача бўлган давр).

1) XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабий тилининг бойиб бориши ва тараққиёти.

Бу даврда ўзбек адабий тили тизимида газета-публицистика тили ва услуби шаклланди. Газета-публицистика услуби ва демократ шоирларнинг асарлари орқали рус тили ҳисобига тилимиз лексикаси бирмунча бойиди.

Ўзбек миллий тили меъёрларини яратиш соҳасидаги дастлабки курашлар давом этди, бунинг натижасида араб, форс, турк ва татар тилларига хос тил хусусиятлари пайдо бўлди. Миллий тилнинг дастлабки унсурлари вужудга келди;

2) ўзбек миллий тили ва унинг ривожланиши. Миллий тилни яратиш ва шакллантириш соҳасидаги курашлар: адабий тил услублари тўла шаклланди ва уларнинг ҳажми анча кенгайди.

5- §. Ўзбек адабий тили ва унинг номланиши

Ер юзида яшаётган барча халқлар тўсатдан ёки тасодифан пайдо бўлган эмас, улар турли ном-нишонлар билан ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтишган. Бир гуруҳ халқлар ўзларининг этник номларини асрлар оша сақлаб келишган, бошқалари эса, ўзга бир тоифалар таркибида ҳаёт кечирган. Худди шунингдек, ўзбек қавмлари ҳам ўз номига эга бўлгунча турли этник номлар остида бошқа қавм гуруҳлари билан бирга яшаган. Ўзбек халқи асрлар оша скиф, хун, қадимги туркий даврларда тарихан шаклланган бир гуруҳ туркий қабилалар асосида ташкил топган. Гарчанд, ўзбек халқи номи мавжуд бўлмаса ҳам, биринчи қатлами IX—XI асрларда қорахонийлар даврида қарлуқ, чигил, ёғмо қабилалари иттифоқи заминида шаклланган.

XI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда ташкил топган салжуқийлар ҳамда XII асрда сиёсий майдонга чиққан хоразмшоҳлар даврида ўғузлар гуруҳининг қорахонийлар давридаги қарлуқ, чигил, ёғмо қабилаларига қўшилиши орқали ўзбек халқининг иккинчи қатлами пайдо бўлди.

XIII—XIV асрлар Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг ташаббуси билан бутун Даштиқипчоқда яшаган туркий

(қипчоқ) қавмлар юртини Жўжи улуси эмас, ўзбек улуси деб аталиши фармон қилинди. Шундан сўнг Даштиқипчоқда яшаган қипчоқ қабиласига мансуб туркий қавмлар ўзларини ўзбек элати деб атади. XV асрнинг охири—XVI аср бошида шу ўзбек элатининг кўпчилик қисми Шайбонийхон билан Ўрта Осиё ўлкаларига кўчиб келдилар, бу эса ўз навбатида ўзбек халқининг учинчи қатламини ташкил қилди. XVIII аср бошида қалмоқлар таъйиқи остида Мовароуннаҳрга кўчиб келган, қипчоқ номини сақлаб қолган туркий қавмлар асосида ўзбек халқининг этник таркиби кенгайди.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихига эга бўлишига қарамай, XX асрнинг бошларигача турк, сарт, чиғатой, ўзбек атамалари билан юритилиб келган.

Турк атамасининг *уруғ, элат, кўчманчилар мамлакати, баҳодир, кучли, қудратли, алоҳида жангчилар, қироласизлар, дубулға* содда маъноларида ишлатилгани қайд этилади (Кононов А. Н. Опыт анализа термина турк.— СЭ. 1. 1949.— с. 42).

Турк номи ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилига нисбатан қўлланилган. Бундан ташқари, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибирь, Кавказ, Волгабўйи халқлари ҳам турк деб аталган. Уларнинг тили турк тили ёки туркий тил деб юритилган. Лекин ўтмишда ўзбек тилини бошқа туркий тиллардан фарқ қилиш учун у туркча, туркистонча, Ўрта Осиё туркчаси, ўзбек туркийси каби ҳар хил номланган.

Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн» асарида ўзбек халқини турк ва унинг тилини турк тили деб атайди. Амалда турк, туркий, турк улуси, турк тили, турк ибораси, туркча, туркий тил, туркий алфоз каби ифодаларни кенг ишлатади. Масалан, «... менинг таъбим турк алфозига мулойим тушган учун таърифида муболаға изҳор қилурмен. Бу ғариб маъни адосида туркчада бу матлаъ борким» (А. Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Танланган асарлар. 3- том, Тошкент, 1948).

Ўзбекларнинг ўтроқ қисми XVI асргача турк номи билан юритилиб келган, ундан кейин уларнинг маълум бир қисми — шаҳар аҳолиси сарт деб аталадиган бўлди.

Айрим манбаларда кўрсатилишича, сарт атамаси ўзбек ва тожиклардан бошқа алоҳида бир элатни ифодалайди, дейилса, бошқа манбаларда эса бу сўз маҳал-

лий халқни камситиш учун ҳақоратни билдирувчи сўз дейилади.

Бизнингча, сарт атамаси алоҳида элатнинг номини билдирган сўз эмас. Шунингдек, ўзбекларни таҳқирлаш учун ҳам ишлатилмаган, XVI асрдан бошлаб Чирчиқ, Оҳангарон, Қорадарё ва Норин дарёлари водийсида яшовчи аҳоли қайси тилда сўзлашишларидан қатъи назар, сартлар дейилган. Бундан сўнгроқ Зарафшон водийси ва Хоразм воҳасидаги ўтроқ деҳқон-косиб, ҳунарманд аҳоли сарт номи билан юритила бошлаган эди.

Демак, сарт атамаси этник маънони билдирган сўз бўлмай, кишиларни касбига, ўз хўжаликларига қараб ифодаловчи сўз бўлиб келган.

Сарт атамаси биринчи бўлиб Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XI аср) асарида учрайди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида сарт сўзи савдогар маъносида қўлланган.

Рашиддиннинг «Жомеул таворих» китобида мўғуллар қарлуқларни ҳам сарт деб атаганликлари тўғрисида маълумот берилган. Араблар Ўрта Осиёдаги мусулмонларни сарт номи билан атаб келган эдилар.

Навоий ва Бобур сарт атамасини тожик-форсларга нисбатан қўллаганлар. Умуман, XVI асргача Ўрта Осиё шаҳарларида яшовчи тожик аҳолини сарт дейилган. Шайбонийхон истилосидан кейин бу ерлардаги ўтроқ туркий аҳоли ҳам кўчманчи ўзбеклар томонидан сарт деб юритилгани маълум.

Сарт атамаси санскрит тилидан олинган сарлавҳа (карвонбоши, савдогар, шаҳарлик) сўзининг ўзагидир. Шунинг учун бу этник ном бўла олмайди, лекин сарт сўзи ўзбек маъносида ишлатиладиган бўлди: *сартия эли, сартия лисони, лисони сартия, сарт тили, сарт иборати, сарт қавмлари.*

Чиғатой атамаси мўғуллар истилосидан кейин пайдо бўлган. Чингизхон вафотидан олдинроқ босиб олган ўлкаларини ўғил ва набиралари ўртасида тақсимлаган. Шунда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон ўртанча фарзанди Чиғатойга берилган. Чиғатойхон тасарруфига қарайдиган ерлар Чиғатой юрти, эли; элатлар эса Чиғатой улуси; бу ҳудудда яратилган адабий, тарихий асарлар аста-секин, даврлар ўтиши билан чиғатой адабиёти, унинг тили сунъий равишда чиғатой тили номи билан юритиладиган бўлган. Демак, *Чиғатой* атамаси ҳукмдор номи билан боғланган атамадир.

Навоий «Чор девон»ида *Чиғатой, Жўжи* атамалари уруғ, қабила номларини билдиргани ҳақида маълумот берилган: *«Турк қавмлари Жўжидур, Иноқ, Чиғатой».*

Адабиётшуносликда *чиғатой адабиёти ва чиғатой тили, чиғатой туркийси* атамалари учрайди. Бунда, яъни *чиғатой адабиёти* атамаси қўлланса, ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмоқ керак. *Чиғатой тили, чиғатой туркийси* атамаси учраб қолса, унинг эски ўзбек адабий тили ўрнида ишлатилганини англаймиз.

Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, унинг номланиш тарихи хусусида С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, Я. Ғ. Ғуломов, Л. В. Ошанин, М. Ваҳобов, А. Асқаров, Б. Аҳмедов, И. Жабборов каби олимларнинг ҳар хил тарздаги тадқиқотлари мавжуд. *Ўзбек* атамаси гарчи *«ўзи-бек»*— ўзига бек, мустақил беглик каби маъноларни билдирган сўз деб юритила бошлаган бўлса ҳам, қадим бу сўз нимани англатгани аниқ эмас.

Ўзбек сўзининг келиб чиқиши ва қўлланиши ҳақида ҳозирча энг сўнгги маълумот профессор Х. Дониёров мақоласида анча батафсил берилади. Мақолада биз учун янги фикр муаллифнинг *ўзбек* атамасининг XI асрда ҳам ишлатилгани ҳақидаги аниқ манбаларга суяниб келтирган мулоҳазасидир. У ёзади: «Ўзбек номи, профессор А. Ю. Якубовский, академик А. А. Асқаров ва бошқа кўпгина тарихчилар тақрорлаб келаётганидек, фақат XIV ёки XVI асрдан кейин пайдо бўлмасдан, балки анча илгари юзага келганлиги, шунингдек, бу ном билан аталувчи қавмларнинг ҳозирги Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва ҳатто араб мамлакатлари ҳудудида ҳам анча илгаридан бери яшаб келаётганлигига қуйидаги мисоллар жуда ёрқин далил бўла олади. Масалан, XI асрда Сурияда яшаган араб тарихчиси Исома ибн Мунқизнинг «Китоб-ал эътибор» («Ибратли китоб») деган асарида ёзилишича, «ўзбек» қавмига мансуб бўлган кишилар ўша вақтдаёқ Арабистонда анча мавқе эгаллаганлар ва европаликларнинг салб юришларида мусулмонлар томонида туриб жанг қилганлар. Исома ибн Мунқизнинг ўзи ҳам шу жангнинг иштирокчиси бўлган; 509 йил (ҳижрий ҳисоби билан — *Х. Д.*) отам, Тангри уни раҳмат қилсин, қўшин билан лашкарбоши Бурсуқ ибн Бурсуқ ҳузурига чиқди. У Бурсуқ билан урушга отланган эди. У билан кўпчилик халқ бирга бўлиб, бир жамоа амирлар кузатиб борар эди, улар орасида қўшин амири (отабеги) Мавсил ҳокими Ўзбек,

Ваҳба ҳокими Сунқур Дироз, амир Кунтуғди, бош ҳо
жиб Бектемир Зангий ибн Бурсуқ каби баҳодирлар
ҳамда Темирак, Исмоил Бекчи ва бошқа амирлар бор
эди... Бурсуқ унга қўшинлар амири Ўзбек бошлиқ ў
минг отлиқ аскарни юборди».

Кўринадики, ўзбек қавмига мансуб бўлган кишилар
у ерга фақат европаликларга қарши уруш қилиш учун
борган эмас, балки аввалдан у ерларга яшаб келган
баъзилари эса кичик бўлса ҳам, ўша ердаги шаҳар
ларга ҳоким бўлганлар ва уларнинг ихтиёрларида ў
лашкарлари билан (айниқса, турк, жумладан, ўзбек
аскарлари) бошқалар орасида ўзларининг жасурлик
лари билан машҳур бўлган.[1]

Ўзбек атамаси уруғ, қабила, элат, сахий, одамохун,
дилтортувчи, севгили, маъноларида Лутфий, Атоий,
Навоий асарларида ҳам учрайди.

Хуллас, ўзбек халқи ўзининг узоқ ўтмиш тарихига
ёзув маданиятига эга бўлган қадимги халқлардан бў
лишига қарамай, *турк, сарт, чиғатой* ва *ўзбек* атамала
ри билан юритилиб келган. Юқоридагилардан маълум
бўладики, халқ ва тилнинг номланиш тарихи ўша халқ
нинг ва унинг тилининг таркиб топиш жараёни билан
доим тенг бўлавермайди.

Халқ ва тилнинг номланиши унинг келиб чиқиш та
рихини белгиламайди.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

1- §. Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар ўртасида тутган ўрни

Ўзбек тили туркий тиллардан бири саналади. У ту
зилиш жиҳатидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги
тиллар ва бошқа тиллар қурилишига ўхшайди. Бу
нарса ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар билан қар
дошлигидан далолат беради.

Ўзбек тилидаги сўзлар, бутун туркий тилларда бў
гани каби, асосан уч товушли бўлади: *бил, дил, тил,*
кел, қол, кўз кабилар. Туркий тилларда, жумладан, ў
бек тилида *от, ов, ой* каби бир бўғинли; *икки, олти,*

[1] Дониёров Ҳ. Ўз тарихимизни биламизми? «Гулистон» жур
нали, 9- сон, 1990, 14- бет.

бир каби кўп бўғинли сўзлар камдир. Айрим сон
ни кўмакчиларни ҳисобга олмаганда, сўз охирида
ларнинг қатор келиши юз бермайди: *ост, уст,*
тўрт, торт каби.

Ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда қўшимча-
асосан ундош билан бошланади. Префикслар тур-
тиларда учрамайди. Аффикслар ўзакка бирин-ке-
кўшилади. Масалан: *қишлоқларимиздагиларми?*

Туркий тиллар учун хос бўлган сўзларнинг кўпчи-
кўп маънолидир: *бош, тош, тиш, бет, ёш* каби.

Буларнинг ҳаммаси ўзбек тилини ҳам туркий тил-
каторига қўшишга имкон беради. Шунинг учун
Ўзбек тили, академик А. Н. Самойловичнинг тур-
тиллар таснифига кўра, у ўғуз гуруҳига ҳам, чи-
гуруҳига ҳам, қипчоқ гуруҳига ҳам киритилади.
таснифий эмас. Чунки ўзбек тили Ўрта Осиё ва
истондаги ўғуз, чиғатой, қипчоқ гуруҳларига ки-
туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, уйғур тил-
билан яқин ва ўхшашдир.

Ўзбек тили ўзининг фонетик тузилиши, грамматик
тузилиши ва луғат таркибига кўра турли туркий тил-
билан бирлашадиган умумий хусусиятларига ва у
лардан фарқ қиладиган ўзига хос белгиларига эга.

Ўзбек адабий тили бошқа туркий тиллардан унли-
нинг қаттиқ-юмшоқлиги, узун-қисқалиги ва миқ-
сифати билан фарқ қилади.

Масалан, ўзбек тилида унлилар асосан олтита
а, э, о, ў, у, и) бўлса, қирғиз тилида саккизта (*а, э, о,*
ө, ү, ы, и), уйғур тилида ҳам саккизта (*а, э, о, ө,*
ү, ы, и) дир. Ўзбек адабий тилида учрамайдиган ун-
лар оҳангдошлиги қирғиз тилида жуда кучлидир:
Жер болбос сөздэр айтылды (А. Токомбаев). Келти-
рилган мисолни унинг ўзбекча таржимаси билан қиёс-
лаш, фарқли ҳолатни яққол сезамиз: *Бўлар-бўлмас*
сўзлар айтилди.

Лекин ўзбек тилида унлилар уйғунлиги бўлган, лекин
қаттиқ ва юмшоқликка қараб фарқланган: *кэлдук.*
Ҳозирги ўзбек адабий тили эса сингармонизмнинг
йўқолиши жиҳатидан бирорта туркий тилга мос кел-
майди, деса бўлади.

Ўзбек тилининг ундошлар тизими бошқа туркий
тилларга мос тушади. Аммо туркий тиллардан баъзи-
ларида ундошлар бошқачароқ ишлатилади.

Ўзбек ва туркман тилларида сўз бошида келадиган **й** товуши қипчоқ гуруҳидаги туркий тилларда **дж** ва **ж** товуши билан берилади: *йигит — жигит, йўқ — жўқ, етти — жетти* каби.

Ўзбек тилида **т, к** билан бошланадиган сўзлар ўғуз гуруҳидаги туркий тилларда **д, г** билан берилади: *темир — дэмир, тевэ — дева, тил — дил, кўз — гўз, кун — гун* каби.

Ўзбек тилида айрим сўзларда **ч, ш** ундошлари ишлатилгани ҳолда, қорақалпоқ ва қозоқ тилларида **ш** ва **с** ундошлари ишлатилади: *куч — куш, уч — уш, оч — аш, тиш — тис, бош — бас* каби.

Ўзбек тилида **ғ** ундоши билан тугаган сўзлар татар, бошқирд, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқларда **в (у)** ундоши билан берилади: *тоғ — тав — тау, боғ — бав — бау, соғ — сав — сау* кабилар.

Келтирилган намуналар туркий тиллар фонетик тизимидаги ўзига хос хусусиятларни акс эттиради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тиллар грамматик қурилишида ҳам ўхшаш томонлар мавжуд. Туркий тиллардаги сўз туркумлари, сўз ясовчилар, сўз ўзгартувчилар, шакл ясовчилар бир-бирига ўхшайди. Аммо аффикслар ҳар бир тилнинг ўз фонетик тузилишига кўра турлича вариантларда келади.

Масалан, ўзбек адабий тилида кўплик **-лар** аффикси билан ифодаланади. Бошқа туркий тилларда ҳам **-лар** билан берилади. Лекин қозоқ тилида олтита **(-лар, -лер, -дар, -дер, -тар, -тер),** қирғиз тилида ўн иккита **(-лар, -лер, -дар, -дер, -тар, -тер, -лор, лер, -дор, -дер, -тор, -тер)** варианти бордир.

Худди юқоридаги каби ўзбек тилидаги келишик, эгалик, кесимлик, шахс, замон аффикслари бошқа тилларнинг талаффуз қонунига биноан турлича фонетик вариантларда ишлатилади.

Ўзбек тили билан бошқа туркий тиллар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда ноўхшашликлар уларнинг луғат таркибида ҳам мавжуддир. Агар биз ўзбек тили луғат таркибини кўздан кечирсак, унда умумий туркий тилларга, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тилларга тегишли ва фақат ўзбек тилининг ўзига хос сўзларни учратамиз.

Умумий туркий тилларга тегишли сўзларнинг дастлабки қўлланишини руник ёзма ёдномаларда учратамиз. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий халқларга

анчадир бўлган сўзларнинг дастлаб ишлатила бошланишини X—XIII асрлар ёдгорликларида кўрамиз.

Ўзбек тилида бошқа туркий тилларга хос хусусиятлар билан бирга туркий бўлмаган тилларда сўзлашувчи этник унсурларнинг таъсири ҳам бор. Бу ҳол ўзбек тили материаллари асосида туркий тилларга оид бир қатор муаммоларни ҳал қилишда қиёсий-тарихий усулни жорий қилишга кенг имкон беради.

Ўзбек тили тарихини қиёсий-тарихий усул асосида ўрганиш натижасида қўшни қардош туркий тилларга хос бўлган айрим лексик-грамматик ва фонетик жиҳатдан умумийликларни топиш қийин эмас. Тарихий лингвистик маълумотларни, яъни фақат тилдаги баъзи умумийликларнигина назарга олганимизда, ўзбекларнинг бир қисми билан уйғурлар орасида, ўзбеклар билан қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар орасида, ўзбеклар билан туркманлар орасида генетик яқинликлар бўлган деган хулосага келиш мумкин. Шу халқлар тиллари орасида умумий бўлган ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келган энг муҳим сабаблардан бири халқлар таркибидаги айрим қабила ва уруғлар орасида қардошлик муносабатларининг мавжудлигидир.

Тилларни чоғиштириб ўрганиш тилнинг лексик ва грамматик хусусиятларини ёритиш учун, унинг тараққиёт манбаларини аниқлаш учун кенг имконият туғдиради.

Туркий тилларни қиёсий ва қиёсий-тарихий усул асосида ўрганишда ҳам маълум анъанага эгамиз.

Тилларнинг қариндошлигини қиёсий-тарихий усул асосида ўрганишни биринчи марта Маҳмуд Кошғарий бошлаб берган. Бироқ унинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган «Девону луғотит турк» асари етарли ўрганилмаган.

Тилшуносликда асосий усул сифатида қиёсий-тарихий усулнинг XIX аср бошларида Ғарб ва рус олимлари Бопп, Гримм, Раск, Востоковлар қўллай бошладилар.

Лекин шўро тилшунослигида қиёсий-тарихий усулга кўп йиллар эътибор берилмай келинди. Чунки бу тилшуносликда академик Н. Я. Маррнинг таҳлил усули ҳукмронлик қилар эди. Унинг фараз қилишича, инсонларнинг товуш нутқи дастлаб тўрт қисмдан, яъни сал, бер, ион, рошдан иборат бўлган эмиш.

Маррнинг босқич тархи ҳар қандай қариндош тилларнинг бир манбадан, бир ўзак тилдан тарқалганли-

гини инкор қилади. Бу эса ғайриилмий қараш бўлиб, қардош тилларни таққослаб ўрганишга монелик қилади.

Маълумки, қиёсий-тарихий усулни жорий қилиш натижасида ҳозирги қардош тилларни ва ҳозирги адабий тилни ёзма ҳолда сақланган ёдгорликлардаги тил фактлари билан қиёсий ўрганиш орқали ўзбек тили тарихи билан ҳозирги ўзбек тили ва қардош тиллар орасидаги алоқани аниқлаш мумкин.

2-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бошқа тизимдаги тилларнинг иштироки

Ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташласак, олинма сўзлар ва сўз шакллари турли даврларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб келганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўғул, рус, уйғур тиллари орқали кириб ўзлаштирилган сўзлардан иборатдир.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўққи, унинг луғати ўз сўзларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ўша тилда ё ўз шаклини қандай бўлса шундайлигича сақлайди, ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади.

Ўзбек адабий тили ва шеваларида бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳам оғзаки сўзлашув орқали, ҳам китобий тил орқали ўзлашган. Агар бу фикрни арабча сўзларга нисбатан қўлласак, у вақтда адабий тилимизга арабча сўзлар кўпроқ китобий тил ва тожик-форс тили орқали, шунингдек, оғзаки нутқ орқали кириб ўзлашганини кўрамиз. Ўзбек шевалари луғат таркибига эса асосан оғзаки сўзлашув орқали кириб келган.

Айрим ўзлашган сўзлар тилимизга шу даражада сингиб кетганки, уларнинг қайси тилдан кириб ўзлашганини аниқлаш жуда қийин. Масалан: ўзбек тилидаги **лаб, навкар, гул, шоти, имло, феъл, синф, идора, дарс, шиша, астойдил** каби сўзлар.

Булардан **лаб** сўзи асли ҳинд-европа тилларига хос сўз бўлиб, биз уни тожик тилидан кириб ўзлашган деб

юритиб келмоқдамиз. Солиштиринг: *лабиал, лабиализация, делабиализация.*

Қадимги туркий ёдгорликларда бу сўз ўрнида *тутақ // дудақ* ишлатилган *(тут — ақ — дуд — ақ)*. Бунинг **дудақ** варианти ўғуз гуруҳига кирувчи тиллар ва шеваларда ҳозир кенг қўлланади.

Эски ўзбек тилида **лаб, дудақ,** сўзлари билан бирга **ер (и) н** сўзи ҳам кенг ишлатилган.

Навкар сўзи барча луғатларда тожикча-форсча сўз деб изоҳланган. **Навкар** сўзи мўғул тилининг энг қадимги сўзларидан бўлиб, *аскар, хизматкор, мулозим, куёв жўралари* сингари маъноларда ишлатилади. Қиёсланг: **куёвнавкар** куёв + навкар — куёвни келиннинг уйига кузатиб борувчи куёв жўралар; *Раис дала беги эмас, дала* **навкари** (Ойбек). В. Радлов **навкар** сўзини уйғатой тилида *ўртоқ, хизматчи, солдат, амалдор* маъноларини билдирган деб изоҳлайди.

Олтин сўзи қадим зар (золото) маъносида туркча **ал** (қизил) ва хитойча **тун / тун,— мис** сўзларидан таркиб топган бўлиб, **қизил мис** маъносини билдирган. Қиёсланг: ўзбек тилининг Хоразм шеваларида **тунча // тунгча** — мисдан ясалган кичикроқ чой қайнатадиган идиш. **Олтин Урда** сўзи таркибидаги **олтин** эса, **олтин** — пастинги, пастки, қуйидаги, қуйи паст текисликдаги маъноларини билдирувчи туркий сўздир. Лекин бу сўз ўзидан ўхшаш бўлгани учун уни **«золотая орда»** тарзида таржима қилиб қўллаб келганлар. Асли Қуйи орда — пастликка, қуйиликка жойлашган ўрда, қароргоҳ (бу шаҳарнинг ўзи ҳам Волганинг қуйи, паст қисмига ўрнашган) номи билан юритилиши керак эди. Қиёсланг: Олтин ўрда — Сирдарё вилоятидаги қишлоқ номи.

Гул сўзи тожикча-форсча бўлиб, унинг туркчаси **начак** > чечакдир. **Шоти** сўзи ўзбек тилига уйғур тили орқали хитой тилидан ўтиб, Фарғона водийсидаги ҳамма шеваларда ишлатилади.

Имло, феъл, синф, идора, дарс сўзлари арабчадан кирган. **Шиша** ва **астойдил (аз-таге-дил)** сўзлари тожик-форс тилларидан ўзлашган.

Жавон — шкаф, комот — жавон (хитойча цзабань < цза — ром, чорчўп + бань + тахта). Қиёсланг: уйғур тилида жаванг — полка. Бу сўз уйғур тили орқали хитой тилидан ўтиб ўзлашган (жаванг > жавон) ва ш. к.

Ўзлашган сўзлар тилимизда товуш, шакл ва маъно

томондан ўзгартирилиб қўлланиши ҳам мумкин. Ма
салан: **саржин** — узунлик ўлчови, русча **сажень** (2—2,
метрга тенг); **патнус** — русча **поднос;** дармон ўзбе
тилида, асосан, куч-қувват маъносида, шунингдек, дор
ва кўчма маънода; **бедов** (бедов от) — арабча бадавий
Ахмар — киши исми. Арабча — қизил. **Бария** — аёлла
исми. Арабча **барийа** — чўл, саҳро, биёбон ва ш. к.

Ўзлашган сўзларнинг маълум қисми даврларнинг ўтиши билан ўз ўрнини бошқа кириб келган янги сўзларга беради ва қабул қилган тил луғатидан архаик ёки тарихий сўз сифатида чиқиб кетади. Масалан, жуда кўп арабча илм-фанга оид атамалар 1940 йилгача «шўро-байналмилал» атамалари билан алмаштирилди. Бу ҳаракат 1989 йилгача, яъни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгунга қадар тез суръатлар билан давом этди. Ўзбекча сўз ва атамаларни алмаштириш масаласига, хусусан, руслаштиришга ижобий масала, тараққиёт омили деб қаралган бўлса ҳам, аслида тилимиз табиатини йўқотишга, унинг ўзлигини унутишга яқинлаштириб қўйилган эди.

Ниҳоят, ўзбек тили республикамизнинг давлат тили деб қонунлаштирилди, бу эса халқимиз тарихий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Давлат тили ҳақидаги қонунда: «Ўзбекистонда ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади», дейилган.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда чиқадиган газета ва журналларда, радио ва ойнаи жаҳонда сўз, атама ва ибораларни қўллашда ҳар хиллик, бошбошдоқлик пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга сўз ишлатишга бағишланган мақолаларда ҳам бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Қувонарлиси шуки, кўпчилик муаллифлар тилимизнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқдалар.

Сўз ва атамалар ишлатиш эркин бўлиши керак. Яқин-яқингача **домла** — ўқитувчи маъносида, **фаол** — актив, **талаба** — студент, **хонадон** — квартира, **бекат** — станция, тўхташ жойи; **режа** — план, **фоиз** — процент, **таомнома** — менью, **ташрифнома** — визитная карточка, **бадантарбия** — физкультура, **дорилфунун** — университет каби сўзларни ишлатишга қарши турган баъзи тил

шуносларимиз ва мафкура соҳаси раҳбарларининг айтган-айтган бўлиб келди.

Қуйида янгидан яратилган ва қайта тикланган сўз, атамалардан намуналар келтирамиз: **дарсхона** — аудитория, **анъана** — традиция, **атама** — термин, **берк кўча** — тупик, **манзил** (макон) — адрес, **долзарб** — актуал, **бошқотирма** — кроссворд, **вилоят** — область, **ноҳия** (туман) — район, **даҳа** — массив, **жумҳурият** — республика, **ишончнома** — доверенность, **йўлланма** — путёвка, **мавзу** — тема, **маълумотнома** — справочник, **мазмунлама** — аннотация, **номзод** — кандидат, **осма лавҳа** — вывеска, **отқинди** — лава, базальт; **омонатхона** — камера хранения, **рўзнома** — 1. кун тартиби; 2. газета; **тоти, тоти от** — бичими кичик, пастак от (пони), **тақвим** — календарь, **хат боши** — абзац, **ўйингоҳ** — стадион, **қайднома** — ведомость, **ҳудуд** — территория, **хонадон** — квартира, **раста** — қатор (пассаж): китоб растаси, атторлик растаси; **йиғин баёни** (қарор) — протокол, **фожиа** — трагедия, **табобат** — медицина, **фирқа** — партия, **фикрнома** — ёзма баёнот, **фоиз** — процент, **талаба** — студент, **совриндор** — лауреат, **маъруза** — доклад, **тижорат** — савдо, **байналмилал** — интернационал, **ҳаво мавжи** — эфир, **ўтик** (ўтиш) — переход, **туя балиқ** — дельфин, **рўйхатнома** — регистрация, **томошагоҳ** — клуб, **дастур** — программа, **шоҳ кўча** — проспект, **муаммо** — проблема, **мадҳия** — гимн, **мезон** — критерий, **жамоа хўжалиги** — колхоз, **фуқаро** — гражданин, **архив** — ҳужжатгоҳ, **тазкира** — антология, **ўтолгич** — зажигалка, **қулоқлик** — наушник ва ш. к.

Ўзбек адабий тили тарихи луғат таркибидаги ўзлаштирилган сўзларни тахминан қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Тожикча сўзлар. 2. Арабча сўзлар. 3. Мўғулча сўзлар. 4. Хитойча сўзлар. 5. Русча-европача сўзлар.

Тожикча сўзлар. Ўзбек ва тожик халқлари жуда узоқ даврлардан бери ёнма-ён яшаб, бир-бирлари билан доимо хўжалик, иқтисодий-ижтимоий ва маданий муносабатда бўлиб келмоқдалар. Улар ўтмишда биргаликда йирик қурилиш иншоотларини яратганлар, душманларга қарши жанг қилганлар, оилавий ҳаёт кечирганлар ва маданий ёдгорликлардан ҳамкорликда фойдаланганлар.

Атоқли тожик тарихчиси Б. Г. Ғафуровнинг ёзишича, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқинлик мило-

дий VI асрдан бошланган (қаранг: Гафуров Б. [illegible] История таджикского народа. М., 1952, стр. 99—110). Икки халқ ўртасидаги бу ижтимоий алоқалар бизнинг давримизда яна мустаҳкамланди. Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва яқинлик уларнинг тилларига таъсир этмай қолмади. Натижада тожик тилидан ўзбек тилига кўпгина сўзлар, сўз шакллари ва турли иборалар ўтиб, ўзлашди. Шу билан бирга, ўзбек тилидан тожик тили ва унинг шеваларига ҳам анча сўзлар, иборалар ва аффикслар кириб келган.

Ўзбек тилининг луғат таркибида маиший ҳаёт, касб-ҳунар, адабиёт-санъат, ҳайвонот дунёси, жониворлар, ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги, табиат ҳодисалари, вақт, масофа, ўрин-жой ва бошқа соҳаларга хос бўлган тожикча сўзлар учрайди.

Масалан:

Тожик тилида	**Узбек тилида**
анор	**анор**
анча	**анча**
баҳор	баҳор, кўклам
ожиз	**ожиз**, кўр, кучсиз
лозими	лозим, иштон
олифта	олифта
табақ	лаган, табоқ
пойгаҳ	пойгак
пайпоқ	пайпоқ
чалчиқ	чалчиқ, туриб қолган **лойқа сув**
чапғалат	шамғалат
арзон	арзон
барно	барно (исм)
бодом	бодом
дастархон	дастурхон
гулқанд	гулқанд, гул мураббоси
себ	олма
зардоб	зардоб
сабзавор	кўкаламзор, сабзазор
марғизор	марғизор, ўтлоқ
декча	декча, қозонча
наврўз	янги кун, наврўз
тезоб	тезоб, азот кислотаси, тез
устакор	уста, айёр
пардоз	пардоз
хоҳиш	хоҳиш
хазон	хазон
шўр	шўр, тузли, нордон
боло	баланд
ганҳўр	гап еювчи

акка	хакка, зағизғон
хунук	хунук, совуқ
зиёд	зиёд (кўп, ортиқ), киши исми
кабут (чойи кабут)	кўк (кўк чой)
мўйчинак	мўйчинак
кулўла	кулала, юмалоқ, ғужанак
чорво (чаҳор-по)	чорва, чорва мудири
гардон	гардон, бўйин

Юқоридаги тожикча сўзлар, асосан, от туркумига, қисман сифат, равиш ва сон туркумларига оид бўлиб, улар ўзбек тили луғатига кириб, ўрнашиб қолган.

Тарихдан бизга маълумки, IX аср охирига келиб, Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги сусая бошлайди. Ана шу даврда пойтахти Бухоро бўлган Сомонийлар давлати барпо бўлади. Сомонийлар давлатининг подшоҳи Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (874—907) ва унинг авлодлари — сомонийлар 999 йилгача ҳукмронлик қиладилар. Бу даврда тожик-форс адабиёти ривожланади. Тожик-форс элати адабий тили ҳам шаклланиб, мамлакатнинг расмий адабиёт тилига — шеърият тилига айланади ва шуҳрат топади. Тожик-форс адабий тили билан бир қаторда илм-фан тили бўлмиш араб тили кенг тарқалган эди. Дарий қабила шеваси негизида шаклланган тожик-форс элати адабий тили сомонийлар давлатига қарашли бўлган Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Эрон ҳудудидаги халқларнинг адабий тили бўлиб мустаҳкам ўрнашган эди. Профессор Н. М. Маллаев бу ҳақда қуйидагиларни маълум қилади: «Бу ҳудудда давлат тили ва адабий тил дарий тили эди. Ғазнавийлар ва салжуқийлар аслида туркий қабилалардан бўлсалар ҳам, улар сомонийлар анъанаси изидан бориб, дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларга, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ҳамда Арманистон) га Ҳиндистоннинг шимолий районларига дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида олиб кирдилар. Улар қарам қилинган ўлка халқларининг адабий тили тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Масалан, салжуқий подшолари ва уларнинг вассаллари Озарбайжонда шундай сиёсат юргизган эдилар. Шунинг учун ҳам улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида ўз асарларини она тилида — озарбайжон

тилида ёзолмай, форс тилида ёзишга мажбур бўлганини ачиниш билан таъкидлаган эди»[1].

Шундай қилиб, тожик-форс тили X—XV асрларда жуда кўп элатларнинг муштарак адабий тили бўлиб хизмат қилиб келган.

Ҳатто улуғ Навоий яшаган даврда Хуросонда ҳам дастлаб тожик-форс анъанаси давом этиб келган эди.

Тожикча сўз ва сўз шаклларининг ишлатилишида маълум услубий мақсад ва ўзига хос ижтимоий сабаблар бўлиши мумкин. Масалан, Навоий туркий ном билан аталган эски ўзбек тилини тожик тили даражасидаги адабий тилга айлантириш ва шу тилда ўзигача деярли яратилмаган бадиий ва ғоявий жиҳатдан етук, йирик асарлар яратишни мақсад қилиб қўйган эди. Натижада у «Хамса», «Чор девон», «Мажолисун нафоис», «Мезонул авзон», «Маҳбубул қулуб», «Муҳокаматул луғатайн» ва шу каби ўттиздан ортиқ асарлари билан ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг шуҳратини жаҳонга ёйди. Хўш, Навоий бу асарларини ёзишда қайси манбаларга асосланди ва ўзбек адабий тилини қайси манбалар ҳисобига бойитди?

Таниқли навоийшунос-тилшунос олим Алибек Рустамовнинг фикрича, Навоий энг кўп фойдаланган ва энг бой манба туркий лаҳжалар бўлган. Иккинчи манба — илмий рисолалар ва ўша давр зиёлиларининг оғзаки нутқидир. Навоий асарларида учрайдиган тожикча ва арабча сўзлар Навоий давридаги зиёлилар тилида мавжуд бўлган деб тахмин қилса бўлади.

Чунки оғзаки тилда ишлатилмаслиги аниқ бўлган ўзга тил унсурлари Навоий тилида ҳам учрамайди. Туркий лаҳжалардаги луғавий ва грамматик унсурлар Навоий асарларида чегараланмаган ҳолда, тожик ва араб тилларига оид унсурлар чегараланган ҳолда ўтган дейиш мумкин.

Навоий асарларида ишлатилган тожикча сўз ва ибораларни Хуросон элининг икки тиллилиги билан ҳам исботлаш мумкин. Навоий ёзади: «...туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт (тожик-форс) тилидан баҳраманддирлар. Шундайки ўз тирикчиликларига оид аҳволлар сўзлаша олурлар, балки баъзилари адабий равишда сўзлаша олурлар. Ҳаттоки, турк

[1] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри, Тошкент, 1976, 98-бет.

шоирлари форсий тилда рангдор шеърлар ва ширин сўзлар юзага чиқара олурлар». (Навоий. «Муҳокаматул луғатайн». Тошкент, 1940, 46-бет, лотин алфавитида). Бунга ўхшаш хусусиятлар ҳозир жумҳуриятимиз шаҳар, туман ва қишлоқларида ҳам мавжуд. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Чуст, Қосонсой, Риштон каби жойлардаги аҳоли икки тилда бемалол сўзлаша олади.

Бадиий ижоддаги икки тиллилик масаласи эса XIV асрдан то XX асргача давом этиб келди. Масалан Хоразмий («Муҳаббатнома») дан тортиб Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Аширматгача бўлган ёзувчилар икки тилда ижод этганлар.

Тожик тилидан кирган сўзларнинг маълум қисми тилимизга шу даражада сингиб кетганки, улар янги сўзлар ясашда ҳам иштирок этади ва ўзбекча сўз шакллари билан баравар қўлланаверадилар. Масалан: *йўл+а+ки—йўлаки; йўлаки зиёфат* (йўл устидаги енгил зиёфат). Қиёсланг: тожик тилида **роҳаки** (роҳ+аки); **кўчача** — қозончада шавла қилибди (тож **дек** — ўзб.+**ча**); Тож. *бардор — бардор* — ўзб. *кўтар — кўтар: Ноз қил бардорингга, кўтарса харидорингга.* (Мақол) ва ш. к.

Шунингдек, тожикчадан: **-дона, -парвар, -фуруш, -истон /-стон/, -параст, -хон, -паз, -боп, боз, -хўр, -бон, -он, /-равон/, -шунос, -ваш** (маҳваш), **-ор** (ғамхор), **-вачча, -поя, -соз** каби морфемалар билан ясалган сўзлар ҳам тилимизда кенг қўлланади.

Эски ва ҳозирги адабий тилимизда тожикча изофа бирикишлари сақланган: **Себи Самарқанд** *дерлар ва анори Хўжанд дерлар (Бобур); Кулдиради халқни ноз Майсара (Чустий); гултожихўроз, гулибеор, Тафи бозор, Боғишамол, Мозори қўҳна* (жой номлари).

Ўзбек (туркий) тилидан ҳам тожик-форс тилига узоқ вақтлардан бери кўпгина сўз, сўз шакллари ва иборалар кириб ўзлашган: **тагин** — шаҳзода, жасур (Фирдавсий «Шоҳнома»сида учрайди); **чаруқ** — чароқ, **ясоқ** — кийими; **сумак** — сумак, **қорақат** (барбарис); **туп** — **тўп** (пушка); **тўфанг** — милтиқ (ружьё); **қўшун** — қўшин (войско); **сочма** — сочма (дробь); **қўндоқ** (приклад); **катер** (қатыр) — хачир; **сахлов** — гарнизон; **юзбоши** (сотник); **тўшак** — тушак (тюфяк); **алак** — элак; **тугма** — тугма; **қашуқ** — қошиқ; **қайчи** — қайчи; **дулға** — дўлма (голубцы); **қаймақ** — қаймоқ; **ёрлиқ** —

подшоҳ ёрлиғи; **ясавул, хатун** — малика (госпожа); **аёғ**
чи — соқий; **базак** — безак; **кучак** — кичик; **қаз** — ғо
қатирмо — қотирма; **белдерчен** — бедана; **қапучи** —
швейцар; **суртма** — чана (сани)[1] **тўппи, ёғлиқ қалпо**
терлик, бўза, совлиқ, ёваш — ёввош, **елка, киров, ар**
ғамчи — арқон, **қимиз, тутмоч, умоч, кўмоч,** талқо
ва ш. к. *(«Муҳокаматул луғатайн».)*

Арабча сўзлар. Ўзбек адабий тили луғат таркиби
араб тилидан кириб ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд. Б
сўзларнинг кириб келиши арабларнинг истилочили
ҳаракатлари билан алоқадордир.

Араблар VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрд
Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин ерли аҳоли
мажбурий равишда ислом динини қабул қилдирганлар
Ислом дини билан бирга араб ёзуви ҳам кенг тарқал
бошлаган. Мактаб, мадраса, масжид ва идора ишлар
асосан араб ёзуви ҳамда араб тилида олиб бориларди
Араб тилининг китобий тил ва давлат тили бўлиб қ
лиш анъанаси анча вақтгача давом этиб келган. Ан
шу жиҳатдан ёндошсак, арабча сўз, сўз шакллари
иборалар ўзбек адабий тилига китобий тил ва қисм
оғзаки сўзлашув нутқи орқали кириб ўзлашган.

Араблар Ўрта Осиёга келганларидан кейин бу ер
даги маҳаллий туркий рун, хоразмий, суғд каби ёзу
ларни сиқиб чиқарилиб, уларнинг ўрнига араб ёзу
ишлатилган эди. Бу араб тили ва ёзувининг таъсир до
расини янада кенгайтириб юборди. Араб тили эрон
ва туркий тилларга катта таъсир кўрсатди. Мадан
савияси жиҳатидан араблардан анча юқори бўлган ў
бек ва тожик халқининг ўша даврдаги авлоди ўз ад
биёти ва маданиятларини араб тили шаклида яратиш
га мажбур бўлганлар. Араб тилида илмий атамала
пухта ишланганлиги, унинг луғат бойлиги ва услуби
имкониятлари ранг-баранглиги, қулайлиги, хусуса
жаҳон миқёсидаги адабий тиллардан бири бўлган
учун маҳаллий олимлар ўз асарларини ана шу тил
ёзганлар (масалан: Хоразмий, Абу Райҳон Беруни
Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий
бошқалар).

Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн» (149
асарида араб тилининг хусусиятларини қуйидаги
таърифлаган:

[1] Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидско
языка. Изд. Московского университета, 1975, стр. 46—49.

«Бу тилларнинг барчасидан араб тили нафислик
билан ажралган ва бадиийлик безаги билан мўъжиза
кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлларининг даъ
воси йўқ... «(Навоий, «Муҳокаматул луғатайн»,
11-бет).

Араб тили сомий тилларнинг жанубий шохобчасига
киради. Бу тилда сўзлашувчи халқ вакиллари Миср,
Сурия. Ироқ, Ливан, Тунис, Ливия, Жазоир, Саудия
Арабистони, Судан, Яман, Марокаш каби мамлакат-
ларда яшайдилар. Тарихий жиҳатдан араб тили уч
даврга бўлинади: 1) қадимги араб тили; 2) классик
араб тили; 3) янги араб тили.

Ўрта Осиё халқлари тилларига таъсир қилган
классик араб тилининг энг ривожланган даври VII—IX
асрлар бўлиб, бу тилда жуда кўп илмий, шеърий ёдгор-
ликлар яратилган. Лекин ҳозир бу тил истеъмолдан
чиққан.

«...Европада лотин тили бир вақтлар халқаро тил,
илм-фан тили бўлганидек, араб тили ҳам Осиёда уч
юз йил давомида шунга ўхшаш мавқеда бўлган. Бунда
ўзбек ва тожик олимлари, ёзувчиларининг роли жуда
каттадир...

Агар тожик сўзлари ўзбек халқига сўзлашув тили
орқали, адабиёт орқали ва бошқа йўллар билан кирган
бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин
орқали, иккинчидан, тожик тили орқали кирган»[1]. Ай-
рим мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги ўзбек
адабий тилида арабча сўзлар бундан 20—25 йил илга-
ри луғат таркибининг 13% дан 20% гача бўлган мик-
дорини ташкил этган, 1989 йилдан — ўзбек тилига дав-
лат тили мақоми берилиши муносабати билан ва мус-
тақиллик шарофати туфайли арабча сўз-атамалар-
нинг миқдори кундан-кунга ортиб бормоқда. Маълум
сабаблар билан мажбуран истеъмолдан чиқариб юбо-
рилган сўз-атамаларнинг айримлари қайта тикланмоқда. Масалан: муфти, имом, қози, имон, қомат, ҳал/и/фа, ҳайит, байналмилал, тижорат (савдо), муҳандис (инженер), риёзиёт (математика), дорилфунун (университет), дорилҳикмат (академия), муқобил (қарши, қарма-қарши), риёсат (президиум), шариат (ислом динида мавжуд бўлган «қонун-қоидалар» маъносини

[1] Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар. «Навоийга армуғон» (тўплам). Тошкент, «Фан», 1968, 123-бет.

билдиради), дорулбақо (доимий), дорулфано (йўқ бўлувчи, ўткинчи), котиб (секретарь), котиба (секретарь аёл), муаллиф (автор), таҳрир ҳайъати (редколлегия), наботот (бирлиги набот — ўсимлик); таваллуд (туғилиш), таваллуд топмоқ (туғилмоқ), табобат (медицина), фирқа (партия, инсон гуруҳи, жамоат), талаба (студент, ўқувчи), ташриф (марҳамат қилиб келиш), ташрифнома (визит карточкаси), муаррих (тарихчи), нозир, назорат, жумҳурият, ноҳия, манзил (турар жой), бекат, мунаққид (танқидчи), тасниф (классификация) ва ш. к.

Тилларнинг тарихий тараққиётида маълум ижтимоий сабаблар билан юқоридаги сингари сўз ва атамаларнинг алмашиниб қўлланиш ҳодисалари учраб туради.

Ўзбек тилида ишлатиладиган арабча сўзлар турли соҳага хос сўзлардан иборат бўлиб, булар ҳам тожик тилидан ўтиб ўзлашган сўзлар каби фонетик, морфологик, семантик ва имло жиҳатдан уйғунлашган ҳолда қўлланади.

Баъзи арабча сўзлар ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида ўз асл маъносида қўлланиши билан бирга, маъноси кенгайган, торайган ва ўзгарган ҳолда ҳам учрайди. Масалан, **ғассол** сўзи араб тили ва унинг шеваларида, умуман ювмоқ, тозаламоқ маъноларида ишлатилади: **идёхум ғассалнўнен** — *улар қўлларини ювишди* каби. Наманган шевасида эса **ғассол** (// ғассол) сўзи фақат *ўлик ювувчи* (Тошкент шевасида *йўғучи*) маъносини билдиради.

Арабча сўзларнинг айрим фонетик ва грамматик белгилари марҳум профессор С. Усмоновнинг «Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар» мақоласида анча батафсил маълумот берилган.

Ўзбек тилининг луғат таркибида шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг қайси тилга тааллуқли эканини айтиш жуда мушкул. Бу сўзларнинг таркиби ўзбекча — арабча, арабча — тожикча, арабча — ўзбекча, арабча — тожикча — ўзбекча, тожикча — тожикча — арабча ёки унинг аксича тузилганини кўрамиз. Масалан: **атирнок** (ар. **атир**+ўзб. **нок**), **уч талоқ** (ўзб. **уч**+ар. **талоқ**), **касалванд** (ар. **касал**+тож. **ванд**), **дуогўй** (ар. **дуо**+тож. **гўй**), **димоғдорлик** (ар. **димоғ**+тож. **дор**+ўзб. **лик**), **соатсоз** (ар. **соат**+тож. **соз**), **ҳасибхўр** (ар. **ҳасиб**+тож. **хўр**), **улфатчилик** (ар. **улфат**+ўзб. **чилик**), **беқарор** (тож. **бе**+ар. **қарор**), **беандиша** (тож. **бе**+тож. **андиша**), **ғайрли** (ар. **ғайр**+ўзб. **ли**) ва ш. к.

Мўғулча сўзлар. Ўзбек тилининг мўғул тили билан алоқаси жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Ўзбек тилининг луғат таркибида XIII асргача ва ундан кейин кириб ўзлашган мўғулча сўзлар мавжуд: Нарын < нарйин — ингичка, тор, юқа маъносидаги от; овқат номи. Бу сўз мўғулчадан ўтган. Солиштиринг: *Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини (Бобур). Норин дарёси* каби;

ўлтон — тагчарм, мол терисидан тайёрланган чарм: *Хом терини ийласанг* **ўлтон** *бўлур, нафсини тийган одам султон бўлур (Мақол).* Мўғул тилида **ул** — пошна, таглик, шина, базис, асос, асосли, шестерня блоки каби маъноларни билдиради. Маҳмуд Қошғарийда **улдан** — қўй оёғи. **Ўрда (ўр** — баланд, тепалик, юқорилик; **ўрда** — баландликда қурилган сарой, қалъа, қароргоҳ). **Ўрдукент** — тепаликка жойлашган шаҳар.

Навкар —аскар, мулозим, хизматкор, куёв ўртоқлари маъноларида ишлатилади. Қиёсланг: *куёв навкарлари; раис — дала беги эмас, хизматкори;* **улус** (мўғ. **улс** — эл, халқ, кишилар) — *қўл остидаги мамлакат* ва ш. к.

Туркий (ўзбек) тиллар билан мўғул тилини чиқиб келиши нуқтаи назаридан олиб кўрсак, улар бир катта тиллар оиласига тааллуқлилиги, қариндош тиллар экани аниқ. Энг қадимги даврларда ҳозирги туркий, мўғул, тунгус-манжур тиллари олтой тили оиласи таркибига кирган. Улар кўп сонли улуғ, қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, бир-бирларига яқин лаҳжаларда сўзлашганлар. Олтой оиласига кирган тиллар гуруҳлари у вақтда ҳали том маънода шаклланган, ўз табиати, тузилишига эга бўлиб, ажралган эмас эди.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида туркий тиллар ва мўғул тиллари ажралиб чиқиб, алоҳида системадаги тиллар каби тараққиёт босқичини ўтадилар. Шунинг учун туркий тиллар билан мўғул тиллари ўртасида айрим фонетик фарқларни ҳисобламаганда, уларни бир-бирларига ўхшаш деб аташ мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибидаги турли соҳаларга оид сўзлар билан мўғулча сўзларни муқояса қилсак, юқоридаги фикримиз янада ойдинлашади.

Ўзбек тилида	Мўғул тилида
ака	ах(а)
хотин	хатан
қуда	худ (// қуда)
божа	баз
тойлоқ (бўталоқ)	тайлоқ
ҳўкиз	ухэр
буқа	бух
бурундуқ	бурунтаг
ғунажин	ғунж
қўй	хонь
эчки	ишиг
арғимоқ	аргамак
така	тэх
қўчқор	хуц
бўй	бие
манглай	магнай
чирой	царай
қора	хар(а)
кўк	хөх
қурут, қурт	ҳуруд
бўсағa	босго
жайрон	эазрэн
йўлбарс	барс
буғдой	буудай
арпа	арвой
қорамуқ (чечевица)	хармаг
тегирмон	тээрэм
муз	мөс
булоқ	булаг
денгиз	тэқэс
тўзон	тоосон
чоғ	цаг
эрта	эрт

Хитойча сўзлар. Ўзбек адабий тили луғат таркибида уйғур тили орқали хитой тилидан кириб ўзлашган сўзлар ҳам учрайди.

Тарихий ҳужжатлардан маълумки, ўзбек ва уйғур халқлари, улар тилларининг ташкил топиш жараёни кўп жиҳатдан бир-бирларига ўхшайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, бошқа туркий тилларга нисбатан тил хусусиятларига кўра ўзбек ва уйғур тиллари жуда яқин туради. Чунки бу икки тил элат тиллари бўлиб шаклланишида бир манба — қарлуқ қабилалар уюшмаси тили — лаҳжаси асос бўлган эди. Буни ҳозирги ўзбек адабий тили, хусусан, «уйғурлашган»—«умлаутли» шевалар материаллари тасдиқлайди.

Шунга кўра академик К. К. Юдахин бундай деган эди: «Ўзбек ва уйғур халқи орасидаги маданий алоқа-

лар бизга қадим замонлардан маълум. Бу масала махсус адабиётларда бир неча марта қайд этилган. Қадимги турк адабиёти ёдгорлиги «Қутадғу билиг»нинг (XI аср) фанда машҳур бўлган уч қўлёзмасидан бири Наманганда топилган... Наманганлик Машраб (XVIII аср) асарлари ўзбеклар орасида тарқалгани каби кенг кўламда тарқалган эди. Ҳозир ҳам уйғурлар Эргаштом билан Қашқар йўлидаги **довонни** Машраб номи билан атайдилар... Ўзбеклар ва уйғурлар орасидаги бой маданий алоқа ва умумийликни кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин»[1].

Уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган барча сўзлар ўзбек адабий тили ва шеваларида қўлланади. Масалан: **басай** — овқатга солинадиган кўкат тури. Хитой тилида **байцай** — кўкат, карам (**бай** — оқ, **цай** — кўкат, сабзавот), Бу сўз уйғур тилида **бэсэй, бэйсэй** шаклларида ишлатилади.

Сай — турпдан тайёрланган салат: *Сайни жуда боп-ибди.* Уйғур тилида: 1) карам ва қисман гўшт аралаштириб тайёрланган салат; 2) умуман кўкатлардан тайёрланган газак. Яна қиёсланг, уйғур тилида **сэй самса** — кўк сомса; **сэйхана** — сабзавот сақланадиган омбор (< хит. **цай** + тож. **хона**).

Жусай — хушбўй, овқатга соладиган ва гарнир тарзида истеъмол қилинадиган кўкат. Қиёсланг, уйғур тилида **жўсэй.** Хитой тилида **жэсэй** — хушбўй пиёз (Раҳимов, 85); **Лағман** — хамирни чўзиб ёки узун ингичкароқ кесиб тайёрланган, юзига қайла солиб ейиладиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида **лэнмэн** хитойча **лянмянь** < **лян** — совуқ, **мянь** — угра, хамир. Буни айрим манбаларда тунгон уграси, гўштли угра ҳам дейилади. (Раҳимов, 244);

Шиман — хамири ю(п)қа кесилган лағмон. Қиёсланг, уйғур тилида **шимэн.** Хитойча **Симянь** (<**си**—юқа, **мянь** — кесилган хамир, **угра**); **манти** — хамир орасига гўшт ёки қовоқ (баъзан картошка) солиб, тугиб буғда пиширилган овқат. Уйғур тилида **манту, манти;** хитойча **маньтоу** (Раҳимов, 253).

Маппар — хамирни тасмага ўхшатиб кесилиб, сўнг узиб шўрвасига солиб тайёрланадиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида **маппар,** хитойча **маппэз**

---

[1] Юдахин К. К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик. ж. УТАМ, 1, 1958, 31-бет.

(Нажиб, 707). **Хошан** — хамир орасига қийма, қовоқ картошка солиб, ўраб ёғда ва баъзан буғда пиширила диган овқат тури. Уйғур тилида **хошан, хитойч хошан** — блины с мясом (Нажиб, 412). Буни бизда кў пинча **хоним** дейилади.

Ютo — ютоза, хамирни ёйиб, ёғ суртиб воронк шаклига келтириб, буғда пиширилади овқат. Уйғу тилида ютаза, хитойча **ютадзы** (< ю — ёғ, та — баланд минора). Луғатларда ютаза — русча: слоеный хлеб выпекаемый на пару, деб изоҳланган. (Раҳимов, 271).

Чой. Хитойча **са, ча** — чой. Қиёсланг, чафан (<**ча** — чой, **фан** — уй, хона) — чойхона.

Шийпон — далада дам оладиган усти ёпиқ жой. Уйғур тилида шипан, **ши : пан.** Хитойча **сифан** (< **си** — бўйра, қамиш, **фан** — уй, хона) — устига қамиш ёки бўйра ёпилган уй, чайла. Қиёсланг, хитойча **шитан** — ошхона. **Ши** — овқат, **тан** — хона каби (Раҳимов, 204).

Лаза — янчилган гармдорини ёққа қориб тайёр ланган паста. Уйғур тилида **лаза** — қизил гармдори Хитой тилида **лацзы.** Қиёсланг, уйғур тилида **лази жон** — гармдори пастаси; **лазидан** — гармдори идиш

Таван — патнус, баркаш маъносида. Хитой тилида **топанъ** (< **то** — паднус, **пань** — тарелка). Уйғур тилида **тәвән, пәтнус** тарзида қўлланади. Қиёсланг, Тошкент шевасида: *нима* **таван** *қиб борас* (тўй каби маросимларга) — *нима пиширик қиласиз* маъносида. Демак, **таван** сўзи адабий тилда ва шеваларда патнус, баркаш, тоғорада маросимларга олиб бориладиган пиширик маъносида ишлатилади. Қиёсланг: *таванхона.*

Занг: занг урди, уйғур тилида **жанг чалмәқ.** Бу сўз хитойча **чжан** — қўнғироқ, **бонг** маъноларидаги сўзлардан олинган. Қиёсланг, уйғурча **жангчи** — қўнғироқ чалувчи (занг урувчи). Бу сўз **чжан+чи** тарзида ҳосил бўлган.

Жавон — шкаф, комод. **Жавончи** — жавон ясайдиган уста, дурадгор. Уйғур тилида **жаванг** — токча, шкаф; **жавангчи** — жавон ясовчи. Хитойча: 1) цзябань (< цзя — рама, бань — доска); 2) цзябань — (<цзя — сжимать бань — доска). Уйғур тилида **жавон** — хомутнинг ёғоч қисми, клешня маъносида ҳам қўлланади.

Жимбил — манти пиширишда учун махсус тайёрланган темир тўр (манти қасқон ичидагини ҳам шундай дейилади. Қиёсланг, уйғур тилида **жимбил** — Нажиб, 376).

Пўписа — дўқ, қўрқитиш, юзаки дағдаға. Қиёсланг: уйғур тилида **попуза**: 1) дўқ уриш, қўрқитиш, товлаш; 2) жанжал кўтариш. Яна қиёсланг: **попузачи** — жанжалкаш.

Чўтал — (< хитойча чота) — чўтал; қимор, карта ўйинларида ютган томондан олинадиган пул, улуш (фоиз олиш). Уйғур тилида **чота, чотучи** (чўтал олувчи). Қиёсланг: ўзбекча **чўталчи** — қиморда ютуқдан фоиз олувчи.

Чийлаш // чийламоқ — ўйин картасини аралаштирмоқ: картани яхшилаб чийлаб юборинг. Қиёсланг: уйғур тилида **шилимақ чилимақ** — аралаштирмоқ; хитой тилида **си** — картани аралаштириш маъносида келади.

Шон — этикдўз шони. Уйғур тилида **шанг;** хитойча **шанг.**

Жоди — беда, бичан, сомон қирқадиган махсус асбоб. Қиёсланг: Ғафур Ғуломда:

Беда тамаъида
Бўйнини чўзиб
Боши **жоди** *ичра қолган*
Эшакдай —
Манфур, чинқироқ
Овозингни радиодан
Ҳамма эшитди («Мен яҳудийман»)

Уйғур тилида **жаду.** Хитой тилида бу сўз асли **чжадао** (**чжа** — қирқмоқ, **дао** — пичоқ).

Жучун (ча) — уст кийим учун 70-йилларгача кенг ишлатилиб келинган қалинроқ, оқ-сарғиш рангдаги ипак газлама: **хитой жужунчаси; жужун камзул: жужун шим** каби. Қиёсланг: уйғур тилида **чөчунчә.**

Шоти-нарвон. Бу сўз хитойча **шатанг** сўзидан олинган бўлиб, Фарғона водийсидаги деярли барча шеваларда **шати, шоти, шўти** каби шаклларда кенг қўлланилади.

Тай — тай —1) болаларнинг дастлабки қадам босиши, юриш; шу юриш пайтида айтиладиган сўз: **тай-тай, тай-тай қилинг** каби. Қиёсланг: хитой тилида **тайтай;** уйғур тилида: *тайтайлатип маңгузмақ — болаларни қўлидан ушлаб юргизмоқ;*

2) **тайтай** сўзи хитой тилида (уйғурлар тилида ҳам) *хоним, бека* маъноларида ҳам ишлатилади.

Эслатма: 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида Тошкентда оёқлари болаларнинг оёғи сингари кички-

на, лекин гавдали хитой аёллари турли рангдаги юқа (хитой) қоғозлардан ўйинчоқлар, елпуғич ва коптоклар сотишар эди. Ана шу кичкина оёқли хитой аёлларини Тошкентда **тай-тай** деб аташар эди.

Русча-европача сўзлар. Ўзбек тили луғат таркибининг маълум қисмини рус тилидан ва у орқали Европа тилларидан кирган сўзлар ташкил қилади.

Рус тили билан ўзбек тили Октябрь инқилобигача ҳам иқтисодий, маданий ҳаёт соҳаларида муносабатда бўлиб келган. Агар биз Ўрта Осиё хонликларининг Москва давлати билан XVI—XVII ва XIX асрларда олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларига оид турли ёрлиқлар, элчилар мактублари, тарихий-илмий ҳужжатларни кўздан кечирсак, *ўрус, кноз, пут (пуд), дужна (дюжина), яшик (ящик), самовар, конфут (конфета), патнус (поднос), лампа* каби сўзларнинг қўлланганини кўрамиз. Ушбу сўзлар кўпроқ оғзаки сўзлашув орқали киргани учун фонетик ўзгаришларга учраб, ўзбек тилининг ички тараққиёт қонунларига бўйсунган.

Ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги муносабатлар XIX асрнинг II ярмига келиб, яъни Ўрта Осиё рус мустамлакачилари томонидан истило қилингандан кейин кенг кўламда давом этди. Натижада ўзбек тилининг луғат таркибига савдо, транспорт, молия, почта-телеграф, саноат, ҳарбий-маъмурий, уй анжомлари, табобат, санъат — адабиёт ва бошқа соҳаларга хос кўпгина сўз ва атамалар кириб ўзлаша бошлаган. Бу сўзларнинг кўпчилиги русча сўзлар ва у орқали кирган Европа сўзлари бўлган. Масалан: *поезд, вагон, вокзал, почта, телеграф, конфет, адрес, завод, фабрика, машина, вексель, банк, доктор, фельдшер, газета, генерал, губернатор, фонар, суд, солдат, дума, пристав, печь, лампа, поднос, тарелка, картошка, шайтон тери* (материалнинг номи), *темир йўл, табибхона* (амбулатория) ва ш. к. Ўзбек тили лексикасига рус тилидан кирган сўзларнинг аксарияти от туркумига кирувчи сўзлар ва қисман нисбий сифатлардан иборат бўлган. Юқорида келтирилган сўзлар ўзбек тилида айнан, фонетик ўзгаришлар билан ва калька ҳолида ишлатилиб келган.

Айниқса, рус тилидан кирган сўз-атамалар Ватан уруши ва ундан кейинги 40-йиллар чамаси ичида ҳаддан ташқари кўпайди. Бу даврда ўзбек тилида илгари

ишлатилиб келган сўз-атамалар русчаси билан алмаштириб қўлланаверилди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг табиатини ҳисобга олиб, янгиланмоқда ва эскилари қайтадан тикланиб, кенг қўлланмоқда.

Хуллас, ўзбек адабий тилининг луғат таркибидан ўзбекча-умумтуркча, мўғулча, тожикча-форсча, арабча, русча-европача, хитойча каби ўзлаштирилган сўзларнинг ишлатилиши тилимизнинг луғат жиҳатидан бой ва мураккаблигини кўрсатади.

3- §. Араб китобий тил анъанасининг Ўрта Осиёда ёйилиши

Ислом дини VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида Арабистонда пайдо бўлди. Бу давр араб қабилаларининг бирлашиб, бир катта давлатга уюшиш даврига тўғри келади. Ислом дини араб ҳукмдорларининг бошқа халқлар ерини босиб олишида восита бўлди. Араб истилочилари ислом динини тарқатиш ва ўзларининг ассимиляторлик сиёсатларини амалга ошириш учун куч ва қилич ишлатдилар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача озарбайжон тилида «Биз гылыч мусульмонлари» («Биз қилич мусулмонлари») деган мақол бор. Бу мақол ўша даврни тавсифловчи ўзига хос мақолдир.

Араб босқинчилари зўрлик ва куч билан ислом динини қабул қилиш ҳамда ўзларининг тилини ўрганишни тарғиб қилган бўлса-да, Ўрта Осиёда икки хил ёзув тили анъанаси мавжуд эди. Булардан бири она тили заминида ривожланиб, унда халқ орзу-истаклари баён этиларди. Она тили заминида ривожланган адабий тил адабиётлиги сифатида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини кўрсатиш мумкин. Унда келтирилган халқ қўшиқлари, маросим ва мавсум шеърлари халқ ёзув тили намуналари сифатида намоён бўлади.

Ўша даврда пайдо бўлган ёзув тили анъанасининг иккинчиси араб китобий тил анъанасидир. Бу анъана ислом динини тарғиб қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Бундан ташқари, араб босқинчиларининг тазйиқи остида ўша даврнинг кўпчилик олимлари, илм аҳллари ўз асарларини араб китобий тилида ёзишга мажбур бўлганлар. Шунинг учун бу анъана маълум даражада устун мавқеда бўлган. Ўрта Осиё олимлари

ҳам, бошқа Шарқ мамлакатларининг олимлари каби, ўз асарларини араб тилида яратганлар. Ўша даврнинг йирик олимларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий ва бошқалар ўзларининг асарларини араб тилида ёзганлар.

Буларнинг ҳаммаси араб тилидаги баъзи сўз ва ибораларнинг ўзбек тилида ўзлашиб қолишига сабаб бўлди.

Маълумки, араб ва туркий тилларнинг бир-бирига муносабати аввал ҳам, ҳозир ҳам ўрганиб келинмоқда. Бу масала билан йирик турколог олимлар ҳам шуғулланганлар. Лекин араб ва ўзбек тиллари муносабати ҳақида етарли иш қилинган, деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, ўзбек тилининг тўлиқ изоҳли луғати яратилмагани бўлса, иккинчидан, Ўрта Осиёдаги туркий тилларга араб тилининг таъсири кучсиз бўлганидир. Натижада ўзбек адабий тилига араб тилига хос бironта ҳам товуш қабул қилинмаган[1]. Бироқ араб тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг миқдори ўзбек тилида тожик сўзларига нисбатан кўпроқдир[2].

Араб тилидан кириб келган сўз ва иборалар ўзбек тилида семантик, фонетик ҳамда грамматик жиҳатдан ўзлаштирилди.

Маълумки, бирор-бир чет тилидан қабул қилинган ҳар бир сўз ўзининг аввалги орфографиясини ўзгартиради, чунки улар ўша алфавит билан берилса-да, уларнинг асосида она тили фонетикаси ётади. Худди шундай ҳолатни араб тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзларда кўрамиз.

Бизга маълумки, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўз охиридаги ва бўғин охиридаги жарангли ундошлар кўпинча жарангсизланади. Бу қонун араб тилидан қабул қилинган сўзларга ҳам татбиқ этилади. Масалан: *касб* — касп, *косиб* — косип, *қассоб* — қассоп, *мактаб* — мактап.

Бу сўзлар ўзбек тилига китоб, мадраса, дин, давлат тузуми орқали ва эроний тиллар орқали киргандир.

Арабча сўзларни морфологик нуқтаи назардан кўздан кечирсак, фақат от ва феъллар ўзбек тилига кириб келганини кўрамиз.

[1] Решетов В. В. Узбекский язык, часть 1. Ташкент, 1959, 43- бет.

[2] Юқоридаги асар, 43- бет.

Араб тилидан кирган отлар китоб, мадраса, дин, давлат тузуми билан боғлиқдир, масалан: *интизом, дафтар, мактаб, кашф, мажлис, қарор, фан, ғайрат, ғалаба, миллат, мусобақа* кабилар.

Араб тилидан ўзбек тилига баъзи грамматик қўшимчалар, жумладан, **-ий, -вий, -от, -ият, -ан** кабилар ўша тил сўзлари таркибида ўзлаштирилгандир, чунончи, амалий, маданий, оммавий, ҳайвонот, қобилият, шахсан, хусусан.

Аммо улардан баъзилари русча-байналмилал сўзлар таркибига қўшилиб, сифат ясаш учун хизмат қилади: *техникавий, кимёвий, партиявий* кабилар.

Араб тилидан туркий ва эроний тилларга бир қанча лексик ва грамматик унсурлар кириб қолган экан, ўз навбатида, у тилга туркий ва форсий сўзлар ҳам ўзлашгирилган.

Масалан, XII асрда яратилган араб тили ёдгорликларида: *алп* (ботир), *қутлуғ* (бахтли), *улуғ, жабуға* (жаноб), *тогрултегин, байгу-сункур* (бургут), *билга* (олим), *чағри* (ов қуши), *буға* (буқа) каби; XIV аср ёдгорликларида: *хатун* (хоним), *аға* (катта), *бек, челеби, хақан* каби туркий сўзларни учратамиз.

Бу ҳол араб тилига туркий тилларнинг ҳам таъсир қилганини кўрсатади. Чунки ҳар қандай миллат бошқа миллатдан ўрганиши зарурдир.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛ

1- §. Қадимги туркий адабий тил ҳақида

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида топилган ёзма ёдгорликлар туркий халқларнинг қадимдан ўз маданияти ва ўз адабий тилига эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Туркий халқларнинг моддий-маданий ҳаёти ва ёзув тарихи ҳақидаги тарихий, археологик маълумотлар туркий тилда сўзловчи уруғ ҳамда қабилаларнинг эрадан илгари мавжуд бўлганлигини, жамият бўлиб яшаш топганлигини ва биргаликда турмуш кечирганлигини кўрсатади. Бу давр илмий адабиётда, туркий халқлар тарихида «олтой тили» даври деб юритилади[1]. Бу ҳақда академик Б. Я. Владимирцов шундай ёзади:

[1] Баскаков Н. А. Тюркские языки, ИВЛ, Москва, 1960, 28-бет.

«Мўғул, турк ва тунгус тиллари ўзининг умумий ўт мишдошига эгаки, уни шартли равишда олтой тили де аташ мумкин. Ҳозир олтой тили маълум эмас, лекин олтой тиллари, яъни мўғул, турк ва тунгус тиллари билан улар ўша тилнинг тараққиёти натижасида пай до бўлган»[1].

Олтой тили даврининг охирида турк, мўғул қабила лари табақаланади. Олтой тили даврида мўғул қаби лалари **р** — **л** товушларига эга бўлган тилга асосланс (масалан, чуваш тилида **шур** — ботқоқ, **хур** — ўрдак **тел** — вақт), туркий қабилалар **з** — **ш** // **с** товушлари эга бўлган тилга асосланади: **саз** — ботқоқ, **қаз** — ўр дак, **туш** // **тус** — вақт каби.

Туркий қабилалар ажралиб чиққач, улар ўзлари нинг Хуннлар империясини тузади. В. В. Бартольднин фикрича, бу даврнинг тил хусусиятларини тасдиқловч **ёзма ёдгорликлар йўқ**[2].

Туркий тиллар тараққиётида учинчи давр қадимги туркий адабий тил даври деб аталади, у тукю тил даври (V—VIII асрлар), қадимги уйғур тили даври (VIII—IX асрлар), қадимги қирғиз тили даври (IX—X асрлар) деб учга бўлинади.

Маълумки, VI асрда туркий қабилалар кучайиб, ўз ларининг кўчманчи Тукю империясини тузади. Бу импе риянинг чегараси Амударё, Марв, Балх, Ҳиндистонга бориб тақаларди. Ўзаро урушлар ва араблар истилоси натижасида Тукю давлати икки қисмга ажралади. Бири маркази Еттисув бўлган ғарбий туркларга ва иккинчиси маркази Мўғулистон бўлган шарқий турк ларга ажралади. Еттисувдаги Тукю давлати тургеш ларга ўтади. VIII асрда ўғуз ва қарлуқларнинг сиқуви остида бу давлат қарлуқларга ўтади.

Қарлуқлар дастлаб шарқий Тибетда яшаганлар, кейинчалик шимолга қараб юрганлар ва улардан ол дин Туркистонни эгаллаган уйғурларга қарши курашганлар, IX асрнинг бошигача Еттисувни эгаллаб тур ганлар. Кейинчалик, яъни X асрда Тоҳаристон, Балхга қараб сурилганлар.

Ўғузлар Сирдарёнинг қуйи оқимида, яъни яғмо, ту

---

[1] Владимирцов Б. Я. Сравнительная грамматика монгольского письменного языка и халхаского наречия. Ленинград, 1929, 45-бет.

[2] Бартольд В. И. История турецко-монгольских народов. Ташкент, 1928, 5-бет.

ги қабилалари яшаётган ҳудудларда VIII асрда ўз давлатларини тузади.

Уйғурлар 745 йилда дастлаб шарқий тукю ерига, сўнг ғарбий тукю ерига ҳужум қилиб, бутун Тукю давлатини босиб олади. 840 йилда қирғизлар уйғурларга қарши курашиб, ҳокимиятни қўлга оладилар ва улар X асрда қорахитойлар туркуми ҳужум қилгунгача ҳокимиятни қўлда сақлайдилар. Шундан сўнг уйғурларнинг бир қисми қарлуқлар томонига ва бир қисми Тибетга кетади.

Худди ана шу даврда ҳозирги вақтда амалда қўлланиб келинаётган туркий тиллардан бирортасига ҳам тўла мос келмайдиган қадимги туркий адабий тили пайдо бўлади.

Қадимги туркий адабий тилининг ёзма ёдгорликлари турк-руний (Урхун-Энасой) ва турк-уйғур ёзуви орқали бизгача етиб келган. Бу ёзувлар орқали етиб келган ёдгорликларни туркий тилларнинг бирортасига ҳам тегишли деб бўлмайди. Чунки уларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи туркий халқларга тегишли фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларни учратамиз.

Масалан: Култигин йоқ арсар, көпөлтари артигиз. Иним Култигин каргак болты өзим сақынтым; көрур көзим көрмазтаг, билир билигим билмазтаг болты, өзим сақынтым. Од танри йасар, киси оғлы көп олғалы (ёки өлүглы) торумыс.

Култагин обидасидан келтирилган бу парчада қайд ҳамма сўзлар тушунарлидир: Култагин бўлмаганда эди, сиз ҳаммангиз ўлар эдингиз. Иним Култагин керак бўлди, ўзим соғиндим, кўрар кўзим кўрмасдек, билган билимимни билмагандек бўлдим, ўзим соғиндим. Оҳ, тангри, инсон ўғли ўлиш учун туғиладими?

Демак, бундан кўринадики, қадимги туркий ёзув ёдномалари умумтуркий тиллар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ёзма ёдгорликлар бизга ёзув орқали етиб келган. Шундай экан, туркий халқлар қандай ёзувлардан фойдаланган?— деган савол туғилади. Тарихий ва археологик манбаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий халқлар оромей, сўғдий, хоразмий, урхун-энасой ёки руний, уйғур, араб ёзувларидан фойдаланганлар.

Ўрта Осиё ва Эронда клинопись ёзуви билан бирга, оромей ёзувидан эрамизгача бўлган VI—IV асрларда фойдаланганлар. Оромей ёзувининг таъсирида шаклланган сўғдий ва хоразмий ёзувлари эрамизнинг I—V асрларида ишлатилган.

Оромей ёзуви таъсирида эрамизнинг I асрида уйғур ёзуви шаклланади. V асрга келиб эса, руний номи билан аталган урхун-энасой ёзуви пайдо бўлади.

2- §. Руний ёзуви ва унинг ёдгорликлари

Руний ёзуви оромей ёзуви таъсирида пайдо бўлган сўғдий ва хоразмий ёзувлари асосида шаклланган. Лекин бунга туркий тиллар товушларини ифодаловчи тамға шаклидаги ҳарфлар ҳам қўшилган. Аввало бу ёзув Енисей қирғизларига, сўнгра шарқий туркларга ўтиб тарқалган. Шарқий ҳоқонликнинг маркази Урхун дарёси водийсида, ғарбий ҳоқонликнинг маркази Энасойда бўлган. Урхун дарёси водийсидаги ҳоқонлик уйғурларнинг 745 йилдаги ҳужуми билан тугатилади ва уйғур ёзуви билан алмашади. Энасой водийсидаги ёзув намуналарини IX асрларда ҳам учратамиз.

Бу ёзувларнинг борлиги фан оламига XVIII асрдагина маълум бўлади. Уларнинг намуналари Энасой дарёси бўйида топилади. XIX аср охирида эса, рус сайёҳи ва ёзувчиси Н. М. Ядринцев Урхун дарёси бўйидан шу хилдаги ёзувларни топади. Улар Урхун ва Энасой дарёлари бўйидан топилгани учун шу дарёлар номи билан аталади. Тузилиши жиҳатидан герман руник ёзувларига ўхшаганлиги учун руний ёзув деб юритилади.

Руний ёзувни 1893 йилда даниялик профессор В. Томсен ўқишга муяссар бўлади. У билан бир вақтда бу ёзувни рус олими В. В. Радлов ҳам ўқийди. Шундан сўнг бу ёзувларни ўрганиш ва топиш, уларни ўқиш ишига П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, И. А. Батманов, С. В. Киселёв каби туркологлар ҳам ўз улушларини қўшадилар.

Умуман, руний ёзувидаги ёдгорликлар катта ҳудудларга тарқалган бўлиб, улар феодал ҳукмдорлар ва уларнинг қариндошлари қабри устига қўйилган тошлар, таёқлар ва қояларда сақланган.

Руний ёзув ёдгорликларини чизма ва лингвистик

белгиларига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Энасой ёдгорликлари. Бу ёдгорлик Урхун ёдгорликларидан аввал топилган бўлса ҳам, кейинроқ ўқилди. Улар Энасой дарёсининг юқори оқимида ҳозирги Хакас ва Тува мухтор вилоятлари ҳудудидадир. Энасой ёдгорликларидан 50 дан ортиқ матн ўқилган ва нашр қилинган[1]. Бу ёзув эрамизнинг V—VII асрларига мансубдир.

2. Қирғизистондан топилган Талас ёзув ёдгорликлари олтита тошда ва бир чўп таёқда битилган. Чизма хусусиятлари билан Энасой ёдгорлигига яқин туради[2].

3. Урхун ёдномалари. У эрамизнинг VII—VIII асрларига тегишли бўлиб, Урхун дарёсининг Селенга ҳавзаси ва унга яқин жойлардан топилган. Улар Култегин (731 йилда ўлган) ва унинг акаси Мўғулхон, яъни Билгахон (784 йилда ўлган), Гудулухон (692 йилда ўлган), Тонйуқуқ (716 йилда ўлган), Кули-чура қабрларидаги тошларга ёзилган хатлардир. Бу гуруҳга Ихе-Хет, Хойто — Тамир, Чариш ва бошқа жойлардан топилган ёзув ёдгорликлари ҳам киради.

4. Бойқол кўли атрофидан, Лена дарёси ва Мўғулистондан топилган бир қанча тош, танга ва идишларга ёзилган намуналар ҳам руний ёзувидадир[3].

Шунга қарамай, урхун-энасой ёдгорликлари тил хусусиятларига кўра умумий белгиларга эгадир. Улар VIII асрлардаги туркий тилларнинг хусусиятларини ўрганиш учун қимматли маълумот берди. Маълумки, VIII асрда уйғурлар ҳужум қилганидан сўнг, руний ўрни уйғур ёзуви билан алмаштирилади.

3- §. Уйғур ёзуви ва унинг ёдгорликлари

Уйғур ёзуви янги сўғд ёзуви асосида шаклланган бўлиб, у кейинчалик мўғулларга ва мўғуллардан манжурларга ўтган. Уйғур ёзуви VI асрдан тортиб XV аср-

---

[1] Малов С. К. Енисейская письменность тюрков. Изд. АН СССР, 1951; Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959.

[2] Малов С. Е. Таласские эпиграфические памятники. Материалы Узкомстариса, вып. 6—7, Ленинград, 1936.

[3] Малов С. Е. К истории открытия древнетюркских рунических памятников в Средней Азии, Материалы Узкомстариса. вып. 6—7 Ленинград, 1936.

гача туркий халқларда ва буддачилар орасида ҳатто XVIII асргача ишлатилиб келинган.

Уйғур ёзуви асосида IX—X асрларга тегишли бўлган туркий тилларнинг ёзма ёдгорликлари пайдо бўлади. Улар диний, фалсафий хусусиятга эга бўлган асарлардир.

Уйғур алфавити билан ёзилган ёдгорликларни ўз хусусияти ва мазмунига қараб, қуйидагиларга бўлиш мумкин: 1. Уйғур ёдгорлиги. 2. Манихей ёдномаси. 3. Буддий ёднома. 4. Христиан ёдномаси.

Уйғур ёзувига тегишли ёдгорлик Сужи, Шинс — Усу ва Шарқий Туркистондан топилиб, улар тош ва қоғозларда сақланган. Бу ёзув эрамизнинг VIII асрига тегишлидир. Яғлақархон қабридан топилган намунани Сужи ёдгорлиги деб, Мўюн-чура қабридан топилган намунани Селенга ёдгорлиги деб юритадилар. Қоғозда топилганини Турфон ёдгорлиги деб атайдилар.

Манихей маданияти ёдгорлиги сифатида «Хуастуанифт»ни кўрсатиш мумкин[1]. Христиан маданияти ёдномаси «Волхвларнинг топилиши»дир[2].

Уйғурларнинг кўпчилиги будда динига ҳам сиғинганлар ва ўз ёдгорликларини яратганлар. Бу ёдгорликни «Суварна» ёки «Олтин ёруғ» деб юритадилар»[3].

Булардан ташқари, ёзма адабий тил билан халқ тили ўртасидаги бир намуна сифатида уйғур юридик ҳужжатлари ҳам сақланган. Улар VI—X асрларга ва ундан кейинги даврларга тегишлидир.

Манихейларга тегишли ёдгорликларни дастлаб инглиз олими А. Штейн, немис олими А. Лекок, француз олими П. Пелльи топиб, фан оламига маълум қилган.

Будда ёдгорлиги «Суварна»дан баъзи парчаларни немис олими Ф. М. Мюллер 1908 йилда эълон қилади.

Уйғур ёзуви асосида пайдо бўлган бошқа ёдгорликларни топиш ва уларни нашр этиш ишида В. В. Радлов, С. Е. Маловнинг кўп хизматлари сингандир. Улар томонидан эълон қилинган ҳужжатлар уйғур алфавитининг кенг миқёсда қўлланганини кўрсатади.

XI—XV асрларга оид кўпгина йирик асарлар туркуйғур ёзувида тартиб қилинган. Масалан, «Меърожнома, «Тазкираи авлиё», «Бахтиёрнома» каби бир қатор асарлар шу ёзувда кўчирилган. «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Муҳаббатнома» каби бир қатор асарларнинг уйғур ёзувида кўчирилган нусхалари ҳам мавжуд.

[1] Малов С. В. Памятники древнетюркской письменности. М. — Л., 1951, 108—130- бетлар.
[2] Ўша жойда, 131—139- бетлар.
[3] Ўша жойда, 139—200- бетлар.

4- §. Қадимги туркий адабий тилнинг хусусиятлари

Руний ва уйғур ёзуви асосида яратилган ёдгорликларнинг тил хусусиятларига бағишланган бир қанча асарлар майдонга келди. Бу тадқиқот ишларида ёдгорликлар тил хусусиятларининг қуйидаги томонлари ёритилди: турколог ва шарқшунос олимларнинг кўпчилиги эски ёдгорликларни нашр қилганда фақат баъзи грамматик шаклларини изоҳласалар, баъзилари эса шу ёдномаларнинг грамматик тавсифини ёритиб бердилар. Бошқа бир хил ишларда қадимги ёдномаларнинг айрим морфологик, синтактик ва фонетик хусусиятлари таҳлил қилинди[1].

Қадимги туркий адабий тилнинг ўзига хос диалектларини ўрганиб, биринчи марта тасниф қилган олим академик В. В. Радловдир. У қадимги туркий адабий тилни шимолий, жанубий ва аралаш диалект деб уч гуруҳга бўлди. Унинг таснифига С. Е. Малов ҳам тўлиқ қўшилди.

Шимолий туркий адабий тилга руний ёки урхун — энасой ёзувлари асосида вужудга келган тил киритилади. Бу тилга хос хусусиятлардан бири сўз бошида ва сўз охирида жарангли ундошлар ўрнида кўпроқ жарангсиз ундошлар келишидир. Лекин бундан **б** ундоши истиснодир, чунки сўзнинг охири **н** ва **нг** товушлари билан тугаган сўзларда сўз бошидаги жарангли **б** ундоши сақланади: *бән — мен, бинг — минг, бин — мин* каби. Масалан: *Тонйўқуқ бәнәг айди.— Тонйўқуқ менга айтди (Тонйўқуқ). Бангу таш тақытдым.— Мангу тош тикдим (Култегин).*

Бундан ташқари, **т** товуши сўз бошида кўп ишлатилади: *Су барын тиди.— Қўшин билан бор деди* (Тонйўқуқ).

Тушум келишиги учун асосан **-ғ (-г) / -ығ—иг—уғ—**

[1] Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюрских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М., —Л., 1961; Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, «Ўқитувчи», 1982.

уг) аффиксли шакл қўлланган: *сабығ — сўзни* (Тонйўқуқ), *йағығ — душманни* (Тонйўқуқ), *он эриг — ўн эрни.* (Култагин).

Қаратқич келишиги аффикси (**-ынг / -инг** шаклида ишлатилган: *Култегиннинг алтунун, кумушун (Култагин), Қағаныңг сабы — Хоқоннинг сўзи (Култегин), бизинг сү — бизнинг аскар* (Култагин).

Ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари учун **-да / -дэ ‖ -та -тэ** аффиксли шакл қўлланган: *Түргеш қағанта көрүг калти. — Тургаш хоқондан айғоқчи келди* (Култагин). *Қырқызда йантымыз. — Қирғизлардан қайтдик* (Тонйўқуқ). *Култэгин ол сүнүшда өтуз йашуйур эрти. — Култегин ўша уруш вақтида ўттиз ёшда эди* (Култагин). *Илтэ бунг йоқ. — Элда ғамгинлик йўқ* (Култагин).

Урхун-энасой ёдгорликларида ўтган замон феъли маъносида **-ды / -ди // -ты / -ти, -мыш / миш (-мыс / -мис)** аффиксли шакллардан ташқари **-дуқ / -дук** аффиксли шакл ҳам қўлланган. **-дуқ / -дук** аффиксли шакл ўтган замон феъли маъносида шахс-сон кўрсаткичисиз учала шахснинг бирлиги ва кўплиги учун ишлатилаверган.

Қиёсланг: *Қангынга, исингэ эр калти, қарлуқ исингэ кэлмэдук. — Хун хузурига ва унинг иттифоқига одамлар келишди, лекин унинг иттифоқига қарлуқлар келмади* (Моюн — Чура). *Бү — кэгукдэ сэкиз огуз, тоқуз татар қалмадуқ. — Букагукда саккиз ўғуз, тўққиз татар қолмади* (Моюн — Чура). *Йағы болып итин йаратуну умадуқ йана ичикмис. — Душман бўлиб ҳеч нарса қилолмади, яна унга бўйсунди* (Култагин). *— Илтэрэс қағанта адырылмадуқ, йангылмадуқ, тангри билгэ қағанта адырылмалым. — Илтарас хоқондан ажралмадик, (демак) янглишмадик. (Энди) тангридгк улуғ хоқондан (ҳам) ажрамайлик* (Онгин ёдгорлиги).

Урхун-энасой ёдгорликларида ҳозирги туркий тилларга хос сўзлар учрайди: *эл (эл), бэн (мен), сиз, илиг (қўл), қыз, оғлан, йаш, ат, тангри, алтмыш* каби. Лекин семантик хусусиятлари билан истеъмолдан чиққан сўзлар ҳам мавжуд: *будун* (халқ), *бағ* (иттифоқчилик), *су* (қўшин), *сабын* (сўзи) *ыты* (юборди), *тосық* (тўйган), *укуш* (кўп) каби.

Қадимги туркий тилнинг жанубий гуруҳ диалекти уйғур ёзуви асосида пайдо бўлган. Буларга Селенга, Сужи ва Турфон ёдгорликлари киради. Жанубий гуруҳдаги тиллар фонетик жиҳатдан шимолий гуруҳдаги тиллардан охири **н, нг** билан учрайдиган сўзлар бошидаги **б** товушининг **м** товушига ўзгариши билан фарқланади: *бэнгу — мэнгу* (мангу), *бэн — мен, бинг — минг* каби.

Қаратқич келиши **-нынг / -нинг** аффикси билан, чиқиш келишиги **-дын / -дин // -тын / -тин** аффикси билан ифодаланади. Феълнинг ўтган замон шакли ҳар бир шахс ва сон учун алоҳида аффиксларга эга.

Қадимги туркий тилнинг аралаш диалектикада шимолий диалектнинг ҳам, жанубий диалектнинг ҳам хусусиятлари ўз ифодасини топган. Бу диалектга уйғур ёзуви билан битилган манихей ёдгорлиги, Хуастуанифт, будда ёдгорлиги —«Суварна» («Олтин ёруғ»), «Сеҳргарларнинг ибодати» ва юридик ҳужжатлар киради.

Аралаш диалектнинг фонетик жиҳатдан ўзига хос хусусияти **д** товушининг **т** товуши билан, **ч** товушининг **ш** товуши билан алмашиниб ишлатилишидир: *ачун — ашун* (дунё), *атун — адун* (бошқа) каби.

Айрим сўзларда орқа қатор ундош товуши ишлатилади: *йоғ* (йўқ), *қолмаг — қолмоқ* (илтимос), *тамқа — тамға* каби.

Сўз ўртасида ва охирида **ғ, г** ундошлари келади: *тағықу* (товуқ), *ағыр* (оғир), *улуғ, илиг* (қўл) каби.

Отларнинг ўртасида, феълларнинг охирида **д** товуши келади: *адақ* (оёқ), *кидим* (кийим), *қод* (қўй) каби.

Умуман, қадимги туркий адабий тил даврида туркий тиллар дифференциация қилинди ва **д / т** белгили тиллар, **с / з** белгили тиллар ва **й** белгили тиллар гуруҳларига бўлинди. Ўзбек тили тараққиётининг илк даврида **й** белгили адабий тил шаклланди.

Қадимги ёдгорликлар тилига фонетик жиҳатдан қаралса, ҳозирги адабий тилдаги **е** (э) унлиси **э** тарзида талаффуз этилиши, **й** ундоши ўрнида **д** ундоши келиши яққол кўринади. Шунинг учун ҳам профессор С. Е. Малов руний ва уйғур ёзувларидаги ёдгорликларнинг тилини **д** белгили тилларга киритади.

5- §. Қадимги туркий тилнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли

Маълумки, X асрга келиб Ўрта Осиё ҳудудида қорахонийлар давлати вужудга келди. Бу даврда ўзбек эла-

тининг сиёсий тузуми, ижтимоий муносабатлари ва маданиятидагина эмас, балки этник ҳамда лингвистик таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Қорахонийлар давлати ҳудудидаги турли қабила ва элатлар бирлашиб кетди. Унинг таркибида уйғурлар, қарлуқлар, чигиллар, яғмо, тухси, арғулар, ўғузлар ва қипчоқлар бор эди.

2. Кўчманчи туркий қабилаларнинг ўтроқлашиши тезлашди. Бу ҳақда А. Ю. Якубовский шундай ёзади: «Агар қорахонийлардан аввалги даврларда туркларнинг Ўзбекистон тупроғига киришлари, асосан, мамлакатдаги кўчманчилар кўчиб юрадиган майдонларни тўлдириш ҳисобига борган бўлса, қорахонийлар замонида бу ҳодиса содир бўлибгина қолмасдан, балки деҳқончилик районларида туркларнинг ўтроқ ҳаёт ва меҳнатга тадрижий суратда кўчганлари ҳам кўринади»[1].

3. Туркий қабилаларнинг эрон тилида сўзлашувчи сўғдий қабилалар билан аралашиши ва қўшилиб кетиши анча кучайди.

Юқоридаги тарихий шароит асосида X—XI асрларга келиб, ўзбек элатининг этник чегараси аниқланди, тили ва маданияти барқарор бўлди. Бу ҳақда профессор М. Ваҳобов шундай ёзади: «Ўзбек элати туркий тилда сўзлашувчи кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлик ҳолатига ўтиб, эрон тилида сўзлашувчи деҳқонларга аралашиб кетишлари натижасида ташкил топган. Натижада, у ўз тили билан тожиклардан, ўтроқлиги билан қозоқ, қирғиз, туркманлардан фарқ қилади[2].

Ўзбек адабий тилининг шаклланишида қадимги туркий тилнинг таъсири қандай бўлди, деган савол туғилади.

Ўзбек тили қорахонийлар даврида Чу дарёси билан Сирдарё оралиғидаги кенг ҳудудда ва қисман Мовароуннаҳрда яшаган туркий қабилаларнинг бирлашуви натижасида қарлуқ — чигил қабила диалектлари асосида таркиб топди. Шундай қилиб, туркий тилларнинг қарлуғ гуруҳидан ажралиб чиққан шарқий қарлуқ тили дастлабки ўзбек тили учун асос ролини бажарди.

Қўпчилик илмий адабиётларда X—XIII асрлардаги

[1] Якубовский А. Ю. Ўзбек халқининг пайдо бўлиши масаласи ҳақида. Тошкент, 1941, 10- бет.

[2] Ваҳобов М. Ўзбек элати. «Гулистон» журнали, 1967, 1- сон, 12- бет.

ёмғ ёдгорликлар уйғур тили ёдномалари деб қаралади[1]. Шунга кўра, ўзбек тилига уйғур тили асос бўлган, деб талқин этилади. Ҳолбуки, М. Қошғарий қадимги уйғур тили билан кошғарий тили, яъни қорахонийлар давридаги тилнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб ўтган, Н. А. Баскаков ўзининг «Туркий тиллар» китобида таъкидлаганидек, ҳозирги ўзбек ва уйғур тиллари қадимги туркий тиллар билан, биринчи навбатда эса, эски ўзбек тили билан, сўнгра қарлуқ диалектлари асосида таркиб топган қорахонийлар давлатидаги тил билан, ундан ҳам қадимроқ генетик жиҳатдан қадимги уйғурлар ва тукюлар (ўғузлар) билан алоқадор бўлган қадимги яғмо тургаш диалектларига бориб боғланади[2].

Демак, қадимги уйғур тили эмас, балки шарқий қарлуқ (қарлуқ — чигил — уйғур) тили ўзбек тили учун ўзак тил ролини ўйнаган.

Шундай қилиб, туркий тилларнинг ғарбий хунн тармоғининг шарқий қарлуқ туркчасидан ўсиб чиққан ўзбек тилида қадимги туркий тилнинг бир қанча хусусиятлари сақланган.

Булар даставвал ўзбек тили лексикасида кўринади. Қадимги туркий тилдаги кўпчилик сўзлар қадимги ўзбек тилига ҳам қабул қилинган. Улар турмушнинг турли соҳаларига оид сўзлардир: *аб* (ов), *абыт* (тинчитмоқ), *абынчу* (қувонч), *абуч* (ҳовуч), *адаш* (ўртоқ), *адақ* (оёқ), *азун* (дунё), *азғур* (йўлдан урмоқ), *азығ* (милк), *азуқ* (озуқ), *адыр* (айир), *ай* (ой, айтмоқ), *алты* (олти), *алтмыш,* анча (шунча), *әр* (эр), *бар* (бор), *беглиг* (беклик), *иди* (жаноб, худо), *изиш* (идиш), *илгару* (илгари), *иллә* (бошқа), *ич* (ичмоқ, ич), *илиг* (қўл), *будун* (халқ), *йарыл* (ёрилмоқ), *йарын* (эрта), *йомә* (яна), *йық* (йиқитмоқ) каби.

Келтирилган мисоллардан қадимги туркий тилдаги лексик унсурлар ўзбек тилига жуда яқин бўлганлиги кўриниб турибди.

Услубият соҳасида ўзбек тили қадимги туркий тилдан бир қанча бадиий тасвир воситаларини, жумладан, эпитетлар, ўхшатиш, қиёслаш, истиора кабиларни қабул қилди. Чунки бадиий тасвир воситалари қадимги туркий тил асосида шаклланиб, шу тилда маълум даражада ишланган эди. Шуни алоҳида қайд этиш керак-

[1] Баскаков Н. А. Тюркские языки. М., 1960, стр. 37—61.

[2] Ўша асар, 172- бет.

ки, ўзбек тилининг бадиий тасвир воситалари ўзбек миллий тили асосида ривожланди. Булар халқ оғзаки ижодида аниқ кўринади. Халқ оғзаки ижодидаги бадиий тасвир воситаларининг адабий тилга таъсири қадимги даврлардан бошланди. Бу нарса М. Қошғарийнинг «Девон»ида, дидактик мавзуда ёзилган достонларда, Рабғўзий ва Али қиссаларида кўринади.

Умуман, қадимги туркий адабий тил таъсирида ўзбек тилининг луғат таркиби, грамматикаси ва бадиий тасвир воситалари меъёрлаша борди. Натижада, ўзбек адабий тилининг ўзига хос меъёрлари шаклланди. Ўзбек халқининг тили ўз тараққиёти давомида турли хил номлар билан юритилди. Бу эса, ўз навбатида, маълум адабий меъёрни белгилаш ишига тўсқинлик қилди.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛК ДАВРИ

1- §. Бу давр адабий тилининг хусусиятлари

Маълумки, X асрда қарлуқ қабилалари иттифоқи анча кучаяди ва улар Еттисувда ўзларининг Қорахонийлар давлатини барпо этади. Уларнинг маркази дастлаб Болосоғун, сўнгра Қашқар ҳисобланади. Қорахонийлар ўз таъсирини бутун Сирдарё водийсига ўтказади. Иккинчи томонда — Самарқанд ва Бухоро қисмида Сомонийлар ҳукмронлик қилар эди. Уларга бутун Амударё ва Сирдарё ўртасидаги ерлар қарарди. Кейинчалик бу ерлар ҳам қорахонийлар тасарруфига ўтади.

Қорахонийлар давлати таркибида маданий жиҳатдан ривожланган икки халқ бирлашди. Булар — Шарқда уйғурлар ва Ғарбда турк — эрон маданияти бўлиб, бу маданият ўша давр тилига ҳам кучли таъсир қилди.

Натижада Шарқда қарлуқ лаҳжаси асосида шарқий адабий тил ривожланди. Мовароуннаҳр ва Хоразмда ўғуз (қипчоқ) лаҳжаси асосида ғарбий адабий тил шаклланди. Худди ана шу адабий тил анъаналари эски ўзбек адабий тилининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

XI—XIV асрлар ёдгорликларини кўздан кечирсак, адабий тилда қуйидаги манзарани кўрамиз. Бир томондан, ўзбек тилининг илк даврига хос шаклларни кўрсак, иккинчидан, уйғур ёдномалари деб аталган асарлар таъсирида қадимги туркий шаклларни, учин-

чидан, у тилнинг тараққиётига бутун Ўрта Осиё олимлари ҳисса қўшган форсий тил унсурлари, тўртинчидан, араб истилочиларининг тазйиқи остида кириб қолган арабча шаклларни учратамиз.

Шундай мураккаб бир шароитда ўзбек адабий тилига хос шакллар таркиб топди. Илк давр ўзбек адабий тили тарихида икки хил типли тил мавжуд эканлигини кўрамиз. Ўша даврда яратилган ёзма ёдгорликларни кўздан кечириб, шундай хулосага келдик. Булар китобий адабий тил ва халқ адабий тилидир.

Китобий адабий тилда арабча, форсча ва қадимги туркий шакллар устунлик қилган. Шунинг учун ундаги кўпчилик сўз ва шакллар бизга тушунарли эмас.

Халқ адабий тилида эса ўша давр халқ тилига хос шакл ва унсурларни учратамиз. Ҳатто, бу фикрларни М. Қошғарий ҳам тасдиқлаган. У XI аср ёзувлари ва тили ҳақида гапирар экан, китобий тилда ёзилган асарларни ўқий олмаслигини кўрсатади[1].

Китобий адабий тил анъанаси диний ва қисман, дидактик йўналишдаги асарлар тилида ривожланди. Китобий адабий тилда қадимги туркий тилга хос бўлган фонетик ва грамматик шаклларни ва форсий, арабий унсурларни учратамиз. Масалан, «Тафсир» тилига мурожаат қилсак, унда шу ҳолатни кўрамиз. *Хотин* сўзи маъносида *урағут, хатун, аврат, аjал, киши, тиши* каби сўзларни учратамиз[2].

Халқ адабий тили халқ жонли тили материаллари асосида шаклланди. Унда жонли тилга хос бўлган бой лексик унсурлар халқ оғзаки ижодига тегишли бўлган бой услубий воситалар асосида таркиб топгандир. Илк давр туркий адабий тилининг ёдгорликларидан бири сифатида М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини кўрсатиш мумкин. «Девону луғотит турк»да Хитойдан Хоразмга қадар бўлган катта ҳудуддаги қабила, уруғ ва элатларнинг тили текширилади, шу элат адабий тилининг лексик ва фразеологик бирликлари киритилади, ўша лексик унсурлар халқ оғзаки ижодидан далилий мисоллар билан тасдиқланади. Масалан, М. Қошғарий *ақтурди* (оқтирди, оқизди) сўзини изоҳ-

---

[1] Қошғарий М. Девону луғотит турк. 1-том Тошкент, 1960, 65—66-бетлар.

[2] Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тефсира XII—XIII вв. ИВЛ, Москва, 1963, 15-бет.

лар экан, унинг бадиий адабиётдаги шаклини бериш учун қуйидаги шеърий парчани келтиради:

Ақтурур көзүм болақ,
Түшләнүр өрдәк йоғақ.

(Кўзим ёшлари булоқ сингари оқади, ҳатто унда ўрдак каби сув қушлари йиғиладилар, шўнғишадилар.) (М. Қошғарий. Девону луғотит турк, 1-том, 227-бет).

Демак, бу далиллар ўзбек адабий тилининг илк даврида адабий тилнинг китобий адабий тил типи ва халқ адабий тил типи мавжуд эканлигидан гувоҳлик беради.

2-§. М. Қошғарий «Девону луғотит турк» асарининг тарихий ва илмий аҳамияти

XI асрда шаҳар ва қабилалар ўртасидаги муносабат кучаяди. Лекин тилда хилма-хил шаклларни қўллаш ҳукмронлик қилади. Ана шу давр тилида маълум меъёрларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу эҳтиёж М. Қошғарийни «Девону луғотит турк» асарини ёзишга даъват этди. Бу асар туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида саҳифа очди.

Маҳмуд ибн-ул Ҳусайн ибн Муҳаммадил Қошғарий ўз даврининг атоқли олими сифатида тилшуносликка оид «Жавоҳир-ун-наҳв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг синтаксис дурдоналари, қоидалари»), «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар луғати») каби асарлар яратган. М. Қошғарийнинг биринчи асари ҳозиргача фан оламида номаълум бўлиб қолмоқда. Иккинчи асари «Девону луғотит турк» 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида топилган. Бу асар қўлёзмасини кўчирган котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашқийнинг ёзишича, у нусхани Маҳмуд Қошғарийнинг ўз дастхатидан олган.

«Девону луғотит турк» 1915—1917 йилларда уч томдан иборат қилиб Истанбулда нашр эттилади. Шу нашри асосида К. Броккельман асарни 1928 йилда немисчага таржима қилиб, нашр этади. 1939 йилда эса Анқарада Босим Аталий таржимасида усмонли турк тилида босилади. Олим С. Муталлибов «Девон» таржимаси устида самарали ишлаб, 1960—1963 йиллар давомида уч томли қилиб ўзбек тилида нашр эттирди.

М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари муқаддима ва луғат қисмидан иборатдир.

Муқаддимада муаллиф «Девон»ни яратиш сабаблари, ўз иш услуби, асарнинг қурилиши, туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган ҳарфлар ҳақида, сўзларнинг тузилиши ҳақида, китобда айтилган ва айтилмаган нарсалар ҳақида, турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида, турк тилининг хусусиятлари ҳақида, тилда ва лаҳжаларда бўлган фарқлар ҳақида фикр юритади.

«Девону луғотит турк»нинг асосий қисмида олти мингдан зиёдроқ сўзлар саккиз бўлимда изоҳланади. Ўша даврдаги таомилга кўра, туркий сўзларга арабча изоҳ берилади. Шунинг учун ҳам М. Қошғарий: «Тушунилиши осон бўлсин учун асарда арабча истилоҳлар қўлладим», дейди. (ДЛТ, I, 45-бет).

М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари оддий луғат китоби бўлмай, балки ўша даврдаги туркий тилларнинг ҳолатини белгилашда тилшунослик илмига қўшилган муҳим ҳиссадир. Бу асар Ўрта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан, ўзбек тилининг ташкил топишида асос бўлган қабилаларни аниқлаш учун ёрдам берувчи муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

М. Қошғарий ўз асарида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар ва бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва бу халқларнинг қадимги содда тилларига оид намуналарни мукаммал изоҳлаб берди. Бунинг учун у машаққат чекиб, ўша даврда мавжуд бўлган қабила тиллари намуналарини тўплади. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмоқлар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим». (ДЛТ, I, 44-бет).

М. Қошғарий туркий тилларда қўлланувчи сўзларни изоҳлаш, ҳар бир туркий қабиланинг ўзига хос хусусиятларини бериш учун алоҳида бир йўл тутади. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келинган шеърлардан, шодлик ва мотам

кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим». (ДЛТ, I, 47- бет).

М. Қошғарий юқоридаги принцип асосида туркий халқларнинг жонли тил намуналарини мукаммал изоҳлаб берар экан, улар «Девон» материаллари асосида ўз тиллари қайси қабила тили асосида тараққий этиб, камолга етганини аниқлай оладилар.

Муаллиф «Девону луғотит турк» асарида ўша давр тилининг фонетикасини, лексикасини, диалектологиясини жуда пухта ва тўла илмий асосда изоҳлаб беришга ҳаракат қилган.

М. Қошғарий сўзларни изоҳлашда ҳам ўзига хос алоҳида маҳорат кўрсатган. Унинг изоҳларида сўзлар маъносининг кенгайиши, мавҳумлашиши каби ҳодисалар ҳам очиб берилган. Сўзлар этимологияси, сўз ясалиши ва ҳар хил сўз туркуми ясовчи аффикслар тўғрисида дастлабки қоидалар баён этилган. У сўзларга янги маъно юклаш йўли билан ҳам янги сўзлар ясалиши ҳодисадан фойдаланганлиги шу хил янгиликлардан эди.

М. Қошғарий «Девон»да четдан қабул қилинган сўзларга икки хил муносабатда бўлади. Турмушга доир турли хил нарса ва буюмлар борки, улар ҳаётга сингиб кетган, лекин уларнинг номи тилимизда йўқ. Шунинг учун олим уларни ўша қўшни тилдаги каби қўллашни маъқуллайди. У мазкур тилда бўлган сўзлар ўрнида бошқа тил сўзларини қўллашни зарарли деб ҳисоблайди. Агар биз М. Қошғарийнинг иккинчи фикрига асосланганимизда *билгә, битик, урағут* каби туркча сўзлар ўрнида арабча *олим, китоб, аёл* каби сўзларни қабул қилмаслигимиз керак эди.

М. Қошғарий «Девон»да ўша давр фонетикасига йўл-йўлакай берган изоҳларида туркий тиллар фонетикасига доир қимматли фикрлар баён қилган. У ўша давр тилшунослигида фонетикага хос кўпгина янгиликлар яратди, товуш ва ҳарфлар ўртасидаги муносабатни биринчи марта аниқлади, ёзувда бўлган ҳарфлар жонли тил товушларини тўла ифодалай олмаслигини кўрсатди.

«Туркий тилларда қўлланиладиган асосий ҳарфлар сони ўн саккизтадир. Ҳолбуки, тилдаги товушлар ўн саккизта эмас, кўпдир. Бу ўн саккиз ҳарф етарли эмас. Булардан бошқа тилда бўлган товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин у ҳарфлар йўқ. У етти то-

ушли ана шу ҳарфлар устига махсус белги қўйиб ёзилади» (ДЛТ, I, 47—48- бетлар).

М. Қошғарий ўз асарида ўша давр вокализми ва консонантизмига доир ўзига хос фикрларни ҳам айтади. Китобда унлилардаги кенглик ва торлик, чўзиқлик ва қисқалик масаласи; ундошлар системасидаги содда ва комбинатор ундошлар, улардаги жарангдорлик ва жарангсизлик, ундошларда қатор келиш ҳодисалари ҳақида қизиқарли мулоҳазалар юритилган. Бундан ташқари, XI аср фонетикасига хос бўлган фонетик жараёнлар ҳақида ҳам дастлабки фикрлар баён этилган.

М. Қошғарий ўз даврининг буюк диалектшуноси сифатида ўша давр қабилалари ва уларнинг тилларини мукаммал аниқлаб берди. У қабилаларни тарихий асосда ёритди, айрим шеваларгагина хос бўлган тил ҳодисаларини ҳам ўз асарида кўрсатиб берди. Умуман, бу асарда тарихий диалектологияга тегишли қимматли материаллар берилган.

«Девону луғотит турк» фақат тилшунослик асари бўлиб қолмасдан, балки ўз даврининг қомуси сифатида унда турли халқларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одати, жўғрофияси, табиий шароити, этнографияси ҳамда халқ оғзаки ижоди ҳақида ҳам қимматли материаллар ўз ифодасини топган. Бу асарни ўрганиш билан Ўрта Осиё маданиятининг келиб чиқишини ёритишда юз берган хато ва камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Шу жиҳатдан бу асар Ўрта Осиё халқлари тарихи ва тилини ўрганиш учун ҳам муҳим манбадир.

3- §. «Қутадғу билиг» асарининг тили ва услуби

Ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврини кўрсатувчи асарлардан бири сифатида Юсуф Хос Ҳожиб Балосоғунийнинг «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарини кўрсатиш мумкин.

«Қутадғу билиг» асари шеърий панднома бўлиб, ундаги шеърлар подшо Кунтуғди, доно вазири Ойтўлди ва унинг маслахатчиси Ўғдулмишлар ўртасидаги суҳбатлар тарзида берилади. Бу асар Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг қорахонийлар давридаги ҳаётини ҳар томонлама ёритиб бериши жиҳатидан муҳим бўлганидек, ўзбек адабиёти ва тили тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

«Қутадғу билиг» асарининг уч қўлёзма нусхаси тад-

қиқотчиларга маълум. Улардан иккитаси XV асрда кў чирилган, ҳозир Вена ва Қоҳирада сақланяпти. «На манган қўлёзмаси» деб аталган нусхаси XIII—XIV асрларда кўчирилган деб тахмин қилинади ва у Ўзбе кистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари топил ганидан бошлаб олимлар илмий иш олиб бормоқдалар. Жумладан, рус шарқшунослари В. В. Радлов, Е. Э. Бер тельс, С. Е. Малов, В. В. Бартольд кабилар бу ҳақда қатор илмий ишлар яратдилар. Ўзбек тилшуносларидан С. М. Муталлибов, Ғ. А. Абдураҳмонов, Қ. Каримов ларнинг бу соҳадаги ишлари айниқса диққатга сазо вордир.

«Қутадғу билиг» ҳажм жиҳатидан катта асар бўлиб, жанр эътибори билан давр учун янги китобдир. Жанр нуқтаи назаридан янги асар бўлган бу китоб ёзувчи олдига асар тили устида ишлаш учун бошқача талаб лар қўйди. Даставвал, ўша даврдаги тарқоқ қабилалар тилида мавжуд бўлган тил фактларини, тил хусусият ларини пухта ҳисобга олишни, келажакдаги тил тараққиётига хос хусусиятларни қабул қилишни кўндалан қилиб қўйди.

Бундан ташқари, халқ оммасининг сўз қўллашдаги тажрибасига суяниб ишлаш, услубий силлиқликка кат та аҳамият бериш ва унга тўла риоя қилиш талаб қи линарди. Юсуф Хос Ҳожиб бу талабларни ўз асарида шараф билан бажарди. Ана шу нуқтаи назардан «Қу тадғу билиг» асари ўша давр тилини маълум бир ти зимга солди ва адабий тилни ривожлантиришга хизмат қилувчи янгиликлар билан бойитди.

«Қутадғу билиг» достонида мамлакатда пайдо бўл ган янги ҳодисалар тил материали асосида ёритилган. Шунинг учун уни ўша даврда алоҳида босқичга кўта рилган адабий тил намунаси деса бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида тилдаги умумийликни мустаҳкамлар экан, ўша давр қабилалари тилида фарқ ли талаффуз қилинадиган ва турлича ёзилган сўзлар талаффузида ҳамда имлосида бир хиллик яратди. Ма салан: *ёғоч, уят* каби бир қанча сўзлар турли қабила ларда турлича ўқилар ва ёзиларди. Асарда уларнинг имлосида ҳам, талаффузида ҳам бир хиллик юзага келтирилди.

Юсуф Болосоғуний ўша давр тилида бўлган турли

морфологик шаклларни янги сўзларда қўллаб, ларни тилда янги ҳодиса сифатида танитишга, умумлаштиришга муваффақ бўлди. Масалан, М. Қошғарий нинг «Девону луғотит турк» асарида **-чи** аффикси нинг шахс оти ясаш вазифасинигина кўрсатади.

Аммо «Қутадғу билиг» асари тилида **-чи (-чы, -жы, -ин)** аффикси бошқа вазифаларни ҳам ўтайди. Масалан: *Ўзунчиг узунгдан йырақ тут, сақын* («Қутадғу билиг», В. В. Радлов нашри, 1910, 446- бет)[1].

Келтирилган мисолда **-чи** аффикси «ѳзун» сифатига қўшилиб, алоҳида қилиқли эзма одам маъносидаги «узунчиг» сўзини ясаган.

Тарықчи кишиләр болур илги кән. (Дон экувчилар нинг қўли кенг бўлади; «Қутадғу билиг», 282- бет). Бунда **-чи** аффикси касб-ҳунар эгаси маъносини анг латган.

Ағычы улуғ бўлса, иш ўртамаз.
Битикчи керак ўз қамуғ хат билир (ҚБ, 242- бет).

Мисолимиздаги *ағычы* (идишчи, ошхона бошлиғи), *битикчи* (котиб) сўзлари мансаб, даража маъноларини билдириб келяпти.

Бундан ташқари, М. Қошғарий XI аср тилида **-ғу, -гу, -қу, -ку** аффикснинг вазифаси анча тор эканлигини таъкидлайди. Аммо «Қутадғу билиг»даги тил далиллари бунинг аксини кўрсатади. Бу аффикс билан ясалган сўзларнинг маъно ва вазифаси асар тилида анча кенгдир. У ўнга яқин маънони ифодалайди.

Масалан: *ат тушағу болды* (от тушовланадиган вақт бўлди)— сифатдош вазифаси; *бу аш ичку* (бу овқатни еиш, ичиш)— мавҳум от; *йана борғу эрсә...* (агар бо риш керак бўлса ...)— зарурлик маъносида; *эгин битгу ишим ...* (эгним битарлик кийим ...)— миқдор маъно сида *тирәгү* (тиргович), *көзөкү* (косов) — қурол номи каби маъноларни билдиради.

Юсуф Болосоғуний ўз асарида юқоридаги каби ясовчи аффикслар вазифасининг давр адабий тилида услубий кенгайиб боришига тўлиқ намуналар берган. Тилда бу усулни ривожлантириб, уни пухта тартибга туширишга учун катта хизмат қилган.

Ўша давр тилига хос хусусиятларни бериш учун Юсуф Болосоғуний турли услубий мақсадда лексик унсурлардан ҳам усталик билан фойдаланган.

[1] Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинади.

«Қутадғу билиг» ёдгорлигида форсча сўзларга нис батан арабча сўзлар кўпроқдир. Лекин баъзи тадқ қотчилар унда 94 та арабча сўз бор деб кўрсатадилар Масалан: *мамлакат, Йўсуф, Муҳаммад, ҳурмат, одил адолатлик, золим, қодир, мадраса, олим, китоб, номаз давлат* кабилар.

Оз бўлса-да, форсча сўзлар ҳам учрайди: *осмон, бо зор, пул, тухум, гўҳар, нодон, хон, ваҳа, дўст, даҳан гул, гўш, покиза* кабилар.

«Қудатғу билиг» асари тилида ўрхун-энасой ёзм ёдгорликларига хос лексик унсурларни ҳам учратамиз

Ёдгорлик тилида *ат* (миниладиган от)—*ат* (исм) *ат* (буйруқ феъли); *ачығ* (аччиқ)—*ачығ* (тоза) каби омонимларни; *йаруқ // ёруғ* (ёруғ), *қаранқу* (қоронғу) *йахшы* (яхши—*йаман* (ёмон) *йўмшақ* (юмшоқ), *қатығ* (қаттиқ), *алыс* (олис)—*йақын* (яқин), *ачығ* (аччиқ)—*татығ* (ширин), *бедук* (буюк , баланд)—*қоды* (қуйи паст) каби антонимларни; *ағрығ*—*иглиг* (оғриқ) *ачығ*—*силиг* (тоза), *қамуғ*—*барча* (ҳамма) каби си нонимларни учратамиз.

Юсуф Хос Ҳожиб тилдаги синонимларни ёнма-ён қўллаш билан ҳам кўпгина услубий янгиликлар яра тишга муваффақ бўлди. Ёнма-ён келган синоним сўз лар ўзининг аввалги маъносида эмас, балки бошқа мавҳум маънода қўлланилган. Масалан, *сарай*—*қар шы* сўзи иморат ускуна, мол-мулк маъносида, *тавар нанг* сўзи бойлик маъносида, *куч-қувват* сўзи имконият маъносида ишлатилган.

«Қутадғу билиг» асари тилида ҳозирги тилимизда қўлланувчи *йигит, қулғақ* (қулоқ), йўрэк (юрак), *идиш таш, эл, сатығчы каби* отларни; *сарық қара, кэк* (кўк) *қызыл, исиғ* (иссиқ) каби сифатларни; *бир, ики* (икки) *беш* (беш), *қырқ, мин,* каби сонларни; *мен, сен, ол неча мундағ* (бундай) каби олмошларни; *кел, тур, ич бол, көр, кез, қый, кир, бил* каби феълларни учратамиз

Бундан ташқари, асар тилида шундай лексик унсур лар борки, улар ҳозирги адабий тилимизда қўлланил майди. Масалан: *будун* (халқ), *қамуғ* (ҳамма), *төр* (қонун), *байат* (худо), *байығ* (паст), *байық* (тушунар ли), *эб* (шошилмоқ), *өд* (вақт), *бегу* (қаҳрамон), *сөч* (танламон), *адын* (бошқа), *тегүр* (етказмоқ), *тапы*

[1] Наджип Э. Н. Современный уйгурский язык, ИВЛ, Москва 1960, 18- бет.

(хизмат), *тығақ* (тайёр), *ирсел—эрсел* (аҳмоқ), *чығай* (камбағал), *оқуш* (кўп), *узне* (зид келмоқ), *эринч* (мар ҳамат, мумкин), *эрсик* (олижаноб), *иди* (бутунлай), *иг* (касал), кувэз (мағрурлик), *одуғ* (ҳушёрлик), *оғра* (уч рашмоқ), *отачы* (табиб), *бут* (ишонмоқ), *қалы* (агар), *қалық* (осмон, кўк), *қарамбул* (қашқар гул), *қаршы* (гарой), *қоғус* (бўш жой), *тору* (урф-одат, қонун) ва бошқалар.

Умуман, «Қутадғу билиг» асари XI аср қабилавий тилларни бирлаштиришга ва уни ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шунинг учун бу асар тилида ўзбек, уйғур, қирғиз каби туркий тилларга хос хусусиятларни учратамиз. Шу нуқтаи назардан бу асар тили пухта тартибга тушган эски туркий адабий тилнинг дастлабки намунаси, муштарак ёдгорлик бўлиши билан аҳамиятлидир.

4-§. Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг тили ва услуби

Истеъдодли шоир ва донишманд Аҳмад Югнакийдан бизга етиб келган ягона ёдгорлик «Ҳибатул-ҳақойиқ» асаридир.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг яратилган даври ҳақида турли фикрлар бор. С. Е. Малов асар тилидаги архаик унсурларга асосланиб, уни X асрга тегишли деса, бошқа тадқиқотчиларнинг ҳаммаси уни XII асрда яратилган деб изоҳлайдилар. Кейинги фикр асосли бўлиб, унга қўшилиш мумкин.

Бу асарнинг қўлёзмаси Истамбулда Нажиб Осим томонидан топилади ва 1915 йилда усмонли турк тилида нашр этилади. «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг янги қиёсий нашри 1951 йилда турк олими Рашид Раҳмат Арат томонидан чоп этилади.

Е. Э. Бертельс, С. Е. Малов, Қ. Маҳмудов каби олимлар бу достонни ўрганиш соҳасида самарали иш қилганлар.

Достон II боб, 256 байтдан иборат бўлиб, унинг тили кўп хусусиятлари билан «Қутадғу билиг» асарининг тилига яқин туради. Чунки унда ҳам қарлуқ лаҳжаси тили анъаналари учрайди.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» достонининг муаллифи бирор воқеани баён қилиш вазифасини эмас, балки илм-

маърифат, одоб-ахлоқ ва бошқа масалалар ҳақида фикр юритиб, кишиларга насиҳат бериш вазифасини ўз олдига қўяди. Профессор Н. Маллаевнинг фикрича, «Ҳибатул-ҳақойиқ» дидактик достон бўлиб, бу нарса унинг тили ва услубини белгилайди.

Маълумки, дидактик достон асарнинг бадиий хусусиятлари доирасини хийла чеклаб қўяди, у мавзуни персонажларнинг ҳаёт ва кураш йўлини тасвирлаш орқали ёритишни шарт қилиб қўймайди. Шунга қарамай, Аҳмад Югнакий бадиий тил воситалари, халқ мақолларини қўллаш орқали асар услубини ва тилини жозибали қилишга эришган.

Маълумки, қорахонийлар давлати емирилгандан кейин ўзбек адабий тили қадимги туркий тилнинг турли шевалари ҳисобига ва маълум даражада тожик-форс тили сўзларини ўзлаштириш ҳамда арабча сўзларнинг кириб келиши йўли билан тараққий этиб борди. Худди ана шу тараққиётни «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари тилида кўрамиз.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» асарига фонетик жиҳатдан ёндошсак, ўша давр китобий тил анъанасига айланган д — диалект устун даражада қўлланилганини, яъни *й* товуши ўрнида *д* товуши келганини кўрамиз.

Масалан: *кидим* (кийим), *кединки* (кейинги), *адақ* (оёқ), *қод (қўй — қўймоқ* феълидан) каби. Бундай фонетик ҳолат «Қутадғу билиг»да ҳам учрайди. Баъзи ўринларда кам бўлса-да, *д* товуши ва *й* билан алмашган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу нарса унинг X асрдан кейинги даврга тегишли эканлигидан далолат беради.

Масалан: *Қали кийсән, атлас, унутма бөзи*н (Атлас кийган вақтингда бўз кийганингни эсингда тут). Мисолимиздаги *кий* (киймоқ) сўзи архаик тарзда *кид* шаклида берилмаган, балки *й* товуши билан келган. Бундан ташқари, сўз охирида келувчи *н* товуши ўрнида *нг* товуши келади: *отын — отун* (ўтин), *нана — нанг* (нарса) каби.

Морфологик нуқтаи назардан чиқиш келишиги *-дин*, -дын аффиксларига, жўналиш келишиги *-ға, -гə* аффиксларига, тушум келишиги **ыг,, -иг** ва **-ны, -ни** формаларига эгадир. «Қутадғу билиг»да орзу-истак майли **-ғай, -гэй** билан, шарт майли **-сар, -сэр** билан, буйруқ майли **-сун** билан ифодаланса, «Ҳибатул-ҳақойиқ»да **-ға, -га, -са, -сə, -су, -айын** билан ифодаланади: *ачық болға — аччиқ бўлғай, болса — бўлса, кəлсə — келса, қалсу — қолсин* каби.

Асар тилида қадимги уйғур тилига хос бўлган **-лу, -дачы, / дəги, -дуқ** каби сифатдош ясовчи шакллар учрайди. Масалан: *йўғуқлу* (ювилган).

Лексик нуқтаи назардан «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари тилида қадимги туркий тил сўзларини учратамизки, бу нарса унинг қадимги туркий адабий тил анъанаси билан маълум даражада боғлиқ эканлигидан далолат беради. Масалан: *нан* (нарса), *будун(* халқ), *ажун* (дунё), *кидин* (кейин), *адыз* (баланд), *қалы* (агар), *асығ* (фойда), *тўға* (туғма), *обут* (уят), *йыд* (ҳид), *əлик* (қўл), *чығай* (гадой) кабилар.

Асар тилида учровчи арабча, форсча сўзлар ва ғарбий туркий тилларга хос бўлган *урам* (кўча) сўзининг кўраши, уни XII аср ёдгорликлари тилига яқинлаштиради.

Умуман, «Ҳибатул-ҳақойиқ» достонининг тили «Қутадғу билиг» тилига нисбатан кейинги адабий ёдгорликларнинг тилига хийла яқинроқ бўлиб, ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврини ўзида акс эттиради.

Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони билан янги ўзбек ва уйғур адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам буюк сўз санъаткори Алишер Навоий «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарига катта баҳо берган эди.

5- §. XI аср адабий тилининг негиз диалекти муаммоси

Ўзбек адабий тилининг илк даврида адабий тилга негиз бўлган диалект муаммоси ҳали ҳал бўлмаган эди. У давр адабий тилида «д» (д, з) лашиш ва «й» лашиш ҳодисалари мувозий равишда қўлланар эди. Лекин у даврда «д» лашиш ҳодисалари етакчи роль ўйнаган.

XI—XII асрлар адабий тилида «д» диалектининг устунлиги шундаки, қорахонийлар давлати барпо этилгунга қадар Мовароуннаҳрда чигиллар яшаган. Чигиллар ерли халқ бўлиб, уларнинг таъсири «й» диалектига нисбатан кучли бўлган. Кейинчалик қорахонийлар чигилларни ҳам ўзларига қўшиб олгач, дастлаб ҳар икки диалект параллел қўлланган. XIII асрлардан кейин эса «д» лашиш сийрак, «й» лашиш эса устунлашади.

Қадимги туркий адабий тилда «й» ҳодисаси ҳам учрайди. Уларда фақат «д» ҳодисаси устун эди. Бу ҳақда С. Е. Малов шундай ёзади: «Руник ва уйғур ёзувлари-

даги ёдгорликларнинг тиллари «д» гуруҳидаги тиллар дир»[1].

Демак, энди ўзбек адабий тилидаги «й» лашиш ҳодисаси қандай пайдо бўлди?— деган савол туғилади.

Маълумки, у кейинчалик баъзи позицион шароитларда ёки айрим товушларнинг аста-секин ўзгариши натижасида пайдо бўлган. «Й» ундошининг ривожланиш босқичлари қадимги туркий тилда ҳам қисман кўринади.

«Й» товушининг туркий тилларда пайдо бўлиши турлича бўлиб, баъзиларида «й» товуши бўлса-да, баъзиларида йўқ. «Й»нинг туркий тилларни чегаралашда ҳам роли каттадир. С. Е. Малов туркий тилларни таснифқилар экан, уларнинг **«й»** ва **«д»** товушларининг борлигига қараб ажратади. Бу ҳақда С. Е. Маловнинг ўзи шундай дейди: «Айрим сўзларнинг маълум ўринда, жумладан, отларнинг ўртасида, феълларнинг охирида **«й»** товушининг келиш-келмаслигига қараб, ҳамма қадимги ва ҳозирги туркий тилларни икки гуруҳга бўлиш жуда қулайдир. Агар баъзи сўзларнинг маълум ўринларда **«й»** товуши келса, албатта, бошқа белгилари билан биргаликда, уларни янги туркий тиллар қаторига киритадилар ва киритиш керак. Агар ўша хил сўзларда бошқа хил товушлар бўлса, уларни қадимги туркий тиллар қаторига киритиш керак»[1]. Муаллиф «й» асосли диалект қарлуқлар тилига тегишли деб кўрсатади. М. Қошғарийнинг эслатишича, бу ҳодиса чигилларда мавжуд бўлган. Маълумки, Туркистонга қарлуқлардан олдин уйғурлар келади. Уйғурлар ва қарлуқлар Тибетда яшаганлар. Эҳтимол, бу диалектни қарлуқлардан уйғурлар олиб, чигилларга ўтказган бўлиши мумкин.

«й» товуши бошқа товушлар талаффузининг ўзгариши ва танглай артикуляциясининг кучайиши натижасида пайдо бўлган.

дз товуши X—XII асргача реал фонетик ҳодиса бўлган бўлиб, у диалектларни фарқловчи асосий белги бўлган. Бу ҳақда М. Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида шундай ёзади: «Яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, жумул ва ўғузлар ҳар вақт «з»ни сўзда «й»га айлантирадилар ва ҳеч маҳал «дз» билан сўзламайдилар. Чунончи, улардан бошқалар қайин да-

[1] Малов С. Е. Памятники древнетюркский письменности. Тексты и исследования. Издательство АН СССР, М. — Л., 1951, 126- бет.

қадзинг десалар. бу қабилалар *қайынг* дейдилар ва ҳеч маҳал «дз» билан сўзламайдилар. Бошқа қабилалар қайнини, яқинларини *қадзын* (қайнаға) дейдилар, булар *қайын* дейдилар. Чигил ва бошқа туркий қабилалар тилида (дз) билан айтилган сўзлар қипчоқ, ябақ, сувор, булғорлар ҳамда русларга ва Румга қадар бориб тақаладиган бошқа қабилаларда «з»га алмашинилади. Масалан, турклар оёқни *адзақ* десалар, улар *азақ* дейдилар. Чигиб турклари *қарын тодтзы — қорин тўйди* десалар, улар *тозды* дейдилар. Бошқа от ва феълларда ҳам ана шунга қиёс қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, чигилларда «дз» билан айтиладиган сўзлар яғмо, тухси, ўғуз ва Чинга қадар ўтилган ерларда яшовчи баъзи уруғларда «й» билан алмашади».[1].

Шарқий туркий тилларда «дз» ҳодисаси камроқ учрай бошлади. Бошқа туркий гуруҳларда у «з» билан алмашади. Ҳамма туркий тилларнинг фонетик тизими ўзгариши билан XII асрга келиб «дз» товуши «й» ва «з» товушлари билан алмашди.

Ҳаммадан аввал қипчоқлар «й»га эга бўлдилар. Ундан сўнг ўғузлар «дз»дан «й»га ўтдилар. Бу нарсани Ибн Муханна ҳам тасдиқлайди. Туркистонликлар *идзи, эдзгу,* адақ деб гапирсалар, бизнинг мамлакат туркилари *ийи, эйгу, айақ* дейдилар, деб таъкидлайди.

Ўзбек адабий тилида «дз» товушининг «й»га ўтиши XI асрга тўғри келади. Лекин у XI аср ёдгорликларида ҳам учрайди ва «й» билан мувозий ҳолда келади.

Масалан: «Қутадғу билиг» асарида «й»ли шаклга кўра «д»ли шакл кўпроқ учрайди: *кәдзин* — кейин, *кудзук* — дум, *кәдзик* — ҳайвон каби.

Худди шу каби аралаш ҳолатни Қарши шаҳридан топилган «Тафсир»да ҳам учратамиз. Шунинг учун ҳам А. К. Боровков «Тафсир»ни **дз, з** товушли тилга киритади. Лекин баъзан **«й»**ли ҳолат ҳам учрайди, деб кўрсатади: қоды, қозы, қуйы — қуйы каби.

дз ва **й** товушларининг аралаш ҳолда ишлатилишини кейинги давр ёдгорликлари «Қиссасул анбиё», «Ҳибатул-ҳақойиқ» ва «Ўғузнома»да ҳам учратамиз.

«Д» товушининг **дз, й** билан алмашиниши тасодифий ҳол эмасдир, чунки д товуши тараққий этиб, **ж** то-

[1] Кошғарий М.Девону луғотит турк. 1-том, Тошкент, 1960, 68- бет.

вуши билан алмашади. У, ўз навбатида, **й** товуши билан алмашади. Демак, **й** — диалектли тил М. Қошғарий даврида ҳам қўлланилган бўлса, XIV асрдан эътиборан адабий тилда асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам А. К. Боровков XI—XIV асрларни **дз** диалектидан **й** диалектига ўтиш даври деб атайди.[1] **«Й»** диалекти Ибн Муханна асарларида кўплаб учрайди: йузум — узум, йипэк — ипак. Лекин бу товуш д нинг прототипи сифатида кўринади. Шунга кўра, **й** ли асос кейинги ҳолатдек кўринади.

Й — диалектли ўзбек тилининг тараққиётини тўлиқ аниқлаш учун XI—XIV аср ёдгорликларини пухта ўрганишга тўғри келади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ XII АСРДАН КЕЙИНГИ ТАКОМИЛЛАШУВИ

1-§. XII асрдан кейинги ўзбек адабий тилининг хусусиятлари

Маълумки, X—XIII асрлар ўзбек адабий тилининг шаклланишида катта бир босқич бўлди. Чунки бу даврда ўзбекларнинг этник чегараси белгиланди.

Ўзбек адабий тилининг XII асрдан кейинги такомилида XII—XIII асрлардаги тарихий воқеаларнинг роли каттадир.

Маълумки, мўғул қабилаларининг фаоллиги X асрданоқ оша боради. Биринчи мўғул қабилаларидан бўлган қорахонийлар Еттисувга ва XII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёга бостириб кирадилар. Лекин қорахонийлар, бир томондан, кучли давлат бўлган хоразмшоҳлар билан курашса, иккинчи томондан, мўғул уруғларидан найманлар билан ҳам курашади. Хоразмшоҳлар бу курашда қипчоқлар, ўғузлардан фойдаланади. Натижада қорахонийлар Ўрта Осиёни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Лекин улар ўзбек элати таркибига хитой қабиласини ташлаб кетдилар.

Ўзбек элати ва унинг тили тарихида XII асрнинг бошлари янги давр ҳисобланади. Чунки бу даврда мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиш даври бошланади. Академик В. В. Бартольднинг фикрича, мўғуллар истилоси турклар тақдирига кучли таъсир қилди. Чунки улар томонидан Ўрта Осиёда тузилган давлатнинг тили аста-секин туркий тил бўлди, дейди у.

Мўғуллар истилоси натижасида тузилган давлатни Чиғатой давлати деб атайдилар. Бу давлат XIV асрнинг охири Темурийлар империяси тузилгунгача давом этди.

Чиғатой давлати турк тилида ва эрон тилида сўзлашувчи қабила, элат, халқлар яшовчи Ўрта Осиёнинг маданий ҳудудида тузилди. Бу давлат ўзининг ёзма адабий тилини яратдики, у Навоий давридаги эски ўзбек адабий тилига негиз бўлиб хизмат қилди.

Кўпчилик илмий ва лингвистик адабиётларда чиғатой тили деб аталган адабий тил қорахонийлар даврида ташкил топган қарлуқ ва ғарбий Хоразм тили базасида вужудга келди.

XII—XIV асрлар адабий тилига қорахонийлар даври тили асос қилиб олиниб, у тилдаги шевали китоб тили анъанасига айланиб боради. Чунки кейинчалик Чиғатой давлати тузилган ҳудуддаги қабилалар асосан «д» ишлатадилар. Шунинг учун XII—XIV аср ёдгорликлари кўздан кечирилса, «д» белгили диалектнинг устун даражали эканлиги кўзга ташланади.

XIII асрда мўғул қабилаларининг таъсири натижасида Хоразм аҳолисининг туркий тилга ўтиш жараёни тугалланди. XIII асрнинг охири —XIV асрнинг бошларида туркий тилларда сўзловчи аҳоли нуфузи чўл райoнлари ва қишлоқлардагина эмас, балки Тошкент, Ўзган, Қашқар, Сайрам, Болосоғун, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда ҳам ортди. Шу билан бир қаторда, бадиий адабиёт тилида китобий тилга нисбатан жонли халқ тилига мурожаат қилиш кучайди.

Бундан ташқари, XIII—XIV асрларда Хоразмни ҳам ўзига қўшиб олган Олтин Ўрда давлати тузилди. Олтин Ўрданинг бир қисми бўлган Хоразмда адабий тил қипчоқ, ўғуз тили унсурлари асосида ривожланди. Хоразм орқали Олтин Ўрданинг таъсири Мовароуннаҳрда ҳам кучайди. Натижада XIV асрга келиб, Ўрта Осиёнинг марказий қисми билан Қашқар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий алоқалар сусая бошлади.

Ўзбек элатининг шаклланиши ва тилининг тараққиётига таъсир қилувчи омил бўлган халқнинг ўтроқ қисми билан кўчманчи қисми ўртасида муносабат ва алоқа анча кучайди. Ҳатто кўчманчи ўзбеклар Ўзбекхон бошчилигида XIV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрга бир неча марта юриш қилдилар. Бу юришлар Абулхайрхон

[1] Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тефсира XII—XIII вв. М., 1963, 10- бет.

ва унинг набираси Шайбонийхон даврида анча кучайди.

Кўчманчи ўзбекларнинг (буларда «д» диалектга нисбатан «й» диалект устун эди) ўтроқ ўзбекларда (буларда «д» диалект ҳукмронлик қиларди)[1] таъсири натижасида қипчоқ элатлари сезиларли ўрин эгаллай бошлайди. Бундан ташқари, Мовароуннаҳрнинг ғарбига, шимоли-ғарбига ва Жанубий Хоразмга ўғуз қабилаларининг таъсири кучайди. Маълумки, ўғузларда ҳам асосан «й» диалекти ишлатилар эди.[2]

Ана шу тарихий жараён натижасида қадимий туркий тилда мавжуд бўлган, X—XII асрлар ёдгорликларида акс этган, XII аср ва XIV аср бошларида китоб тили анъанага айланиб кетган «д» диалектида бирмунча ўзгариш юз берди. XIV асрда ғарбий адабий тил анъанаси деб аталган тил таъсирида ёзилган ёзма ёдгорликлар тилида «д» товушининг қўлланиши камайиб, унинг ўрнига «й» товуши ишлатила бошлайди. Бундай кескин бурилишни «Ўғузнома» афсонасида ва Олтин Ўрда туркумига кирувчи асарлар тилида учратамиз.

Юқоридагилардан ташқари, қарлуқ муштарак тилининг ғарбий туркий тилларга ҳам таъсири бўлган. Бу таъсир мўғулларгача анча кучли бўлиб, улар давридан бошлаб сусайган. Шарқий адабий тилнинг сусайиши билан ғарбий адабий тил ёки Н. А. Баскаков атамаси билан айтганда «қарлуқ-хоразм тармоғи»[3] адабий тилининг тараққиёти бошланади.

Н. А. Баскаков фикрича, қарлуқ-хоразм тармоғи адабий тили кейинчалик эски ўзбек адабий тилига асос бўлган. Унгача у қарлуқ-хоразм адабий тили шаклида, хоразм адабий тилига асосланган Олтин Ўрда адабий тили шаклида, қорахонийлар ва Олтин Ўрда тилининг қўшилишидан пайдо бўлган чиғатой тили шаклидаги босқичини босиб ўтди[4].

2- §. Қарлуқ-хоразм адабий тили ҳақида

Ўзбек тилининг қарлуқ-хоразм адабий тили қорахонийлар давлати қулагандан кейин Хоразмда ривожланди. Қарлуқ-хоразм адабий тилида қарлуқ-уйғур ва ғарбий тилларга хос хусусиятларни учратамиз. Қарлуқ-хоразм адабий тили мўғуллар истилосидан сўнг бир-бирига яқин бўлган икки адабий тилнинг шаклланишига сабаб бўлди. Улардан бири «Олтин Ўрда ёки Хоразм адабий тили» ва иккинчиси «Чиғатой улусининг тили» дир. Қарлуқ-хоразм адабий тилининг ёдгорлиги сифатида Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ини ва Рабғўзийнинг «Қиссаи Рабғўзий» асарини ва Алининг «Қиссаи Юсуф» достонини кўрсатиш мумкин.

[1] Қ о ш ғ а р и й М. «Девону луғотит турк», 1-том,Тошкент, 1960, 68- бет.

[2] Шу асар, 68- бет.

[3] Б а с к а к о в Н. А. Тюркские языки. Москва, 1960, 175- бет

[4] Ўша асар, 175- бет.

3- §. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и ва унинг тили

Аҳмад Яссавий сўз санъатидан фойдаланиб, тасаввуф илмини тарғиб қилувчи шеърлар ёзди ва «Девони ҳикмат» тўпламини тузди. «Девони ҳикмат»нинг қўлёзма нусхалари ҳам, босма нусхалари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бу нусхалар ҳатто тил ва услуб жиҳатидан ҳам фарқланади. «Девони ҳикмат» бирорта нусхасининг тили XII аср ўзбек тили ёдгорлиги бўла олмайди. Чунки Аҳмад Яссавий ҳикматлари китобдан-китобга, оғиздан-оғизга ўтиб, ўзининг асл тилини ўзгартириб юборган. Ҳатто «Девон»га киритилган шеърларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш ишини ҳам мушкуллаштиради.

Узоқ замонлар давомида «Девони ҳикмат»га турли хил ўзгаришлар киритилган. Бу ўзгаришлар шеърларнинг миқдори ва ҳажмига ҳам, тил ва услубига ҳам тааллуқлидир. Яссавий ҳикматларининг тили ва услуби ўзгариб, кейинги даврларнинг тилига мувофиқлашиб борган.

Маълумки, «Девони ҳикмат» тўплами яссавийчилик тариқатанасси даврида, яъни XV—XVI асрларда тўпланган.

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тили ҳақида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. А. К. Боровков Яссавий ҳикматлари қарлуқ-уйғур тилида ёзилган бўлиб, «Қутадғу билиг» тилига яқинлашмайди, деб таъкидласа, Г. Вамбери ҳикматлар тили Қўқон хонлиги диалектига асосланган, дейди. Олим Кўпрулизода Аҳмад Яссавийни арғу уруғининг вакили деб, унинг тилида қисман ўғуз тили таъсири бор ва ҳикматлар тили «Қутадғу билиг» асарига яқин турувчи тил деб кўрсатади.

А. К. Боровков яна Яссавий ҳикматларининг тили ҳақида гапирар экан, уни қарлуқ-қипчоқ-ўғуз тили асосида ривожланган, дейди. Лекин бу фикрни исботлаш

учун Яссавийнинг ўзи ёзган ҳикматларнинг ўзгаришга учрагани имкон бермайди. Сақланиб қолган ҳикматларнинг матнлари бизга қуйидагиларни айтишга имкон беради.

Ҳикматларнинг тилини таҳлил қилар эканмиз, уларда маҳаллий шеваларнинг хусусиятлари ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. «Девони ҳикмат»ни кўчирган киши қайси шева вакили бўлса, унинг тилида ўша диалект хусусияти акс этган. Жонли ўзбек тили шеваларида қаратқич ва тушум келишиги учун **-ни** шакли қўлланади. Бу ҳолни ҳикматларда ҳам учратамиз. Масалан: дарйани, гавҳарни, карванни, соқин олиб қочарми ва шу кабилар.

Буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлик шакли **-гил, -гин, (-ғыл, -ғын)** аффикслари орқали ҳосил қилинади. Масалан: *көргил — көргин, салғыл — салғын, қылғыл — қылғын* кабилар.

Локатив келишикларда, худди айрим шевалардаги каби, бир **н** товуши орттирилади. XV—XVI асрларга оид кўпчилик ёдгорликларда бу ҳолат мавжуд бўлса ҳам, баъзиларида йўқ эканлигини кўрамиз.

Демак, бу нарса «Ҳикмат»ларда икки диалектал қутб бирлашган, деган хулосага олиб келади. Масалан:

Асарлари елкинда ҳикмат қўри белинда,
Идзим ёди тилинда олло деган дарвешлар.

Лексика соҳасида ҳам баъзи диалектал унсурларни учратамиз. Масалан: **йақин, йавуқ**: *йиғламайму ўлар вақтим йақин етти; йиғламайму ўлар вақтим йавуқ етти;*

Бундан ташқари, ҳикматлар тилида арабча-форсча унсурлар ҳам кўплаб учрайди. Ҳикматлардаги форсча унсурлар форс тилининг таъсирида пайдо бўлган. Масалан: *Ҳамма кас вой деди, эй кўкси баланд, ду олам; рўйи сиёҳ; бадкардаму бад кирдам; кундин-кунга зиёд* кабилар.

Ҳикматлар тилида форсча изофат қурилмаси ҳам кўплаб учрайди. Масалан: *Ризқи фаровон, аҳди вафо, рўзи маҳшар, ҳоки пойи* кабилар.

Форс тили учун хос бўлган «у» боғловчиси билан келган қурилмалар ҳикматларда кўп қўлланилади. Масалан: *доғу ҳасрат, молу мулк, жону дилим, ичу ташим, тоғу тош* кабилар.

Форсча унсурлар ҳикматларнинг кейинги даврларда кўчирилган нусхаларида кўплаб учрайди. «Девони ҳикмат» тилдан-тилга, китобдан-китобга ўтиб борар экан, П. М. Мелиоранский айтганидек, тил жиҳатдан замонавийлашиб борган.[1]

Биз «Девони ҳикмат»да архаик унсурларни ҳам учратамиз. Улар ҳикматларнинг дастлабки ҳолатини қисман бўлса-да аниқлашга имкон беради. Ҳикматлардаги архаик унсурлар уларнинг асл нусхасида сақланиб қолган ва улар маълум даражада Яссавий тилининг дастлабки хусусиятларини англаш имконини беради.

Фонетик жиҳатдан сўзларнинг охирида «ғ» товушининг келиш ҳолати учрайди: *туфрағ, танығ, қамуғ, чыраг, улуғ* каби. Шунингдек, **-луғ,—лығ** аффикси билан ясалган нисбий сифатлар ҳам қўлланади: *ҳақиқатлығ, уйқулуғ, қайғулуғ, ўнглуғ, сўфылығ* каби. Масалан, Залеман асаридаги қуйидаги мисоллар билан қиёсланг:

Муҳаббатлығ ошиқлари ранги сариғ,
Оинага назар қилса андин таниғ,
Ўзи ҳайрон, кўзи **ёшлиғ.**

Бу хил хусусиятлар қадимги Урхун-Энасой ёдномаларида, «Қутадғу билиг», «Қиссаи Рабғўзий» ва XV аср ёдгорликларида ҳам бор. Лекин кейинги даврларда «ғ» ўрнида кўпинча «қ» товуши ишлатилган. Бу хусусият ҳикматларнинг кейинги нусхаларида ҳам учрайди.

Рабғўзийда, «Тафсир»да ва қисман XIX асргача сақланиб қолган равишдошнинг эски шакли **-йу** аффикси ҳикматларда жуда сийрак учрайди. Масалан:

Тейу — деб, сайрайу шахдин шахға қөнәр,
Достлар, истайу болды анин садықлары.

Шуниси қизиқарлики, баъзи муаллифлар, жумладан, «Абушқа» луғатининг муаллифи, Навоий, Султон Ҳусайн, Маҳдихондан мисол келтириб, «у» шаклини фақат буйруқ феъли шакли деб таъкидлайди. Ҳақиқатан, келтирилган мисолларда равишдошлик аниқ сезилиб турибди. Лекин «у» шакли асосан равишдош ясовчи аффикс бўлиб, баъзан буйруқ маъносини ҳам ифодалаши ва инкор шаклли феъллар таркибида ҳам келиши мумкин. Масалан: *тоқ йейу, тоғры йуру, ғофил йўрума, аслынг-наслынг, ҳама туфроғ.* Демак, бундан кўринадики, **-у, -йу** аффикслари икки маънога эга экан.

---

[1] Мелиоранский П. М. Аҳмад Яссавий.—«Ислом энциклопедияси», I, 217- бет (немис тилида).

Эски уйғур тили ва XIV аср ёдгорликларида кенг тарқалган сифатдош ясовчи шакл **-юр** «Девони ҳикмат»да жуда оз ишлатилади. Масалан: *Сайраюр бечора булбул.* Бу шакл ҳикмат нусхаларининг кейингиларида ҳам учрайди: *йиғлаюрлар, бўзлаюрлар, манграюрлар.*

Шарқий адабий тилда қўлланувчи ҳозирги-келаси замон феъл шакли **-ғу** Яссавий ҳикматларида кўп ишлатилади:

Зари қилсанг банда деван **сурғум** мано,
Шафи болуб шафаатны қылғум өзум.

Ҳикматлар тилида **-миш** аффикси билан ясалган сифатдошлар ҳам учрайди: *билмишлар, олмишлар, тилəмишəм* кабилар. Бу шаклнинг ҳикматлар тилида пайдо бўлиши ҳақида бирор нарса айтиш қийин. Бизнингча, бу шакл эски уйғур анъанаси асосида ёки кейинча жануби-ғарбий тилларнинг таъсирида кириб қолган бўлиши мумкин.

Ҳикматлар тилига лексик нуқтаи назардан ёндошилганда ҳам архаик сўзлар унча кўпчиликни ташкил қилмайди. Масалан: *қайу* — қайси, *қамуғ* — ҳамма, *илик* — илк, *ай* — айтмоқ, *арығ* — тоза, *учмақ*—жаннат, *иди* — худо, *йазуқ* — гуноҳ, *нучук* — қандай, *эмгəксиз*—ишсиз. Бу каби лексик унсурлар XIV—XVI асрлар ёдгорликларида ҳам кўп учрайди.

Девонда қайта-қайта такрорланиб келган арш, ваҳданийат, гунаҳ, дозах, йазуқ, зикр, маҳшар, ахират, айат, пир, сират, субҳан, фана, халиқ, қийамат, ғайб, ҳадис, ҳақ каби бевосита динга ва тасаввуфга доир сўз ҳамда атамаларнинг жуда кўп ишлатилиши «Девони ҳикмат» тили учун хос бўлган хусусиятдир.

Умуман, Яссавий ҳикматларининг тили қарлуғ-Хоразм адабий анъанасига бориб тақалади. Ҳикматларнинг кейинги нусхалари тили эски ўзбек тили тараққиётини кўрсатувчи бир ҳолдир.

4- §. «Қиссаи Рабғўзий» асарининг тили ва услуби

Маълумки, мўғуллар истилоси диний таъсирнинг кучайишига олиб келди. Бу ҳолат бадиий адабиётга ҳам таъсир қилди. Кўпчилик ёзувчилар диний мистикага берилиб, диний қонунларни халққа тушунарли тилда ёритишга ҳаракат қилдилар. Бунда улар қисса жанридан фойдаландилар. Қиссаларда сўзлашув тилига мурожаат қила бошладилар. Натижада халқ тилига хос унсурлар айрим диний-афсонавий сюжет асосида ёзилган асарлар услубига кириб қолди. Бу жиҳатдан Алининг «Қиссаи Юсуф» достони ва Рабғўзийнинг «Қиссаи Рабғўзий» асари ажралиб туради.

Рабғўзий XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида яшаган. Унинг бизгача «Қиссаи Рабғўзий» асари етиб келган. Бу асар ўша давр тилини ўрганиш учун етарлича маълумот беради. Асардаги 72 қиссани муаллиф «Қуръон» ва бошқа диний китоблардаги сюжетлар асосида яратган.

Рабғўзий ислом динини тарғиб этиш мақсадида халққа тушунарли бўлсин учун халқ сўзлашув тилига мурожаат қилади. Унда халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қисса ва латифалар услуби устун даражада ўз ифодасини топган. У китобий тил билан халқ тилини бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Рабғўзий баён этиш услубини шундай соддалаштирганки, «Қиссаи Рабғўзий»ни халқ эртакларига хос услуб билан ёзган, яъни «қиссадан ҳисса» чиқаришга ҳаракат қилган, халқ мақолларидан ҳам усталик билан фойдаланган.

«Қиссаи Рабғўзий» асари фонетик жиҳатдан дз диалектнинг камайиб, й диалектнинг устунлашган даврига тўғри келади. Умуман, ҳар иккаласи бирга қўлланади. Масалан: *идим* — изим (жаноб, худо) шакли билан бирга *қайғу, қайқулуқ* (ғам) шаклида келишини учратамиз.

Морфологик жиҳатдан Рабғўзийнинг «Қиссаи Рабғўзий» асарининг тили «Тафсир»га мос келади.

Қаратқич келишиги **-нынг, -нунг** ёки **-ынг, -унг** шаклларига эгадир. Масалан: *Арабнунг адати бар. Ул элинг вилари.*

Тушум келишиги **-ни, -н** аффиксларига эга: Масалан: *Бир адақын кесдилар.*

Жўналиш келишиги **-га, -ға, -ка, -қа, -а** каби аффикслларга эга: *йазиқа* — далага, *вазырина, илигина* — қўлига, *эвиқа* — уйига, *қавмуқа* — халқига, *ағзыға* — оғзига каби.

Чиқиш келишиги аффикси **-дын, -дин** тарзида ишлатилади. Лекин унинг фонетик вариантлари ҳам мавжуд. Масалан: *Мен сендын нарса тиламасман.*

«Қиссаи Рабғўзий»да кишилик олмошларига чиқиш келишиги қўшимчаси қўшилишидан олдин қаратқич

қўшимчаси қўшилади: *Бизингдин қачтынг. Сизингдин кединг.*

Жўналиш келишигининг **-гару, -ғару** шакллари учрайди: *ташқару, қайғару* (қаерга), *енгару* (илгарига) каби.

-гача маъносини ифодаловчи *тегру, теги, тегин, тегинч, тексун* каби сўнг кўмакчилар ишлатилади: *Ернинг остига тегинч* (ернинг остигача), *кўкка тегинча* (осмонгача). Сўнг кўмакчилардан яна *учун, беру, кедзин, қатында* сўзлари ҳам учрайди: *ўн йил беру, Анда кедзин.*

Асарда *ушул, мундағ, андағ* каби кўрсатиш олмошлари: *қаю, қач, қаю эрса, канда, нелук* (неча) каби сўроқ олмошлари: *ўз, қанду* каби ўзлик олмошлари учрайди.

Жамловчи сонлар **-агу** аффикси билан, тартиб сон **-инч** аффикси билан ясалган: *икагу, учагу, биринч, икинч* каби.

Равишдош **-ибин** аффикси билан, сифатдош: **-дук, -ғ; -ған, -миш** аффикслари билан ҳосил этилган. «Турур» гапнинг кесими вазифасида келган: *Бўлгулик иш турур* (Бўладиган ишдир). **-ғай, -гай** аффикслари ёрдамида келаси замон феъллари ясалган: *олғай, бўлғай* каби.

Келаси замон аниқ феъли маъносини ифодалаш учун **-гуси, -ғуси** ва **-аси** аффикслари қўлланган: Масалан: *Мана на жазо бергусидир.*

Ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи шахс кўплик аффикси **-миз** орқали тусланиши билан бирга, ўғуз тилининг унсури ҳисобланган **-уз (-из)** аффикси билан ҳам тусланади. Масалан: *Бу уч насина ана арғумон алпарсауз герек эрди.* Ўтган замон феълининг шакллари жуда кам қўлланган. Бу феълнинг биринчи шахс кўплиги бир неча ўриндагина мавжуд. Масалан: *турдук, келдук, бардук.*

5- §. «Қиссаи Юсуф» достонининг тил хусусиятлари

Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги диний-афсонавий сюжетни Али ижодий қайта ишлаган, унга дунёвий руҳ бериш интилиб, «Қиссаи Юсуф» достонини ўғуз диалекти хусусиятлари устун бўлган адабий тилда ёзган. «Қиссаи Юсуф» достони ҳақида ва унинг тил хусусиятлари тўғрисида проф. М. Броккельман қимматли фикрлар билдирган. У қиссанинг лексик хусусиятлари ҳақида гапириб, ундан 198 та сўз олади ва шундан 73 таси турк

та, 63 таси туркистонча ва уйғурча, 10 таси татарча ва бошқа тиллардан кирган сўзлар эканлигини кўрсатади. Муаллиф «Қиссаи Юсуф»ни усмонли турк адабиётининг ёдгорлиги деб атайди. Қиссанинг тил хусусиятлари бу фикрни тасдиқламайди.

К. Броккельман қисса лексикасини тасниф қилар экан, айрим хатоликларга ҳам йўл қўяди. У барча турдош тилларда ишлатиладиган айрим сўзларни битта гуруҳга киритади. К. Броккельман «Қиссаи Юсуф» лексикасини қуйидагича гуруҳлайди:

1. Шарқий Туркистон ва уйғурча сўзлар.
2. Туркча ва татарча сўзлар.
3. Туркча, татарча ва қрим-татарча сўзлар.
4. Соф туркча (усмонли туркча) сўзлар.

Юқоридаги таснифдан соф туркча деб аталган қисмини кўздан кечирайлик.

«Қиссаи Юсуф»да соф туркча ҳисобланган *алқышла* (табрикламоқ) сўзини келтиради. Бу сўз бошқа туркий тилларда ҳам мавжуд: туркманча *алқышламоқ*, озарбайжонча *ал чалыб алқышламоқ*, ўзбекча *олқишламоқ*, уйғурча *алқис* каби.

«Қиссаи Юсуф» тилидаги баъзи сўзларни қиёслаш орқали унинг қайси тил ёдгорлиги эканини билиш мумкин:

«Қиссаи Юсуф» тилидаги сўзлар билан туркман тилида учровчи сўзларни қиёслаш асосида «Қиссаи Юсуф» усмонли турк тилининг ёдгорлиги эмас, балки унинг келиб чиқиш илдизларини Ўрта Осиёдан ахтариш керак,

«Қиссаи Юсуф»да берилган соф туркча деб аталган сўзлар	Бошқа туркий тилларда, жумладан, туркман тилида учровчи сўзлар
ынжутмак — ғамхўр бўлмоқ	*унжу* — нотинчлик
ургон — ип, каноп	*урган* — арқон — трос
ушмак — тўпланмоқ	*ушмек* — тўпланмоқ
булаштыр — сувамоқ	*булаштырмақ* — сувамоқ
тогил — улоқтирмоқ, сочмоқ	*дагамак* — улоқтирмоқ, сочмоқ
гезда — кузатмоқ	*гўзлемек* — кузатмоқ

ган хулосага келиш мумкин. «Қиссаи Юсуф» тилидаги Шарқий Туркистон тилига хос морфологик унсурлар ҳам бу фикрни исботлайди.

«Қиссаи Юсуф»да қурол—восита келишиги қўшимчаси -н (*алын* — қўлини, *козин* — кўзини, *дилин* — юра-

гини), жўналиш келишиги қўшимчаси **-ға (-га, -а) -а**
қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг / -нинг, -инг / -и**
тарзида учрайди.

Ҳозирги келаси замон феъли «Қиссаи Юсуф»да *урам* (ураман), *қилам* (қиламан), *ачман* (очмайман), *ўлдиравуз* (ўлдирамиз), *қилавуз* (қиламиз), *сақлайавуз* (сақлаймиз) тарзида келади. Бу ўзбек тилининг Қарши шеваси учун нормал ҳолатдир.

«Тафсир» ва бошқа ёдгорликлардаги каби «Қиссаи Юсуф»да сифатдош **-дуқ / -дук** аффикслари орқали ясалади. «Қиссаи Юсуф»даги фарқли томон шундаки, **-дук** аффикси билан ясалган сифатдошлардан сўнг **-ча -ча** қўшимчаларини қўшиш билан равишдош ҳосил қилинади. Масалан: ўчдукинча (имконияти борича мақтаб) каби.

Бундан ташқари, равишдош **-а, -у, -ў, -и** аффикслари орқали ясалади: *севə вергил, ачə вергил, йиғлайу, йаш найу* каби.

-у аффикси билан ясалган равишдошдан инкор шакли ҳосил қилиш мумкин: *келумади* (кела олмади), *булумазыз* (биз топа олмадик).

«Қиссаи Юсуф»да ҳаракат номлари **-ғу, -қу** аффикслари орқали ҳосил қилинган: *қачқучы.*

Қисса тилида *бирла, ила, бикин, таба, қат* каби сўз кўмакчилар ҳам учрайди.

Умуман, «Қиссаи Юсуф» афсонаси тилида мавжуд бўлган жануби-ғарбий ёки ўғуз-туркман тили унсурлари уни Ўрта Осиё халқларининг ёдгорлиги дейишга имкон беради.

6- §. Чиғатой улусининг адабий тили

XIII асрда мўғуллар истилосидан сўнг Мовароуннаҳрда Чиғатой давлати тузилади. Бу давлат идора ишларини олиб боришда қорахонийлар давридаги ва Хоразмдаги адабий тилга мурожаат қилади. Лекин кўп роқ қорахонийлар давридаги тилдан фойдаланадилар. Шунинг учун бу тилга маълум даражада қарлуқ-уйғур тили хусусиятлари сингиб қолди. Чиғатой улусининг адабий тили ёдгорликларида қадимги китобий **д** товушн ўрнида **з** ва **й** ундошлари келганлигини кўрамиз. Бундан ташқари, баъзи асарлар тилида туркман тили, баъзиларида уйғур тили хусусиятларини учратамиз. «Мукаддиматул адаб», «Юсуф ва Зулайҳо». «Равнақул

ислом», «Ўғузнома» каби асарларни Чиғатой улуси адабий тили ёдгорликлари сифатида кўрсатиш мумкин.

7- §. Қарлуқ-уйғур тили тараққиётида «Ўғузнома» асарининг роли

Чингизхон истилосининг даҳшатли оқибатлари, халқнинг босқинчиларга қарши кураши бадиий адабиётда ўз ифодасини топди. Ўрта Осиё туркий халқлари, хусусан, ўғуз ва қарлуқ-уйғур диалектининг қадимги ёдгорликларидан ҳисобланган «Ўғузнома» афсонасининг қайси даврда ва қаерда кўчирилганлигини билиш қийин.

Асар мазмуни унинг қайси даврда яратилганлигини аниқлаш имконини беради. Лекин унинг қайси даврда яратилганлиги ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд: профессор Н. М. Маллаев фикрича, «Ўғузнома» XIII асрда ёки XIV аср бошларида китобат қилинган.[1] А. М. Шчербакнинг тахминича, XV асрда Еттисувда кўчирилган.[2] Хондамир ва Абулғози Баҳодирхон «Ўғузнома» афсонасини Александр Македонский даврида яратилган бўлса керак, деб тахмин қиладилар.[3] Профессор С. П. Толстов бу афсонани скифлар афсонаси деб атайди.[4]

«Ўғузнома»да қадим замонларда вужудга келган мифологик афсоналар билан бирга, даҳшатли истило ва урушлар тасвири берилган. Булар Чингизхон истилоси ва у олиб борган урушларнинг маълум инъикоси бўлиши мумкин. Асар тилидаги мўғулча унсурлар ҳам шундан дарак беради. И. Маркварт шуларни назарда тутиб, Ўғуз Чингиз бўлиши мумкин деган хулосага келади. Г. Н. Потапин ва А. М. Шчербакнинг Ўғуз мифик тимсолдир, деган фикри ҳақиқатга яқин бўлиб, «Ўғузнома» афсонасида XIII—XIV асрлардаги воқеалар ҳам маълум даражада из қолдирган.

Асар тилида эски уйғур тилига хос фонетик ва морфологик хусусиятларни учратамиз. Шунинг учун ҳам Ризо Нур бу афсонани энг қадимги уйғур тили даврида яратилган, дейди. У ўз фикрини тасдиқлаш учун афсона тилидаги баъзи хусусиятларни кўрсатади. Масалан, унинг негизида келган орқа қатор қаттиқ унлилар ўр-

[1] Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1965, 201-бет.

[2] Щербак А. М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959, 16- бет.

[3] Ўша аср, 20—21- бетлар.

[4] Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948, 295- бет.

тасида ғ товушининг келиши: *қаған, шағам, қағатыр, суғы, чырағы* кабилар шулар жумласидандир. Ҳақиқатда эса, лингвистик нуқтаи назардан яхши тайёргарликка эга бўлган хаттот сўз ўртасидаги унли товушни чўзиқ талаффуз этиш мақсадида ҳамза қўйиб ёзган бўлиши мумкин. Лекин кўчириб ёзувчи бу белгини ғ деб ўқиган бўлиши мумкин. Сўз ўртасидаги унлини чўзиқ талаффуз қилиш эса XII—XIV асрлар тилида мавжуд эди.

«Ўғузнома» тилида қипчоқ тилининг баъзи унсурлари учрашига асосланиб, П. Пелльо уни қирғизлар яшовчи ҳудудда ёзилган, дейди. Бу фикрни В. В. Бертольд ҳам қувватлайди.

Умуман, афсона тилида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган қарлуқ-уйғур, ўғуз қабилалари иттифоқи тили хусусиятлари учрайди.

«Ўғузнома»да мавжуд бўлган қарлуқ-уйғур тили хусусиятлари уни «Қутадғу билиг» асари билан чоғиштирганда аниқ кўринади. Унда «Қутадғу билиг» асаридаги каби қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

Афсона тилида ярим қисқа **э** унлиси мавжуд. Сўз охирида қисқа ва кенг унлилардан сўнг тил орқа ғ товушининг сақланишини кўрамиз: *адуғ, тағ*.

Сўз ўртасида келувчи **д** ва **й** товушлари алмашиниб туради: *адуғ — айуғ, адғир — айғир* каби.

Асар тилида ўзига хос жамлик билдирувчи сонлар бор: *учагу, икагун, бэшагу* каби. Аниқлов-кўрсатиш маъносини билдирувчи *ошул, ошбу* олмошлари ҳам кўп ишлатилади. «Қутадғу билиг» асарида кўп учровчи *эл кун* ва *эл будун* бирикмаларидан афсонада фақат *эл кун* бирикмаси учрайди.

«Ўғузнома» афсонасида X—XII асрлар ёдгорликларида учровчи тушум келишиги қўшимчаси **-ығ / -иг** ва қурол-восита келишик қўшимчаси **ын / -ин** тарзида келади. Лексик жиҳатдан М. Қошғарий «Девон»идаги кўпчилик туркий сўзлар ўрнида мўғулча сўзлар ишлатилади. Масалан: *жида* (копьё), *муран* (дарё), *талуй, талай* (денгиз), *чақ, чағ* (вақт), *чонг* (чап), *амирак* (яхши ўртоқ), *уран* (пароль), *қурултой* (халқ йиғини), *шира* (стол) каби.

Афсона тилидаги бу каби сўзлар мўғул тили таъсирида кириб келганлиги аниқ. Айниқса, афсонада ҳарбий соҳага тегишли сўзлар ҳам кўп учрайди. Бундан ташқари, соф мўғулча киши номлари (Төмурту, Қағул) ҳам учрайди.

Умуман, «Ўғузнома» XIII—XIV асрларда ёзилган бўлиб, унда қарлуқ-уйғур, ўғуз тили хусусиятлари ўз ифодасини топган. «Ўғузнома» асарининг тилини эски ўзбек тили билан қарлуқ-уйғур тилини бир-бирига боғловчи восита деб қараш керак.

8- §. Олтин Ўрда адабий тили ҳақида

Олтин Ўрда адабий тили Хоразм адабий тили таъсирида ривожланди. Шунинг учун Олтин Ўрда туркумига кирувчи ёдгорликлар кўпчилик адабиётларда Хоразм адномалари деб ҳам юритилади.[1] Хоразм ёдгорликларида қадимги китобий тил ҳамда ўғуз, қипчоқ унсурларининг аралашганлигини кўрамиз.

Хоразм ёдгорликлари умумий бир адабий меъёрга эга эмас. Шу туфайли уларнинг ёзилган жойи ва муаллифига қараб фонетикаси, грамматик қурилиши ва лексикасида ҳар хиллик кўзга ташланади. Масалан, «Муҳаббатнома» ва «Наҳжул-Фародис»да ўғуз ва қипчоқ унсурлари аралаш ҳолда қўлланилади. «Хисрав ва Ширин» ҳамда «Меърожнома»да ўғуз, қипчоқ тиллари билан бирга, қорахонийлар давридаги тилнинг таъсирини ҳам кўрамиз.

Умуман, Хоразм ёдгорликларининг ўзига хос хусусияти сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: фонетик жиҳатдан **з, д** ундошлари ўрнида **й** ундоши қўлланган: азғыр—адғыр эмас, балки айғыр тарзида ишлатилган. Тушум келишигининг **-ни / ны** шакли қўлланган. Масалан: *Хирадны аздурур ғамзанг хумары* («Муҳаббатнома»).

Унлиларнинг палатал сингармонизми йўқолиб, қисман лаб гармонияси сақланган. Феъл ва от ясовчи шаклларнинг қарлуқ-ўғуз тилига тегишли аффикслари бирга қўлланган. Масалан, ҳаракат номи ясашда **-ғу, -ғулуқ** ва **-мақ, -мақлиқ,** сифатдош ясашда **-ғуси, -ажжақ** ва **-ғай** аффикслари ишлатилган. Луғат таркибида ўғуз, қипчоқ ва арабча унсурлар кўпчиликни ташкил қилади.

---

[1] Фазылов Э. И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века, АДД, Ташкент, 1967.

9- §. «Хисрав ва Ширин» достонида ўғуз, қипчоқ тил унсурларининг таъсири

Мўғуллар истибдоди Ўрта Осиё халқлари билан Қавказ халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларга барҳам бера олмади. Хоразмлик шоир Қутб томонидан Озарбайжон шоири Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиниши ана шу алоқанинг муҳим маҳсулидир.

«Хисрав ва Ширин» достони таржимаси XIV аср ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим роль ўйновчи ва Хоразм диалекти хусусиятлари устун бўлган адабий тил ёдгорлигидир.

Форс-тожик тилида битилган «Хисрав ва Ширин» достонини ўзбек тилига таржима қилиш мутаржимдан ўзбек тили бойлигини яхши билишни талаб қилар эди. Достон таржимаси Қутбнинг ўзбек тили бойликларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мукаммал эгаллаганлигини кўрсатади. Қутб таржимасида форсча-тожикча сўзлар хийла сақланган бўлса ҳам, лекин достон содда тили ва равон услуби билан ажралиб туради.

Қутб Низомий мисраларини сўзма-сўз таржима қилмайди, балки уни ўзбек тили бойликларидан унумли фойдаланган ҳолда ўгиради. У образли сўз ибораларини таржима қилар экан, уларнинг моҳиятига мос келадиган халқ мақоллари ва таъбирларини ўйлаб топган. Натижада достоннинг мазмуни, образлилиги ва тилини бойитишга эришган. Бу ўринда Қутб халқ мақолларини айнан ишлатмай, унинг мазмунини шеърий мисраларга сингдириб юборган. Қутб ишлатган халқ мақоллари баъзи ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланилади. Масалан: *Англамаз ағу йутар — англамай сўзлаган оғримай ўлар. Жараҳат узра қара туз экилди — ярага туз босилди* кабилар.

Қутб таржимасидаги «Хисрав ва Ширин» достони тил хусусияти жиҳатидан Олтин Ўрда туркумига кирувчи «Муҳаббатнома», «Таашшуқнома» каби поэтик асарлар тилидан фарқ қилади. Достон тилида Олтин Ўрда туркумига кирувчи ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ҳам, қорахонийлар давридаги ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ҳам учратамиз.

«Хисрав ва Ширин» достонида фонетик жиҳатдан тиш орасида пайдо бўлувчи **дз** товуши кенг қўлланила-

ди. Масалан: *бэдзук* (баланд), *идзи* (жаноб), *кэдзурди* (кийдирди), *эдзгу* (яхши), *адзақин* (оёғини), *қудзуқ* (қудуқ), *қодзуп* (қўйиб), *кадзғу* (қайғу), *эдзарлаб* (эгарлаб) кабилар. Қуйидаги мисраларга ҳам эътибор беринг: *Башын қалғаи азақ астында турсан; Азақ бағлық айурсэн бир урушғил; Йуз урды йолға азрылды ва булардын; Иана бошлады сэзга тон көзуруб* («Хисрав ва Ширин»).

Шу билан бирга **й** товушининг қўлланилишини ҳам учратамиз: *Замана таж кайди сарығ алтун.*

Буйруқ феълининг учинчи шахс бирлиги **-су** шакли орқали ҳосил бўлган: *келсу* (келсин), *йэтсу* (етсин), *болсу* (бўлсин), *қалмасу* (қолмасин).

Равишдош ясовчи **-у, -йу** аффикси асар тилида кенг қўлланган: *Ҳал қылу бэр* (ҳал қилиб бер), *издайу* (ахтариб). Қиёсланг: *андын сонг Маккадин укуш саҳабалар келу башладылар; куйер арди хабар калгай тейу шаҳ.* («Хисрав ва Ширин»).

Орзу-истак майлининг I шахс бирлиги ва кўплигини ҳосил қилувчи аффикслар таржима тилида турлича ишлатилган: **-им, -линг, -йин, -ғайин, -галинг, -ғалинг** кабилар. Масалан: *жавралим* — қайтарайин-чи, *айайим* — айтайин-чи, *қилалинг* — қилайлик-чи, *бақайин* — қарайин-чи, *қачалинг* — қочайлик-чи, *ичалинг* — ичайлик-чи, *кизлағайин* — яширинай-чи, *издалинг* — ахтарайин-чи, *уйнагалинг* — ўйнайлик-чи.

Анга бир атланиб жавлан қылайым
Бу суратнинг билалинг барму *(«Хисрав ва Ширин»).*

Қутб таржимасида **-ағу, -агу, -инч** аффикси билан ясалган жамловчи сонлар ва тартиб сонларнинг қисқа шакли учрайди: *тўртагу, икагу; биринч, икинч, учунч* кабилар.

Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси чиқиш келишиги ўрнида қўлланади: *анда сонг* — ундан сўнг, *кетти энгда алы* — юзидан қизиллик кетди.

Шарт майлининг тўлиқ шакли асар тилида қисман сақланган: *табсаман* — агар топсам, *табмасаман* — агар топмасам каби.

«Хисрав ва Ширин» достони Олтин Ўрда туркумига кирувчи ёдгорликларнинг дастлабкиси ҳисобланиб, у эски ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим манбадир.

10-§. «Муҳаббатнома» асари ва унинг тил хусусиятлари

XIV асрга келиб ўзбек тилининг нуфузи анча ошди ва бу тилда кўплаб асарлар яратилди. Бу асарлар асосан халқ тилида ёзилган. Бу ҳол нома ва қиссаларга мурожаат қилишда кўринади. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си шундай асарлардан биридир. «Муҳаббатнома»нинг араб ва уйғур ёзувидаги икки қўлёзма нусхаси сақланган бўлиб, улар тил жиҳатидан маълум даражада фарқ қилади. Бу асар ўзбек ва рус тилларида 1959 йилда А. Ш. Шчербак томонидан нашр этилди.

«Муҳаббатнома»нинг 317 байти ўзбек тилида, 156 байти форс-тожик тилида ёзилган. Лекин асар асосан ўзбек тилида ёзилган, дейиш мумкин. Унинг катта қисми ўзбек тилида ёзилиб, барча сарлавҳалари ўзбекча номланиши ва форс-тожик тилидаги номаларни хотималовчи байт ҳам ўзбек тилида яратилганлиги фикримизнинг исботидир.

Ўзбек адабий тилининг равнақ топиши, унинг маданий ҳаётда кенгроқ ўрин эгаллай бориши, ўзбек китобхонларининг эҳтиёжи ва талаби форс тилидаги асарлари билан шуҳрат топган Хоразмийни ўз она тилида — ўзбек тилида ижод этишга ундади. Бу тилда «Муҳаббатнома»дек катта бадиий асар яратишга илҳомлантирди. Хоразмий ўзбек мумтоз адабиётида зуллисонайн (икки тилли) шоир бўлиб етишди.

Хоразмий ўз асарининг халққа тушунарли бўлиши учун ўша давр тилидан усталик билан фойдаланган. Шоир ёр васфи ва ошиқ кечинмалари тасвирида жонлантириш, тазод, тажоҳуди орифона (билиб билмасликка солиш) каби усуллардан, хилма-хил бадиий тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланди.

Шоир халқ тилига хос ўхшатишни метафора ва жонлантириш билан боғлаб бера олган:

Шаккарму эрнингиз йа қанд, йа жан,
Уйалур лаълингиздын аби ҳайван.

Ўзбек тили бойликларидан яхши фойдаланган шоир омоним сўзлар воситаси билан оригинал сўз ўйинлари яратган:

Ашар йелдин сенинг йелганда атынг,
Қуйаш йанглық жаҳанны тутты атинг, (*ат*—ҳайвон, *ат* — ном)

Бойунг сарву санубартек, белинг қыл
Вафа қылған кишиларга вафа қыл (қыл — сочнинг қили, қыл — қилмоқ)

Хоразмийнинг сўз бойлиги ва ўзбек тили талаффузига яхши эътибор бериши ҳамда ғазалларининг бевосита мусиқа куйларига мувофиқ яратилиши шеърий сатрларининг равон ва оҳангдор чиқишига ёрдам берган.

«Муҳаббатнома» XIV аср адабий тилининг ёдгорлиги бўлиб, унда ғарбий ва жанубий тилларга хос хусусиятлар учрайди. Жўналиш келишигининг қўшимчаси **-на, -а** тарзида келади. Масалан: *эллина* (қўлига), *гавҳарина* (гавҳарига), *мулкина* (мулкига), *нурина* (нурига); *дилситана* (севгувчига), *ғамгина* (ғамгинга), *бу тана* (бу танга).

Тушум келишиги қўшимчаси **-ны / -ни** шакли билан бирга **-и** тарзида ҳам келади; *кўнглуми* (кўнглумни), *ўзими* (ўзимни).

Равишдошлар **-гач, -ғач** аффикслари билан, феълнинг орзу-истак майли **-али** аффикси билан, ҳозирги келаси замон шакли **-исар** аффикси билан ҳосил қилинади: *эшитгач; қилали* (қилайлик-чи), *ичали* (ичайлик), *сочали* (сочайлик), *сўлисар* (сўлийди), *бўлисар* (бўлади) каби.

Ҳозирги келаси замон феълининг инкор шакли қисқарган ҳолда келади: *йавутман* (яқинлашмайман), *унутман* (унутмайман), *кўтарман* (кўтармайман).

Айирув сонлар **-ар** аффикси билан ясалган: *бирар, икирар, учар. Ила* юкламаси қурол-восита маъносини ифодалашга хизмат қилган: *ҳусн ила* каби.

Унли товуш билан тугаган ўзакларга **-йур, -ур** аффикслари қўшиш орқали ҳозирги келаси замон шакли ясалган: *сайрайур* (сайрайди), *ишнайур* (ялтирайди), *таплайур* (эгилади) каби.

«Муҳаббатнома»нинг фонетик жиҳатдан ўзига хос томони шундаки, от ва сифатларда қисқа унли товушлардан сўнг тил орқа ундошлари ишлатилмайди: *кўркли* (гўзал), *татлу* (ширин), *ай йузлу* (ой юзли), *ары* (тоза), *ширин созлу* (ширин сўзли).

Бошқа ёзма ёдгорликларда ҳам учраган **-бан** аффикси билан ясалган равишдошлар «Муҳаббатнома»да кўп қўлланади: *оқубан* каби.

Ҳаракат номлари ва сифатдошларнинг келишик қў-

шимчалари билан ишлатилиши асар тилида кенг қўлланган. Масалан: *йырақтын бақмаға имкан йўқ* (узоқдан қарамоққа имкон йўқ); *айақыңг ўпмакин* (оёғингни ўпмоқ); *қайда ўларин билса ўлмас* (қаерда ўлишини билиб бўлмайди).

Асар тилида баъзан сўзнинг охирида айрим ҳолларда икки унли ўртасида тил орқа жарангсиз ундошлар учрайди: *бутақы, қамуқ, топрақ, топрағы* каби. Бундай ҳолат ҳозирги жанубий Хоразм шеваларида ҳам учрайди.

«Муҳаббатнома»да асосан, ўғуз, қипчоқ унсурлари бор бўлса ҳам, кўплаб уйғурча сўзларни ҳам учратиш мумкин. Бу асар фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, унда XIV аср ёдномаларига яқинлашувчи умумий томонлар ҳам бор.

«Муҳаббатнома» тилини таърифлашда асосий роль ўйновчи нарса унинг лексик таркибидир. Унинг лексик таркибида қуйидаги сўзларни учратамиз: *шунқор* (бургут), *қатра* (томчи), *бойла* (шундай қилиб), *йубан* (иккиланмоқ), *уқуш* (кўп), *эдзгу* (яхши), *чимкан* (ўтлоқ), *тиклик* (ўтқазилган), *асру* (жуда), *кўрккабой* (гўзал), *қат* (томон), *йақту* (ёруғ), *йавут* (яқинлашмоқ), *урам* (кўча), *қамуқ* (ҳамма), *узра* (устида), *эл сун* (қўл узатмоқ), *тақы* (яна), *тапуқ* (хизмат), *тапла* (эгилмоқ), *тэгма* (ҳар бир), *ийман* (уялмоқ), *йола* (машъал), *нэлук* (нима учун), *қапуқ* (эшик), *йўй* (киримоқ), *ашну* (даставвал), *дэгўл* (инкор юкламаси), *тэлим* (кўп), *уған* (худо), *дудақ* (лаб), *тэги* (гача) кабилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Муҳаббатнома» асарида ҳам XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида Хоразм ва Мовароуннаҳрда ҳукм сурган китобий поэтик тил анъанаси давом эттирилган. Шунинг учун ҳам унда қипчоқ-ўғуз тили унсурлари ва қисман уйғур тили хусусиятлари учрайди.

«Муҳаббатнома» XIV аср ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан биридир. У ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди ҳамда ўзбек адабий тилининг XV асрда янги тараққиёт поғонасига кўтарилишига замин тайёрлаган асарлардан бири бўлди.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ўзбек тилида катта ҳолни ифодаловчи махсус «менг» сўзи борлигини айтиб, «Муҳаббатнома»даги қуйидаги мисраларни келтиради:

Анинг ким эл энгинда менг йаратды,
Бойы бирла сачыны тенг йаратды.

«Муҳаббатнома» мисраларининг «Муҳокаматул-луғатайн»да мисол тариқасида келтирилиши унинг тил жиҳатидан хийла бой эканини кўрсатади.

Шундай қилиб, биз «Хисрав ва Ширин» ва «Муҳаббатнома» каби асарларда ўзбек адабий тилининг «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» тилидан сезиларли даражада илгари кетганлигини, халқ жонли тили асосида бойиб борганини, мўғул тили айрим унсурларини қабул қилиб, уларни ўзига сингдирганини ва XV аср ўзбек адабий тилининг тараққиёти учун маълум замин тайёрлаганини кўрамиз.

11-§. XI—XIV асрлардаги расмий ҳужжатлар тили ва услуби

XI—XIV асрларда тузилган расмий ҳужжатлар услубида ўша давр тилига хос хусусиятлар ўз ифодасини топган. XI—XIV асрларга оид расмий ҳужжатлар тилини баён этишда проф. С. Е. Малов нашр қилган ва X—XIII асрларга тегишли юридик ҳужжатлар[1], О. Д. Чехович нашр этган XIV асрга оид Бухоро ҳужжатлари[2] ҳамда Э. Р. Тенишев нашр этган XIII—XIV асрларга оид хўжалик ёзувлари[3] ёрдам беради.

X—XIII асрларга тегишли юридик ҳужжатлар Турфон водийсидан топилган бўлиб, уларда қадимги уйғурларнинг хўжалик ҳаёти ёритилган.

«Уйғурларнинг юридик ҳужжатлари»да ўша даврга оид ижтимоий-иқтисодий, давлат юридик атамаларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётга доир атамаларни учратамиз. Масалан: **алым-бирим** (солиқ, тўлов), **арамай** (гуллаган ой); **акип** (экин), **алчи** (элчи), **аниз** / ангиз (ҳайдайдиган ер); **арк** — эрк, **арклик** (тўла хўжайинлик), **базыр** (ҳажм ўлчови); **бағлық — боғлиқ** (пакет); **бақсы** (қўшноч); **бас битиг** (мирзабоши); **минг бақи** (мингбоши); **бэклик** (беклик), **бил** (тўлиқ хўжайин бўлмоқ); **бас**

[1] Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1961, 200—221-бетлар.

[2] Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент, 1965.

[3] Тенишев Э. Р. Хозяйственные записи на древнеуйгурском языке. Сб. «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков», Ташкент, 37—77-бетлар.

битиг (асосий ҳужжат); **бос битиг** (ишдан бўшатиш ҳуж-жати); **бўйанжу** (дин хизматкори)); **жарым жат** (тор-тишув); **ис** (иш), **иси** (хоним); **йалаваж** (юборилган эл-чи); **йап** (шакл, модда, қонун); **йаға** (тўлов); **кажир** (вақтини узайтирмоқ, кечир); **ниша̀н** (муҳр, белги), **од-киры** (сотмоқ, ўтказмоқ); **қақыла** (муҳрламоқ), **қалан** (бермоқ); **қары** (узунлик ўлчови, қарши); **салығ** (со-лиқ), **тамға** (муҳр), **туштуш,** йимис (аслида натижа маъносида, юридик ҳужжатда фоиз) кабилар.

«Уйғурларнинг юридик ҳужжатлари» деб аталган бу ёдномаларда тил тузилиши нуқтаи назаридан X—XIII асрларга оид тил далиллари, яъни қадимги туркий тил унсурлари мавжуд. Лекин ўзбек тили учун хос бўлган бир қанча сўзларни ҳам учратамиз. Масалан: *акин* (экин), *илчи* (элчи), *арк* (эрк), *иш* (иш), *тўрт* (тўрт), *уруғум туғмушум* (менинг қариндошларим), *йору* (юр-*моқ*) кабилар.

«Юридик ҳужжатлар» тили умуман халқ адабий ти-лига яқин туради. Бу фикрни фақат лексик фактларги-на эмас, балки ундаги фонетик, морфологик ва синтак-тик материаллар ҳам тасдиқлайди. «Юридик ҳужжат-лар» тилида ўша даврдаги Шарқий Туркистон тили ху-сусиятлари ўз ифодасини топган. Бу тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан юридик ифодаларни ак-сеттиришда фойдаланилган.

«Ҳужжатлар»да образли услубий воситалар учра-майди. Қуйидаги парчага эътибор беринг.

Куску йыл алтунж ай он йангуқа мана — Қавсудуқа тушқэ кўнжит кэргэк бўлуп, Ил-Тэмиртин бир куни кун-жит алтум. Куз ики кури кунжит бир урмэн. (Сичқон йилининг олтинчи ойи ўнинчи янги кунида менга, яъни Қавсудга фоиз ҳисобида кунжут керак бўлиб, Эл Те-мирдан бир кури (*кури* — ҳажм ўлчовчи) кунжут олдим, кузда икки кури кунжут бераман).

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, «ҳуж-**жатлар» тили бир хил синтактик қурилмаларга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.**

XIII—IV асрларга оид «хўжалик ёзувлари» ўзининг лексик, морфологик хусусиятлари билан «Юридик ҳуж-жатлар»дан қисман фарқ қилади. Юридик «ҳужжатлар» ва «хўжалик ёзувлари» халқ тилида ёзилган бўлса ҳам шаклан бир-биридан фарқ қилади. «Юридик ҳужжат-лар» сана, кўйиладиган шартлар, гувоҳлар ва уларнинг имзоси тарзидаги шакл асосида тузилган бўлса, «хўжа-

лик ёзувлари»да олинадиган нарсалар ва ким олиши кўрсатилади. Бу нарса уларнинг услубига ҳам таъсир қилган.

«Хўжалик ёзувлари» халқ тилига яқин бўлганлиги учун унда халқ тилидаги савдо-сотиқ, кундалик турмуш-га тегишли бўлган: ейиш, ичиш, кийим кийиш билан боғлиқ сўз-атамалар кўп учрайди: *ал* — олмоқ, *алтун* — олтин, *алтунлуғ* — зарҳал мато, *асуғ* — фойда, фоиз, *йўқ* — этик, *ашуқ* — ёпқич, *атжи* — қассоб, *ав* — уй, *йалта* — плашч, *йану* — янги, *йақалуқ* — ёқалик, *жу-ббун* — шойи халат, *жўмат* — хотинлар халати, *йастуқ* — ёстиқ, *йинжу* — инжу, *йинг ағузлуқ* — манжет, *қақси* — шойи мато, *мунуқ* — мунчоқ, *пикак* — пичоқ, *пилак* — совға, *пур* — вино, *пурлуқ* — узум, *пўрёқ* — пирог, *поз* — материя, бўз, *позжи* — бўзчи, *қалбур* — ғалвир, *тавар* — қимматбаҳо мато, *туш* — фоиз кабилар.

Морфологик жиҳатдан тушум келишиги **-ығ / иг** аф-фикслари билан эмас, балки **-ну / ни** аффикслари билан келади. Чиқиш келишиги эса **-тун / тин, -тан, -тон** аф-фикслари билан келади. Масалан: *Масартан ики сатур-ғы ат алтун. Угрунжтэн сақиз сатур икирёр пақур асуғ-ы алтун.* Мисоллардан кўриниб турибдики, **-тан / -тэн** аффикслари фақат атоқли отларга қўшилиб келган, **-тун / -тин** аффикслари эса жой номларига, сифат ва ол-мошларга қўшилган: *автун, йабуғтун, мунтун.* Масалан: *Комутутун пир йастуқ тардма кумуш пилак адти* (Қо-мутидан бир тарози кумуш совға юборди).

XIV аср Бухоро ҳужжатларида эса олдинги икки ҳужжатдан фарқли ҳолатни кўрамиз. XIV асрдаги вақф-номалар тузилиш жиҳатидан ҳам фарқланади. Вақфно-маларнинг кириш қисмида худо ва пайғамбарларга ҳадҳия ўқилгач, вақфнинг юридик моҳияти ёритилади. Сўнг вақфга кирувчи мол-мулк ва ерларнинг чегараси кўрсатилади. Охири вақфнинг шартлари ва имзо билан тугалланади.

Бухоро ҳужжатларида хўжалик, деҳқончилик ва ирригацияга тегишли атамаларни учратамиз. Бу ҳуж-жатлар тил хусусиятлари нуқтаи назаридан китобий адабий тилда ёзилган. Туркий сўзларга нисбатан араб-ча, форсча сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан: *амири об, садри жаҳон, деҳ, руд, мулки хос, афдақ, ҳилоки ширкати, жўй, иморат, мавозиъ, вақфнома, фу-қаро* каби.

Баъзан айрим нарсалар номи арабча, форсча ва

туркча берилади. Масалан: *пора, қасаба, кушк, деҳ* каби сўзлар қишлоқ, жой маъносида ишлатилади.

Юқорида айтилганлар асосида XI—XIV асрлардаги расмий ҳужжатлар тилининг ўзбек тили тараққиётига маълум даражада таъсири бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин.

12-§. Аралаш диалект хусусиятларининг «Тафсир»да акс этиши

Қадимги ўзбек тили ёзма ёдгорликлари орасида ўзбек тили тарихи учун энг муҳим манбалардан бири Қарши шаҳридан топилган «Тафсир» бўлиб, у «Ўрта Осиё тафсири» деб ҳам аталади.

«Тафсир» асари «Қуръон»даги айрим сураларнинг изоҳли таржимаси бўлиб, тил жиҳатдан мўғуллар давридаги ўзбек тилига тўғри келади. Лекин унинг тилидаги айрим архаик унсурлар уни қадимги туркий адабий тилга ҳам яқинлаштиради. «Тафсир» тилида XI—XIV асрлардаги ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари акс этган, деб ҳисоблаш мумкин. Лингвистик адабиётларда қайд этилишича, д — диалект ҳукм сурган давр XI—XIV асрлар бўлиб, унинг аксини «Тафсир»да ҳам кўрамиз. Умуман, «Тафсир»да шарқий адабий тил унсурлари ҳам, жануби-ғарбий ёки ўғуз адабий тили унсурлари ҳам учрайди. Бу диалектал унсурлар «Тафсир» ёзилган пайтда Ўрта Осиёда мавжуд эди. Шу нуқтаи назардан «Тафсир» ёзилган вақтни ва унинг қайси даврга тегишли эканлигини аниқлаш мураккабдир. В. В. Бартольд асарнинг тил хусусиятларини ҳисобга олиб, «Тафсир»ни XI асрнинг машҳур дидактик асари «Қутадғу билиг» даврида ёзилган, дейди. «Тафсир»да учровчи шимолий туркий лексик унсурлар «Қутадғу билиг»да ҳам учрайди.

С. Е. Малов «Тафсир» тилини текширганда, уни XII аср ёдгорлиги бўлган «Ҳибатул ҳақойиқ» билан бир қаторга қўйиш керак, деб уқтиради. XI—XIV асрлар ёдгорликларида феълларнинг шарт шакллари устида кузатиш олиб борган Э. Р. Тенишев «Тафсир»ни XIII асрда пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. А. К. Боровков ўзининг «Тафсир» ҳақидаги аввалги ишида уни XIV—XV асрларда яратилган деб ҳисобласа, кейинги ишида XII—XIII асрлар ёдгорлиги деб қарайди.[1] Бизнингча, «Тафсир»ни XI—XIV асрларнинг ёдгорлиги деб қараш тўғрироқ бўлади.

«Тафсир»да **й** нинг прототипи бўлган «дз»ли, «з»ли, «й»ли хусусиятлар ўз ифодасини топган. Умуман, «Тафсир»да ўғуз-туркман элементлари сезиларли даражада акс этган. Бу нарса унинг фонетикасида, яъни **т** товуши ўрнида **д** товушининг келишида кўринади: *атқу — адгу, атлығ — адлиғ* каби.

«Тафсир» тили билан танишиб чиққан академик В. В. Бартольд «Унда шимолий, жанубий ва турк тили унсурлари билан аралаш архаик тил фактлари учрайди»,[1] деб уни аралаш тилли асар ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам «Тафсир»да аралаш ҳолат аниқ кўринади. Масалан: *хотин* сўзи маъносида *урағут, хатун, аврат, айал, киши, тиши* сўзлари; *қўл* сўзи маъносида *ал, алиг, қол* сўзлари; *дарё* сўзи маъносида *ақар, арық, ырмақ, мынғар* сўзлари; *шаҳар* сўзи маъносида *эл, кант, урам, шаҳар, шаҳристан; қуйи* сўзи маъносида *асра, алтын, ашақы, қудзи, қойу* каби сўзлар қўлланган.

Келиб чиқиши ҳар хил бўлган сўзлар «Тафсир»да кўплаб учрайди. Масалан, *тэлим, ўқуш, қўп* сўзлари *кўп* маъносида; *қэрту, қоны* сўзлари *тўғри* маъносида келади.

Келиб чиқиши турлича бўлган сўзлардан синонимик қаторлар ҳосил қилинади, улар жуфт сўз бирикмасини ташкил қилади. Улар баъзан *йаъни* сўзи воситасида ҳам бирикади. Бундай сўз бирикмалари «Тафсир» тили учун хосдир. Масалан: *эв барқ* — уй, *қап қадзаш* — қонқариндош, *кэнд — улус* — шаҳар, *ортақ еш* —ҳамнафас, *бачыч, йаъни шахадат* — гувоҳнома, *экин, таъни дана*— экин кабилар.

«Тафсир» тилининг ўзига хос хусусияти шундаки, турли хил сўзлар бир хил типли сўз бирикмаларида ишлатилади. Масалан: *андағ санды ким* — у шундай ўйлади, *мэн эйла сандум ким* — мен шундай ўйладим каби.

Қадимги туркий ёдгорликларда бўлгани каби **-иғ / иг** аффикси «Тафсир»да ҳам учрайди. Лекин у тушум келишигининг аффикси эмас, балки феълдан от ясовчи аффикс сифатида кўринади. Бундай ҳолатни «Ҳибатул-

---

[1] Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тафсира XII—XIII вв. М., 1963.

[1] Азиатский музей Российской Академик наук.— Краткая памятка, Петербург, 1920, 41- бет.

ҳақойиқ»да учратамиз. Масалан: *қуниғ* (ётоқхона), *қўр луғ* (қўрқув), *узук* (муддат).

«Тафсир»да сифатдош ясовчи **-дуқ, -дачи, -ғлы** аф фикслари кўп учрайди. Масалан: *Фиравн қачти, қатин да туриғли табуғчи йама қачтилар.*— Подшо қочди, қо шида турган хизматчилар ҳам қочдилар.

«Тафсир» тилида «Ҳибатул-ҳақойиқ» ва «Девону луғотит турк»да учровчи архаик лексика унсурлари ҳам учрайди. Масалан: **асыг** — фойда, **асра** — паст, **эл** — улус, **аду** ёки **алыг** — қўл, эркин ва **эрки** — мумкин, **эрклиг** — кучли, **эмиз** — баланд, **йиг** — касаллик, **йа** — ёй, **йарын** — эртага, **йэмэ** — яна, жумладан, **йумғы** — ҳамма, **утру** — қарама-қарши, **баса** — сўнг, **эш** — ўртоқ, **ўгды** — мақтов, **қықыр** — бақирмоқ, **савры** — юборилган, **су** — армия, қўшин, **тэгрэ** — атроф каби.

«Тафсир» лексикасида шарқий адабий тил унсурлари билан бирга ўғуз-туркман унсурлари ҳам мавжуддир. Масалан: *эрмэз* ёки *эрмэс* ва *дэгул* ёки *тэгул*. Қиёсланг: *эрмэс эрди ҳэч нэрсэ* — у ҳеч нарса эмас эди. *Ол дэгул турур* — у бу эмас. *Ардындин* — орқадан, *ашақ* — паст, *эйа* — хўжайин.

«Тафсир» тилида бу хил турли тил унсурларининг мавжудлиги ўша давр учун хос эди. Чунки XII—XIV асрларда яратилган бошқа асарлар тилида ҳам худди шундай унсурлар мавжуддир. Бундай ҳолат ўша давр даги бошқа ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТИЛИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШИ

(XIV асрнинг охиридан XIX асрнинг иккинчи ярмигача)

1-§. XIV аср охиридан XVII асргача бўлган даврда адабий тил тараққиёти

XIV асрнинг ярмига келиб мўғулларнинг мавқеи пасайди. Уларга қарши сарбадорлар ҳаракати кучайди ва улар ҳокимиятни қўлга олади. Моваройуннаҳр ҳокимлиги Темур қўлига ўтди. У Хуросонни ҳам қўлга киритиб, катта империя тузди.

Темур ҳаёт вақтида ўз қарамоғидаги баъзи қалъа ва қўрғонларни яқинларига ва ўғилларига суюрғал тарзида тақдим этади. Натижада Темур вафотидан сўнг мамлакат бир неча хон ва бекликларга бўлиниб кетди. Ўрта Осиё ҳудудида Мирзо Улуғбек ва Шоҳруҳ бошчилигида Моваройуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлат-

лар тузилди. Мирзо Улуғбек ва Шоҳруҳ вафотидан сўнг мамлакатда ўзаро феодал урушлар анча кучайди. Бу урушлар натижасида парчаланиб кетган Ўрта Осиёга қўчманчи ўзбекларнинг тазйиқи авж олди. Мамлакат тахтига Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, бир оз тинчланиш ясалди.

Ўзаро курашлар натижасида бўлиниб кетган Моваройуннаҳрга Абулхайрхоннинг набираси Шайбонийхон XVI асрда бостириб кирди. Натижада қипчоқ тили унсурларининг адабий тилга таъсири кучайди.

Босқинчилик урушлари олиб борилган бўлса ҳам, Ўрта Осиёда XIV—XVI асрларда бир қанча фанлар соҳасида буюк олимлар етишиб чиқди. Сунъий суғоришга асосланган хўжаликни ривожлантириш, кемасозлик, денгиз саёҳати ва бошқалар астрономия, геометрия, математика каби табиий фанларнинг тараққий этишини тақозо қилса, жамиятнинг маънавий эҳтиёжи гуманитар фанларнинг ривожланишини талаб қилар эди.

Астрономия соҳасида буюк ишлар қилинди. Тарих, адабиётшунослик, ахлоқ, мусиқа, ҳарбий ишларга доир илмий асарлар яратилди.

Фаннинг турли соҳаларида бўлган ўзгаришлар тил шакллари воситасида ифодаланди. Турли фанларга доир яратилган тазкиралар, рисолаларда илмий атамашуносликка асос солинди.

Ўзбек тилидаги бадиий адабиёт ривожланди. XV—XVIII асрларда адабиётнинг мавзу доираси анча кенгайди, дунёвий оҳангларни куйлаш устунлашди. Бундан ташқари, адабиёт жанр жиҳатидан ҳам ўсди. Агар авваллги адабий жанрлар (ғазал, қитъа, қўшиқ кабилар) доираси тор бўлса, бу даврда ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, қасида, нома, мунозара, достон, ҳикоя, масал, мемуар асарлар ва бошқа жанрларда ижод этилди. Натижада адабий тилнинг янги услублари пайдо бўлди.

Марказлашган давлат учун кураш ғоясини маълум бир ғазал, рубоий доирасида баён этиб бўлмас эди. Ана шу эҳтиёж янгича баён этиш услуби бўлган тазкира ва достон жанрларининг ривожланишига олиб келди.

Маълумки, ўша даврда марказлашган давлат учун кураш ғоясини одил шоҳлар амалга оширади, деган фикр мавжуд эди. Одил шоҳларни мадҳ этиш жараёнида адабий тилда қасида услуби, адабиётда қасида жанри пайдо бўлди.

Эски ўзбек тилидаги шаклдош сўзлардан, халқ қў-

шиқлари услубидан усталик билан фойдаланиш асосида туюқ жанри вужудга келди.

Адабий тилда муаммо услуби ҳам пайдо бўлиб, муаммода яширинган маънодош ёки шаклдош сўзларни топиб, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги муқобилини қўллаш, сўзлардаги маълум ҳарфларни тизиб янги сўз ясаш, абжад ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш кабилар амалга оширилади.

Умуман, ўзбек мумтоз адабиётининг тараққиёти ўзбек адабий тилининг грамматик ва лексик жиҳатдан ишланиб, мукаммаллашиб боришига олиб келди.

Ўзбек адабий тилининг мукаммаллашиб боришида Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари, диний насрий асарлар («Сирожул қулуб», «Бахтиёрнома», «Тазкираи авлиё»), васиқанома: давлат — маъмурий ерликлар, бир қанча луғатлар, грамматикага доир асарлар «(Бадоеул-луғат», «Абушқа», «Туркий луғат», «Келурнома», «Муҳаммад Ризо луғати, «Мабониул луғат», «Санглоҳ», «Фатҳ Алихон луғати) асосий омил бўлиб хизмат қилди.

2- §. Эски ўзбек адабий тили ҳақида

XIV аср охири ва XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврдаги адабий тилга нисбатан эски ўзбек тили атамаси қўлланди.[1] Қўпчилик туркологик адабиётда XIV—XVI аср адабий тилига нисбатан «чиғатой тили» атамасини ишлатадилар.

Қитобий адабий тил ҳақида фикр юритилганда «чиғатой тили» атамасини, халқнинг жонли сўзлашув асосида таркиб топган адабий тил ҳақида фикр юритилганда эски ўзбек тили атамасини қўллаганлар, Ҳақиқатда эса, чиғатой тилининг қачон, қаерда ва қандай диалектал асосда вужудга келганлигини аниқлаш қийиндир Бундан ташқари, чиғатой тилининг адабий меъёрини белгилаш билан ҳеч ким қизиқмади. Чунки чиғатой тили деб аталган тилда форс, араб ва уйғур тили элементлари устун даражада эди.

[1] Ўзбек тилининг илк даври тараққиётидаги адабий тилга нисбатан, баъзи ишларда кўрсатилганидек, Шарқий Туркистон адабий тили атамасини қабул қилдик. Қаранг: Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М., — Л., 1961; Ўзбек тили тарихий грамматикаси. Программа (тузувчи проф. Ғ. А. Абдураҳмонов). Тошкент, 1963.

XIV—XVII аср адабий тилида тилнинг соддалиги, ҳамага тушунарли бўлиши учун кураш кетар эди. Туркий тилининг форс тили билан тенг ҳуқуқлилиги ва соддалиги учун кураш ғояси Навоий ва унинг замондошлари асарларида ўз ифодасини топди.

В. В. Радлов, А. М. Шербак, Абулғози Баҳодирхон таъкидлаганидек, чиғатой тили сунъий тилдир.

Адабий тилга жонли тилдан кўплаб янги унсурлар кириб борди. Лекин адабий тил билан жонли тил бирбирига тенг ҳодиса эмас.

Эски ўзбек адабий тили жонли тилдан анча узоқ бўлиб, унда арабча, форсча унсурлар ва маълум қолипга кириб қолган услубий томонлар мавжуд эди.

Эски ўзбек тили билан Шарқий Туркистон адабий тилидаги ўхшаш ва фарқли томонлар қуйидагилардан иборат:

1. Фонетик хусусиятлари: Шарқий Туркистон адабий тили ёдгорликлари тилидаги сўзларда д (дз) товуши келса, эски ўзбек адабий тилида бу товуш «й» билан берилади.

Шарт майлидаги феълларнинг охирида «р» товуши келса, эски ўзбек адабий тилида бу товуш йўқолган, яъни: *келсар, барсар, олсарман, барсанг, олсангиз* кабилар.

Сўз бошида келувчи «б» товуши «м» товушига ўтади: *бен — мен, бенгу — менгу, бунг—мунг, бинг—минг* каби.

2. Морфологик хусусиятлари: келишиклар сони бир хил эмас. Баъзи келишиклар бошқа-бошқа номланади. Шарқий Туркистон тилида бош, тушум, жўналиш, ўрин, чиқиш, қурол-восита келишиклари бўлса, эски ўзбек адабий тилида бош, вокатив, тушум, жўналиш, ўрин, чиқиш, чегара келишиклари бор.

Шарқий Туркистон адабий тилида кўплик **-лар**, **-ан**, **-ат** аффикслари билан ҳосил қилинса, эски ўзбек адабий тилида асосан **-лар** билан ҳосил қилинади. Сифатдош ясовчи шаклар эски ўзбек тилида икки баравар қисқаради ва фақат **-ар, -ган, -миш, -гу** каби тўрт аффикс сақланиб қолади.

3. Синтактик хусусиятлари: тенг боғловчилар билан боғланган қўшма гапларнинг салмоғи эски ўзбек тилида кўпайган.

4. Лексик хусусиятлари: эски ўзбек тилида арабча, форсча сўзларнинг ҳажми бир оз кўп, лекин туркий тил-

ни форсий тилнинг нуфузи билан баравар даражага кўтариш учун шоирлар туркий тилда шеърлар, асарлар ижод эта бошлайдилар. Адабиётни она тили асосида ривожлантириш учун курашадилар. Бу кураш ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Туркий тилнинг нуфузи ва тараққиёти учун Алишер Навоий ва унинг замондошлари Лутфий, Атоий, Саккокий, Яқиний, Амирий, Аҳмадий, Хўжандий, Мир Ҳайдар, Гадоий, Бобур, М. Солиҳлар муносиб ҳисса қўшдилар.

3- §. Ўзбек адабий тили тараққиётида шоир Атоийнинг тутган ўрни

«Назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърий дурлар» яратишга интилган Атоий ўзбек дунёвий адабиётининг Навоийга қадар етишган атоқли намояндаларидандир.

Атоий адабий мероси билан танишар эканмиз, унинг халқ оғзаки ижодини яхши билганлигини ва улардан ижодий фойдаланганлигини сезамиз.

Атоий халқ қўшиқларининг тили соддалиги, равонлиги ва мусиқийлигидан ҳам илҳомланди ва уни ўрганди. У ўзининг 260 та ғазалидан 109 тасини халқ қўшиқлари вазнида яратган. Бу нарса унинг халқ тили бойликларидан баҳраманд бўлиб, ижод этганлигини кўрсатади.

Атоий халқ мақоллари ва таъбирларига катта эътибор беради. У халқ мақолларидан фойдаланиш билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тили ва бадиийлигини ҳам бойитди. Атоий халқ мақолларини айнан келтиради ва уларнинг мазмунини шеърий мисраларга сингдиради:

Болды бағрым сув ғамингдын, йахшылиқ, сал суга,
Ахир, эй гул, хирманны, албатта, зар эккэн орар.
Васл нўши дунйада бўлмас, Атаий, нишсиз.

Бундан ташқари, Атоий халқ тилига хос ҳазил-мутойиба тарзида айтилган мисралардан, контраст усулидан фойдаланди. Лекин у енгил кулгига жиддий тус беради.

Йўзига кўп тика бақсам, манга кулиб айтур,
«Атаий, не кўзи тоймас гада эмиштуксен?»

Атоий халқ тили бойликларидан усталик билан фойдаланиб, оригинал ўхшатиш, киноя, муболаға, тажоҳ

ий орифона, лоф каби бадиий тасвир воситаларини яратади.

Шоир омоним сўзлар ва турли бирикмалар воситаси билан чиройли сўз ўйинлари ясайди ва гўзал мумтоз туюқлар намунасини яратади.

Десангким: «Жан сипар қылғыл Атайым».
Турубмен ушмунақ ўлдур, ат айым...
Йузингни, эй малаҳат ханы, бир ач,
Тўйа кўрсун сэни бу мустаҳиқ ач.

Атоий асарларининг тили Олтин Ўрда ёдгорликларининг тилидан фарқ қилади. Чунки Атоийда қипчоқ тили унсурлари устун даражада эди.

Атоий ғазалларида қуйидаги тил хусусиятларини учратиш мумкин.

Жўналиш келишиги қўшимчаси **-га (-ға, -ка) -қа** аффикслари билан бирга **-а** шаклида ҳам учрайди: *кўнглуға, йўзима, йўзина, биза, сиза* каби.

Мим ағзы била зулфи қадди лам-алифдин
Эй вай, нетай хаста кўнгул қалды аламға
Назм баҳрина чўм, қаърына йет дурдек, Атаий,
Дарйа йузини чун хасу хашак керактур.

Жўналиш келишигининг **-а, -на, -ма** каби қўшимчалари ҳозирги ж-ловчи ўзбек шеваларида ҳам учрайди. Лекин бу шакл аслида ўғуз тилига хос хусусиятдир.

Урин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчаларидан олдин бир **н** товуши орттирилади.

Гарчи оҳуйи Хўтандир бехато билмон недин,
Чину Мочин лолазоринда қилур сайрон кўзинг.

Ул санамким сув йақасында паритек ўлтурур,
Гайати нозукликиндин сув била йутса бўлур.

Сифатдош ясовчи қўшимча **-ган** шаклида ҳам, **-ан** шаклида ҳам учрайди. Масалан: *қилан — қилған, алан — алған* каби.

Буйруқ феълининг биринчи шахс кўплиги феъл негизларига *-алинг* аффиксини қўшиш орқали ясалади: *бирилинг, келалинг, алалинг* каби. Бу ҳолат «Муҳаббат нома»да ҳам учрайди.

Атоий ғазалларида лексик жиҳатдан қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: *ўқуш* — кўп, *ары* — тоза, *бақмақ* — қарамоқ, *менг* — холнинг каттаси, *қамуқ* — ҳам-

ма, *асруқ* — маст, *дудоқ* — лаб, *ажун* — дунё, *нэнг* — нарса, *ийдгаҳ* — сайилгоҳ кабилар.

Умуман, Атоий ғазаллари тилида XV аср бошидаги ўзбек адабий тилига хос хусусиятлар учрайди. Шоир ўз асарлари билан XV аср ўзбек дунёвий адабиётигагина эмас, балки ўзбек адабий тили тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

4- §. Саккокийнинг ўзбек тили тараққиётидаги роли

Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Мовароуннаҳрда шуҳрат топган шоирлардан бири Саккокийдир. У Улуғбек замонида яшаб ижод этган. Шоир ғазаллар ва қасидалар битган.

Саккокий ҳам Атоий каби халқ тили унсурларидан усталик билан фойдаланиб, оригинал тасвирий воситалар яратишга интилади. У тазод, таносиб, жонлантириш, лаф ва нашр каби усуллардан фойдаланади, ўхшатиш, муболаға, мажоз ва бошқа турдаги тасвирий воситаларга мурожаат қилади. Натижада халқ оғзаки ижодига хос бўлган халқ қўшиқлари услубида ғазаллар яратди.

Саккокий туюқ жанрида асарлар битмаган бўлса-да, ёзган ғазалларидан унинг сўз ўйинига уста шоирлиги кўзга ташланади. У халқ мақоллари билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тилини ҳам бойитди.

Саккокий сиёсий лириканинг адабий жанри бўлган қасида ёзиш соҳасида ҳам қалам тебратди. Маълимки, қасида давлат арбобларига, сиёсий ва ҳарбий воқеаларга бағишлаб ёзилади. Улуғбекка атаб ёзган қасидаларида шоир унинг илмий ва сиёсий фаолиятини мақтайди. Улуғбекни «Сулаймони замон», «Нўширавон», «Мусотек», «Шубон», «Атодин меҳрибон», «Хуршиди замон» каби сифатлар билан улуғлайди. Қасидага хос бундай услубни Саккокийдан кейинги шоирлар ҳам давом эттирдилар.

Саккокий асарларида қипчоқ тили унсурларига нисбатан ўғуз тили ёки ғарбий адабий тил анъанасининг таъсири кучлидир. Бу асарларда *айла, қолма, қилма* каби кўмакчи феъллар учрайди:

Гул йузингни арзулаб юз кўзни гулзор *айлади.*

Ўтган замон сифатдоши феъл негизига **-миш** аффиксини қўшиш орқали ясалади.

Маълумки, бу қўшимча урхун-энасой ёзувларида ҳам, ундан кейинги ёдномалар тилида ҳам кенг қўлланади. Саккокийдан кейинги шоирларда эса бу қўшимча сийрак учрайди. Масалан: *Тун чаман ичра ниқабин алмиш ул гул йузидан.* «Бўл» феъли ва унинг ўғуз тилларига хос бўлган «ўл» шакли шоир асарларида параллел қўлланади:

Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўширавон келди.

Саккокий асарларида келувчи «бикин», «янглиғ» сўзлари «каби», «ўхшаш» деган маъноларни билдиради. Бу сўзлар Алишер Навоийгача бўлган шоирларнинг ҳаммасида учрайди. Саккокий асарларининг яна ўзига хос томони шундаки, Атоий тилига нисбатан унда тожикча-форсча сўз ва иборалар кўп учрайди.

Масалан: *кўҳкан* — тоғ қўпорувчи, *жанкан* — жон олувчи, *ғарат* — барбод, *турра* — кокил кабилар.

Умуман, Саккокий ҳам ўзбек адабий тилини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшган шоирлардан биридир.

5- §. Лутфий асарларининг баъзи тил хусусиятлари

Ўз даврининг «Маликул каломи» бўлган Лутфий ўзининг кўп йиллик адабий фаолиятини ўзбек дунёвий адабиёти ва ўзбек адабий тили тараққиётига бағишлади. У даврнинг атоқли сўз санъаткори сифатида ўзбек ва форс-тожик тилидаги лирик шеърларнинг, «Гул ва Наврўз» ҳамда «Зафарнома» достонларининг муаллифидир.

Лутфий ғазалларида ва достонларида бир-бирига жўр, оҳангдош сўзларни қофия қилиш билан бирга, мисраларнинг мазмунини кучайтириш, таъкид йўли билан асосий масалага эътиборни кўпроқ жалб этиш учун бир ёки бир неча сўздан таркиб топган радифлардан усталик билан фойдаланади.

Сенсан севарим, хаҳ, ынан, хаҳ ынанма,
Қандур жигарым, хаҳ ынан, хаҳ ынанма.

Лутфий ўзбек адабий тилининг жанговар курашчиси сифатида халқ жонли тилида оригинал асарлар яратди, унинг мақол ва афоризмларидан усталик билан фойдаланди. Бу билан ўзбек адабий тилининг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшди. Шоир ўз шеърларининг мазмуни, бадиийлиги ва тилини бойитиш учун халқ таъ-

бирларидан самарали фойдаланди. Натижада янги-янги бадиий тил воситаларини ва оригинал баён этиш услубини яратди. Масалан:

Эй юзига бақсалар, ўлармен,
«Хурмишдни, нетай, ёшурса бўлмас».

Бу шеърий мисраларга *«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди»* деган халқ мақоли сингдирилган. Ёки:

Ҳаёт суйиға элтиб, сувсиз кетурди мени,
Дудағингиз не бало ол кўргузди.

Бу шеърий парчада *«Дарёга олиб бориб, сувсиз келтирди»* мақоли берилган.

Бундан ташқари, Лутфий ўз асарларида халқ тилига хос бўлган юмор, қарғиш, эркалаш ва бошқалардан ҳам ўринли фойдаланган:

Лутфийни ким қарғади «ёраб, балога учра» деб,
Ким, сенингдек тош бағирлик дилрабоға учради.

Маълумки, ўша давр адабий тилида синонимлар доираси тожик, араб тилларидан кирган сўзлар ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда эди. Лутфий синоним сўзлардан усталик билан фойдаланиб, ўз даврига хос бадиий услуб вужудга келтирди. У *ёв, ёғи, ҳасм, душман, лаб, дудағ, юз, ораз, васл, жамол* каби синонимик қаторлардан ижодий фойдаланди:

Ою кун юзинг била лоф урсалар, йўқтур ажаб,
Тутармен кўзки, кўрсам **оразингни**.
Тилар **васлингни** Лутфий, қил ижобат.
Ой тонгғача қолди кеча боқиб ул **жамолға**.

Келтирилган мисолларда бир синонимик қатори ташкил қилувчи *юз, ораз, васл, жамол* сўзлари берилгандир.

Лутфий ўзбек мумтоз лирикасининг оригинал ва янги жанри бўлган туюқнинг ўзига хос хусусиятларини яхши эгаллаб, халқ аскияси ва тил бойликларидан кенг фойдаланган ҳолда, ажойиб туюқлар яратди. Бунинг учун ўзбек тилидаги омоним ва полисемия шаклларини ишлатди. Натижада у шу сўзлар воситаси билан чиройли сўз ўйинлари ҳосил қилди:

Кўнглим ҳарйанки бақсам, дағи бар,
Ҳар неча дардымны десам, дағы бар.
Қылча танга бары ишқынг йар эди,
Биз сары бўлды фирақнынг дағи бар.

Бу туюқдаги «дағы» сўзи биринчи мисрада «яра», иккинчи мисрада «яна, тағин» ва тўртинчи мисрада «тог» маъносида келгандир.

Лутфий асарлари тилида эски уйғур, озарбайжон ва туркман тилларига хос морфологик-лексик хусусиятларни учратамиз.

Қаратқич келишигининг қўшимчаси I ваII шахс кишилик олмошларидагина эмас, бошқа ҳолларда ҳам **-инг** шаклида келади. Қаратқич келишиги қўшимчасининг бу шакли урхун-энасой ёзувларида ҳам учрайди: *йарымунг* — ёримнинг, *бағрумынг* — бағримнинг.

Қаратқич келишигининг **-инг** шакли XI асрдаёқ **-нинг** шаклига ўтган бўлса-да, Лутфийда **-инг** тарзида учрайди. Бу келишик қўшимчасининг тараққиёти ҳақида проф. Богородицкий ўзининг «Введение в тюрко-татарское языкознание» номли асарида фикр билдиради. Унинг фикрича, қаратқич келишиги қўшимчаси бўлган **-нинг** бошида **инг** шаклида бўлган, XI асрда кишилик олмошларининг I—II шахс бирлигидаги «н» товуши **-инг** аффиксига ўтганини кўрсатиб, натижада **-ин** ҳосил бўлганини қайд қилади. Унинг таъбирича, бу ҳодиса «морфологик қайта таҳлил» («морфологическое переразложение») деб аталади.

Қараткич келишигининг **-инг** шакли ҳозирги ўзбек тилининг Қорабулоқ шевасида ҳам учрайди.

Мактаб грамматикаларида бу ҳодиса бошқача изоҳланади. Агар кишилик олмошларининг I—II шахс бирлигига қаратқич келишиги қўшимчаси қўшилса, бир «н» товуши тушиб қолади, деб нотўғри изоҳ берилади. Ҳақиқатда эса унинг қадимги шакли намоён бўлади.

Тушум келишиги аффикси **-ни / -ны**, баъзан **-ы** тарзида ҳам келади: *хиттайы, маъмурумы, ашкумы* каби.

Қоймағыл ҳар дам рақибимни қошынгдын, сур бегим,

Бу мисолда келтирилгани каби тушум келишиги **-ни** билан, чиқиш келишиги **-дын** билан ифодаланган.

Ўтган замон сифатдоши **-миш, -ан** аффикслари орқали ясалади: *қылмышам, бўлмышам, қылан, алан* каби.

Бу вафасызлықны, сендин кўрмишам,
Эътиқадым қалмады ҳеч йар ила.

Жўналиш келишиги қўшимчаси **-га, -ка, -а, -на** шаклларида келган.

Шаръ ичинда болса усрук сўзига йоқ эътибор,
Қанима бергай тануқлуқ икки аййаринг сенинг.

Кишилик ва кўрсатиш олмошларининг ҳозирги шакларидан ташқари *анын, ана, ошул* шакллари ҳам учрайди.

Ошул кунларки вақтым эрди нахуш.

Лутфий асарларида «билан» кўмакчисининг *бирла, ила, била, -ла* каби муқобиллари бор.

Йаратқан бирла кўп нийатлар этти,
Паришанлиқ била ақлым мушавваш.

Лутфий асарлари тилида ўғуз, араб, форс-тожик сўзлари кўп учрайди. Масалан, *илик* — қўл, *улус* — халқ, *қамуғ* — ҳамма, *ирин* — дудоғ, лаб, *ужмағ* — жаннат, *эв* — уй, *тари гисўйи*—соч ўрими, *дугул*—эмас, *черик*—аскар, армия каби.

Хулоса қилиб айтганда, Лутфий ўз ижоди билан адабий тил тараққиётида янги даврни бошлаб берди ва Навоий каби ўзбек адабий тили асосчисининг етишувига маълум даражада замин тайёрлади.

АЛИШЕР НАВОИЙ — ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ

1- §. Алишер Навоий — она тилининг софлиги учун толмас курашчи

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий тил равнақи учун олиб борган кураши маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутади. У чинакам ватанпарвар шоир ва олим сифатида халқ тилининг битмас-туганмас манбаларидан фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш билан фақат ўз замондошларига эмас, балки ундан кейинги бутун авлодларга ҳам ўрнак кўрсатди.

Маълумки, ўрта асрларда Ғарбий Европада лотин тили, шарқий ва жанубий славянларда черков—славян

тили халқаро тил ҳисобланган бўлса, мусулмон оламининг шарқида араб тили халқаро тил сифатида қўлланган. Ўрта Осиёнинг дунёга машҳур олимлари Абу Али ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқалар илм-фаннинг турли соҳаларини қамраб олувчи ўз асарларини араб тилида ёздилар. Ҳатто XI асрда яшаб ижод этган улкан туркшунос-лингвист олим Маҳмуд Кошғарий ҳам «Девону луғотит турк» асарини ана шу тилда ёзишга мажбур бўлди. Халифаликка қарам бўлган деярли ҳамма мамлакатларда аҳвол худди шундай эди.

Бироқ X асрларда «дарий» ёки «форсий» деб аталган тил ҳам мавжуд эди. Бу тил айниқса сомонийлар даврида ягона давлат тили сифатида маданий ҳаётда, бадиий адабиётда кенг ўрин эгаллади. Шуни айтиш мумкинки, форсий тил то XV асргача бир ўлка ва халқларнинг муштарак адабий тили сифатида кенг қўлланди. Ғазнавийлар ва салжуқийлар давридаёқ улар босиб олган ўлкаларда ҳам, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон, қисман Грузия ҳамда Арманистон)да, Ҳиндистоннинг шимолий районларида дарий-форсий тили давлат тили ва адабий тил сифатида эълон қилинди. Ана шу сабаб туфайли буюк Озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1141—1203) «Лайли ва Мажнун» достонининг кириш қисмида асарларини ўз она тилида эмас, балки форс тилида ёзишга мажбур бўлганлигини қайд қилган эди.

Ўша даврларда форсий тилни билиш ва шу тилда ёзалашиш, ижод қилиш жамиятнинг юқори табақасига хос бўлган «имтиёз» ва «билимдонлик» белгисига айланганди. Бу анъана ҳатто темурийлар даврида ҳам сақланиб қолди. Шу пайтга келиб, форсий тил ҳатто феодал аристократиясининг сўзлашув тилига ҳам айланди. Ҳар икки темурийлар давлати — Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам форсий тил ҳукмрон эди. Бу худди XIX асрда рус зодагонлари ўз она тилини писанд қилмай, ўзаро француз тилида гаплашганликларини эслатади.

XV асрда ўзбек тилида оригинал ва таржима асарларни яратган салафларининг тажрибаларини давом эттирган Лутфий, Саккокий, Атоий, Амирий, Гадоий, Яқиний каби истеъдодли шоирлар ўзбек дунёвий адабиётини равнақ топтириш билан бирга, ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бироқ улар сон жиҳатидан ниҳоятда озчилик эди. Навоий «Мажолисун-

нафоис» асарининг иккинчи бобида ўзи сўз юритаётган 90 шоирдан фақат 16 таси «туркигўй» эканлигини эслатиб ўтади. Навоийнинг айтишича, булар — Ҳаримий Қаландар, Қабулий, Ғарибий, Тарханий, Лутфий, Яқиний, Атоий, Қаман, Саккокий, Мирзобек, Саид Ҳасан Ардашер, Мажнуний, Шавқий, Гадоийлар эди. Навоийнинг таъкидлашича, ҳатто кўпгина ўзбек шоирлари ҳам ўзбек тилининг бойлиги ва кенг имкониятларидан фойдаланишга кам эътибор берадилар.

«Бу тил дағал, унда юксак санъат асарлари яратиб бўлмайди» деган фикрларга узил-кесил зарба бериш, ўзбек тилининг яширин қолиб келаётган хазиналарини очиш ва уни илм аҳлларига, шеър мухлисларига тушунтириш ўзбек халқининг буюк фарзандлари олдида муҳим вазифа бўлиб турарди. Худди шундай даврда Алишер Навоий ўз халқининг адабиёти ва адабий тилини ҳимоя қилиш, ривожлантиришдек зўр давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалани кўтариб чиқди ва ўз умрининг охиригача ўзбек адабий тили ва адабиётини юксак даражага кўтариш учун курашди.

Маълумки, ўша даврда ўзбек китобхонларининг бир қисми форс-тожик тилидаги адабиётдан баҳраманд бўлса ҳам, кўпчилиги ундан фойдалана олмасди. Шу сабабли, Навоий «Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдирким, бу кунга дегунча ҳеч киши ҳақиқатыға мулоҳаза қылмаған жиҳатидын бу йашурун қалыбдур ... Ва филҳақиқат, агар киши йахши мулоҳаза ва тааммул қылса, чу бу лафзда вусъат (кенглик) ва майдонида мунча мусҳат (очиқлик) тапилур...» деб ёзди ва ўзбек шоирларини ўз она тилини мукаммал билишга чақирди. Навоийнинг фикрича, она тилини фақатгина халқ оммасигина эмас, балки шоирлар ҳам қўллашлари, шу тилда иложи борича ўз иқтидор ва маҳоратларини кўрсатишлари керак эди. Масалан, Навоий худди шу мақсадда қуйидагича ёзади: «... турк тилининг жамияти мунча далаил била собит бўлды, керак эрдиким, бу халқ арасидын пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳийат ва табъларын ўз тиллари турғоч, ўзга тил билан захир қылмаса эрди. Ва агар иккаласи тил (ўзбек ва форс-тожик) била айтур қобилийатлари бўлса, ўз тиллари бирла кўпрак айтсалар эрди ва йана бир тил билан азрак айтсалар эрди. Ва агар муболаға қылсалар, иккаласи тил билан тенг айтсалар эрди ... турк улусынинг шу табъларын мажмуи сарт тили била назм айтқайлар ва билкул

турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ...»

Навоийнинг бу теран назарий фикрларидан шу нарсани ҳам равшан англаб олиш мумкин: у асло бошқа тилларни, жумладан, форс-тожик тилини камситмайди, олим ва шоирларнинг бу тилда ижод этишларини инкор қилмайди.

Алишер Навоий форс-тожик, озарбайжон шоирлари Низомий, Ҳоқоний, Фаридиддин Аттор, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз кабилардан шеъриятнинг улкан меросини қабул қилди. Уларнинг анъаналарини давом эттирди. Ўзи форс-тожик тилини камоли эҳтиром, чексиз ҳурмат билан ўрганди, бу адабиётнинг намояндаларига катта муҳаббат билан қаради. Алишер Навоий билан буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомий ўртасидаги шахсий дўстлик ва адабий ҳамкорлик бунинг яққол далили сифатида қардошлик тарихимизда ҳам сўнмас саҳифадир. Навоий ўзбек адабиёти ва ўзбек тили билан бир қаторда, тожик тили ва адабиётининг ривожига ҳам ғамхўрлик қилди. Фоний тахаллуси билан шеър ёзиб, унинг форс-тожик тилини мукаммал эгаллаганлигини, тожик тили ва адабиётига чексиз ҳурматини намойиш этди. Улуғ зуллисонайн шоир ўзининг икки тилда яратган асарлари ҳақида фахрланиб бундай деган эди:

Маънии ширину рангинам бу турки беҳад аст,
Форси ҳам лаълу дурҳои симин чун бингари.
Гўё дар раст бозори суган бикушодаам,
Йак тараф дўкони қаннодию, як сў заргари.

Мазмуни: «Туркий тилда ранг-баранг ширин маъноли шеърларим беҳад кўпдир, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавҳарларга ўхшайди. Гўё сўз бозорида дўкон очганман: бир томонда қандолат дўкони-ю, бир тарафда заргарлик».

Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари орасида зуллисонайнлик анча кенг тарқалган эди. Хоразмий, Атоий, Лутфий ва бошқа шоирлар ўзларининг истеъдодларини ҳар икки тилда ҳам намойиш қила оладилар. Аммо бу анъана тожик шоирлари ижодида деярли учрамас эди. XV асрнинг ўрталаридан бошлаб форс-тожик адиблари ўртасида ҳам туркигўйлик пайдо бўлди. Бу эса ўзбек адабиётини юксакликка кўтариб, ўзбек тилининг қудратини намойиш этган Навоийнинг бевосита таъсири на-

тижаси эди. Форс-тожик шоирларидан биринчи бўлиб ўзбекча шеър ёзганлар ҳам Навоийнинг дастпарварлари — Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифийлар эдилар.

Навоий она тилининг имконият ва қудратига эътиборсизлик билан қаровчиларга, уни дағал тил деб пастга урувчиларга қарши чиқиб, уларнинг ноҳақ эканликларини таъкидлади. Она тили учун кураш ҳар бир халқнинг энг биринчи ва муқаддас вазифаси эканлигини қайд қилди. Навоий бу ҳақда «Ҳайратул-аброр» достонида бундай ёзади:

Санга анча ҳақ лутфи воқеъдурур,
Ки то турк алфози шоеъдурур.
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Йақын қылмамыш халқ санидек киши.
Форси эл тапты чу хурсандлық
Туркий тағы тапса барумандлық.

Буюк шоир, мутафаккир ва лингвист олим ана шу муддаолар, саъй-ҳаракатлар жараёнида ўзбек адабий тилининг мубориз ҳимоячиси, байроқдори бўлиб чиқди. Бу соҳадаги илғор доно фикрлари, ажойиб асарлари, амалий фаолияти билан шон-шуҳрат қозонган Навоий:

Турк назмыда чу тартыбмен алам,
Айладим бу мамлакатни якқалам,—

деб ҳақли равишда фахрланди. Бобур тили билан айтганда, Навоий ўзбек тилида барчадан «кўп ва хўб» ёзиб, қалам кучи билан қалблардан жой олди.

Биз Алишер Навоийнинг илм ва маданият, жумладан, ўзбек адабий тили ривожи соҳасидаги буюк хизматларини франциялик Дью Белле (1522—1560), италиялик Данте (1765—1821), германиялик Лютер (1483—1546) каби шоир ва олимларнинг ўз она тилларини яратишдаги хизматлари билан чоғиштиришимиз мумкин. Чунки биз номларини қайд этган буюк шоир ва олимлар ҳам ўз она тилларининг шавкати учун курашган ватанпарварлар эдилар. Навоий ўзбек тилининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам назарий, ҳам амалий ишларни бажарди. Шунинг учун буюк турколог Н. И. Ильминский Алишер Навоийни: «Она тили учун курашда ягона ва баҳодир жангчи эди»,[1] дейди.

[1] Ильминский Н. И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка, Казань, 1862, 27- бет.

Европалик географ олим М. Белин Алишер Навоий хизматлари ҳақида шундай ёзади: «Навоий миллий тилга мурожаат қилиб, уни рад қилиб бўлмайдиган даражада асослаб, ватанпарварликни бошлаб берди».[1]

2- §. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили

Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий уч тил (форс, араб ва туркий тил) ўзаро курашаётган бир пайтда ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У «Ҳазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр» каби бадиий адабиёт намуналарини, «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон» каби адабиётшуносликка оид асарларини, «Муҳокаматул-луғатайн» каби тилшуносликка оид асарини шу тилда яратди. Бу билан ўзбек тилининг бадиий, илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини амалда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлади.

Умуман, форс тилининг қайси жанр ва услубида асарлар яратилган бўлса, Навоий уларнинг ҳаммасида ўзбек тилида асарлар ёзди. У ўзининг амалий ишлари билан ўзбек тилининг ихчам грамматик қурилишга ва бой луғат фондига эга эканлигини кўрсатди.

Хўш, Алишер Навоий асослаб берган адабий тил қандай негиз асосида пайдо бўлди? Алишер Навоийнинг адабий тили ҳақида ва унинг қандай шаклланган, шоирнинг она тили билан адабий тили ўртасидаги муносабат ҳақида олимлар турлича фикр юритадилар. Бу фикрлар ўша даврда мавжуд бўлган қуйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш натижасида келиб чиққан:

1. Ўша даврда араб, форс ва она тили каби уч тилнинг кураши давом этмоқда эди.[2]

Алишер Навоий замонасида илмий асарлар араб тилида, бадиий асарлар форс тилида ёзилар эди. Ўзбек тили атрофида, Навоий тили билан айтганда, «илон»лар ва «тикан»лар бор эди.

2. Маълум даражада Шарқий Туркистон тили, яъни уйғур тилининг таъсири мавжуд эди.[3] Мўғуллар ҳужу-

[1] Белин М. Алишер Навоийнинг биографияси, 1861, 222- бет.
[2] Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка.— Сб. «Алишер Навои», М., — Л., 1946, 97- бет.
[3] Радлов В. В. Ярлыки Токтамыша и Тимур-Кутлуга, том III, СПб. 1888, 2- бет.

ми даврида ҳам адабий тил сифатида Шарқий Туркистон тили асосий роль ўйнайди. Қадимги уйғур тилига хос бўлган бир қанча морфологик, лексик, фонетик унсурлар Навоийгача бўлган ҳамма ёдгорликларда учрайди. Ҳатто XIV—XV асрларда кўчирилган «Бахтиёрнома», «Меърожнома», «Тазкираи авлиё» каби уйғур ёзувидаги асарлар пайдо бўлди. Ҳатто 1469 йилда тузилган Умар Шайх ёрлиғи ҳам уйғур тилида ёзилган. Бундай ҳолат маълум даражада ўша давр адабий тилига ўз таъсирини кўрсатган.

3. Бир-биридан фарқ қиладиган ҳудудий диалектлар мавжуд эди.[1] Алишер Навоий даврида туркий тилда сўзлашувчи халқлар турли-туман бўлган ва турли шеваларда сўзлашганлар. Бу шевалар бир-бирига таъсир қилиб, адабий тилга ҳам турли унсурларини киритиб борган. Бунинг устига тил гуруҳларининг аниқ номлари йўқлиги масалани яна хиралаштиради. Алишер Навоий ўз асарларида, жумладан, «Мезонул-авзон» асарида она тилини туркча тил, баъзан чиғатой[2] тили, дейди.

Турк тили атамаси остида Алишер Навоий кенг маънони кўзлайди, яъни бу атама билан араб ва форс тилларидан фарқ қилувчи туркий тилни атайди. Чиғатой тушунчаси Навоийда тор маънодадир: «Ки турк қавмлар жўжидур, инақ ва чиғатай».

Бундан ташқари, «Чор девон»да темурийлар давлатида элатни ташкил қилган қипчоқ, ақар, қиёт, белегут, арлат, барлос қабилаларининг номларини тилга олади.

Бекка қыпчақу ақар, шаҳға қийату, белугут,
Эй Навоий, манга бас ул санами лўливаш.

Бошқа бир жойда тархон, сулдуз қабила номларини келтиради. «Ваққия» асарида Султон Ҳусайннинг жалойир, айгус, қиёт, қўнғирот, тархон, қовучин қабилалари вакилларини мукофотлагани ҳақида гапиради.

Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида шоир Ҳусайн Хоразмий ҳақида гапириб, «хоразмча турк тилида» ёзар эди, деб Хоразмда алоҳида шеванинг борлигини кўрсатади.

Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоий адабий тилига асос бўлган негиз диалект муаммосини ҳал этишни анча мушкуллаштиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Алишер Навоийни олий мартаба соҳиби, қобилият эгаларининг буюк ҳомийси, ўзбек тили ва адабиётининг байроқдори сифатида тараннум этади ва Навоий адабий тилига Андижон шеваси асос бўлган дейди:

«Андижон... эли турктур. Шаҳар ва бозорысыда туркий билмас киши йўқтур. Элнинг лафзи қалам бирла ростдур. Аны учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоты Ҳирида нашъу намо тапыбтур, бу тил биладур элнинг арасыда ҳусни хили бардур».

Бобурнинг бу фикрига турколог олимлардан Г. Вамбери, В. Березин, Н. И. Ильминскийлар қўшилади. Аммо Н. И. Ильминский адабий тил билан маҳаллий шевалар ўртасидаги муносабатнинг мураккаб хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб, Навоий адабий тили Андижон шевасига ўхшаса ҳам, лекин унга бутунлай мос келмайди, дейди. Чунки, унинг фикрича, жонли халқ шевасида адабий тилдагидек чет тил унсурларининг кўп бўлиши мумкин эмас.[1] Алишер Навоий тилида арабча, форсча, қисман уйғурча ва ўғуз унсурлари учрайди. А. К. Боровков ҳам Н. И. Ильминский фикрига қўшилиб, Навоий адабий тилини Андижон шеваси билан тўла мос дейиш қийин, деб уқтиради. Унингча, Навоий Андижонда ҳеч бўлмаган, фақат андижонликлар билан суҳбатда бўлган, холос.[2]

Алишер Навоий адабий тилининг хусусиятларини тўғри аниқлаш учун унинг тилида мавжуд бўлган товуш таркибини ва у товушларнинг ҳозирги диалектдаги мувозийларини аниқлаш зарур. Лекин Навоий тили вокализмининг таркибини аниқлаш масаласида турли хил фикрлар мавжуд. Проф. К. К. Юдахин XV—XIX асрларда ўтган Лутфий, Амирий, Камёбийларнинг туюқларини таҳлил қилиб, Навоий даври адабий тили

[1] Ўша асар, 2—3- бетлар.

[2] Турк атамаси ва унинг этимологияси ҳақида қаранг: А. Н. Кононов. Опыт анализа термина турк, СЭ, 1949, № 1, 40—46- бетлар; Владимирцев Б. Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм. Ленинград, 1934, 48- бет. Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М. — Л., 1951, 397- бет. Малов С. Е. Енисейская письменность тюрков. М. — Л., 1952. 108- бет.

[1] Ильминский Н. И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка. Казань 1862, 37- бет.

[2] Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. сб. «Алишер Навои», М.— Л., 1946, 112- б.

ҳозирги ўзбек тилидаги олти унли фонемага эга дейди. Бундан ташқари, у XV—XIX асрлардаги шоирларнинг тили сингармонизмсиз шаҳар шеваларига мос келади, деб хулоса чиқаради.[1] Бу фикрнинг тўғрилигига ишониш қийин, чунки хронологик ва географик жиҳатдан бир-биридан жуда узоқ шоирлар — ҳиротлик Лутфий (XV аср) билан қўқонлик Амирий (XIX аср) тили бир-биридан анча фарқ қилади. Бу нарса Алишер Навоий тили ва XV аср қўлёзмалари олти унлили тизимга асосланган, деган фикрни рад этади.

Проф. А. К. Боровков Алишер Навоий тилида 8 та унли фонема мавжудлигини уқтиради. Улар **и** (индеферент «и»), **е** (ярим кенг «э») **а** (орқа қатор «а»), **а** (олд қатор «а»), **у** (орқа қатор «у»), **у** (олд қатор «у»), **ў** (орқа қатор «ў»), **ў** (олд қатор «ў») унлилардан иборат деб кўрсатади.[2]

А. М. Щербак ҳам эски ўзбек адабий тилида 8 унли фонема борлигини кўрсатади. Лекин А. К. Боровковда бўлган олд қатор «а» унлиси Щербакда йўқ. А. К. Боровков «и» унлисини индеферент ҳисобласа, А. М. Щербак олд қатор ва орқа қатор **и** унлиси мавжуд деб кўрсатади.[3]

А. Рустамов Алишер Навоий тилини текшириб, Навоий тилида, умуман, эски ўзбек тилида 9 та унли фонема борлигини кўрсатади. У Навоий тилида очиқ э унлиси борлигини, **«а»** унлиси индеферент эканлигини, «и» унлиси қаторга қараб эмас, балки чўзиқлиги билан фарқланишини кўрсатади.[4] Шунингдек, профессор Э. И. Фозилов ва филология фанлари номзоди У. Санақуловлар ҳам Алишер Навоий тилида 9 та унли борлигини таъкидлайдилар.[5]

[1] Юдахин К. К. Материалы к вопросу о звуковом составе чигатайского языка.— «Культура и письменность Востока», кн. 4, Баку, 1929, 62—68- бетлар.

[2] Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка, сб. «Алишер Навои», М. — Л., 1946, 104—107- бетлар.

[3] Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М. — Л., 1962, 66—67- бетлар.

[4] Рустамов А. Алишер Навоий тилининг фонетик-морфологик хусусиятлари. Докторлик диссер. автореферати, Тошкент, 1966, 6- бет.

[5] Фозилов. Э. И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. Тошкент, 1969; Санақулов У. Исследование языка памятника XV в. «Муҳакаматул луғатайн» Алишер Навои. Автореферат канд. диссер. Ташкент, 1971.

Умуман, Алишер Навоий тилининг товуш таркибини аниқлашда бирдан-бир манба унинг ўз сўзларидир. Унинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида товушлар табиатини беришда қизиқ бир усулдан фойдаланган. Алишер Навоий унли товушларнинг турлича талаффузи ҳақида гапириб, ёзилиши бир хил, талаффузи бир хил бўлган сўзлардан бир нечтасини мисол келтиради ва уларга етарли изоҳ беради.

Навоийнинг кўрсатишича, **у, в** (вов), **и, е** (ёй) ҳарфлари форс тилида қофиядош сўзларнинг фақат иккитасида келиши мумкин. Масалан: *дуд — худ; нур — сур; шир — бир* кабилар.

Туркий тилда эса бу ҳарфларнинг ҳар бири учтўрттадан қофиядош сўзларда кела олади. Масалан, *у, в* (вов) ҳарфи тўртта қофиядош омонимда кела олади: *ут* (молнинг тукини оловда куйдириш), *ут* (ютмоқ), *ўт* (олов), *ўт* (ўтмоқ), *тўр* (ов қуроли), *тўр* (қушлар турадиган жой), *тўр* (уйнинг тўри), *тўр* (парда).

Алишер Навоий ўз асарларида **у, ў, о, з** товушларини бир-биридан кескин фарқлаган. У **и, е,** (ей, ҳарфи ҳам учтадан қофиядош сўзда келиб, икки хил талаффуз қилинишини кўрсатади. Масалан: *чин* (рост) *чи:н* (хитой), *биз* (олмош) ва *би:з* (бигиз) каби. Демак, Навоий чўзиқ ва қисқа **и** унлисини фарқлайди. Бу унли урғусиз талаффузда **е** унлисига яқинлашади. Масалан: *биз* (олмош), *без* (гўштдаги без маъносида).

Алишер Навоий тилидаги баъзи унлилар тавсифи асосида шундай хулосага келиш мумкин: Навоий асарлари тили ўзининг товуш таркиби, унлилар таркиби жиҳатидан ҳозирги ўзбек тилининг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шеваларидан фарқ қилади. У товуш таркиби жиҳатидан Андижон ва Қўқон типидаги Фарғона шеваларига яқинлашиб келади. Чунки бу шеваларда **у** ва **о** фонемалари қаттиқ ва юмшоқлик хусусиятларига эгадир.[1]

Навоий адабий тилини ҳозирги ўзбек адабий тили диалектларига муносабат нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда шоирнинг адабий тилини маълум даражада сингармонизмнинг лаб гармонияси сақлан-

[1] Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, Тошкент, 1962, 120- бет.

ган[1], у‖ у, о ‖ ў унлилари фарқланадиган шеваларга киритиш мумкин. Бу шевалар вакиллари темурийлар даврида Фарғона водийси, Самарқанд ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида яшаганлар.

3- §. Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик меъёрларнинг белгиланиши

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий илмий асарларни араб тилида ва бадиий асарларни форс-тожик тилида ёзиш анъанага айланган бир даврда ўзбек тилининг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

Форс-тожик тилида қайси тур, қайси жанр ва услубда асарлар яратилган бўлса, Алишер Навоий шуларнинг ҳаммасида ўзбек тилида оригинал асарлар яратди. У форс-тожик сўз санъаткорлари билан ижодий мусобақалашди. Бу мусобақада катта муваффақиятларга эришиб, ўзбек тилининг лексик ва грамматик бойликларини намойиш этди.

Алишер Навоий ўзининг «Мезонул-авзон» асарида шундай ёзади «... Ажам шуаросы ва форс фусаҳосы ҳар қайсы услубдаким, сўз арусыға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидаким, маъни абкарыға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи билан рақам урдум».

Демак, Алишер Навоий ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан, синонимлари ва омонимларидан, халқ мақоллари ва маталларидан, фразеологик, идиоматик бирикмаларидан, жумла тузилишидан кенг фойдаланган. Натижада лексик ва грамматик меъёрларни маълум қолипга, тартибга солишга интилган.

Ўз асарларида сўз бойлигидан ижодий фойдаланган Алишер Навоий ўзбек тили лексик жиҳатдан форс-тожик тилидан бой эканлигини ҳам таъкидлайди. У ўзбек тилидаги бой синонимлардан ўз асарларида унумли фойдаланди. Ўзбек тилида турли маъно нозикликларини ифодаловчи синонимик жуфтларга эга бўлган феъллардан юзтасини «Муҳокаматул-луғатайн»да келтириб ўтади: «Бу йуз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қылыбдурларки, ҳеч қайсы учун сарт тилида лафз йўсайдурлар».[1]

Алишер Навоий ўзи келтирган 100 та масдар феълнинг ҳар бири ўзбек тилида ўз синонимларига эга эканлигини таъкидлайди.

Масалан, бирор-бир суюқликни ичиш ҳаракатини кўрсатувчи *ичмоқ* феъли бор. Навоий бу феълнинг *сипқармоқ, тамшимоқ* каби синонимларидан ҳам фойдаланган:

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқарай.
Соқий чу ичиб, менга тутур қўш,
Тамший-тамший ани қилай нўш.
(А. Навоий. Танланган асарлар, 3-том, 1948, 179-бет).

Алишер Навоий асарларида «йиғламоқ» сўзининг *йиғламсинмоқ, бўҳсамоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўкирмоқ, иничқирмоқ, ҳай-ҳай йиғламоқ* каби синонимларини самарали қўллаган.

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ **инграмакдур** одатим, гаҳ синграмак.
Ул ойки, кула-кула қироғлатди мени,
Йиғлатди мени демайки, **сиқтатти** мени.
(Танланган асарлар, 3, 180).

Юқоридаги мисоллардан улардаги синонимларнинг шеърий устунлиги, услубий бўёқдорлиги ва шеърият-даги роли аниқ кўриниб туради. Булар синонимларнинг ролини шоир яхши тушуниб етганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий ўзбек тилининг омонимларига ҳам ижобий қарайди. У омонимларнинг полисемантик ва поэтик хусусиятларини очар экан, уларни она тилининг бойликларидан бири деб ҳисоблайди. Навоий ўзбек тили омонимларга бойлигини ва улар орқали шоирлар гўзал туюқлар яратганликларини таъкидлайди.

Шоирнинг ўзи ҳам омонимлардан фойдаланиб, яхши сўз ўйинлари ясаган: *туш* (ярим кун), *йан* (ёнмоқ, ёнбоши қайт); *йақ* (ёқмоқ, томон, ёғ) каби.

Навоий бу омонимлардан фойдаланиш билан бирга,

[1] Рустамов А. Алишер Навоий тилининг фонетик-морфологик хусусиятлари. Докторлик диссерт. автореферати: Тошкент, 1966, 12-бет.

[1] Алишер Навоий. Танланган асарлар, 3-том, Тошкент, 1948, 178-бет.

сўзнинг вазифасига кўра семантик тараққиётини ҳам кўрсатди. Шоир ўз асарларида фақат омоним, синоним сўзларни эмас, балки форс тилида бўлмаган ва туркий тилда мавжуд бўлиб, истеъмол қилинмаган сўзлардан фойдаланди ва уларни адабий меъёр сифатида ўзлаштирди: Масалан, *чўқур, қабақ* (қовоқ), *менг, илдирим* (яшин), *чақын* (яшин) каби.

Навоий лексик меъёрларни белгилашда ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли бир қанча туркий сўзларни ўз асарларига сингдирди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Озиқ-овқат номлари: *қаймоқ, қатлама, буламық, қурут, улаба, манту, қуймоқ, ўркамач, қымыз, сузма, боза, татмач, умач, қумақ* каби.

2. Чорвачиликка оид сўзлар: *тубучақ, арғумақ, йақа, йабу, тажу; тай, ғунан, дунан, тулан, чырға, ланға, жабилдир, хана, тоқум, чилвир* каби.

3. Кийим-бош номлари: *дастар, қалпақ, наврўзи, тўппы, шырдақ, жалақ, дакла, қур, терлик* каби.

4. Ов ҳайвонлари номлари: *кийик, тўнғуз, ҳуна, қылпақчы, суйқун, буғу, марал, оҳу, гавази, ҳук, гураз* кабилар.

Навоий ўзбек тилининг ўзига хос лексик хусусиятларини кўрсатар экан, ўз навбатида форс тилининг лексик бойликларидан ҳам фойдаланди.

Алишер Навоий ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилашда араб, форс-тожик тили сўзларидан ҳам фойдаланди. Айрим тушунчаларни ифодалашда бошқа тилдан сўз олиш зарур ва шарт деб билди. Чунки араб**ча, форсча-тожикча** сўзларни кўпроқ ишлатишни ўша давр адабий жанр ва услуби ҳам талаб қилар эди.

Навоий фақат лексик меъёрларнигина эмас, балки грамматик меъёрларни белгилашда ҳам самарали иш қилди. У ўз асарлари грамматик шаклларининг ихчамлигига ва сўз ясаш техникасига масъулият билан қаради. Ихчам грамматик шакллар орқали янги сўзлар ҳосил қилишга, янги маъно ифодалашга катта эътибор берди.

Навоий асарларида феълнинг биргалик даражаси **-ыш / -ш** ҳарфи билан ҳосил қилинади. Масалан: *чапышмақ, тапышмақ, қачышмақ* каби. Бу шакл ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол қўлланади. Феълнинг орттирма даражаси ҳозирги ўзбек тилидаги каби Навоий

асарларида **т** аффикси билан ясалади: *йугурт, қылдырт, чиқарт* каби.

Алишер Навоий равишдош ва сифатдошларнинг ясалишига, уларнинг шеърий бўёқдорлиги ҳамда нозикликларига алоҳида эътибор беради. Ҳаракатни бажаришга интилиш, тайёрланиш каби хусусиятлар равишдош ясовчи **-дек,** сифатдош ясовчи **-ғу, -гу, -қу, -ку** аффикслари орқали ифодаланади. Масалан: *барғудек, билғудек, айтқудек, урғудек, сорудек* каби. Бу асарларда **-гач / -кач** аффикслари ҳам нормал ҳолатда ишлатилади ва кетма-кетлик ҳамда узлуксизликни билдиради: *айлагач, йетгач* каби. Ҳозирги тилимизда бу шакл пайт маъносини ҳам ифодалайди. Шоир шеърий нутқнинг бадиий бўёқдорлигини ошириш учун улардан унумли **фойдаланган.**

Навоий от ясовчи аффиксларни ҳам нормал тарзда қўллаган. У ўз асарларида от ясовчи **-чи** аффиксининг касб-ҳунар оти, лавозим номи ясашини, овчиликка доир атамалар ясашини нормал ҳол деб кўрсатади. Масалан: *қушчы, барсчы, қорықчы, қорчы, сувчы, йўртчы, хазиначы, шыланчы, ахтачы, ғазчы, қучы, турначы, кийикчи* каби.

Алишер Навоий асарларида **-чи** аффикси вазифасида ҳам келувчи, ҳозир архаиклашган **-вул** аффикси нормал ишлатилган. Масалан: *йақавул* — йўл бошловчи, *киптавул* — қўрғон қоровули, *бақавул, қаравул, йасавул, чиғавул* каби. Асосан **-вул** аффикси воситасида ҳар хил лавозим билан боғлиқ сўзлар ясалган.

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайдиган ва Навоий тилида нормал ҳол ҳисобланган ҳаракат номи ясовчи **-л** аффикси ҳам мавжуддир: *қабал, ясал, туткал* каби.

Умуман, Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини тартибга солар экан, у бу тилнинг бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканини исбот қилди, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга даъват этди.

4-§. Алишер Навоий асарларида архаизм ва ундан фойдаланиш принциплари

Алишер Навоий асарларининг тили ҳақида гапирганда, унинг тилида мавжуд бўлган архаик унсурларга ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Архаик унсурлар деганда Шарқий Туркистоннинг тил хусусиятларини тушуниш керак.

Маълумки, Шарқий Туркистон тили XI асрдан бошлаб ғарбга томон ёйилади. Натижада чиғатой улусига хос, Хоразмга хос, Олтин Ўрдага хос адабий тил шаклланади. Уларда маълум даражада уйғур тилининг хусусиятлари ўз ифодасини топади. Қадимги уйғур тилига хос бўлган бир қанча морфологик, лексик, фонетик хусусиятлари Рабғўзийнинг «Қиссасул-анбиё», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Алининг «Қиссаи Юсуф», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Лутфий ва Алишер Навоийнинг кўп асарларида учрайди. Ҳатто Навоий даврида «Бахтиёрнома», «Меърожнома», «Тазкираи авлиё» асарлари уйғур тилида кўчирилади.

Амир Темурнинг тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, чиғатой улусининг ёзуви уйғурча деб аталган. Ҳаттоки, ҳозирги кунга қадар Шарқ маданиятининг нодир намуналаридан бири сифатида сақланиб келаётган Гўри Амир мақбарасида ҳам уйғур ёзувининг намуналари бор. Демак, Шарқий Туркистон тилининг белгилари Алишер Навоий даврида ҳам мавжуд бўлган.

Алишер Навоий ўз асарларида дунёвий оҳангларни акс эттирар экан, давр билан боғлиқ бўлган баъзи архаик, яъни уйғур тилига хос шакллардан ҳам фойдаланади.

Маълумки, архаизмлар шеърий нутққа дабдабали тус бериш, таъсирчанликни ошириш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Навоий ўз асарларида Шарқий Туркистон тилига хос бўлган лексик унсурларга ва грамматик шаклларга ҳам мурожаат қилади.

Морфологик жиҳатдан Шарқий Туркистон тилига хос бўлган сифатдош ясовчи **-ғу / -қу, -гу / -ку** аффикслларини учратиш мумкин: *қуғу, дегу, йаққу, эшитку.* Тартиб сонларни ясовчи аффикс **-инч** тарзида келади. Бу фикрни «Ал-луғат-ан Навоий» асарининг муаллифи ҳам тасдиқлайди. Масалан: *иккинч, учунч, бешинч* каби.

Навоий асарларида бир қанча лексик архаизмларни ҳам учратамиз: *қамуқ* — ҳамма. Бу сўз урхун-энасой ёзувларида, «Қутадғу билиг»да, Маҳмуд Кошғарий луғатида, Рабғўзийда, «Наҳжулфародис», «Муҳаббатнома»да ҳам учрайди.

Ариғ — тоза. Бу сўз Навоийда, Маҳмуд Кошғарийда «ариғ» тарзида учраса ҳам, «Хисрав ва Ширин»да, «Муҳаббатнома»да «ари» тарзида келади.

Уған — худо, *уқуш* — кўп, *уксук* — кам, *қайу* — қайси, *битик* — ёзилган, хат каби. Бу сўзлар ҳам юқорида эслатилган асарлар тилида ва Навоий асарларида учрайди.

Алишер Навоий асарларидан келтирилган айрим сўзлар китобий, адабий хусусиятга эга бўлиб, уларни омма тушунмас эди. Лекин Навоий XI—XIV асрлардаги китобий лексикадан кам фойдаланишга ва омма учун тушунарли бўлган лексик материалга кўпроқ мурожаат қилди. Архаик шакллардан ҳам ўз ўрнида фойдаланди.

6- §. Навоий асарларида туркий тиллар бойлигидан фойдаланиш усуллари ва уларнинг услубий хусусиятлари

Ўзбек адабий тилининг тараққиёти учун курашган Алишер Навоий бошқа туркий тилларнинг материалларидан ҳам самарали фойдаланди. У яшаган даврда ҳам ўзбек, туркман, озарбайжон, тожик халқлари бир-бирининг адабий тажрибаларидан илҳомланиб, адабий анъаналарни давом эттирардилар. Бу нарса адабий тилга ҳам ўз таъсирини кўрсатарди. Шоир асарларини кўздан кечирсак, уларда ғарбий ёки ўғуз тилларига хос бир қанча лексик ва грамматик белгиларни учратамиз.

Навоий бошқа туркий тиллар бойлигидан фойдаланишда «Бир халққа тегишли бўлган сўз етмиш икки тилнинг сўзига айланиши мумкин» деган қоидага амал қилиб иш тутади. Туркий тилларнинг сўзларидан фойдаланишда у она тилининг луғат бойлигини юқори даражага кўтариш учун курашади. Бошқа тиллар ҳисобига бўлса ҳам она тили бойлигини ошириш ва оммалаштиришни асосий мақсад қилиб олади. Шу сабабли унинг асарларида бошқа туркий тиллардан ўзлаштирилган сўзлар она тилига жуда мустаҳкам сингиб кетди.

Ғарбий тиллардан ўзлаштирилган баъзи сўзларнинг ўзбек тилидаги синонимлари ҳам мавжуд эди. Масалан: *эв* (уй), *ўл* (бўл) каби.

Ғурбатға тушуб заиф бемор **ўлдум,**
Дарду ғам, меҳнат илкида зор **ўлдум.**

Айрим сўзларнинг синонимлари ўзбек тилида йўқдир. Масалан: *бўйла* — **Бўйлаким** *пайдо бўлур йулдуз*

ниҳон бўлғач қуйаш; уйумақ (ухламоқ), *эскилмақ* (эскирмоқ) кабилар.

Навоий асарларида морфологик жиҳатдан ғарбий туркий тилга хос бўлган баъзи грамматик шакллар ҳам учрайди. Масалан, **-мыш** аффикси учрайдики, унинг воситасида ўтган замон сифатдоши ясалган: *ўлмышам* (бўлдим), *тапмышам* (топдим), *қылмамыш* (қилмади), *бағламышмен* (боғладим), *тапмамышлар* (топмадилар) каби.

Ул майни ичиб йолынгда баст **олмышмен,**
Ҳай-ҳай не дедим, магарки маст **болмышмен.**
(«Фавоидул-кибар»).

Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишли ва бўлишсиз шакллари ҳозирги озарбайжон тилидаги каби ишлатилади. Масалан: *барурам* (бораман), *ўпарам* (ўпаман), *қылмам* (қилмайман) каби.

Аталық ҳақы учун бардур арада
Ижозат **истарам** бу можарода.
(«Наводируш-шабоб»).

Алишер Навоий асарларида ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи шахс бирлиги кўп қўлланилади. Бу шакл эски озарбайжон ва туркман тилларига хос хусусиятдир.[1] Масалан: *дейалман* (айтолмайман), *айтман* (айтмайман), *билман* (билмайман), *айырман* (ажратолмайман).

Тўруб маърузда сўз қаддымны **билман,**
Жаваб айтурға ўз ҳадымны **билман.**
(«Наводируш-шабоб»).

Навоий ва унинг замондошлари асарлари тилида жўналиш келишигининг ғарбий шакли **-а** кўпроқ ишлатилади. Масалан: *кўнлима, бағрыма* каби.

Шоир тилида феълнинг бўлишсиз шакли ҳам учрайди, бу эски озарбайжон, туркман тилларининг хусусиятидир. Масалан: *алмамағ* (олмаслик), *урмамағ* (урмаслик), *бермамақ* (бермаслик) каби.

Навоий тилида учровчи ғарбий шакллар ўринли ва маълум услубий мақсадни кўзда тутиб ишлатилган бўлишига қарамай, уларнинг нутқдаги вазифаси ва маънолари кенг оммага тушунарли эмас эди. Бу

[1] Поцелуевский А. П. Диалекты туркменского языка. Ашхабад, 1936, 53- бет.

шаклларни Навоийгача бўлган адабий-китобий тил анъаналарининг давоми деб изоҳлаш керак.

6- §. Навоийнинг бошқа тилларга муносабати

Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг равнақи учун кураш олиб борди. У халқ жонли тилини қунт билан ўрганди, унинг бойликлари замирида адабий тилни бойитди. Бу билан чекланмасдан, араб ва форс-тожик тиллари бойликларидан ҳам самарали фойдаланди. Она тили учун кураш жараёнида давлат, адабиёт ва фан тили бўлган форс-тожик тилининг устун томонларини ҳам кўрсатди.

Маълумки, форс-тожик тилида яратилган адабиёт ўзбек тилидаги адабиётга нисбатан бойроқ тажрибага эга эди. Форс-тожик тилининг грамматик қонун-қоидалари бирмунча ишланган ва ҳатто қофия-луғат китоблари ҳам яратилган эди. Бинобарин, форс-тожик тилида ўртамиёна асарлар ижод этиш бирмунча енгилроқ ва осонроқ эди. Шунинг учун ҳам кўпгина ўзбек ёзувчилари форс-тожик тилида асарлар ижод қилганлар. Бу нарсани Алишер Навоийнинг ўзи ҳам тан олиб, «Муҳокаматул-луғатайн»да шундай ёзади:

«Бас бу ҳайсийятлардин андоқ маълум бўлурким, бу тилда (ўзбек тилида) ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хуш оянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиги бор. Мубтадий табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун неча қатла бу навъ воқеъ бўлди, табъи хўй қилди. Чун табъи муътод бўлди, ўз муътодин қўюб ғайри муътодгаким, мушкулроқ ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааззирдир».

Бундан ташқари, форс-тожик тилининг нуфузи анча кучли эди. Бу ҳақда Алишер Навоий қуйидагича ёзади: «...турк улусининг хуштабълари мажмуни сарт тили била назм айтқайлар ва билкул турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар». Шоир бу фикрларида бошқа тилларни, жумладан, форс-тожик тилини камситмайди, олим ва шоирларнинг бу тилда ижод этишларини инкор қилмайди. У бир асарида инсон юқори маълумотли, баркамол бўлиши учун илм қайси тилда бунёдга келган бўлмасин, ҳамма тилда ҳам ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирган эди:

Ибрию юнонию, сурёни ҳам,
Ҳинду агар сўрса билиб они ҳам.

Ўз ғоясига содиқ бўлган Навоий форс-тожик тили ва маданиятини чуқур билиб, ўрганиб, ўзи ҳам бу тилда ажойиб асарлар яратди.

Навоий «форсий сўз усталари ва афсоналарга пардоз берувчилар» ижодини танқидий ўрганиб, улардаги қимматли томонларни, гўзал жумлаларни она тилига олиб кирди. Натижада ўзбек адабий тилини форсий тил даражасига кўтарди.

Навоий ўз асарларида форс-тожик сўзларини турли услубий мақсадларда ишлатиш билан бирга, айрим грамматик шакллардан ҳам самарали фойдаланди. «Ёйи ваҳдат» (ноаниқлик белгиси)ни самарали ишлатганини кўрамиз: *меҳрибане* (қандайдир меҳрибон); *жаме* (қандайдир май). *Бу таифадын ... агар арпае алмас эшакдур ... («Маҳбубул-қулуб».)*

Форс-тожик тилига хос **-ий, -вар, -сар, -нак, -фам, -ваш** каби аффикслар ҳам кўплаб учрайди: *зинданий, данишвар, кўҳсар* (тоғлик), *дарднак, ғамнак, париваш* каби.

Навоий асарларида форс-тожик тилига хос изофат қурилмалари ҳам кўплаб учрайди: *сайири фалак, даҳри фитнангиз, муддати мадид, шаҳзодаи париваш* каби.

Алишер Навоий баъзи ўзбекча сўзларга форсча-тожикча аффикслар қўшса, баъзан форс-тожикча сўзларга ўзбекча аффикслар қўшиб ишлатади. Бу билан ўзбек тилининг услубий имкониятини кенгайтиради: Масалан:

Йаъни бу жунун фасанасыдын,
Расвалық оты забанасыдын.

Навоий форс-тожик тилига зўр эътибор берар экан, унинг бойликларидан самарали фойдаланади, араб тилига ҳам алоҳида ихлос билан қарайди.

Алишер Навоий араб тилига юқори баҳо берар экан, у тилга хос лексик ва грамматик меъёрлардан самарали фойдаланади. Ҳатто ҳамма асарларига арабча ном беради. Кўплаб арабча сўзларни ўз асарларига олиб киради. Баъзи арабча грамматик шакл ва кўрсаткичлардан самарали фойдаланади.

Навоий тилида арабча аниқлик белгиси «ал» билан келган бир қанча сўз ва бирикмалар мавжуд: *алқисса, филжумла.*

Бундан ташқари, кўпликни ифодаловчи қуйидаги морфологик унсурларни учратамиз:

1. **-ин**: *муқаррабин* (яқинлашувчилар), *муъминин* (имондорлар).

2. **-ат**: *вақиат, ҳадисат, калимат, махлуқат, мушкилат* каби.

Бундан ташқари, Навоий тилида кўплаб синиқ шаклдаги арабча кўплик қўшимчаси ишлатилади: *сир — асрар, вазир — вузара, шаир — шуара, фан — фунун, илм — улум* кабилар.

Қўшалоқ сонни ифодаловчи арабча **«айн»** аффикси ҳам Навоийда кўп учрайди. Масалан: *валидайн, фарзайн* кабилар. Умуман, Навоий араб тили шаклларидан самарали фойдаланган.

7- §. Навоий назмий асарларининг тили ва услуби

Арабча, форсча лексик унсурларнинг кўплиги Алишер Навоий асарларининг тилини бирмунча мураккаблаштиради. Мумтоз жанр усулидан ва шеъриятнинг арабча вазн ўлчовларидан фойдаланиш Навоийга шоирона эркинлик беради.

Бундан ташқари, ўша давр таомилига кўра шеърий асарлар кўтаринки, дабдабали услуб билан битилиши керак эди. Бундай анъана таъсирида шеърий услуб жонли халқ тилидан қисман бўлса-да, узилиб қолган эди. Шунинг учун Алишер Навоий шеърий мавзулар доирасида эски анъанадан четга чиққан бўлса ҳам, тил ва услуб масалаларида бу анъана доирасидан четга чиқа олмади.

Навоий ўзининг назмий асарлари («Чор девон», «Хамса») да ўзбек тилининг ҳам форс-тожик тили каби дабдабали жаранглашини истади. Шунинг учун асарлар тили ва услубига дабдабали руҳ беришга ҳаракат қилди. Навоий асарларига фонетик жиҳатдан ёндошсак, унда Шарқий Туркистон тилидаги «й» товушининг прототиплари бўлмиш **д, дз, з** товушлари учрамайди. Ҳамма ўринда **д**-диалект, **й**-диалектга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Худ ила жавшан кийибу бағлабан тиғу камар.

Навоий асарлари тилининг морфологик хусусиятлари қуйидагилардир: Навоий тилида отларнинг аниқ-

лик ва ноаниқлик белгилари мавжуд. Отларнинг аниқлик ҳолатини ифодалашда тожик тилидан олинган ёйи ишорат белгиси ишлатилган. Ёйи ишорат график нуқтаи назардан ноаниқлик белгиси **-и** билан берилади. Лекин у ўзининг маъно ва тарихий келиб чиқиши билан фарқланади. Аниқлик белгиси қадимги форс тилининг *айта* олмошидан келиб чиққандир.[1] Ўзбек тилига у дарий тили орқали ўтган. Масалан:

Эй каш сипеҳри тийра анжум.
Ки йаъни мен ғариби натавандын.

Аниқлик белгисини ифодалашда арабча **-а** қўшимчаси ҳам ишлатилади ва у нарсанинг яккалигини билдиради.

Заҳид, сенга ҳуру менга жанана керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхана керак.

Ноаниқлик белгиси эса график жиҳатдан ундош лардан сўнг **-и** билан, унлилардан сўнг **-ий** билан берилади ва ноаниқ нарсани ифодалайди:

Ҳинд мулкыда бар эди шаҳи,
Шаҳлығ ишларидин агаҳи.

Навоий тилидаги бу каби отларнинг аниқлик ва ноаниқлик ҳолати дабдабали услуб талабига биноан қабул қилинган.

Келишик аффикслари ҳозирги ўзбек тилидаги каби дир, лекин баъзи фонетик муқобилларга ҳам эга. Масалан, чиқиш келишиги учун фақат **-дин, -тин** аффикси қўлланган: *Қилди жандин бехабар, гар қылды жанандын хабар.*

Феълнинг инфинитив шакли **-мақ / -мак** аффикслари орқали, сифатнинг қиёсий даражаси **-рақ / -рак** аффикси билан ясалади.

Ким кўрибтур чу нағмаи **тузмак,**
Гаҳ қылыб қатл, гаҳ **тиргузмак.**
Ким йырақрақтин айладим фарйад.

Ҳозирги ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, Навоий шеърий асарлари тилида сифатдошнинг **-ғучы / -гучы, -кучы** аффикслари, равишдошнинг **-бан / -ибан** аффикслари мавжуддир. Масалан:

Уркубан йўлдын аты чыққан эмиш,
Бир-икки қул билан азыққан эмиш.

Навоий шеърий асарларининг синтактик хусусиятларига келсак, уларда форс ва араб тилларига хос иборалар қурилмалари, қўшма гапларнинг ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлмаган хусусиятлари учрайди: *Ёди ишқинг, жоми зоҳир, жоми бехумор, фасли гул ёри.*

Деди Шайх:— Эй шоҳ, не қалды,— дегил,
Ҳарна матлуб олса мендин истагил.

Навоий шеърий асарлари тилида сўзлашув нутқига хос синтактик қурилмаларни ҳам учратамиз. Айтсак, у сўзлашув нутқининг диалог шаклидан самарали фойдаланган. Агар ҳозирги ўзбек тилида диалог муаллиф гаписиз қўлланилса, Навоий шеъриятида муаллиф гапи билан келган:

Деди: қайдын сен эй мажнуни гумраҳ?
Деди: мажнун ватандын қайда агаҳ.
Деди: недур сенга аламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамиша.

Навоий асарларини лексик нуқтаи назаридан кўздан кечирсак, уларда арабча ва форсча сўзлар кўплигини ташкил қилади. Бу асарларда романтик тасвир ўринлари ҳам учрайди. У билан боғлиқ бўлган морфологик, романтик лексикага ҳам дуч келамиз. Бундан ташқари, Навоий шеъриятида кўтаринки руҳ, дабдабали услуб билан тасвирлаш ўринлари учрайдики, ундай ўринларда шоир кўтаринки оҳангларни ифодаловчи лексикага мурожаат қилади.

Навоий асарларида *авд* (қайтиш), *адам* (йўқлик), *асрор* (сирлар), *байза* (оқ), *барқ* (яшин), *ваҳдат* (бирлик), *даъб* (одат), *кавкаб* (юлдуз), *лаҳн* (ашула), *мужриб* (созанда), *саҳаб* (булут) каби арабча сўзлар; *тар* (ип), *тифл* (гўдак), *савт* (товуш), *равзана* (дарча), *пайкар* (гавда), *айин* (тартиб), *ниҳон* (яширин), *майкада* (майхона) каби форсча-тожикча сўзлар учрайди.

Шеърий лексикада Навоийдан олдин ва ундан кейинги шоирлар асарларида учровчи сўзларни кўриш

[1] Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Махбубул-қулуб» Алишера Навои. Автореферат канд. дис. Т., 1958, 4-бет.

мумкин: *бағир* (жигар), *битик* (хат), *битимақ* (ёзмоқ), *бурна* (илгари), *дубдурун* (оёқ товуши), *йавутмақ* (яқинлаштирмоқ), *йалын* (шуъла), *йағы* (душман), *илик* (қўл), *ирик* (катта), *итик* (ўткир), *итмақ* (йўқ бўлмоқ), *туз* (тўғри) кабилар.

Романтик тасвирни беришда мифологик ва қадимги номлар ҳам учрайди: Барахман, Дажла, Жайҳун, Жамшид, Жойбар, Зуҳал (Сатурн), Зуҳра (Венера), Наҳид (Муштарий), Дабир (Юпитер), Зал, Маний, Хатамн Таий кабилар.

Дабдабали услубни беришда Навоий унга хос сўз ва бирикмаларни ишлатади. Масалан: *масиҳо, руҳуллоҳ, кавкаб, гардун сарир* (тахти осмондан баланд), *гардунфирош* (олий мартабали), *гардуншигав* (осмони ёрувчи), *гардуншукуҳ* (осмондай салобатли), *жонфазайанда* (жонга роҳат берувчи) кабилар.

Навоий ўзи ишлатган тил материалларини шеърий асарлар ғоясини очишга хизмат қилдирди. У ўз асарларида дабдабали услубга мурожаат қилар экан, у услубга тўлиқ эргашиб иш тутмади. Ўзидан олдинги араб китобий тил анъанасига эргашмади.

Шоир ўзининг шеърий асарларида қаҳрамонлар тилига катта эътибор берди ва уларнинг тил хусусиятлари билан қиёфаларини очди. Халқ оғзаки ижодидаги тасвирий усуллардан ҳам илҳомланди. Халқ тилига хос тасвирдан, мақол ва маталлардан усталик билан фойдаланди:

Барыбан аҳбабу мен ғафлат асири бўлмағум,
Ойладурким ит **уюб қалдыйу кўчти карвон.**
Токуб май муҳтасиб, мен йығладым лекин ул
усрукка,
Сув келтирмак ҳаману кўза синдырмақ ҳаман
эрмиш.

Алишер Навоий шеърий нутққа тантанали тус берувчи турли мурожаатлардан усталик билан фойдаланди.

Эй, Навоий, йэр учун тартар эдинг ғурбатда ранж,
Эй, мусулмонлар, билингким, бўлды умрум ҳосили,
Менга бўлсанг не хизра раҳ кетиб, **эй оби ҳайвоным.**

Навоий шеърий асарларида тазод, мумтанеъ, таносиб (мувозийлик), жонлантириш каби усулларнинг, ўхшатиш, муболаға каби бадиий тил воситаларининг

ранг-баранг ва ажойиб намуналаридан усталик билан фойдаланди.

Тазод:

Жаҳанки, аҳим била тийрадур, эмас мумкин,
Бу шам рафъи йузунг субҳи бўлмайын мавжуд.

Ўхшатиш:

Шакар лаблар табассум қылғанын кўргач кўнгул
берма,
Ки бедилларни аччық йығлатур ахир шу шаккарханд.

Таносиб:

Шаҳ десанг кимда кўриб тажны,
Шаҳ дегил бу важҳ ила муҳтажны.

Навоий она тили учун курашар экан, унинг бой луғат таркибидан ҳам самарали фойдаланди. Асарлари тил ва услуб жиҳатидан маълум даражада халққа тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилди. Чунки у халқ билан ўз она тилида сўзлашиш зарур деган қоидага амал қилиб келди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ҳозиргача халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

8- §. Навоий насрий асарларининг тили ва услуби

Алишер Навоий ўзбек тилининг луғат бойликларини фақат назмдагина эмас, балки насрда ҳам синаб кўрди.

Ўзбек адабий тилининг тараққиёти бу тилда фақат бадиий асарлар яратишнигина эмас, балки илмий асарлар, жумладан, адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, ахлоқ ва тарихга доир асарлар яратишни ҳам тақозо қилар эди. Ана шу эҳтиёж асосида Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон», «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Маҳбубул-қулуб», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Насоимул-муҳаббат», «Арбаин», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Тарихи мулуки Ажам» каби насрий асарлари вужудга келди.

Навоий ўзининг насрий асарларини икки хил услубда ижод этди. Бири дабдабали услуб бўлса, иккинчиси халқ тили услубидир. Дабдабали услубда ёзилган насрий асарларида арабча, форсча сўз ва шакллар кўп қўлланади. Бундай асарлардаги мавзу ва мазмун ҳам дабдабали услуб билан боғлиқдир.

Масалан: «У дақиқ фанда қошиш ва саъй кўргузуб дахли там ва маҳарати малакалам тапыб эрди, дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар ва ғазаллар тасниф қылур эрди» (*«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»*), «Турк алфазы вазии асру кўп вақтда мубалаға изҳары қылыб, жузвий мавҳумат учун алфаз вазъ қылубдурким, саҳиб вуқуф киши та заҳир қылмас, ынанса ҳам бўлмас» (*«Муҳокаматул-луғатайн»*).

Келтирилган парчалардан кўриниб турибдики, Навоий баёнидаги кўпчилик сўзлар ҳозирги китобхонларга тушунарли эмас. Чунки мисоллардаги сўзларнинг кўплари араб, форс-тожик тилларига хосдир. Унинг халқ тили услубига яқин ёзилган насрий асарлари шу услубга хос баёнга, услубий воситаларга эгадир. Масалан, Алишер Навоий ҳаммага маълум бўлган Эзоп ҳақидаги ҳикояни Луқмон ҳаким тилидан ёзар экан, халқ сўзлашув тилига хос соддалик, пухталикка интилади:

«Баъзи дебтурларким, қул эрди ва азад бўлғоныда мухтамид ривайат бар. Бири буки, ҳажаси бир руд қырғағыдан бирав била нард ойнады, шу шарт билаки, мағлуб болған бу руд сувын тамам ичгай йа малын бергай. Ва Луқман ҳажасы утқузды. Ҳариф рудхана суйын тугатмак таклиф қылды. Ва ул мутаҳайр болды. Луқман дедиким, шарт қыладурған вақтдағы сувны ҳазыр қыл йа ғаразынг, бу ҳазир сув болған болса, рудынг бу қырғағындағы сувны ичгунча нары қырғағындағы сувны турғуз. Ҳариф бу ишдин ажиз болды. Хажаси халас тапыб, Луқманны азад қылды.»

Бу парчадан кўриниб турибдики, Алишер Навоий насрда халқ тили бойлигидан самарали фойдаланган.

Навоий прозаик асарларида сўзлашув нутқи синтаксисига хос фикрни ихчам ва қисқа баён этишга, савол-жавоб шаклларидан, сўз-гап таркибий қисмли қўшма гаплардан фойдаланишга ҳаракат қилган. Баъзи ўринларда сўзлашув нутқи сўз таркибига амал қилиб, фикр баён этган:

«Асҳаб ҳакимға арз қылурлар. Ҳаким ул ат тамаъиғаки, бу васила била шайад Хажадин тиласа болғай, тўш-тўшдаги йолларға кишилар чаптуруб, оғриларны тутуб, бир улуғ навкаридын Хажа хизматыға йибарур икки куҳистаний оғры била. Асҳаб айтурларки, ҳаким оғрыны тутуб, атын фалан улуғ навкарыдын йибарубтур, ташқарыдур. Хажа дерларки, кирсун. Ул навкар киргач, Хажа таъзим учун қопарлар ва аны олтуртурлар. Ул киши мулозимларыға ишарат қылурким, оғрыларны кийдурурлар, иликлари боғлыг. Алар ҳам киргач, Хажа ҳамул дастур била қопарлар ва аларны олтуртурлар ва иликларин йештурурлар ва сорарларки, **қайдалығсиз?** Дерларки, **Қўҳистанлиғ.** Сорарларки, **ҳала, ул йан азим** эрдингиз? Дерларки: **Бале.** Дерларки, **магар айағ** эрдингиз? Дерларки: **Бале.** Дерларки: Қопунг, ул ат сизга барбайистрақдир. алынг, барынг». (*«Насоимул-муҳаббат»*).

Лексик жиҳатдан Навоий насрий асарларининг тили ва услуби назмий асарлари тили ва услубидан турли соҳаларга тегишли атамаларга бойлиги билан ажралиб туради. Насрий асарлар тилида таълим, фалсафа, ахлоқ ва одобга, тил ва адабиётга, тарихга тегишли кўплаб атамаларни учратамиз.

Алишер Навоий ўзбек адабий тили луғатини сўз ва атамалар билан бойитар экан, уларнинг ҳамма учун тушунарли бўлишига эришди. Шу нуқтаи назардан баъзи сўз ва атамаларни изоҳлаб, уларнинг нутқдаги ҳолатини кўрсатиш учун ўзининг ва замондошларининг асарларидан мисоллар келтирди. Масалан, у туркийча холнинг каттасини «менг» деб аталишини изоҳлаб, қуйидаги байтни келтиради:

Анынгким, ал энгинда **менг** йаратты,
Бойы бирла сачыны тенг йаратты.

(*«Муҳаббатнома»*дан)

Алишер Навоий ишлатган атамаларнинг кўпчилиги келиб чиқиш жиҳатидан ўзбекчадир. Масалан: *сўз, тил, қошиқ* каби. Баъзи атамалар эса араб, форс тилларидан олинган, уларнинг муқоясаси ўзбек тилида ҳам бор. Масалан, *алфаз* — сўзлар, *атрак* — турклар, *валид* — ота, *валида* — она, *гуфтар* — сўз, *забан* — тил, *калам* — сўз, *калимат* — сўзлар, *китаба* — ёзув, *китабат* — ёзиш, *мактуб* — хат, *лафз* — сўз, *лисан* — тил, *нава* —куй, *сабақ* — дарс кабилар.

Алишер Навоий бошқа тилларга хос атамаларни киритишда ҳеч иккиланмайди. Масалан, «Мезонул-авзон» асарида аруз вазнининг ўзига хос хусусиятлари,

унинг турли тиллардаги муқобиллари ва хилланишларини баён этар экан, аруз назариясига хос *тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, мунсареҳ, музореъ, муқтазаб, мужтасс, сареъ, жадид, қариб, ҳафиф, мушоқил, мутақориб, мутадорин* каби арабча, форсча атамаларни қўллайди. Бундан ташқари, Навоий ўзбек шеъриятида араб, форс шеъриятидагидан фарқли турлар борлигини ҳам кўрсатади. Уларни номлашда халқ тилига мурожаат қилади. Янги вазн ва шеърий шаклларни халқ орасида юритилган номлар билан, номи йўқларини эса аруздаги вазнлардан қайси бирига тўғри келса, шу вазн номи билан атайди. Навоий бу ўринда атама танлашнинг ички ва ташқи манбаларидан самарали фойдаланади.

У халқ қўшиқларига хос вазн ва шеърий шаклларни *туюқ, қўшиқ, чанги, муҳаббатнома, мустазод, оруворий, туркий* каби атамалар билан номлайди. Шоир қўллаган атамаларнинг асосий қисми ҳозир ҳам адабиётшунослик атамалари сифатида ишлатилмоқда.

Алишер Навоий буюк шоир бўлиш билан бирга олим сифатида ҳам ўзбек адабий тилини бойитди. У насрий асарларида фақат дабдабали услубни қўлламасдан, кўпроқ халқ тилига хос услубдан фойдаланди.

9- §. Навоий мактубларининг тили ва услуби

Буюк мутафаккир Алишер Навоий назмда, насрда, адабиётшунослик, тарихшунослик, тилшунослик соҳаларида асарлар ёзди. Шоир давлат ҳужжатлари ва хатларни ҳам форс-тожик тилидан қолишмайдиган даражада ўзбек тилида ёзиш мумкин, деб ҳисоблади. У ана шу нуқтаи назардан ёндашиб, ўзбек тилида «Муншаот», «Вақфия» каби асарларини ёзди. Бу асарларида турли хил хатлар, давлат ҳужжатлари ва вақфномаларнинг намуналарини келтирди. Шоир бу асарларини ёзишдан мақсадини, «Муншаот»да шундай ифодалайди:

«... Ва муқабалада форсий алфазнинг дилпазир иншолары мавжуд ва дилписанд макатиб дамлалары мавъбуд. Та хайалға андақ келдиким, турк алфазынинг дағи руқъалари ҳамул мисал била айтылғай ва бу тил намларын ҳам ошул минвал била сабт этилгай».

Навоий «турк алфози»да «нома»лар битар экан, уларни содда, равон тилда ёзади. Унинг мактубларида жумла ва гаплар сўзлашув нутқи тарзида тузилган. Шоир мактубларини халқ тилининг гўзал намунаси деса бўлади. Ҳозирги ўзбек тилида мактуб гаплари кўпинча тартиб сонлар билан бошланса, Навоийда кириш иборалар кўп ишлатилади.

Масалан, *керак эрдиким, йана улким, биллаҳ, ҳалаким, илтимос улким* каби: «Яна улким, мундын артуқ жузъийаты арз қылылса, шайад муталаасы мужиби малами хатир бўлғай. Аммо саъй қылылсаким, жамъи умрда тенгри таала йадыдын ғафил бўлулмаса».

Навоий мактубларида гаплар асосан феълнинг шарт, орзу-истак шаклларини олган сўзлар билан тугайди. Масалан: *бандаваз бўлғай, арзыға йеткурулса, журмана алсалар, мазкур бўлса* каби.

Алишер Навоий ёшларга ичкиликнинг фойдасидан кўра зарари кўплигини таъкидлаб хат ёзар экан, юқоридаги шакллардан самарали фойдаланади:

«Йана улким, мажлис қуруб чағир ичарға кўп ҳирс кўрсатилмаса, агар аҳйанан биззарур вақеъ бўлса, навбға муқаррар қылылсаким, ҳукм бўлмаған киши мутлақа муртакиб бўлмаса, йа мажлисда тартибе маъси бўлса». Ёки: «Агарчи кичик эрдинг, амма андақ эмаски, хатирингдин маҳв болмыш болғай ва агарчи тифл эрдинг, андақ эрмаски, замирингдин унутилмиш болғай».

Лексик жиҳатдан мактублар тилида, арабча, форсча сўзлар кам учрайди.

Умуман, Алишер Навоий ўз мактублари билан ўзбек тилининг нома услубини бошлаб берди ва унинг етук намуналарини яратди.

10- §. «Муҳокаматул-луғатайн» ва унинг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрни

Навоий ўзининг «Чор девон», «Хамса», «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон» каби асарлари билан ўзбек адабий тилини амалий жиҳатдан асослаган бўлса, «Муҳокаматул-луғатайн» асарида назарий томондан асослади. Бу асар Навоий умрининг охирларида —1499 йилда ёзилган.

«Муҳокаматул-луғатайн»да эски ўзбек тили билан форс-тожик тили бир-бирига чоғиштирилади. Бу билан Алишер Навоий ноқардош тилларни қиёсий ўрга-

ниш усулини бошлаб берди. У ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштирар экан, ўзбек тилининг ҳам бой имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Навоий бу асарида тилларни қиёсий ўрганиш билан умумий тилшуносликка доир фикрлар ҳам билдиради. «Муҳокаматул-луғатайн»да тил ва тафаккур, тилларнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳаза юритади.

Навоий тил ва тафаккурнинг умумий масалаларини тўғри ҳал қилган ҳолда, тилнинг келиб чиқишини азиз-авлиёларга боғлайди. Бу ундаги схоластик фалсафа ва ислом ақидаларининг таъсиридир.

Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида олға сурилган ва ўзбек тили тарихи учун қимматли фикрлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштириб, унинг форс тилидан қолишмаслигини кўрсатди ва ёзувчиларни ўзбек тилида асарлар ёзишга рағбатлантирди.

2. Навоий икки тилни чоғиштириш билан ўзбек тили луғат бойлигининг устунлигини кўрсатди. Асарда 100 феълни келтириб, уларни таҳлил қилди ва ўзбек тилини хазина деб билди. Лекин у хазинанинг атрофини, Навоий таъбири билан айтганда, «илон»лар ва «тикан»лар ўраб олган эди. Навоий ана шу «илон» ва «тикан»лардан қўрқмасдан, ўзбек тилидан фойдаланишга ёзувчиларни даъват этди.

3. Навоий ўзбек тилининг сўз ясалиши борасида устунлигини кўрсатиб, «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзбек тилидаги сўз ясалиши ҳақида қимматли фикрлар билдирди. Айниқса, унинг от ясовчи **-чы / -чи,— вуд** аффикслари, феъл шаклларини ҳосил қилувчи **-ш, -т,** аффикслари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир.

4. Ўзбек тилининг тарихий фонетикасига доир оригинал фикрлар мавжуддир. Навоий **у, в** ва **и, е** товушларининг турлича талаффуз этилиш натижасида сўз маъноларининг ўзгаришини қуйидагича ифодалайди: «Ва кўк лафзын ҳам неча маъни билан истеъмал қылурлар. Бири кўк — асмонны дерлар, йана кўк аҳангдур, йана кўк теграда кўкламдур, йана кўк қадағны ҳам дерлар, йана кўк сабза ва олангны дағы дерлар».

5. Ўзбек ва форс-тожик тилларини чоғиштириш жараёнида ўзбек тили услубиятига хос хусусиятларни ҳам баён этади.

Ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, унинг қайси жанр ва услубда асарлар ёзганлигини алоҳида таъкидлайди. Навоий, ўзи айтганидек, сўзларининг мартабаси юқорилиқдан пастга тушмайди. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилиб, халқимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда.

11- §. XVI аср ўзбек адабий тили тараққиётини ўрганишда Бобур асарлари тилининг аҳамияти

Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёвий адабиётнинг гўзал намуналарини яратган лирик шоир ва зўр илмий-тарихий қимматга эга бўлган мемуар асар — «Бобурнома»нинг муаллифидир.

Бобур асарларининг ижобий томонларидан бири — тилининг соддалигидир. У ўз асарларини содда тилда ёзди ва бошқаларни ҳам шундай ёзишга чақирди. Бу ҳақда Бобурнинг ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган хати ажралиб туради. Ўғлининг дабдабали услубда ёзилган бир хатини танқид қилиб, у шундай ёзади: «Мундын нары бетакаллуф ва равшан ва пок алфаз била бити, ҳам санга ташвиш азрақ болур, ҳам оқуғучыға».

Бобурнинг содда услуб ва тил билан ёзишни талаб этиши ва шунга ўзининг амал қилиши ижобий ҳодисадир.

Бадиий услубининг соддалиги Бобур асарларининг ўқувчига тез англашиларли, бадиий тасвир воситаларининг оммабоп бўлишига олиб келди. Бобур ўз шеърларида халқ мақоллари ва ифодаларидан унумли фойдаланади. Масалан:

Ҳар йердаки гул болса, тикан болса нетанг,
Даъвойи ишқ этиб, ғайр, Бабурни айб қылма.
Ким мен эдим сенингдек, сен болғайсан менингдек.

Бобур параллелизм, тазод, лаф ва нашр, ўхшатиш, муболаға ва бошқа турдаги усул ва бадиий тил воситалари орқали мавзуни яхшироқ ёритишга эришди. У халқ тили бойликларини, халқ оғзаки ижодидаги аскиячилик маҳоратини яхши ўрганди. Натижада у омоним ва полисемантик сўзлардан ҳамда сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланиб, ўзбек тилида туюқнинг ажойиб намуналарини яратди:

Қадымны фирақ меҳнати йа қылды (ёйдек эгди).
Қўнглум ғаму андуқ отыға йақылды (куйди).

Ҳ̄алымны саба̄ға айтыб эрдим, эй гул,
Билман, сенга шарҳ қылмады йа̄ қылды (ёки қилди).

Бадиий наср намунаси бўлган «Бобурнома» ҳам ўз даврига нисбатан содда ва образли тилда ёзилгандир. Бобурнинг бу асари жуда қимматли тарихий-бадиий асар бўлиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг XV аср охири — XVI аср бошларидаги аҳволи, жўғрофияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз аксини топган.

Асарнинг асл номи «Воқеанома» бўлиб, у баъзан «Бобурия» деб аталган айрим таржималарида «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» ва энг сўнгида «Бобурнома» деб аталди. Асар Ҳиндистонда эски ўзбек тилида ёзилган.

«Бобурнома»нинг 14 га яқин қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг кўпи XVII—XVIII асрларда турли кишилар томонидан кўчирилган. Бу нусхалар ҳозир Петербург, Қалькутта, Ҳайдаробод, Лондон, Агра, Манчестер, Эдинбург каби шаҳарларда сақланади.

«Бобурнома»нинг бир нусхаси 1737 йилда кўчирилиб, шу нусха асосида асар 1857 йилда Қозонда рус олими Н. Ильминский томонидан нашр эттирилади. Ҳайдаробод нусхаси асосида асарни 1905 йилда инглиз олими А. Бевериж Лондонда чиқаради. Асар 1586 йилда форс тилида, айрим парчалари 1705 йилда Витсен томонидан голланд тилига, Жон Лейден, Э. Эрскинлар томонидан 1826 йилда, Р. М. Калдекот томонидан 1844 йилда инглиз тилига, 1828 йилда А. Кейзер томонидан немис тилига, 1871 йилда Паве де Куртейл томонидан француз тилига, шўро даврида М. Салье томонидан рус тилига таржима қилинади.

«Бобурнома» асари Қозон ва Лондон нусхалари асосида 1948—1949 йилларда Тошкентда икки китоб ҳолида тўла нашр этилди. Баъзи тузатишлар ва тўғиштиришлар билан 1960 йилда яна қайта нашр қилинди.

Бу асар XV аср охири ва XVI аср бошларидан тарихий воқеаларни тўғри акс эттириши жиҳатидан қимматли бўлиб қолмай, у ўша даврдаги ўзбек тили аҳволини ўрганиш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Муаллиф «Бобурнома» асари орқали халқ жонли тилининг бойликларини чуқур ўрганиб ва эгаллаб олганлигини, адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш учун ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Бобур тил бойлигининг ошишига ва тилнинг содда бўлишига, барқарор қўлланилмаган кўп сўзларни ишлатишга ҳаракат қилади ва улардан ўринли фойдаланади.

«Бобурнома» асарининг мазмуни ва тилини бойитиш учун Бобур халқ мақоллари ҳамда таъбирларига катта эътибор беради. Унда фақат ўзбек мақолларигина эмас, балки форс-тожик тили мақолларини ҳам учратамиз. Улар асар тилининг ширали, оммага тушунарли бўлиши учун хизмат қилган.

Масалан: *Капудағыны қапмаса, қарығунча қайғурур. Кўзларини туз тутты. Душман не демас, тушга не кирмас. Деҳ кужаву дарахан кужа̄* (Қишлоқ қайдаю дарахтлар қайда). *Узраш батар аз гунаҳ* (Узри гуноҳидан ёмонроқ). *А̄н гузарра̄ аб бурд* (Ул кўчани сув олиб кетди). *Марг ба йаран сур аст* (Дўстлар билан бирга бўлиб ўлмоқ тўйдир).

«Бобурнома» тилининг муҳим хусусиятларидан бири ифоданинг ихчамлиги, соддалиги ва равонлигидир. Бунинг учун шоир сўзларни танлаб ишлатишга, оз сўз билан кўпроқ фикрни баён этишга ҳаракат қилади. Ўзбек тилининг сўз бойлигидан самарали фойдаланиб, ундаги синоним, омоним ва антоним сўзларни кенг ва ўринли ишлатади.

Бобур асарда содда гап шаклини кўпроқ қўллайди. Асарда берилган қўшма гаплар ҳам тузилишига кўра содда гапларга ўхшаш бўлиб, осонлик билан таркибий қисмларга ажралади. Масалан: Та̄ анда йеткунча, менинг билан секиз киши қалыб эди.

«Бобурнома»да муаллиф Андижон ва унинг атрофидаги шаҳарлар ҳақида маълумот берар экан, улар ҳақида мураккаб бўлмаган, ихчам жумлалар билан фикр юритади: «Ма̄вараунна̄ҳр Самарқанд ва Кеш қорғанидын сонгра мундын улуғрақ қорға̄н йоқдур, уч дарва̄заси бар. Аркы жануб тарафыда ва̄қе болубтур. Тоққуз тарнав сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чықмас».

Кўриниб турибдики, асарлардан олинган бу парчани ҳозирги замон китобхони ҳам бемалол тушуна олади.

Асарнинг тили ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради:

1. «Бобурнома» тилининг турланиш категорияси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бошқа ёдгорликлардаги каби унда ҳам чиқиш келишиги **-дын / -дин, -тын / тин** аффикслари орқали ясалади. Қолган келишиклар ҳозирги ўзбек тилидаги келишик қўшимчаларига ўхшашдир. Масалан: *Андижон суйы Оштын келур, Ахси суйы Касандын келур.*

Лекин «Бобурнома»да қаратқич билан тушум, ўрин-пайт билан жўналиш ва ўрин-пайт билан чиқиш келишиклари бир-бирининг ўрнида қўллана беради: **Хожанда** *келиб эди. Жаҳонгир Мирзақа Танбал тақасыға келиб эди. Ҳинд фатхыда сонг.*

Мавҳум эгалик маъносини ифодаловчи **-ники** аффиксининг вазифасини қаратқич келишигининг қўшимчаси **-нинг** орқали ифодаланган: *Ҳар вилойатким мусаҳҳир болса, чаҳор данг* **мирзанинг** *болғай,, ду данг* **анынг**.

2. «Бобурнома»да сифат ясовчи **-ли** аффикси учрамайди. Нисбий сифат ва мавҳум отлар ясаш учун **-лыг /-лиг, луқ/-луқ/** аффикси ишлатилади. Масалан: **Бу аталуқ, оғуллуқ** *Тамбалға арқаланыб, бундай ҳаракатлар бунйад қылдылар.*

Асарда **-лар** аффиксини олган «яхши» сифати маълум даражада ишлатилади: *Ўзга туфанг андазлар атмаққа корсатиб йахшилар атдилар.*

3. «Бобурнома» тилида ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган **-та** билан ясалган доналик сонлар, **-тадан** билан ясалган улуш сонлар, **-тача** билан ясалган чама сонлар, **-лаб** билан ясалган чама-улуш сонлар учрамайди.

Айирув — улуш сонлар асосан **-ар / -рар** аффикси билан, чама сонлар эса синтактик йўл билан ифодаланади.

Масалан: *Сипоҳи ва райият наумед болуб,* **бирар-иккирар** *қорғандын ташлаб қача киришдилар. Йуз чағлық.*

4. Учинчи шахс кишилик олмоши сон ва келишиклар билан турланганда қадимги шакли намоён бўлади: *ул — аны, анынг, анга, андын.*

Ҳозирги ўзбек тилидаги сўроқ олмошларидан ташқари, *не, нечук қату* олмошлари мавжуд.

Ҳозирги белгилаш олмошлари маъносида, «Бобурнома» тилида ҳамма жамеъ, бутун, барча билан бирга *тугал, бари* сўзлари ҳам келган. Бу «бары», «барча» олмошларининг аслида «бар» сўзидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

5. Ҳозирги ўзбек тилидаги равишлар «Бобурнома»да ҳам учрайди, лекин унда ҳозирги тилимизда бўлмаган *неру* (кўп, жуда кўп), *отру* (рўбарў, қарама-қарши) равишлари жуда кўп ишлатилади.

6. «Бобурнома»да қўлланган сўнг кўмакчилар ҳозирги ўзбек тилидагига ўхшайди. Лекин унда *сайын* кўмакчиси билан бир қаторда *сайы* кўмакчиси, «билан» кўмакчисининг *била, бирла, ила, ла* муқобиллари мавжуд. **Олд** ва **йан** кўмакчилар ўрнида кўпроқ **қаш** кўмакчиси ишлатилади. Масалан: *Сонгралар Султон Маҳмудхон* **қашыға** *барды.*

7. «Бобурнома» тилида ўтимли феълларнинг мажҳул даражадаги шакли тушум келишигидаги отларни бошқариш хусусиятига эгадир. Бу шакл ўзбек тилида учрамайди. Масалан: *Урдунынг ва урду отрусыны мазбуд ва мустаҳкам қылылды.*

Ҳозирги-келаси замон феъли **-дур** аффиксини қўшиш билан ясалади: *келадурман, келадурсан* каби.

«Бобурнома»да эски уйғур тилига хос бўлган баъзи замон шакллари мавжуд. Улардан бири **-гу** аффикси бўлиб, у келаси замон аниқ феълини ҳосил қилади: *келгум, келгунг, келгуси* каби.

Асарда **-гу** ва бошқа аффикслар нинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффикслар **(-гуллик, -ғусиз, -гудек, -гувчи** каби) орқали иш-ҳаракат оти ясалади.

Буйруқ-истак майлининг I шахс шакли **-алинг** билан ясалган феъллар кенг тарқалган. Масалан: *Хон қашыға Ташкентга баралинг.*

«Бобурнома»да сифатдошнинг **-миш, -айатған** аффикслари билан ясалган шакллари кам бўлса, **-ган, -адурган, -диган** аффикслари билан ясалган шакллари кўпдир. **-ар** аффикси билан ясалган сифатдошлар асар тили учун хосдир. **-а** аффикси билан ясалган равишдошлар кўп учрайди. **-ғунча, -гунча** аффикси билан ясалган равишдошлар кесим ва таркибли кесимнинг бир қисми сифатида қўлланади. Масалан: *Дақиқанынг миқдори тақрибан алты фотиҳаны бисмилла била* **оқуғунчадыр.**

Алишер Навоийда бўлганидек, феълнинг I шахс бирликда тусланган бўлишсиз шакли **-ман** аффикси билан берилади. Масалан: **Билман** *ўзлукидын бермадиму йа йуқарыдын ишорат болдыму.* Феълнинг бўлишсиз шакли **-ма** аффикси орқали ифодаланади: *Иш қапуға келган маҳалда жид ва эҳтимомнмы тақсир* **қылмамақ** *керак.*

8. «Бобурнома»даги боғловчилар ҳозирги боғловчиларга қисман тўғри келади. Унда кўпинча *дағы, вале* (лекин, аммо), *вайа* (ёки) боғловчилари кўпроқ ишлатилади.

Асарда эргаштирувчи боғловчиларнинг бир қанчаси учрайди. Улар **-ки** боғловчиси ёрдамида тузилган боғловчи ва боғловчилашган сўзлардир: *-ки / -ким, вақтики, гаҳиким, не учунким, бу жиҳатдынким, негаким* каби. Масалан: *Аны учунким, Мир Алишер Навāийнынг мусаннафаты бāвужудким, Ҳирида нашъу намā тапыбтур, бу тил биладур.*

«Бобурнома» тилида лексик жиҳатдан қуйидаги сўзлар учрайди: *йавуқ* (яқин), *черик* (аскар, қўшин), *қабамақ* (қамамоқ), *илғар, туз* (текис ер), *арымақ* (кетмоқ), *илик* (қўл), *улус* (халқ), *қазақлық* (дарбадарлик), *йанмақ* (қайтмоқ), *қопмақ* (турмоқ), *қасаба* (шаҳарча), *васат* (ўрталик), *вафир* (мўл-кўл) кабилар

Умуман, Бобур ўзининг асарлари билан тил дониш-манди бўлганлигини ва тил бойликларидан, жонли тилнинг хусусиятларидан моҳирлик билан фойдаланганини кўрсатди. Натижада ўзбек бадиий насри етарли тажрибага эга бўлмаган бир даврда бу соҳада катта муваффақиятни қўлга киритди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилида бўлган соддалик, равонлик ва ихчамлик XVII асрда Абулғози Баҳодирхон томонидан ёзилган «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида давом эттирилди.

12- §. Тарихий достончиликда тил ва услуб масаласи

Ўзбек адабиётининг ва адабий тилининг улкан намояндаларидан бири Муҳаммад Солиҳ мумтоз адабиётда биринчи тарихий достон бўлган «Шайбонийнома»нинг муаллифидир.

«Шайбонийнома» темурийлар билан шайбонийлар ўртасидаги урушларнинг даҳшатли манзараларини тасвирлаган бўлиб, бадиий услуби ва тили билан мумтоз адабиётнинг қимматбаҳо ёдгорлигидир.

«Шайбонийнома» достони 76 бобдан иборат бўлиб, унинг Қосим номли котиб томонидан кўчирилган нусхаси Венада сақланади. Достонни шу нусха асосида Г. Вамбери 1885 йилда немис тилида нашр этади. 1904 йилда турколог олим П. М. Мелиоранский чоп эттира-

ди. Фақат 1961 йилга келиб «Шайбонийнома»нинг ўзбекча танқидий матни тайёрланиб, нашр этилади.

«Шайбонийнома» тарихий достончиликнинг тўнғич асари бўлиб, унда муайян тарихий воқеалар ҳикоя қилинади. Достонда реализм бадиий энг муҳим хусусиятларидан бирига айлангандир. Бу ҳолат далилларнинг мазмунидагина эмас, балки уларни баён этиш ва ифодалашнинг бадиий усулларида, бадиий тил воситаларида, хуллас, мазмун билан шакл бирлигида кўринади.

Муҳаммад Солиҳ адабий тилни жонли тилга яқинлаштиришга, бу тил хазинасидан фойдаланиб, адабий тилни бойитишга, адабий асарни тушунарли қилишга интилди. Шоирнинг бадиий тасвирлари аниқ ва содда-дир. У янги бадиий воситалар яратади ва содда, жонли ўхшатишлар, сифатлашлар анафоралар топади. Масалан, Бухоро ҳокими Боқитархон феъл-атворини очиб бериш учун шоир қуйидаги ўхшатишни ишлатади:

Бар эди сўзи унын наданлардек,
Қылығы йашғына оғланлардек.

Халқ тили бойликларидан мукаммал фойдаланиб, муаллиф ўзига хос жонлантириш ва муболағалар ишлатади:

Болды бисйар узум бирла қавун,
Ҳар бири дебки: «Манинг бирла авун».

Мумтоз адабиётда байтнинг биринчи мисрасидаги барча сўзларга иккинчи мисрадаги ҳамма сўзлар қофияланган бўлса, бу усул тарсе деб аталади. Муҳаммад Солиҳ тил бойлигидан фойдаланиб, оригинал тарселар ижод қилди.

Тозыб эрди навкари Бабурнинг
Эриб эрди жигари Бабурнинг.

Қуйидаги мисраларда Муҳаммад Солиҳ жангда аскарларнинг қочишини шундай муболағa билан тасвирлайди:

Бир сары йолыны дарйа тутды,
Сувға тушганни балығлар йутды.

Муҳаммад Солиҳ омоним сўзлардан фойдаланиб, оригинал сўз ўйини қўллашга муваффақ бўлган:

Саҳиби жилвада бостан ичида (узум номи)
Қан йутуб **саҳиби** қорған ичида (эгаси)

Юқоридаги бадиий тил воситаларни яратиш учун шоир ўзбек тилининг сўз бойлигидан ва грамматик хусусиятларидан унумли фойдаланди. Унда қуйидаги грамматик хусусиятларни кўриш мумкин:

1. «Шайбонийнома» тилида тушум келишиги **-ни, -н** аффикси билан келган: *арығыны, эл қачышын, шаҳар ҳалын, сўзумни* кабилар.

Жўналиш келишиги учун **-га, -а** аффикслари ишлатилган: *яхшырақ сен менга ўз ўғлымдын; кўзума* каби.

Чиқиш келишиги *-дин, -тин* аффикслари билан ясалган:

Қуш уча алмас эди жарларыдын
Хан аны қучды ва опти йузидин.

Отларнинг эгалик қўшимчаси билан турланиши ҳозирги ўзбек тилидаги кабидир.

Асарда ўзбекча кўплик шакли билан бирга, арабча, форсча шакллар ҳам учрайди: *барча мирзалар, барча нукарлар; фунун* (фанлар), *қалмақан* (қалмақлар) каби.

«Шайбонийнома»да ўзбекча от ясовчи қўшимчалар билан бирга, форсча шакллар ҳам бор: *оқчы, кенашчи, он кунлук, йиллик, беҳад*. Айниқса, феълдан от ясаш ҳоллари кўп учрайди: *қорқақ, қурумсақ* (қурқақ, қурумса), *ўлат* (ўл), *йамғур* (йағмур ёғ), *йуртавул* (йўртмоқ), *қабал* (қаба), *йасал* (яса) каби.

2. «Шайбонийнома»да сонлар ҳозирги ўзбек тилидаги каби шаклларга эга. Фақат тартиб сонлар **-инч** аффикси билан ясалади: *тўртинч* каби. «Ўн минг» маъносида *туман*, «юз минг» маъносида *лак*, миллион маъносида *йуз туман* сўзлари ишлатилган.

3. Асар тилидаги кишилик олмошлари ҳозирги кишилик олмошларига тўғри келади. Фақат учинчи шахс «ул» олмоши билан бирга, «ани, аны» шакллари ҳам учрайди.

Гумон олмоши сифатида ҳозирги олмошлардан ташқари, *кимса, кимарса, фалан* сўзлари ҳам келади. Масалан: *Кел фалан кеча, фалан коча сары.*

Ҳозирги сўроқ олмошларидан ташқари, «Шайбонийнома» тилида *не, нелар* олмошлари ҳам бор.

4. Феъл, унинг грамматик категориялари, маънолари «Шайбонийнома» билан ҳозирги ўзбек адабий тилида бир хилликка эга бўлса ҳам, баъзи фарқли томонлари ҳам мавжуддир.

Буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлиги **-ғил / -гил** аффикслари орқали ясалади: *бергил, отурғыл, кўргил, қопғыл*. **-ғил, -гил** аффикслари ўрнида **-ғин, -гин** аффикслари ҳам қўлланган, бу кўчманчи ўзбекларда кучли бўлган. Кўчманчи ўзбеклар билан ўтроқ ўзбеклар тилининг ўзаро чатишиш жараёни «Шайбонийнома» тилига бу шаклнинг киришига сабабчи бўлди.

Орзу-истак майлининг биринчи шахс кўплиги **-али, -йлик, -алинг** аффикслари билан ясалган: *кечалы, келгуралы, ташлалы, кўрайлик, қалалынг* каби.

5. «Шайбонийнома» тилидаги равишлар ҳозирги равишларга ўхшайди. Аммо ҳозирги тилда учрамайдиган *анда, асру, ғалиба, филҳал* равишлари ҳам учрайди. Масалан: *Бар эмиш* **анда** *қамыш асру қалын. Анда* равиши баъзан кўплик қўшимчасини ҳам қабул қилади: *андалар.*

6. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўмакчилардан ташқари, «Шайбонийнома» тилида *қатыда, қашыға, уза, бикин, тегру, дегин, теги, бурна* каби кўмакчилар ҳам учрайди: *хан қатыда, улус қашыға, тахты уза, шаҳарнинг теграсига* (шаҳарнинг атрофига) *хан келишидан бурна* кабилар.

7. «Шайбонийнома» тилида ҳозирги боғловчилардан фарқли *вале, лек, йоқ эрса, йоқ эса, гар, чу, чун* боғловчилари учрайди. Масалан: *Ўфкаларман* **йоқ эса** *банда сенга.* **Лек** *эл андын эмастур хушнуд.* **Чун** *бу сўзларни эшитти султан....*

Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» асарида форсча, арабча сўзларни озроқ ишлатишга, мумкин қадар жонли тилдаги сўзларни кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилади. Достонда истеъмолдан чиқа бошлаган, бадиий адабиётда кам учрайдиган қуйидаги сўзлар учрайди: *обаға* (бобо), *абаға* (амаки), *черик* (қўшин), *қабқа* (дарвоза), *ғаға* (мухолиф) каби. *Халқ* сўзининг *улус, эл, раият* каби синонимик қаторларидан ўринли фойдаланган.

Шоир ўз достони орқали маиший соҳага, ҳарбий техникага ва бошқа соҳаларга доир кўпгина атамалар, номлар, ибораларни ўзбек адабий тилига киритди. Уларнинг ўзбекча номларини ишлатишга ҳаракат қилди. Масалан, ҳарбий қуроллар номи: *сағыт, дубулға, мангалайлық, занубанд;* жангчилар қўнадиган жой номлари: *пешхана, сара парда баваржихана, шамийана;* от-улов номлари: *қатас, убчин;* май идиши номлари: *кўраки, машраба;* мато номлари: *тажа, йаздий;* уруғ ва қабила-

лар номлари: *бурқут, мангқит* (манғит), *найман, дўрман, ошун, жалайир, қарлық, сулдуз, нукуз* ва бошқалар.

«Шайбонийнома»да бир қанча зооним, ороним ва ўзбекча топонимларни учратамиз. Унда *Адақ, Алванд, Андаҳуд, Ашкамиш, Варзаб, Қавирхан, Кўҳақ, Тайсун, Ташқон* каби жўғрофий номлар ҳам учрайди.

Умуман, Муҳаммад Солиҳ Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти учун кураш йўлини давом эттирган шоирлардан биридир. У «Шайбонийнома» достонида ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги ва жонли тилдан фойдаланиб, грамматик шаклларнинг барқарорлиги учун интилди. Достон халқимизнинг севимли асарларидан бири бўлиб қолишига сабаб ҳам ана шунда.

XVII АСР—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

1-§. Давр адабий тилининг хусусиятлари

Ўрта Осиёнинг сиёсий, маданий ҳаётида рўй берган тушкунлик XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яна чуқурлашди. Феодал жамиятининг иқтисодий, сиёсий ҳаётида кучли танглик ҳолати вужудга келди.

Шайбонийлардан кейин ҳукмронлик қилган аштархонийлар ҳам ўлкада умумий осойишталик, ободонлик ва маданий тараққиётнинг гарови бўлмиш марказлашган ҳукумат туза олмадилар.

Ўрта Осиё уч хонлик (Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари) ва бир қанча майда бекликларга бўлинган эди. Бу хонликлар ўртасида қонли курашлар давом этарди. Бунинг устига Эрон шоҳи Нодирнинг XVIII аср ўрталаридаги босқинчилиги мамлакат хўжалигини издан чиқарди. Бу даврда ҳар учала хонликдаги меҳнаткаш оммаанинг феодал жабр-зулмига қарши кураши кескин тус олди. Мамлакатнинг хўжалик ҳаётидаги тушкунлик маданий ва адабий ҳаётда ўз ифодасини топди.

Бу даврнинг адабий тили маҳаллий шеваларга таянган ҳолда ривожланди. XVII—XIX асрлардаги ўзбек адабий тилини ўрганишда ўша даврда яратилган тарих асарлари, тазкиралар, шоирларнинг ижодлари асосий манба бўлади.

XVII—XIX асрларда Ўрта Осиё тарихчилари тарих ва жўғрофияга доир бир қанча асарлар яратдилар. Саид Муҳаммадтоҳир бин Абулқосимнинг «Ажойибут-табоқат», Абулқосим бин Шоҳмирзо ибн Саъдулла ал-Ҳусайний ал-Қасбавийнинг «Натойижул-фикр», Абулғ

зи Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима», Муҳаммадамин Яроқчининг «Муҳитут-таворих», Мулло Шарафиддин Аълам ибн Нуриддин Охунд Мулло Фарҳод Самарқандийнинг «Таворихи касира», «Тарихи Рақимий», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳрул-асрор фи маноқибул-ахёр», Суҳайлонинг «Имомқулинома», Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро», Муҳаммадбадеъ Малеҳо Самарқандийнинг «Музокирул-асҳоб», Муҳаммад Хокирнинг «Мунтахабул-луғат», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Муниснинг «Фирдавсул иқбол» каби тарихий, жўғрофий илмий асарлари шу даврнинг маҳсули ҳисобланади.

Бу асарлар XVII—XVIII асрларга доир сиёсий лекенка ва илмий атамашунослик билан танишишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўша асрлар адабий тилини ўрганишда мазкур даврда яшаб ижод этган шоирлар ижоди ҳам етарли манба бўлади. Бу давр адабий тилини ривожлантиришда Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо, Гозий, Шавқий, Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммадниёз Нишотий, Мунис, Гулханий, Махмур, Огаҳий, Мужрим Обидлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Бу ижодкорлар асарлари тилида Навоий анъанаси билан бирга, ғарбий адабий тил шакллари ҳам учрайди. Бу нарса Фузулий шеърияти тилининг таъсири натижасида пайдо бўлган.

2-§. Абулғози Баҳодирхон тарихий асарларининг тили ва услуби

Феодал ҳукмдор Абулғози Баҳодирхон сиёсий, ҳарбий ишлар билангина чекланиб қолмай, илм-фан, санъат ва адабиёт билан ҳам шуғулланди. Натижада у замонасининг етук тарихчиси бўлиб етишди. Унинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари Хоразмнинг XIV—XVII асрлардаги тарихини ўрганишдагина эмас, балки ўша давр тилини ўрганишда ҳам муҳим манбадир.

Абулғозининг «Шажараи тарокима» асари сўзбоши ва 9 бобдан иборат бўлиб, туркман халқи тарихининг афсоналардан тортиб XVII асргача бўлган даврини ёритади. Бу асарни биринчи бор олимлар дунёсига таништирган киши А. Г. Туманскийдир. У асарнинг Мулла Қурбонкелди Ўразмуҳаммад мулла томонидан кўчирил-

ган қўлёзма нусхасидан таржима қилди. Бу қўлёзма Тошкентда сақланади.

Абулғозининг иккинчи асари «Шажараи турк»дир. Бу асар ёзиб тугалланмаган. «Шажараи турк»даги воқеаларни «Шажараи тарокима»даги каби уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Диний мазмундаги Одам ато ҳақидаги афсоналар.

2. Ўғуз-туркманларнинг ўғил ҳақидаги маълумотлари.

3. Реал асосга эга бўлган, лекин афсонавий тарзда етиб келган воқеалар баёни.

«Шажараи турк» асари асирликда юрган швед офицери Табберт томонидан илмий ҳаётга маълум қилинади. У XVIII асрнинг бошларида Сибирда қисман рус тилига, 1726 йилда француз тилига, 1780 йилда немис тилига, 1770 йилда рус тилига, 1780 йилда инглиз тилига таржима қилинади ва нашр этилади. Шундан кейин ҳам бу асарнинг тўлдирилган танқидий матнлари турли тилларда нашр этилади. «Шажараи турк» асарининг еттитадан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улар Тошкент, Санкт-Петербург ва Ашгабатда сақланади.

Абулғозининг «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» асарлари юзасидан А. Н. Кононов катта илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, докторлик диссертациясини ёқлади. Бу асарларнинг рус тилидаги танқидий матнларини тайёрлади ва «Шажараи тарокима»нинг танқидий матнини 1958 йилда нашр эттирди.

Абулғози Баҳодирхон ўз асарларини омма тушунадиган қилиб содда тилда ёзишга алоҳида эътибор берган. Муаллиф ўз тарихий асарларининг бошқа тарихчилар асарларидан тил жиҳатидан фарқ қилишини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: «Барча билингким, биздин бурун туркий тарих айтқанлар арабий луғатларны қошыб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қылыб турурлар. Ўзларининг ҳунарлари ва устазларыны халққа маълум қылмақ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсысины қилмадуқ анынг учун ким, бу китабны ўқуғучи ва тынглағучы албатта турк бўлғусы турур: бас, туркларга туркана айтмақ керак, та уларнинг барчасы фаҳм қылғайлар».

«Шажараи тарокима»дан келтирилган бу парчада Абулғози ўз асарининг ўқувчи ва тингловчига тушунар-

ли бўлишига интилади. Шунинг учун «туркона айтмоқ» кераклигини таъкидлайди. Бундан ташқари, у ўз асарларини ёзганда бевосита жонли тилга мурожаат қилади ва ўз олдига «андоқ айтмоқ керакким, яхши ва ёмон барчалари билиб, кўнгулларига маъқул бўлғай» деган мақсадни қўяди.

«Шажараи турк» асарини ҳам худди шу мақсадга амал қилган ҳолда ёзади. Абулғози чиғатой тили деб халқнинг жонли сўзлашув тилидан узоқ бўлган тилни тушунади. У чиғатой туркийсидан фойдаланмаганлигини «Шажараи турк» асарида шундай ёзади:

«Ҳамма улуғлар ҳам, оддий кишилар тушунсин деб мен бу тарихни туркий тили билан айтдым. Туркийни ҳам андақ айтубманким, беш йашар Ўғлон тушунур. Тушуниш асан болсун деб, мен чығатай туркисиндин форсича ва арабчадин бир дана ҳам сўз қошмадым».

Кўринадики, бу ерда Абулғози ўзининг оддий, содда баён қилиш услубини дабдабали чиғатой услубига қарама-қарши қўяди.

Абулғози тарих асарларини баёндаги ихчамликка, ифоданинг изчиллигига, воқеаларни латифа ва ривоят услубида содда қилиб баён этишга эътибор берган ҳолда ёзган.

Унинг асарлари ўзининг грамматик қурилиши, луғат таркиби билан сўзлашув тилига яқин туради. Ҳатто Абулғози асарларини муаллиф томонидан моҳирлик билан бадиий қайта ишлаган халқ сўзлашув тили намунаси деса бўлади.

Абулғози ўз асарларида халқ мақолларидан ҳам ўринли фойдаланганлигини кўрамиз. Масалан, «Ўксук ўз киндигини ўзи кесар теган», «Атанг эви йав чапса, бирга чап теган турур қара сўзи», «Йахшылар айтыб турур: «Ўн дарвеш бир палас устиға сығар, икки падшаҳ жаҳанға сығмас», «Ит семирса эгасини қапар» кабилар.

Абулғози асарларининг морфологик ва синтактик хусусиятлари XV—XVI асрлар адабий тилидан анча илгарилаб кетганлигини кўрсатади. Уларда халқ сўзлашув тилига хос морфологик кўрсаткичлар кўпроқ, арабча-форсча синтактик қурилмалар камроқ учрайди.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида қуйидаги фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларни учратиш мумкин.

Фонетик хусусиятлар: «д» товуши билан бошланувчи сўзларда кўпинча бу товуш «т»га ўтади. Бу ҳолни А. Н. Кононов ҳам алоҳида таъкидлайди.[1] Масалан: *деган — теган, деб — теб, дедик — тедук* кабилар.

Баъзи ўринларда сўз бошида келувчи **«й»** товуши «ж» товушига ўтади: *йав — жав, йўл — жўл.*

Морфологик хусусиятлари: от ясовчи қўшимчалар ҳозирги ўзбек тилидаги от ясовчиларга ўхшайди. Аммо **-чӣ** қўшимчаси кам қўлланилади ва у билан параллел ҳолда **-жи** қўшимчаси ҳам келади: *элчи, теважи* (туя боқувчи) каби.

Ҳозирги ўзбек тилидаги каби Абулғози асарлари тилида олтита келишик бор. Тушум келишигининг қўшимчаси **-ни** дан ташқари **-н** шакли ҳам кўп қўлланади. Масалан: *кучларин ва келинларин чақырыб ...* (хотинларини ва келинларини чақириб).

Чиқиш келишиги **-дин, -тин** қўшимчаларига эгадир: *Ҳар турлук турпақдин алыб ...*

Сонлар, уларнинг турлари, ясалиши ҳозирги ўзбек тилидагига ўхшайди. Аммо тартиб сонлар ҳозирги ўзбек тилидагидан фарқ қилиб, **-ланчы/-лэнчи** аффикси билан ҳам ясалади: *бешлэнчи, йетилэнчи, тоқузлэнчы.*

Абулғози асарларидаги олмошлар ҳозирги олмошларга ўхшайди. Лекин кишилик олмошларининг учинчи шахси *анлар, алар* тарзида, кўрсатиш олмошлари *шул, ул, ошул, ушбу* тарзида келади.

Ким ва *нима* сўроқ олмошларининг бирикишидан ҳосил бўлган *кимарса, нимарса* каби сўроқ-гумон маъносини билдирувчи олмошлар ишлатилади.

Буйруқ — истак майлининг биринчи шахс кўплиги *-алыңг, -алы* аффикси билан ясалади. Масалан: *Эмди шāҳ Маликни айталыңг. Юртны бузалы тесалар.*

«Э» ўзагидан бўлган тўлиқсиз феъллар: *эрди, эркән, эрур* шакллари учрайди. Масалан: *Тевага миниб кейнингдин бара эрдим.*

Ёрдамчи сўз туркумлари Абулғози асарларида худди «Бобурнома»даги каби шаклларда ишлатилади.

Синтактик хусусиятлари: содда гап қурилмалари кўроқ ишлатилади. Масалан: *Қара ханнынг Буғра атлық оғлы бар эрди. Мир Йави олтуруб эрди.*

Қўшма гаплар ҳам асар тилида етарли даражада кенг қўлланган. Масалан: *Атасы ва анасы йоқ ва хатыцы йоқ турур. Бизнинг ичимизда оғуз намы коб турур, аммā ҳеч яхшысы йоқ.*

Лексик хусусиятлари: «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида қуйидаги сўзлар учрайди: улкан, *битмэк* (ёзмоқ), *улус* (халқ), *йалавач* (пайғамбар), *тилмач* (таржимон), *ушақ* (майда), *чарлатмақ* (чақирмоқ), *кўрклук* (чиройли), *кўчлари* (хотинлари), *кент* (қишлоқ), *болуқ* (бўлим), *кимарса* (кимдир), *нимарса* (нимадир) кабилар.

Умуман олганда, Абулғози ўз асарлари тилида Заҳириддин Муҳаммад Бобурга нисбатан ҳам адабий тил билан сўзлашув тилини бир-бирига яқинлаштириш учун ҳаракат қилди ва адабий тилда халқ тили унсурларининг мустаҳкамланиши учун муносиб ҳисса қўшди.

3- §. Турди ҳажвий асарларининг тили ва услуби

Шоир Турди XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода яшаб ижод этган, у демократик адабиётнинг йирик намояндаларидан биридир. Турдининг ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда оз маълумот сақланган. Унинг бизгача етиб келган асарлари 1924 йилда топилган 28 бетли шеърлар тўпламидан иборатдир. Бу тўплам Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади, унда ҳаммаси бўлиб 450 мисрага яқин 17 та шеър бор. Шеърларнинг 15 таси ўзбек тилида, 2 таси тожик тилида ёзилган. Турдининг номи ҳеч қайси тарихий ва адабий манбада тилга олинмаганлиги учун унинг таржимаи ҳолини ўрганиш қийиндир.

Турди XVII аср сарой адабиётидан алоқасини узган ўзбек шеъриятининг йирик намояндасидир. Турдининг кўп шеърлари танқидий мазмунда бўлиб, ўз замонасининг кучли ҳажвчиси ҳисобланади. Шоир бу шеърларида золим Субхонқулихон ва унинг амир-амалдорлари, уларнинг зулми ва ўзбошимчалигини фош қилади. Мамлакат ва халқ манфаатини куйлайди.

Халқ қўлига тамаъ била тикиб кўз,
Сўзламас ул ғамидин юзи қаролар бир сўз.

Турдининг ҳажвий шеърлари фикр ва мақсаднинг аниқлиги, ростгўйлиги билан ажралиб туради. Уларнинг баён қилиш услуби ва тили содда, пишиқ, тасвир воситалари ўткирдир. Масалан:

[1] Кононов А. Н. Родословная туркмен, М. — Л., 1958, 121 бет.

Юртнинг молини чайнаб еди бу бедумлар,
Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёқ.

Турди ўз бадиий услуби ва тилининг халққа яқин ва тушунарли бўлишига интилди. У амир ва амалдорларни ўз тилидан сўзлатиш орқали фош этиш усулидан санъаткорлик билан фойдаланди. Мамлакат ва халқ ҳаётидан узоқда турган «кўр», «кар» беклар «бўғизларини порага тегирмон новидек тутиб, оғизларини аждаҳодек очадилар», «томоқ фикри»дан ўзгани билмайдилар, деб фош қилади.

Унинг кўтаринки руҳ билан ёзилган шеърларида оҳанг муҳим ўрин тутади. Унинг ҳажвий қалами золимларга қаратилганлиги учун, оҳангида уқтириш, хитоб ва ундашлар кўпдир. У бекларга: «Эй юзи қора, қулоғи кар беклар» деб хитоб қилади.

Турди «Эл работу тўра қўноқ» мақолини ишлатиш билан, амалдорларнинг ўзгариб туриши ва халқнинг қолаверишини таъкидлайди. Ўз тилини соддалаштиришга, халқ мақоллари ва ифодаларидан кенг фойдаланишга интилган Турди ўз шеърларида «гардан шикаста монди», «йавған қазан астында қалған йунды», «сыйқа чақа» каби омма тез тушунадиган ўхшатиш ва метафоралар қўллайди.

Турди шеърларида халқ жонли тили хусусиятлари билан бирга озарбайжон тили, яъни Фузулий шеъриятининг самарали таъсирини ҳам кўрамиз. Ана шу таъсир натижасида баъзи сўзларда, кўпинча сўзнинг бошида келувчи «т» товуши «д»га ўтади. Масалан:

Фитнаю шор ҳама руб ила маскун **дутды,**
Хублар маснадыны сифла билан **дун дутды.**
Йахшылиқ қылма тамаъ, зулм ила **долды** афақ.

Бу мисоллардаги *дун, дутды, долды* сўзлари ғарбий адабий тилнинг, яъни озарбайжон тилининг адабий меъёри асосида берилган.

Кўп ўринларда, асосан аффиксларда (**-иб, -дир, -лик**) қисқа «и» унли товуши «у»га ўтади:

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қылынг,
Тоқсан икки бары озбек йуртыдур, тенглик қилинг.

Қаратқич келишигининг қўшимчаси **-нинг, -инг** шаклларида ишлатилади. Маълумки, **-инг** морфемаси қаратқич келишигининг энг қадимги шаклларидандир: *Булармынг олдыда бардур бўрининг инсафы.*

Тушум келишиги қўшимчаси **-ны, -ни** билан бирга, **ы, и** шаклларида ҳам учрайди. Масалан:

Қаны бир хисрави адилки, англа дад этсам,
Сорса **аҳвалымы ғам хирманыны,** бад этмас.

Чиқиш келишигининг қўшимчаси **-дин/-дын** шаклида, жўналиш келишигининг қўшимчаси **-ға / -га, -а** шаклида қўлланади. Бундаги жўналиш келишигининг *-а* формаси ғарбий адабий тилга хос хусусиятдир. Масалан:

Йетмадим ҳеч **йера** бу **қафия паймалығындын . . .**
Қас ул ғарзанлар салса қуруқ сўзга қулоқ . . .

Аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс бирлиги **-диман** аффикси билан ясалади: *Йет мандиң ким берур йахшы заманлар* **кўрдйман.**

Ҳозирги келаси замон феълининг бўлишсиз шакли баъзан **-ман** аффикси билан ҳам ясалади. Масалан:

Била **алман** бу дулдул рахшы Рустам йа паризады,
Ки адам оғлыға рам олмаған, не йерда арамы?

Сифатдош ясовчи **-ған/-ган** аффикси билан бирга **-ан** шакли ҳам қўлланади. Бу шакл ўғуз тилларига хос бўлиб, озарбайжон тилида ҳам учрайди. Масалан: *Барча бойныға* **салан** *бу риштани қат этмади.*

Ҳаракат номлари жўналиш келишиги билан турланганда фонетик ўзгариш юз беради. Негиздаги **қ** товуши туширилиб, кейин **-га** аффикси қўшилади. Масалан:

Зарни жам **айламаға** ҳирсу ҳава беш тутыб,
Йузини **кўрмага** ҳазратда болдым эшитиб намын.

Бундан ташқари, жонли тилнинг лексик бойлигидан кенг фойдаланиш Турди сатирик асарларининг ғоя ва мазмунини ҳамда бадиийлигини оширишга хизмат қилган. Турди ўз асарларида ўша давр сарой шоирлари тилидан сиқиб чиқарилган *тўғанақ, машақ, ўрақ, тамақ, мағзава, банги, қирчанғи, чикка-пукка, япалақ, сак, шум, супрунди, мунди, йунди, бедум* каби сўзларни қўллайди.

Турди асарлари тилида Саъдий ғазалиёти, Навоий ҳажвиёти, қардош озарбайжон шоири Фузулий шеърияти тилининг самарали таъсирини кўриш мумкин. Бу нарса Турди шеърларининг содда бадиий услубда ёзилишига ёрдам берган, уларнинг юксак даражада халқ-

чиллигини таъминлаган ва халқ жонли тилига яқинлашишига олиб келган.

4-§. Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтаҳабул луғат» асарининг ўзбек адабий тили илмий атамашунослиги тараққиётидаги роли

Муҳаммад Хоксор XVIII асрнинг буюк олими ва донишманди сифатида бир қанча асарлар ижод этди. Унинг «Мунтаҳабул луғат» асари ўша давр илмий атамашунослигини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади.

Хоксор бу асарини яратишда диний достонлардан, диний-мистик адабиёт вакиллари асарларидан, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларидан фойдаланди.

Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтаҳабул луғат» асарида турли касб-ҳунарларга доир сўз ва атамалар, ижтимоий-итисодий ва табиий фанларнинг айрим соҳалари бўйича сўзлар берилади. Муаллиф бу сўзларнинг маъносини алфавит тартибида изоҳлайди. Уларнинг маъносини аниқлаштириш учун турли услубларда ёзилган ўзбек, тожик, эрон ва озарбайжон адабиёти намуналаридан, машҳур адабиёт ёдгорликларидан мисоллар келтирилади. Масалан, Хоксор *ҳасаб* сўзининг «фаз ва ҳунар» ҳамда «улуғлик» маъноларида ишлатилишини изоҳлаб, Навоий ҳам шу маънода ишлатганини айтади, «Садди Искандарий» достонидан қуйидаги байтни келтиради:

Насаб бирла йетса анга шаҳлик,
Ҳасаб бирла йетмиш менга маҳлик.

Муҳаммад Хоксор ўз асарида фалсафага доир *баҳир, ҳурафат, басарат, басират* (мутлақ борлиқ), *данишманд* ва *хирадманд* сўзларига ҳам изоҳ беради. *Басарат* ва *басират* сўзларини изоҳлар экан, у сўзлар ҳақида қуйидаги фалсафий фикрларни ёзади: *«Басарат* ва *басират* асл луғатда *«мутлақ кўрмоқлик»* маъносида. Чунончи, аҳли басиратга вазеҳ ва равшандир... Яъни ақл била идрак қилатурған ишларни... кўзи билан кўрар. Хата жанибиға эйланмас. Андақки, киши кўзи билэн кўргэн нимарсада саҳв ва хата болмас, балки маҳсулатдын мақулатны (мавҳумдан маълумни) яхшы кўрар».

Асарда астрономия ва тригонометрияга доир бир қанча атамаларга ҳам ўз даври савиясида изоҳ беради. Унда тригонометрия фанига доир *сатҳ, қутр* (фазо), *ватар* (камон), *минтақа* (зона), *меҳвар* (чарх ўқи), *ҳатти устува* (экватор) каби сўзлар изоҳланади.

Хоксор асарида биология ва зоологияга доир сўз ва атамаларга ҳам кенг ўрин берилган: *ашқар, абраш, ашҳаб, маркаб, танибат, шамус* каби. Бу сўзлар миниладиган отлардаги турли белгиларга қараб қўйилган номлардир. Хоксор уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида изоҳлайди.

Хоксор мусиқа, адабиёт ва меъморчиликка мансуб сўз ҳамда атамаларни изоҳлайди: *ҳижа, фасаҳат, мажаз, мизмар* каби. У *балағат* сўзини шундай изоҳлайди: «балағат — сўзгэ йахшы йетишмэк ва сөзни муҳатабга йахшы ада бирла байан қылмақ».

Хоксор бу фикри билан адабиётнинг биринчи унсури бўлган тилга эътибор бериш, сўз санъатида камол топиш учун сўз дурларини моҳирона ишлатиш керак, деб уқтиради.

Умуман, Хоксорнинг «Мунтаҳабул луғат» асари XVIII аср илмий атамашунослиги ҳақида етарлича маълумот беради. Шунинг учун бу асар бир неча марта кўчирилди.

Хоксор асари яратилган бир даврда Меҳдихон «Санглоҳ» ва «Мабониул луғат» асарларини ёзди. Бу асарлар фақат Алишер Навоий асарлари таъсирида ёзилганлиги билан Хоксор асаридан фарқланади.

Юқоридаги асарларни ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, у даврдаги илмий атамашунослик асосий қисмини арабча, форсча сўзлар ташкил қилиши билан ҳозирги илмий атамашуносликдан фарқланади ва илмий атамашунослик ҳар бир даврнинг эмас, балки бутун тарихий жараённинг маҳсули ҳисобланади.

5- §. Нишотий асарлари тилида Навоий анъанасининг давом эттирилиши

Муҳаммадниёз Нишотий XVIII асрда етишган истеъдодли лирик ва эпик шоирдир. У адабиётдагина эмас, балки адабий тил соҳасида ҳам Алишер Навоий анъанасини давом эттирди.

Нишотийнинг ижтимоий-сиёсий фикр ва мулоҳазала-

ри «Ҳусну Дил» достонида ўз ифодасини топди. Бу асар шоир тилини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Нишотий ўз достонини халқ оғзаки ижодидан усталик билан фойдаланган ҳолда ёзди. Халқ оғзаки ижодидаги қолиплаш усулидан фойдаланиб, унинг ичига таълимий тарздаги бир қанча масалаларни киритди. Улар Нишотий тилининг содда халқ тилига яқинлашишига олиб келди.

«Ҳусну Дил» достонининг тили мумтоз эпик шеърият услуби билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, достоннинг айрим боблари қофияланган наср услубида ёзилган. Масалан: «Ҳусни дилнавоз, Вафобанум Саҳиб эъзоз ва Нози Танноз, Ғамзаи, ғаммоз Гесуи фусунсоз ва Маҳлиқаи айнапардоз ва Шаҳтакаллуми сеҳрпарвоз ва Меҳрибануи басўзу гудоз, Қаматсардори баландпарвоз, Сарви сарафроз, яъни Фауди саҳибнийоз... хизматга тайёр эдилэр».

Айрим ўринларда халқ эртакларида учровчи муқаддимани ҳам кўрамиз:

Бар эди Йунанда бирав подшаҳ,
Эрди жаҳон шаҳы анга ҳаки раҳ.

Нишотий халқ оғзаки ижоди услубига эргашди, достон тилини ҳам оммабоп қилишга интилди. Шунинг учун халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва ибораларини асар мисралари мазмунига усталик билан сингдирди. Масалан:

Лек демиш кимсаки диққатлыдыр,
Аш эгаси бирла йеса татлыдыр.
Ҳар кишининг бар эса гар ақлы туз,
Аввал анча кўз керагу сўнгра сўз.

Келтирилган мисраларда **«Ош эгаси билан тотли», «Аввал ўйла, кейин сўйла»** мақоллари келтирилгандир.

Нишотий ўз асарларида халқ мақолларидан фойдаланар экан, улардан илҳомланиб, ўзи ҳам халқ мақоллари даражасида иборалар ижод қилади:

Тойу аза хуш турур аҳбаб ила,
Шадийу ғам ҳам йана атраб ила.

Нишотий ўз асарининг мумкин қадар содда, маънолн, равон ва образли бўлиши учун халқ тили унсурла-

ридан усталик билан фойдаланиб, оригинал ўхшатиш, метафора, киноя, муболаға, сифатлаш, мажоз ва қарама-қарши қўйиш усулларини қўллади. Масалан:

Болды айан турфа китали кабир,
Қорқусыдин ташлады ҳамланы шер.

Шоир бу мисрада ишқ лашкари билан ақл навкари ўртасидаги жанг тасвирини берар экан, урушнинг шиддатидан шер ҳам қўрқиб, ўз қорнидаги ҳомиласини ташлаб қўйди, деб муболаға қилади. Шоир достонда омоним сўзлардан ҳам ўринли фойдаланади. Бир сўз бир-неча бир неча маънони ифодалашга ҳаракат қилади:

Йуз уза чурук йағач эрди **бурун.**
Ҳар йера барса, барыбан ул **бурун.**

Бу парчада биринчи мисрадаги *«бурун»* сўзи одам аъзоларидан бири маъносида, иккинчи мисрада *аввал, илгари* маъносидадир.

XVII—XVIII асрларнинг бошқа шоир-ёзувчиларида бўлгани каби Нишотийнинг «Ҳусну Дил» достонида ҳам маҳаллий шеваларга хос хусусиятлар учрайди. Достон тилида Бухоро ва Хоразм шеваларига хос сўз ва иборалар ҳамда грамматик унсурлар топилади. Масалан: *ҳарги нав мубарак, ҳиммати сипаҳдар, ҳусни дилнавоз, Нази Танноз* кабилар.

Нишотий асарлари тилида морфологик жиҳатдан қуйидаги хусусиятларни учратиш мумкин.

«Ҳусну Дил» достонида турланиш категорияси ҳозирги ўзбек тилига ўхшайди. Аммо қаратқич келишигининг қўшимчаси **-нинг, -инг** шаклида ишлатилади.

Аршнынг астыда эрур ганжи раз ...
Қаматинг ағушига қылды нигаҳ ...

Тушум келишиги қўшимчаси **-ны / -ни, -ы / -и** шаклида, чиқиш келишиги қўшимчаси **-дын / -дин** шаклида келади:

Қорқусыдын ташлады ҳамланы шер,
Келтурунг ақли деди кишварситан.

Навоий ва Фузулий асарларида бўлгани каби Нишотий асарида жўналиш келишиги қўшимчаси **-га / -а** тарзида ишлатилади:

Ҳар **бирига** нам эди бир эҳтирам,
Ҳар **йера** барса, барыбан ул бурун.

Олмошлар Нишотий асарлари тилида ҳозирги ўзбек тилидаги олмошларга ўхшайди. Учинчи шахс кишилик олмошлари *ул, ан* тарзида, шунингдек, *қайу* сўроқ олмоши, *нимарса, кимарса* сўроқ-гумон олмошлари ишлатилади:

Ҳар не йоқ, **андын** йаман, **андын** йаман —
Парвариш айлар **аны** айвāн арā,
Ваҳ **қайу** айванки дилу жан ара.

Нишотий тилида равиш **-лик** аффикси билан ҳосил қилинади. Равишдош эса **-ибан** аффикси орқали ифодаланади:

Талпыныбан ойлаки сувсыз балық,
Жан йоқ эди анга бугун танглалық.

Ёрдамчи сўзлардан *билан, бирла, ила дағы* каби кўмакчилар; *ким, -ки, гар, агар, не, лек* каби боғловчилар ишлатилади. Боғловчилардан *на* Нишотий достони тилида кўп қўлланади:

Анда **на** завқу, **на** ҳузуру, **на** нур...
Анда **на** илму, **на** амал, **на** йақин...

«Ҳусну Дил» достони лексикасида *улус, кабир, қанғ* (эшик), *ғулғула, валвала, дағи, карам* каби сўзлар учрайди.

Мазкур асар XVIII аср ўзбек достончилигидагина эмас, балки ўша давр ўзбек адабий тили тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллаган ажойиб шеърий қисса ҳисобланади.

XVII—XVIII асрлардаги илғор адабиётнинг ўсиб, камол топишида халқ оғзаки ижодининг роли катта бўлди. Адабий тилда эса халқ тили унсурлари, шева хусусиятлари ўз ифодасини топди. Халқнинг бой оғзаки адабий меросидан, тил бойлигидан таъсирланиш натижасида ўша давр шоирлари тилида фразеологик иборалар, турғун бирикмалар кўплаб ишлатила бошланди. Бу билан улар ўз асарларининг халқчиллигини, реалистик унсурлар билан суғорилишини таъмин этганлар. Шоирлар ўз асарлари тилининг лексик таркиби, синтактик қурилиши, умуман услубини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга эришганлар.

6- §. Мунис асарларининг тили ва услуби

Мунис Хоразмий ўз ижодий фаолияти билан ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихида салмоқли ўрин тутган. Мунис маданиятимиз тарихида шоир, тарихчи, тилшунос, педагог ва таржимон сифатида ҳурмат билан тилга олинади.

Муниснинг лирик шеърлари девон сифатида тўпланган бўлиб, у «Мунисул ушшоқ» деб аталади. Шунингдек, унинг «Фирдавсул-иқбол» номли тарихий асари, ана тилшунослик ва тарбияшуносликка оид «Саводи таълим» рисоласи мавжуддир. У XV аср тарихчиси Мирхонднинг «Равзатус сафо» асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Мунис адабий ижодда ҳам, ўз асарларининг тили юзасида ҳам Алишер Навоийни ўзига пир (устоз) деб билди.

Сўз ичра Навāийки жаҳāнгир дурур,
Мунисға маāни йолыда пир дурур.

Демак, у тил ва услубда Навоий анъанасини давом эттириб, оммага тушунарли тилда ёзишга ҳаракат қилган.

Мунис ўз асарлари тили устида қунт билан ишлаб, бадиий воситаларнинг деярли ҳамма турларидан ижодий фойдаланган. Масалан:

Йықмасун мазлумлар ашки бинāий давлатинг.
Қилма зулм, эй шāҳки, бардур āфати девāр—сув.

Шоир бу байтда шоҳлар саройини деворга, эзилган кишилар кўз ёшини бу деворни йиқитувчи сувга ўхшатади.

Қāф тағы билан ҳамсанг этмиш,
Ҳар қадамны неча фарсанг этмиш

каби муболағалардан фойдаланади.

Мунис ўз асарларининг содда, равон, тушунарли ва таъсирчан бўлиши учун курашиб, уларда халқ иборалари ва мақолларини кўп қўллайди. Масалан:

Аҳбāб тапды васлингу йад этмади мени,
Чиндур бу сўзки, йоқ хабары тоқнинг ачдын.

Шоир ўз асарларида ўша давр учун хос бўлган бадиий восита сифатида *ақли дониш, гули гулшан, оташи ишқинг, ганжи ҳусн, гули латиф, меҳроби тарҳ, мотами ошуфта* каби изофали қурилмалардан кўп фойдаланди.

Мунис Хоразмий, асарларидаги ўзига хос томонлар-

дан бири унинг халқ сўзлашув тилида мавжуд бўлган лексик бойликлардан усталик билан фойдаланишдир. Масалан: *умач, атала, танг, ланг, ҳамсанг, йавған, тиқир-туқур, шақир-шуқир, қабағ, тапуқ, қапу, эвур, эврулай, эвурди, йуруса, йурумақ, батан* каби сўзлар Мунис асарларида анчагина учрайди. Бу хил сўзлар асарнинг танқидий-сатирик кучини, бадиий қийматини анча оширади ва уни соддалаштиради.

Булардан ташқари, Мунис асарларида турли грамматик шаклларни учратамизки, уларнинг баъзилари ҳозирги адабий тилимиздаги морфологик белгилардан қисман фарқ қилади.

Мунис асарлари тилида қаратқич келишиги қўшимчалари **-нинг / -нынг, -нунг, -нун -инг** тарзида қўлланади.

Мунынг бирла бас қылмайын зулму азар,
Итнинг жулидин кимсага сажжада
болурмы?

Тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ва **-н** шаклида учрайди:

Кесиб **бошларын** маҳв **этиб намыны,**
Айақ астыға ташлаб **ансамыны**...

Жўналиш келишиги **-га, -қа, -ға, -а** шаклларида учрайди:

Беҳудлыг **аламыға тушдим** ...
Қимга дод айлайки, бир беги ҳумайунфал ...
Маламат қылмангыз нуқсанима гар балсангиз
вақиф.

На қуллардын **манга** бир итча икрам.

Чиқиш келишиги **-дин** шаклида қўлланган:

Хасм атаны оғылға, оғлын **атадын** башқалаб.

Мунис асарлари тилида ўғуз тилининг баъзи унсурлари ҳам учрайди.

Алишер Навоий асарларида бўлгани каби Мунис асарлари тилида **-миш** аффикси ва у орқали ясалган сифатдош ва ўтган замон феъл шакллари учрайди. Масалан:

Фарамуш олмышам аҳбаб йадыдын анингдеким...
Валолар ички ким **салмыш** фирақинг.

Мунис асарлари тилида *бол* — феъли билан бирга

худди шу маънода *ол* — феъли ҳам ишлатилади. Масалан: *Гулшанда гул олса ҳар ҳам болғусыдыр.*

Навоий ва Бобур асарларида бўлгани каби биринчи шахс бирликда тусланган феълнинг бўлишсиз шакли **-ман** аффикси билан берилади. Масалан: *Ҳар неча қылсам тааммул билман аныңг иллатин.*

Ўтган замон равишларининг **-бан** аффикси билан ясалган шакли ҳам учрайди. Масалан: *Коп йебан ҳайвин киби танни семиртурмақ недур.*

Келаси замон феъли **-ғай / -гай** аффикси билан ясалади: *Қылмағай ул шуъла дуды роғарынг қап-қара.*

Кишилик олмошининг учинчи шахс бирлиги *он, ан* шаклида учрайди: *Аныңг бедадыдын болды ажал туфроғига найаб.*

Мунис асарлари тилининг ўзига хос томони шундаки, унда қўшма ва мураккаб боғловчи сўзлар ишлатилади: *лекин, вагарна, валек, магарки, вале, вагар* каби. *Вагар бу нокас ул инъамын алса.*

Умуман, Мунис ўз замонасининг адабий доирасида аҳли донишмандларнинг шоҳи ва ўз она тилининг буюк ҳимоячиси эди.

7- §. Гулханий асарларида тил ва услуб муаммолари

Ўзбек адабий тили тараққиётининг XIX аср бошларидаги аҳволини аниқлашда Гулханий асарлари муҳим ўрин тутади. Гулханий истеъдодли шоир сифатида бир қанча лирик шеърлар. «Зарбулмасал» асарини ёзган. У ўз асарларининг тилини содда ва тушунарли қилишга ҳаракат қилди. Бунинг учун халқ тили бойлигидан фойдаланиб, ўз ғазалларида оригинал бадиий воситалар ишлатди.

Бундан ташқари, унинг шеърларида озарбайжон тили хусусиятларини учратамиз. Масалан: *даша* (тошга), *истарам* (истайман), *айларам* (қиламан), *чоғ,* (кўп) кабилар.

Меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилган Гулханий ўз асарларининг оммабоп бўлиши учун халқ оғзаки ижодидан фойдаланди. Айниқса, «Зарбулмасал» да у фольклор материалларига мурожаат қилди. «Зарбулмасал»даги Япалоққуш ҳикояси халқ бадиий ижоди материаллари асосида ёзилган.

Гулханий «Зарбулмасал»ни «ҳикоя ичида ҳикоя»

композициясидан фойдаланган ҳолда (бу нарса халқ оғзаки ижоди асарларига хос) ёзди. У халқ оғзаки ижоди асарларини қайта ишлаш билан бирга, уларнинг услуби, бадиий усуллари, тили ва бошқа хусусиятларини сақлашга интилди. Бу нарса қуйидаги ҳолатларда кўринади.

1. «Зарбулмасал»нинг айрим ҳикоялари халқ оғзаки ижодига хос бўлган сўзлар билан бошланади: *«Бар эрди Фарғонада бир сарбон»* («Туя ва бўталоқ» масалида), *«Илгариги аййамда икки кабутар бар эрди...»* («Бозанда ва Навозанда» масалида) ва бошқалар.

2. «Зарбулмасал»да фольклорнинг оммавий жанрларидан ҳисобланган мақоллардан ўринли фойдаланган. Мақол фольклорнинг энг кичик ва энг мазмунли жанрларидан биридир. Бу ҳақда М. Горький шундай ёзади: «Умуман, мақол ва ҳикматли сўзлар меҳнаткаш халқнинг бутун ижтимоий-тарихий ҳаёти тажрибаларини намунавий йўсинда ифодалайди».

Гулханийни унинг «Зарбулмасал» асари асосида ўзбек ва тожик халқлари фольклорининг яхши билимдони деса бўлади. У «Зарбулмасал»да халқ мақолларини ҳар икки тилда келтиради. Бу мақоллар асар ва мисралар мазмунига жуда усталик билан сингдирилган. Масалан: *Эби билан сўзлаганнинг қурбони бўл. Ёв кетган сўнг қилични* (ерга) *чоп. Бугунги ишни эртага қўйгудек эмасдур. Ёлғон масал турмас. Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирар. Ёрики аҳласт, кори у саҳласт* кабилар.

Гулханий фольклордаги каби содда ва жонли ўхшатиш, истиора, муболаға ва бошқа оригинал бадиий тасвирлар яратди. Шоир бадиий ижодиётининг ғояси ва мазмуни халқ оммасига яқин бўлганидек, унинг тили ва услуби ҳам халқ жонли тилига яқиндир. «Зарбулмасал» қуйидаги тил хусусиятлари билан ажралиб туради:

Айрим ҳолларда қаратқич ва тушум келишиклари маъноси бир шакл орқали ифодаланади:

Ҳасили умри эди ул байны,
Аты Гунашбану ошал айны.

к, қ товушлари билан тугаган сўзлар эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилганда, бу товушлар ўз ҳолича қолади: *Фарасат айақы ақсақ. Қызны ашиқыга берди.*

Шунингдек, восита келишик аффиксларидан олдин бир **н** товуши орттирилади: *Анынг йанындын бир йалчлик йерда.*

Кўрсатиш ва сўроқ олмошларига қўшимчалар қўшилганда қуйидаги шаклларда келади: *ул — ана, анда, алар; бу — бўйла, мунда, бунда, буйда; нима — нимарса,* Масалан: *Анда Байоғлы айды. Хамуш турмоқлик бўйла болурму жавабы?*

Истак феълининг биринчи шахс кўплиги феъл негизларига **-алы** аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *Сиз бир ширин жаваб беринг. Англаб барыб тараддуд қылалы.*

Ўтган замон сифатдоши **-миш / -муш** аффикслари билан ясалади. Масалан: *Анда бир Байоғлы деган ватан тутмыш эрди.*

Баъзан қўшма феъл «созлабман охшар» (сўзларанга ўхшайман) каби шаклда қўлланади.

«Зарбулмасал»да муаллиф халқ тили лексик бойлигидан ҳам самарали фойдаланган. Асар лексикасининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда Гулханий адабий асарларида қўлланилиши нуқсон ҳисобланган «авомча» сўзларни кўплаб ишлатади.

«Зарбулмасал»да халқ ўртасида кенг қўлланиладиган *тева, така, ташбақа, айран, сапал, қатқақ, бурундуқ, тайлақ, қонақ, ақсақ, йантақ, буқақ, кулба, курк товуқ, тутав, сачбағ, тушав, бойдақ* каби сўзлар; *лачын, қарчығай, ҳума, қызылышган* сингари қушлар номи, феълнинг ноаниқ шакллари кўплаб учрайди.

Бундан ташқари, Гулханий китобий адабий тил анъанаси таъсирида арабча-форсча сўзларни ҳам ишлатади: *абир* (қора тусли хушбўй модда), *ажуз* (кампир), *анжум* (юлдузлар), *баргаҳ* (сарой), *бадийа* (чўл), *гузир* (чора), *жаррар* (сурбет), *хасткарлик* (совчилик), *қаҳил* (ялқов), *минқар* (тумшуқ), *маҳазар* (тайёр овқат), *нафаржам* (бахтсиз), *руқаъ* (хат), *сабуқ* (эрталаб), *сақат* (нуқсонли), *сарбан* (туякаш), *тамуз* (июнь ойи), *таррар* (қароқчи), *шақават* (ярамаслик) кабилар.

Муаллиф ва персонажлар тилида учровчи бу каби арабча-форсча сўзларнинг айримлари танқид қилинаётган шахсни тасвирлаш учун, айримлари қофия талабига кўра ишлатилгандир. Масалан, Саид Азимхон

сўфининг ёмон хусусиятларини кўрсатиш учун *жодон, тасбеҳ, фасеҳ, шадид* сингари арабча-форсча сўзларни қўллайди.

Гулханий ўша давр тилида мавжуд бўлган синоним лар ва синонимик қаторлардан усталик билан фойдаланади. «Зарбулмасал»да *ғам, ғусса, андуҳ; асман, кўк, фалак; халқ, улус, эл; исм, от; йўлдош, ҳамраҳ; номахат; ай, қамар, афтаб, қуйаш, шамс, хуршид; чайан, ақраб; тараф, жаниб; йуз, араз, жамал; дарйа, наҳр* каби кўплаб синонимик қаторларни учратамиз.

Масалан: «Сангпушт Ирақдын Ҳижаз сары барур эрди. Йол узасида начар бир чайанга йолдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамраҳ бўлдилар. Ул йузини йашурур эрди. Аразыдын шамсу қамардур ҳижил. Аввал барыб, Қуланкир Султон жамалини кўриб...»

Демак, Гулханий жонли тилнинг лексик ва грамматик имкониятларидан кенг фойдаланади. У жонли тилнинг таъбирлари ва ибораларини ҳам кенг қўллайди. Сарой зодагон ёзувчилари эса, жонли тилдаги оддий сўз ва ибораларни қўллашдан батамом бош тортиб, сарой адабиётининг мураккаб, оғир тил ва услубини давом эттирадилар. Гулханийнинг бадиий тили ва услуби сарой зодагонлар адабиётининг тили ва услубидан тубдан фарқ қилади.

Гулханийнинг ижодий тажрибаси шуни кўрсатадики, у адабий тилни халқ оммасига тушунарли, турмуш учун зарур бўлган сўзлар ва грамматик шакллар билан бойитишга тиришган.

8- §. Махмурнинг сатира тили ва услубини ривожлантиришдаги роли

Махмур XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида ижод этган ўзбек тараққийпарвар адабиёти вакилларидан биридир. У бир қанча лирик шеърлари билан бирга, ҳаққоний сатира асарлари ҳам ижод этган.

Махмурнинг кўпчилик сатирик шеърларида фақат айрим иллатларгина танқид қилиниб қолмасдан, балки «аламон» деб нидо қилган исёнкор қалбнинг ҳамласи ҳам ўз ифодасини топган. Бу нарса тил ва услубда янгиликни вужудга келтирди. Махмур ўз сатираларида образ яратишда бадиий тасвирнинг тур-

ли усулларидан ва халқ тили материалларидан самарали фойдаланади.

Махмур турли хил шахсларнинг кирдикорларини фош этиш учун образлар табиатига мос келувчи сўзларни топа билди. Масалан, «Итбоқар қози» сатирасида қози образини чизар экан, унинг оши итлар билан «бир табоқда» эканини, «бир ялоқ»дан овқатланиши ва «бир катак»да ётишини кўрсатади. Уларнинг ирларча ҳаётини танқид қилади. Ҳаким Туробий, Ловубол Ўратепагий ва Фазлий Намангоний образларини чизганда уларнинг касб-корига доир сўз ва атамаларни ишлатади.

Махмур сатирик образлар сиймосини чизар экан, турли бадиий усуллардан: муболаға, ўхшатиш, такрорлаш, истиоралардан фойдаланади. Қози Муҳаммад Ражаб Авжнинг образини чизганда, халқ тили бойлигидан фойдаланиб, қуйидаги муболағани ишлатади:

Даме гар бузылса бу дастари зар,
Тузатмаққа салғай анга мардикар.

Махмур ўз ғазалларида айрим образларнинг сифатларини кучайтириб кўрсатиш мақсадида бир сўзни атайлаб жуфтлайди ва сўзнинг таъсир кучини оширади. Масалан:

Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг намат-намат, сўфийи хонагаҳ ўзим.

Шоир сатирик образ тилини хусусийлаштиришга алоҳида эътибор беради. Ўзига хос тил ва образ яратиш учун Махмур шеваларга доир сўзлардан, феъл шаклларидан фойдаланади ва уларни ўринли ишлатади. Масалан: *қыса — қылса, бома — болма, қыған — қылған, кегэй — келгэй, босам — болсам, йаныльмадым — йанмадым, айылмадым — айрылмадым* кабилар.

Бундан ташқари, Махмур кенг халқ оммаси қўллайдиган, аммо китобий услубга киритилмаган сўз ва ибораларни кўплаб ишлатади: *каталак, камалак, катак, кана, алачуқ, заминкан йертола, ажрық, оғур, сумалак, фалакзада, ғоли, бийабан, алатўрткўз, кўппак, буруш* (бурда), *ялақ, табак* каби.

Унинг асарлари тилида баъзан тушунилиши қийин бўлган ўзбекча ва тожикча аралаш қурилмалар, лу-

берилади. Муаллиф сўз бошида луғатнинг мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот беради.

Муҳаммад Ризо сўз ва ибораларнинг семантикасини ойдинлаштириш, изоҳлаш билан бирга уларнинг услубий қўлланишини мисоллар билан шарҳлайди. Масалан:

Мил — сулси фарсах, буғал, амир «Ҳайратул аброр»да буюрурлар. Маснавий:

Оз киби турлар бары андын залил,
Кишидан ихраж болыб **мил-мил.**

Ва йана **мил** улким, падшахлар ғазаб қылган адамыны кўзига қызутуб чекарлэр, набина болур эрмиш, бу маънига мавлана Фузулий буюрурлар. Маснавий:

Эй Фузулий бахшайам та ғайра ҳар ҳунын мижа,
Аташин бир **милдурким,** чашмаи ғайрат чекар.

Йана улким, дубулғанынг устида баланд ва муртафеъ болыб турған, мил дерлар. Чунанчи амир «Фарҳад ва Ширин»да Фарҳаднынг икки таш била Хисранынг тил мифари ва маҳжаи алам учурғаны байанында буюрур. Маснавий:

Икки таш қылыб суръатда таъжил,
Пайапай учты йетгэч маҳжаи **мил.**

XV—XIX асрларда яратилган луғатларнинг мукаммалларидан бири XVII асрда китобат қилинган Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг «Келурнома» асаридир. Ўзбекча-тожикча ҳисобланган бу луғат 15 бобдан иборат.

Луғатнинг қимматли томони шундаки, унда ҳар бир сўзнинг бош ҳолати, яъни феълларнинг инфинитив шакли, отнинг бош келишик шакли ва унинг форсча таржимаси берилади. Сўнгра унга турли хил грамматик шаклларнинг қўшилиб келиши ва унинг таржимаси кўрсатилади. Масалан: *оқумақ — ханданд, оқыды — ханд, оқыптур — ханда аст, оқур — хаҳад ханд, оқубды — ханда буд, оқуйдир — Миханд, Оқумады — на ханд, оқумаптур — на ханда буд, оқумас — на хаҳад ханд, оқумайди — на ханда буд, оқумайдур — нама ханд, оқу — бихан, оқума — махан, оқурбиз — миханим ма* каби.

Луғат бир неча фаслларга бўлинган. Ҳар бир фаслида ҳаётнинг турли соҳаларига оид сўзларга изоҳ

берилади. Масалан, «Осмон», «Ер», «Қушлар» каби фаслларда шуларга тегишли сўзлар изоҳланади.

Инсон организмига оид фаслда сўзлар қуйидаги тартибда берилади: *баш — сар, мийа — мағиз, сач — мўй, қаш* — абру, *манглай* — пешана, *кўз* — чашм, *қулақ* — гўш каби.

Бу луғат орқали тожик тили таъсирида пайдо бўлган синонимик қаторларни аниқлаш мумкин: *кўк — асман, қуйаш — афтаб, кун — афтаб*[1].

Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғати ўзбек адабий тили тарихида муҳим ўрин эгаллайди. «Санглоҳ» луғатида «Мабониул луғат» деб аталувчи эски ўзбек тилининг грамматик очерки берилган бўлиб, унинг кириш қисмида Навоий асарларининг сони кўрсатилган.[2] «Мабониул луғат»нинг биринчи бўлимида ҳаракат номлари ва сифатдошлар изоҳлангандан сўнг ўтган замон, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майли, феълнинг бўлишсиз шакллари ҳақида гапирилади. Асарнинг иккинчи бўлимида баъзи грамматик шаклларнинг шаклланиш жараёни кўрсатилади, учинчи бўлимда олмошлар, тўртинчи бўлимида юклама ва морфемалар тавсифи, бешинчи бўлимида ёрдамчи феъллар, олтинчи бўлимида орфография масалалари ёритилади. Грамматиканинг охирида Навоий асарларида учровчи форсча унсурлар илова қилинади.

«Мабониул луғат»да у ёки бу шаклнинг форс ва ўзбек тилида қандай қўлланилиши кўрсатилади.

Меҳдихон грамматикасида эски ўзбек тилининг фонетикаси ҳақида ҳам тўхталиб, товушларнинг жарангли-лашиши ва жарангсизланиши (ассимиляция) ҳолати, унли товушларнинг уйғунлашиши каби ҳоллар ёритилади: *алды, урды кетти, туттум, кеттим* каби.

Асарда шевалардаги айрим грамматик шаклларнинг фарқли томонлари ҳам кўрсатилади. Бунда адабий тил фактлари жонли шевалар билан чоғиштирилади: кетмак, келмак, кўрмак каби сўзлар хоразм ва

---

[1] «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1927, 9-сон, 40-бет; Ибрагимова А. Исследование «Келур-наме» Мухаммеда Якуба Чинги. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1976.

[2] Умаров З. А. Грамматика староузбекского языка «Мабаниул-луғат» Мирзы Мухаммедхана. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1967; Мухиддинов К. «Санглах» Мирзы Мухамеда Мехдихана. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1971.

ва туркманларда *гитмэн, гелмэн, гўрмэн* тарзида талаффуз этилиши айтилади.[1]

Грамматик шаклларнинг ишлатилиш даражаси ва шу сўзларнинг этимологияси қизиқарли фикрлар билан ёритилади. Масалан: *айдың* (ай+тун), *ыштан* (ич+тон) каби.

Умуман, Меҳдихон луғати ва грамматикаси ўзбек адабий тилининг лексик ҳамда грамматик меъёрларини белгилашда маълум роль ўйнайди.

Фатҳ Алихон Кожарий луғатида (XIX аср) 8.000 дан ортиқ сўзга изоҳ берилиб, унинг учдан икки қисмини Навоий асарларидан олинган мисоллар ташкил этади.

Луғат тўрт қисмдан: сўз боши, чиғатойча-форсча луғат, «Санглоҳ» луғатида берилмаган ўн икки сўз изоҳи, Навоий асарларидаги форсча сўзлар луғатидан иборат. Луғатда Навоий биографияси ҳамда жўғрофий, тарихий ва этнографик маълумотлар ҳам берилган.

Ҳамма луғатларнинг тилида жанубий туркий шеваларнинг таъсири кучли бўлган, асарларнинг ҳажми кичик ё чегараланган. Улардаги лексик унсурлар 8—9 мингдан ошмайди. Луғатлар чиғатойча-форсча деб аталган бўлса-да, улар асосан Навоий асарлари тили билан чекланган.

XVII асрдан XIX асрнинг 60-йилларигача бўлган ўзбек адабий тили ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Бу даврдаги ўзбек адабий тилида ғарбий адабий тилнинг, яъни Фузулий асарлари тилининг таъсири кучли эди. Чунки кўпчилик шоир ва ёзувчилар ўз асарларини Навоий ва Фузулийга эргашиб ёздилар. Уларнинг тили ҳамда услубидан фойдаландилар.

2. Ўша даврдаги адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш учун кураш тамойили кучли бўлди. Бу тамойил Бобур ва Абулғози Баҳодирхонлардан бошланиб, сўнгра улардан кейин сўз санъаткорлари томонидан давом эттирилди.

3. Сўнгги феодализм даври ўзбек адабий тилида ўзбек тилининг шеваларига хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топди. Абулғозида Хоразм шеваси, Турда Бухоро шевалари, Гулханий ва Махмурда Фарғона шевалари хусусиятлари учрайди.

[1] Самойлович А. Н. Персидский турколог XVIII века Мирза Мехдихан —«Известия об-ва обследования и изучения Азербайджана», № 5, Баку, 1927, стр. 3—16.

XIX АСРНИНГ II ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

1-§. Ўзбек адабий тилига таъсир кўрсатган омиллар

Жуда узоқ тарихий даврни ўз ичига олган ўзбек адабий тили тараққиётида XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидаги адабий тил ўзига хос алоҳида ўринни эгаллайди. Бу давр адабиётини кўздан кечирар эканмиз, унинг тил ва услуби масалаларида жиддий, муҳим янгиликлар майдонга келганлигини кўрамиз. Булар ўзбек халқи ҳаётида юз берган ижтимоий ўзгаришлар натижасида вужудга келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларига келиб ўзбек халқи ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй берди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиёни истило қилиши бошланди. Бу воқеа ўзбек халқининг жуда катта норозиликлари ва курашларига сабаб бўлди. Ўзаро феодал урушларга бир қадар барҳам берилди. Ўлкага капиталистик муносабатлар кириб кела бошлади. Маҳаллий аҳоли ўртасида рус маданиятининг таъсири сезила борди.

Ўзбек халқи тарихи ва жамият ҳаётида рўй берган ана шу ҳодисалар ўша даврдаги ўзбек адабий тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Агар XIX асрнинг бошларида ўзбек адабий тили тарихида Алишер Навоий тили таъсири ва уни халқ тилига яқинлаштириш ғояси кучли бўлса (буни Гулханий, Махмур, Огаҳий, Абулғози, Мунис асарлари тилида кўрамиз), шу асрнинг 60-йилларидан кейин ҳам адабий тил тарихида Навоий анъанаси маълум даражада давом этади, аммо бунда рус тилига хос бўлган сўзлар ва шаклларни кўплаб учратамиз. Бундай ҳол Мукимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Завқий, Аваз Ўтар асарлари тилида сезиларли бўлади.

Россия ва Ўрта Осиёда инқилобий ҳаракатнинг ўсиши натижасида янгича сиёсий лексика ва атамашунослик вужудга келди, рус тили таъсирида янгича грамматик қурилмалар пайдо бўлди. Бу ҳол 1906 йилдан кейинги газета ва журналлар тилида, Ҳамза ва С. Айнийнинг дастлабки ижодида, М. Беҳбудий асарларида ўз ифодасини топди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, адабиётда реалистик ғояларнинг ривожланишини, давр тараққиётининг тилда ўз ифодасини топиш жараёнини ҳисобга олиб, ўзбек адабий тили тараққиётини икки даврга бўлиш мумкин:

1. XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили тарихи.

2. 1905 йилдан Октябрь инқилобигача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили тарихи.

2-§. XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили

Маълумки, XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олина бошланди. Ўзбекистон ҳудудидаги Қўқон хонлиги Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинди. Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги Россиянинг вассали сифатида сақланиб қолди. Бу ҳол мамлакат иқтисодиёти, халқнинг ижтимоий онги ва адабиётига таъсир қилди. Мамлакатда ҳукм суриб келаётган эски ҳаёт асослари ўзгара бошлади. Капиталистик муносабатларнинг ўсиб бориши жамиятда ижтимоий табақаланишни кучайтирди. Маҳаллий буржуазия туғила бошлади ва у мамлакатда товар муомаласини ўз қўлига олиш учун ҳаракат қилди. Капиталистик муносабатлар асосида ишчилар синфи пайдо бўлди. Халқнинг асосий қисмини ташкил қилган деҳқонлар ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Қолоқ хўжаликлар майдонга келди. Ўрта ва камбағал деҳқонлар ердан ажралиб, батракларга, ишчиларга айланди.

Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши туфайли ўзбек халқининг рус халқи билан алоқа қилиши учун имкониятлар очилди. Рус маданиятидан баҳраманд бўлишга ва рус тилини ўрганишга имконият туғилди.

Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида Ўрта Осиё халқлари эксплуататорлар манфаатини ифодаловчи реакцион маданият ҳамда меҳнаткаш халқ ҳаёти ва курашини акс эттирувчи илғор демократик маданият билан танишдилар.

Жамият ҳаётида янги ижтимоий муносабатларнинг ўрнатилиши илм-маърифатда янги давр талабларини ёритишни, фалсафий-назарий қарашларнинг яратилишини тақозо этди. Давр тақозоси натижасида маҳал-

ий халқлардан тараққийпарвар кишилар етишиб чиқди. Жумладан, қозоқлардан Абай Қўнонбоев (1845—1904), Чўқон Валихонов (1835—1866), Ибрай Алтинсарин (1841—1889), тожиклардан Аҳмад Дониш (1827—1897), қорақалпоғистонлик Бердақ (1827—1900), татарлардан Абдулла Тўқай (1886—1913), Қаюм Насирий (1824—1902), арманлардан Мекаел Налбандян (1819—1848), Губраел Сундукян (1825—1912), Ачатур Абовян (1805—1848), Ованес Туманян (1869—1928), озарбайжонлардан Мирза Фатали Охундов (1812—1878), Мирза Алиакбар Тоирзода (1862—1911) каби кишилар шу даврдаги илғор зиёлиларнинг вакиллари эдилар.

Ўзбеклар орасидан янгича онг-тушунчага эга бўлган зиёлилар етишиб чиқди. Жумладан, Мирза Барот Қосимов, Акрам Асқаров, Ҳожи Юсуф, Мирза Бухорий, Сиддиқий, Сатторхон, Исоқхон (Ибрат), Комил Хоразмий, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар каби кишилар шулар жумласидандир.

Уларнинг кўпчилиги адабий ҳаёт жараёнида фаол қалам тебратиб, илғор демократик адабиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Мазкур адабиётнинг моҳиятини, унинг ғоявий асосларини халқчиллик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари ташкил қилади. Уларнинг мавзу доираси халқ ҳаёти, тақдирини кўрсатишдан, ҳукмрон синфларни фош қилишдан, ҳаётдаги янгиликларни тарғиб қилишдан иборат бўлди. Ёзувчилар анъанавий жанрлардан ва саёҳатнома ҳамда мактуб жанридан фойдаландилар.

Буларнинг ҳаммаси илғор демократик ижодкорлар фаолиятида ўзига хос услубнинг ривожланишига сабаб бўлди.

3-§. XIX асрнинг иккинчи ярмида тил ва услуб муаммоси

Маълумки, адабий тил тараққиётининг даражаси унинг халқ тили билан алоқасида, унга сайқал бериб ривожланишида кўринади. Адабий тил халқ тили бойликларини эгаллаш, унга мунтазам тус бериш асосида уни юқори поғонага кўтариш демакдир. Алексей Толстой бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Адабий тил ва халқ жонли тили бир хил материалдан иборат бўлиши керак. Адабий тил тартибга солинган ва ишланган

тилдир, демак, унинг бутун қурилиши халқ тили қурилишидан иборат бўлиши зарур»[1].

Ана шу нуқтаи назардан ўша давр адабий тилига ёндошсак, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги илғор демократик адабиёт вакиллари ва маърифатпарварлари ўзбек адабий тилида бурилиш ясадилар. Бу нарса, аввало, тилимиз лексикасида қўзга ташланди.

Бу даврда хўжалик ва маданий ҳаётнинг тараққиёти янги-янги тушунчаларнинг туғилишига сабабчи бўлди. Улар ўз навбатида янги сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Сўз санъаткорлари янги тушунчаларни ифодалаш учун рус тилига ва ўзбек адабий тилининг ички имкониятларига мурожаат қилдилар.

Ўзбек тили лексикаси ўша даврда уч манба асосида бойиб борди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тили ўз ички имкониятлари ва қонунлари заминида яратилган сўзлар ҳисобига бойиди.

Маълумки, жамиятда пайдо бўлган янги тушунчалар янги сўзларни яратиш учун туртки бўлди. У сўзлар неологизмлар сифатида тилнинг луғат таркибига қабул қилинади. Неологизмларнинг пайдо бўлиши ҳамма вақт бир хил даражада бўлмаса-да, ҳар ҳолда адабий тил тараққиётида бор ҳодиса ҳисобланади. Неологизм сифатида қабул қилинган сўзлар икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, бир тил чегарасида бўлган сўзни янги маънода қўллаш: *золим* сўзи ўрнида *зулмпарвар* сўзини ишлатиш, *ишчи, чароғон, машъалистон* каби. Иккинчидан, янги тушунчани ифодалаш учун бошқа тилдан сўз олиш.

Рус воқелигидан кириб келган янги нарса ва ҳодисаларни ўзбек тилида беришда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

а) русча сўз ва тушунчаларнинг маъносини бериш учун ўзбек тилида аввалдан бўлган сўзлар мослаштирилди. Масалан: *жаҳоннома*[2] сўзи жўғрофия маъносида (*Фурқат. Танланган асарлар, II, 1960, 123-бет*), *манзил* — станция (*ТВГ, 15, 1889*), *уста* — дирижёр (*Фурқат. Танланган асарлар, II, 1960, 28-бет*), *босмахона* — типография (*Фурқат, Ўша асарлар, II, 141-бет*), *табиб* — врач (*Муқимий. Танланган асарлар, II, 1960, 67-бет*), *нишон* — орден (ТВГ, 9, 1903), *муаллиф* — автор (*ТВГ, № 50, 18—10-бетлар*) кабилар;

б) рус тилидаги атамаларни калка йўли билан ўзбек тилига таржима қилиш орқали. Таржимада бир сўзни бир сўз билан, айримларини икки сўз билан бериш ҳоллари учрайди. Масалан: русча *физический кабинет* сўзларини *ҳикматхона* деб бериш, *похвальная грамота* — таърифнома, *амбулатория* — табибхона, *управитель* — бошқарувчи, *железная дорога* — темир йўл, *белый царь* — оқ подшо, *повестка* — чақирув қоғози, *керосин* — ер ёғи, *штраф* — жарима пули, *ручка* — фулод қалам, *поезд* — оташ арава, *пароход* — оташ кема каби.

XIX асрнинг иккинчи ярмида айрим сўзларни таржима қилганда уларнинг бир неча номлари берилган. Масалан, *тюрма* сўзи маъносида *турма, турмахона, ҳибсхона, бандихона, обохта, маҳбусхона; поезд* сўзи маъносида *пойиз, оташ ароба, ўт ароба, темир ароба* каби сўзлар ишлатилган.

2. Адабий тилнинг бойишида халқ жонли тили муҳим манба бўлди. Бу давр сўз санъаткорлари XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Махмур, Гулханий анъанасини давом эттириб, «авомча» ҳисобланган халқ тилидан фойдаланиб, адабий тилни бойитдилар ва янги тушунчаларни ифодаладилар.

«Адабиётнинг жонли тилга интилиши ва унинг ҳаммасидан самарали фойдаланиш бу адабиётнинг ҳаётга яқинлашаётганидан, реализмга қараб интилганидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, демократик адабиётда реализмнинг ғалаба қилаётганлиги адабий тил тараққиётида ҳам, унинг лексик таркибида ҳам кўриниб туради».[1]

Шундай экан, демократик адабиёт вакилларининг асарларида жонли сўзлашув тилига хос бўлган сўзларни истаганча топиш мумкин. Масалан: *бўзчи, косов, безгак, пахса, лой, искаптопар, қирчанғи, арава* кабилар.

3. Ўша давр адабий тили тараққиётида учинчи манба рус тили бўлди. Маълумки, Туркистонни Россия босиб олгандан сўнг «Туркистон вилоятининг газети» ва бошқа газеталар чиқа бошлади. Бу газеталарда ма-

[1] Толстой А. Н. Полное собрание сочинений. М., том 13, 289-бет.

[2] Бундан кейинги ўринларда мисолларни транскрипциясиз бериш лозим топилди.

[1] Каримов Ғ. Қ. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1966, 59-бет.

ҳаллий зиёлиларнинг вакиллари ҳам қатнаша бошладилар. Газета саҳифаларида рус тилидан таржима қилинган айрим асарлар ва мақолалар нашр этилди. Ҳатто ўзбек халқи баъзи ижодкорларининг русчага таржима қилинган асарлари босиб чиқарилди. Бундан ташқари, маданий ҳаётда бўлган бошқа ўзгаришлар ўзбек адабий тилини рус тили лексикаси ҳисобига бойитди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий, илмий, техникавий соҳаларга доир атамалар, кундалик турмушда зарур бўлган уст-бош кийимларининг номлари ўзбек тилига қабул қилинди. «Туркистон вилоятининг газети» ва бошқа нашрлар ҳамда илғор демократ шоирлар асарларида қуйидаги соҳаларга тегишли рус сўзлари учрайди:

1) ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-полиция режимига тегишли сўзлар: *уезд, волость, дума, пристав, консул, солдат, тюрма, штраф* кабилар. Масалан: *...генерал-губернаторининг ва уездной* (уезд) *ҳокимларининг фармойишларини ўқуб билмоғимиз зарурдир.* (Туркистон вилоятининг газети, 1883, № 3/[1];

2) транспорт билан боғлиқ бўлган сўзлар: *поезд, вагон, коляска, вокзал, станция* кабилар. Масалан: *Ҳуқанд вокзолидин 28 чақирим рельс темирларни бошлаб босган экан* (ТВГ, 1901, № 69);

3) почта ва телеграфга тегишли сўзлар: *почта, телеграф, конверт, марка, адрес* кабилар. Масалан: *Менинг исмимга адрис этиб юборсалар* (ТВГ, 1901, № 30);

4) саноат, савдо-сотиқ ва молиявий ишларга тегишли сўзлар: *завод, фабрика, купец, машина, нефть, виставка, магазин, ярмарка, банк, вексель* кабилар. Масалан: *Бобо, ҳожи бўлсанг, купас молдор* (ТВГ, 1908, № 2);

5) фан, маданият ва маориф билан боғлиқ бўлган сўзлар: *гимназия, театр, мусиқа, музей, газета, школа* каби. Масалан: *Болаларни ушқўлга бермоқ учун хоҳиш қилдилар.* (ТВГ, 1902, № 12). *Газетаға алҳол ҳам таржимонликда турибман.* (ТВГ, 1890, № 33);

6) тиббиётга тегишли сўзлар: *госпитал, доктор, лазарет, фельдшер* каби;

7) суд ишлари билан боғланган сўзлар: *судья, суд,*

[1] Бундан кейинги саҳифаларда газетанинг номи қисқартирилган ҳолда ТВГ деб берилади.

закон каби. Масалан: *...ўз асрида бўлғон наруднуй судяларға қороғанда ўзи бошқа одамдур.* (ТВГ, 1893, № 26);

8) баъзи ҳужжат ва мукофотлар номи: *билет, паспорт, орден, медаль* каби;

9) кундалик турмушда керак бўлган буюмлар ва уст бош кийимларнинг номлари: *самовар, стол, поднос, тарелка, лампа, фонарь, печь, галош, ситец, драп* каби;

10) озиқ-овқат молларининг номлари: *пиво, квас, лимонад, кофе, конфеты, картошка, сухари* каби;

11) ўлчов бирликларининг номлари: *пуд, четверть, сажень, вершок, минута* каби;

12) этник ва топонимик номлар: *Москва, Россия, инглиз, француз, рус* каби. Масалан: *Эронистонға фарансавий зарур* (Исҳоқхон).

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилишда баъзан ўша сўзга эҳтиёж ҳисобга олинса, баъзан эҳтиёжсиз ҳам қабул қилинаверган. Масалан, «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида ўзбек тилида *ҳарбий, қонун, шаҳар, ҳокими* каби сўзлар бўлгани ҳолда, газета тилида *военный, закон, городничий* сўзлари учрайди. Айрим ўринларда рус сўзлари ўзбекча сўзлар билан параллел қўлланади. Масалан: *пачот-исмотритель* — иззатли но-ширлик, *управляющий* — *бошқарувчи* — *староста* — *оқсоқол* кабилар.

Бу даврда рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилишнинг асосий сабаби шундан иборатки, маданий турмушда бир қанча янгиликлар пайдо бўлди. Бундай янги тушунчаларни ифодалаш учун ўзбек тилида сўзлар йўқ эди. Шунинг учун бу сўзлар рус тилидан тўғридан-тўғри қабул қилинди. Улар асосан саноат, транспорт, почта, телеграф, маориф ва маданият соҳаларига тегишли сўзлардир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан қабул қилинган бир қисм сўзлар аслида туркий сўзлардир. Улар янгича маъно ва фонетик ўзгариш билан ўзбек тилига қайта қабул қилинган. Масалан: *товар* (товар), *истикон* (стакан), *карандош* (карандаш); *каган, боярин, бек, башмак, қалпоқ, каблук, чердак, қаланча, лачуга, тамға, деньги, караул, ярлиқ, ям, ямщик, алтин, кабак* ва бошқалар.

Рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг кўпчилиги Ғарбий Оврўпо тилларидан келиб кирган, Масалан,

рус тили орқали лотин тилидан *доктор, комитет, консул, машина, минут, номер, станция, фабрика* сўзлари; юнон тилидан *гимназия, музика, театр, телеграф;* италян тилидан *банк, газета, касса, лазарет, солдат;* немис тилидан *ярмарка, штраф, тюрма, марка,, контора, вексель;* француз тилидан *адрес, жандарм;* инглиз тилидан *керосин, вагон;* голланд тилидан *ситец, кран* каби сўзлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, рус тилидан кириб келган кўпчилик сўзларнинг келиб чиқиш этимологияси арабча ва форсчадир. Масалан, шу даврда ўзбек тилига бевосита рус тилидан кирган *адмирал, азимут, алгебра, алгорифм, алкогол, арсенал, магазин, тариф, шуба* сўзлари аслида арабчадир; *диван, нефть, чамадон* сўзлари форс-тожикчадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг баъзиларидан русча-ўзбекча муқобиллар асосида жуфт сўзлар ҳосил қилинган. Жумладан, *истаршина — оқсоқол (ТВГ, 48, 1894), фанорфонус (ТВГ, 45, 1894), гир — тош (ТВГ, 40, 1885), сурук — муддат (ТВГ, 19, 1884), закунлар бирла қонун* (Фурқат) каби.

Бундан ташқари, ўша даврда рус тилидан қабул қилинган сўзларни йўл-йўлакай изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Бунинг учун *яъни, деган, ном, номли, исмли* сўзларини ҳам қўллаганлар. Масалан: *турмада, яъни обохтада ётибдур (ТВГ, 16, 1877), фарахўт, яъни оташ кема (ТВГ, 15, 1899), кирасин деган чироғ ёғи (ТВГ, 23, 1883), карита ном ароба (ТВГ, 18, 1874)* каби.

Ўша даврда рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг асосий қисми ўзбек тилига сўзлашув нутқи орқали ва маҳаллий матбуот ҳамда ёзувчиларнинг асарлари орқали кириб келган.

Турли хил таржималар фақат рус тилидан бўлмасдан, балки бошқа тиллардан, жумладан, форс-тожик тилидан ҳам қилинган.

Айниқса, бу даврда Бедил ижоди билан қизиқиш, Бедилга эргашиш кучайган эди. Ана шу қизиқиш ва эргашиш натижасида демократ шоирлар зуллисонайликни давом эттирдилар. Натижада мумтоз адабиётдаги форсча-тожикча ва арабча грамматик шакллар ҳамда лексик унсурлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинди. Демократ шоирлар услубида ҳам янгилик

лар вужудга келди. Демократ шоирлар муаллиф тили, персонаж тили масаласида бир қанча янгиликларни яратдилар. Демократ шоирлар ва маърифатпарварлар персонаж тили, бадиий асар тили, муаллиф тили, услубий дид, услуб устида самарали ишладилар.

Натижада шоирлар қаҳрамонларнинг ўзига хос тили орқали уларнинг касб-ҳунарини, руҳияти ва феълатворидаги ўзгаришларни кўрсатишга эришдилар. Масалан. Муқимийнинг «Тўйи Иқонбачча» сатирасини олиб кўрайлик. Бу асардаги тошкентлик бой ва Иқондаги гумашта тилига эътибор берсак, бирининг тилида кескинлик, дағаллик, буйруқ кўриниб турса, иккинчисининг тилида эзмалик, ланжлик, ялинчоқлик хусусиятлари сезилади.

Илғор демократ шоирлар ва маърифатпарварлар (Исҳоқхон, Сатторхон, Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқийлар) XIX асрнинг иккинчи ярмидаги адабий тил ва услуб тараққиёти учун янги-янги муаммоларни олга сурдилар. Адабий тилни янги грамматик шакллар ва рус тили лексик унсурлари билан бойитдилар.

4- §. Ўзбек адабий тилини ривожлантиришда Муқимийнинг хизматлари

Ўзбек илғор демократик адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган машҳур шоирлардан бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ўзбек адабий тилини бойитишда ҳам фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.[1]

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ижтимоий ва сиёсий воқеаларга бой давр бўлиб, Ўзбекистон халқлари тарихида, ўзбек адабий тили тараққиётида ўзига хос бир босқични ташкил қилади.

Ўзбек адабий тили кўп асрлик анъанага эга бўлиб, у Алишер Навоий томонидан шакллантирилган ва ривожлантирилган. Бироқ, замонлар ўтиши билан Навоий тилидаги айрим шакллар ўзгариб, эскира бошлади. Муқимий тили Навоий тилининг — эски ўзбек адабий тилининг давоми ҳисобланса-да, ундан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бунинг сабаби шуки, тил жамият ва иқтисодий турмушда бўлган ҳамма ўзгаришларни

[1] Бу мавзуни ёзишда А. Шомақсудов материалларидан фойдаланилди.

тўғридан-тўғри ва бевосита ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Муқимий асарлари тилида сўзлашув нутқига хос хусусиятлар, мумтоз адабиётга хос бадиий услуб ва грамматик шакллар ҳамда рус тилига хос лексик унсурлар учрайди.

1. *Муқимий асарларида сўзлашув нутқи унсурлари.* Муқимийнинг ўзбек адабий тилига қўшган ҳиссаси унинг халқчиллигида намоён бўлди. У халққа тушунарли тилда ёзишни ўз услубининг ажралмас қисми деб билди, олдинги асрларда яшаб, ижод этган илғор ёзувчиларга нисбатан бирмунча илгарилаб кетди.

Муқимий меҳнаткаш омма ҳаётидан фақат мавзу, сюжет ва шунга мос ғоянигина олмасдан, шу билан бирга, битмас-туганмас манба бўлган халқ тилидан ҳам кенг фойдаланди. Шоир асарлари тили халқ ва фольклор тили ҳисобига бойиди ва ривожланди.

Муқимий ўз асарларини ёзишда фольклор асарларининг услуби, бадиий усуллари, тили ва бошқа хусусиятларидан кенг фойдаланди. У «Танобчилар», «Московчи бой таърифида», «Тўй» каби асарларини фольклор услуби билан бошлайди. У халқ тилига хос бўлган кичрайтиш, эркалаш шаклларидан самарали фойдаланади. Масалан:

Зулфу кокилчалари юзгинасига тушган,
Анга ўхшарки, тутар ойгинани ҳолигина.

Муқимий ўз асарлари тилини халқчил қилиш учун фольклорда кўп қўлланиладиган сифатлар, ўхшатиш, сўзларни кўчма маънода қўллаш, метафора, метонимия, аллегория, муболаға, синекдоха, такрорлаш каби бадиий тил воситаларидан кенг фойдаланди. Масалан: *Ботини чўян қозон, қайнар ичида реву ранг.* Шоир мутаассиб дин пешволарининг нодонлигини кўрсатиш учун кўнгилларини қора қозонга ўхшатади.

Муқимий ўз фикрларини ихчам, содда, тушунарли қилиш учун халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини кўп ишлатади. Шоир баъзи халқ мақолларини лексик ва грамматик жиҳатдан ҳеч бир ўзгаришсиз берса, бошқаларини қисман ўзгартиради. Айримларини шеърнинг қофия ва мазмунига сингдириб юборади. Масалан:

Арзон эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат,
Ноинсофу бетавфиқ олган экан Бектурбой.
Бор масалким, **яхши одам** дер эдим, **ўзи билур.**

Йўқса айлардим қачон сизларга мен даъво анор.
Гар қилич бошимга ҳам келса, дегайман ростин.
Тегди касофати бари юртга ҳам,
Борки масал, **бирники мингга** деган.

Муқимий асарларида сўзлашув нутқига хос лексик хусусиятлар учрайди, улардан баъзиларининг адабий тилда муқобиллари бўлса, баъзиларининг йўқ. Шоир *кўрпа, тезак, эзма, кўсав, мағзоба, ҳуржин, шилқим, пурдоқ, керилмоқ, кекирмоқ, ўсол, қолғич, инжиқ, пақир, таг жой, бояқуш, пирсиён, увода, калла* каби халқ тилига хос сўзларни кўп ишлатади. Муқимий ишлатган *қолғич, инжиқ, пақир, каллакдор, таг жой* сўзларининг ўзбек адабий тилида синоними йўқ.

Ошиқидин чойхўрини бехабар **қолғич** олур.
Бир мири оту бир **пақир** араванг.
Барча **каллакдору**, барча паҳлавон қурбақалар.
Ҳожи ўзи мурдор экан.

Бундан ташқари, Муқимийда *яёв, бояқуш, эзма-чурук, пичинг, пирсиён, увода, калла* каби сўзларнинг адабий тилда *пиёда, бечора, сергап, киноя, эронли, йиртилган, бош* каби синонимлари бор:

Хоҳи **яёв,** хоҳи бўлсин отим,
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.
Қашиб бечоран **бояқуш** бўйнини.
Майда сухан, эзма-чурук, занчалиш.
Қўчти халқи ёпиниб, кўҳна, **увода** тўнини.
Хўб келур лекин гаранг **калланг** шамол.

Муқимий бундай сўзлардан жонли сўзлашувдаги маъно хусусиятини тўла ифодалай олмаган ўринларда ва жонли сўзлашув нутқига хос образлиликни кўрсатиш мақсадида фойдаланган. Шоир асарларида сўзлашув нутқига хос семантик белгини, яъни сўзларнинг кўчма маънода ишлатилганлигини кўрамиз. Кўчма маънода ишлатилган сўзлар ўзларининг адабий тилдаги маъно хусусиятларига нисбатан алоҳида образлиликка ва таъсирчанликка эгадир.

Муқимий ўз асарларида *тухум, жўжа, сиёсат, чўпилди, ичкариси* (тўрт девор ичи) ва бошқа сўзларни *қариндош-уруғ, фарзанд, қўрқитиш, сергап, хотин* каби сўзларни сўзлашув нутқидаги сўзлар маъносида ишлатган.

Масалан:

Тўйға ўз **тухмидин,** хотун демади.
Жўжаси кўп қип-қизил деган: «Қани дон?»—
кўсамен.
Бир **сиёсат** бирла бўлдингиз пинҳон, қурбақалар,
Занчалиш, эзма, ҳам **чўзулди** талай.
Ичкариси бирла ҳам энди тавакқал гап есанг.

Муқимий асарларини кўздан кечирсак, баъзи ҳолларда фонетик жараёнларнинг мавжудлигини учратамиз, бундай жараёнлар ҳам сўзлашув нутқига хос ҳодисалардир. Шоир тилида метатеза ҳодисаси учрайди. Бунда сўз таркибидаги товушлар ўрин алмашади:

Қийғир кўтарган уч йигит
Қилдилар бир-бирига **истеза.**

Матндаги метатезага учраган сўзларнинг адабий орфографик шакли *қирғий* ва *ситезадир.*

Муқимий тилида сўз ўртаси ва охирида товушларнинг тушиб қолиши (анакопа) ҳодисаси ҳам учрайди. Масалан:

Борилиб меҳмон **бўган** кўп жойу дастурхонини.
Неча аҳволи харобингни кўриб, **қимас** ниго,
Қуйдириб дубора **Ғишкўприкда** олдимдан чиқиб.
Бор экан деб **кемасун** одам гадо деб бир умр
Устидан дарвозасин **қуфлаган** Асрорқул.

Келтирилган мисолларда анакопа ҳодисасига учраган сўзларнинг адабий-орфографик шакли *бўлган, қилмас, ғишт, келмасун, қулфлаган* кўринишидадир.

Муқимий асарларида сўз таркибидаги бир товушнинг бошқа бир товуш билан алмашиш ҳодисасини ҳам учратамиз. Масалан: **қ — х** алмашиниши:

Бўлса шу яхши дебки **махтағанинг.**
Нигоҳ кайфи учкай, келса агар **тарахлаб.**

ч—ш алмашиниши: Оғизлари мақтаниб ўн беш **қариш.**
б—м алмашиниши: Тобакай **мундоғ** маломат кунжида доим Муқимий.
м—н алмашиниши: Балодек учраган **шилқин** гадоларга қирон келсун.
й—ғ алмашиниши: Зилзиладин лаҳзада **шундоғ** шаҳар...

Муқимий асарлари тилида сўзлашув нутқига хос грамматик шаклларни ишлатиш ҳолларини ҳам учратамиз. Масалан, адабий тилда **-зор** аффикси жонсиз нар-

са-буюмларга қўшилади. Лекин сўзлашув нутқида у жонли нарсаларга ҳам қўшилади. Бу ҳолни Муқимийда учратамиз:

Етдим ул оқшом ғам ютиб,
Дашти қароқчизор экан.

Муқимий кенг халқ оммасига тушунарли халқчил тил учун курашар экан, Навоий, Махмур, Турдилар изидан борди, демократик кайфиятга мос шеърий меъёрларни излади. Шунингдек, Муқимий тилида эски ўзбек тилининг хусусиятлари ҳам мавжуддир.

2. Муқимий ижодига эски ўзбек тилининг таъсири. Муқимий сўз танлаш ва ижод қилишда ўзидан олдинги шоирларга эргашди. У Навоий, Жомий, Фузулий, Лутфий, Махмур, Турди кабиларнинг асарларини ўқиб-ўрганди, улар каби ғазаллар ёзди.

Муқимий асарлари тилида мумтоз шоирлар асарларида учровчи лексик унсурлар, грамматик шакллар кўзга ташланади. Шоир асарларида эски ўзбек адабий тилига хос бўлган **эрур, -дур, -ибон, -миш, ўлмоқ** каби шакллар ишлатилади. Масалан:

Ҳизир отамларға биродар **эрур.**
Ўт **қўйибон куйдирадурғон** ўзум.
Бу кунда кимики имонин сотар, ул эътибор **ўлмиш.**

Эски ўзбек адабий тилига хос бўлган шакллар келишик қўшимчаларининг ишлатилишида ҳам кўринади. Жумладан, учинчи шахс кишилик олмошига келишик қўшимчалари *анга, ани, анинг, андин* тарзида қўшилган. Чиқиш келишиги учун *-дун,* тушум келишиги учун **-ни, -и,** жўналиш келишиги учун **-а** аффиксининг қўлланиш ҳоллари учрайди. Масалан:

Деди: руқум ўргатасиз сиз **анга,**
Истаган янглиғ вужудин **андин** анқо, баччағар.
Адл қулоғила эшит **ҳолими.**
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Муқимийда ҳаракат номининг **-иш, -моқ, -ув** аффикслари билан ясалган турларидан ташқари **-ур** билан ясалган шакли ҳам қўлланадики, булар ҳам ҳаракат номи сифатида ишлатилади. Аммо **-ур** аффикси билан ҳозирги келаси замон феъли ва сифатдоши ҳам ясалади. Буларни **бир-биридан фарқлаш керак. Масалан:** *Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотиқ* **қилурға.**

Муқимий тилида сўроқ юкламасининг *-му* шакли-

да, *билан* боғловчиси ва сўнг кўмакчисининг *-ла, ила, била, бирла, билан* каби вариантларда ишлатилишини ҳам кўрамиз. Масалан:

Хатингму раста-раста,
Сабза ё райҳони **жаннатму.**
Қичигу катта, хурд **ила** реза
Деди: есин келиб ошу нонин.

Шунингдек, Муқимий тили баъзи ғарбий туркий унсурларнинг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Унда ўтган замон сифатдошининг **-миш** аффикси ва **-он** шакли, ҳозирги — келаси замон феълининг биринчи шахс бирлиги *билмам* шаклида, иккинчи шахс бирлиги *айлаюр* шаклида, *бўлмоқ* феъли ўрнига *бўлмиш* феъли ишлатилади. Масалан:

Сўрма парвозим, пару билимни **бўлмишман** асир.
Ўлтурон жойда ҳам баъзи маҳалда ҳорамиз.
Билмам, одам шаклида юрган уммасибиёнмукин.
Биравга ҳийлаю макр **айлаюр,** афсоли
шайтонлик.

Мумтоз адабиётда бўлганидек, Муқимий асарлари тилида ҳам ифодали қурилмалар кенг қўлланади. Масалан:

Бу чаманда ғунчаи афгоридин айрилмасун.
Маҳзани холи даҳан, тил мор гўё баччағар.

Муқимий ўзбек адабий тилини ривожлантириш соҳасида давр талабларига ҳозиржавоблик билан катта хизматлар кўрсатди. У адабий тилни демократлаштиришга, уни жонли халқ тилига яқинлаштиришга эътибор берди, янги тушунчаларни ифодаловчи кўплаб рус сўзларини ишлатди.

3. Муқимий тилига рус тилининг таъсири. Муқимийнинг ҳажвий шеърларида, шеърий ва насрий йўл билан ёзилган мактубларида рус тилидан кирган сўзлар учрайди. Муқимий асарларида мавжуд русча сўзларнинг 32 таси от, иккитаси сифат, биттадан равиш, феъл ва юкламадир. Бу нарса бир тилдан иккинчи тилга асосан от туркумига кирувчи сўзлар қабул қилинади, деган хулосани яна бир бор тасдиқлайди.

Маълумки, русча сўзлар Муқимий асарлари тилига, асосан, оғзаки шаклда кириб келган. Чунки у даврда чет сўзлар учун маълум орфографик қоидалар белгиланмаган эди. У вақтда «қандай талаффуз қилсанг, шундай ёз» деган қоида ҳукмронлик қиларди. Шунга мувофиқ, Муқимий асарларида сўзлашув нутқида қандай талаффуз қилинса, шундайлигича ёзилган сўзлар учрайди: *ўрус* (рус), *кантур* (контора), *зовут* (завод), *купес* (купец), *чўт* (счёт), *уез* (уезд), *полиска* (полиция), *пуржина* (пружина), *каласка* (коляска), *приступ* (пристав), *қалуш* (галоши), *мошин* (машина), *пиён* (пьяный), *дўхтур* (доктор), *воғун* (вагон), *бўлус* (волость), *иштироп* (штраф), *закун* (закон), *дураб* (драп), *заколат* (заклад) ва бошқалар. Масалан: *Приступга маълум қилмоқ ...* («Воқеаи кўр Ашурбой Ҳожи»). *Ўрусга ижора қўйиб зовутин ...* («Заводчи бой таърифида»), *Бериб мол кантурга қилди яқин»* («Заводчи бой таърифида»). *Нозу неъмат журмини Қўқанд уездидан тилаб ...* («Тар мевалар»). *Олурлар иштироп уч сўз жўра Закун бўйича анга шуки ...* («Гап қоидаси»).

Рус тилидан қабул қилинган баъзи сўзларнинг маъноси Муқимий асарлари тилида анча кенгайтирилган. Бу ҳолни *вагон* ва *самовар* сўзларининг маъносида кўриш мумкин. *Вагон* сўзи рус тилида бутун бир поезд таркибини ташкил қилувчи бўлаклардан бири маъносини беради, Муқимийда эса бу сўз умуман поезд маъносига кўчган. Масалан:

Суръат ила ҳайр улусдин етиб,
Борлиғи ҳам хайрият ўлди *воғун.*
(«Тарихи зилзилаи Андижон»).

Самовар сўзи рус тилида «чой қайнатадиган асбоб» маъносида қўлланилса, Муқимийда «асбоб» маъносида ва кишилар ўтириб чой ичадиган жой — чойхона маъносида ишлатилади. Шу маъно Фарғона шеваларида ҳозир ҳам қўлланади. Масалан:

Такялаб жарлар, **самовару** оқарсув, ҳуш ҳаво,
Мунча ҳам сероб экан, обод олдинг охуним.
(«Охуним»).

Муқимийда айрим сўзларнинг *(контора, дума, полиция, волость каби)* рус тилидаги маъноси торайтирилган.

Жам бўлиб айлаюбон маслаҳат,
— **Думага,**— дер,— бир нима бериб жўнат.
(«Танобчилар»)

Сой, ариқларда сават бирлан **полиска** ағдариб ...
(«Тар мевалар»).

Бунда **бўлус** Ғози деди ... *(«Саёҳатнома»).*

Келтирилган мисолларда *дума, полиска, бўлус* сўзларини Муқимий рус тилидаги асл маъносида эмас, балки якка шахс, лавозим маъносида қўллаган.

Шоир русча сўзларга мурожаат қилар экан, баъзан уларнинг бир қисмига ўзбекча аффиксларни қўшиб ишлатади: *мошиначи, заводчи, московчи, пружиналик* кабилар. Масалан:

Мошиначига бериб, тиктурмаганда барвақт,
Совуқ ҳаво, Муқимий ожиз, ёмон афандим.
(«Мактуб»).

Чиқиб янги **московчидин** бойлар.
(«Московчи бой таърифида»).

Баъзан русча сўзларни шоир ўзбекча сўзларнинг аниқловчиси сифатида, айрим ўринларда қўшма феъл таркибида келтиради: *мошинқазон, дураб чопан, печат бойласин* каби. Масалан:

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,
Муқаррар дегайким, **печат бойласин.**
(«Московчи бой таърифида»).

Муқимий маълум услубий мақсад тақозоси билан хусусий тил яратишда баъзи русча сўзлардан фойдаланди: *сейчас, пожалиста, дурак, пашол, пиён, пиёништа, вакун* каби.

Топиб мардикорини —**«Сейчас** юринг,
Пожалиста,— дер эрди,—эмди туринг».
(«Московчи бой таърифида»).

Юқоридаги каби сўзларнинг ўзбек тилида муқобиллари бўлгани, айрим сўзлар ифодалайдиган нарса-буюмлар жамиятимизда йўқ бўлиб кетганлиги сабабли улар ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди: *старший, волость* каби.

Муқимий асарларида ишлатилган *Москва, рус, печать, контора, завод, пружина, самовар, минут, галош, доктор, вагон, штраф, драп* сўзлари ҳозирги адабий тилда ҳам сақланиб қолган. Уларнинг оғзаки талаффуз асосида ёзилишига чек қўйилиб, ягона орфографик қоидалар белгиланди. Лекин *чўт, чор* (царь), *чит* (ситец) каби бир қатор сўзлар оғзаки талаффуз нормаси асосида қолаверди.

Умуман, Муқимий ўз ғоялари, юксак орзу ва истакларини бадиий-эстетик жиҳатдан таъсирчан ва ёрқин ифодалаш учун сўзлашув нутқи ва эски ўзбек тили шакллари ҳамда рус тили лексик унсурларидан самарали фойдаланди. Муқимий рус тилидаги бир қанча сўзларни ўзбек адабий тилига биринчи бўлиб олиб кирди ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

5- §. Фурқатнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли

Фурқат Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида туғилган янги тарихий объектив ижтимоий онгнинг илғор хусусиятини адабиётда тарғиб қилган ижодкорлардан ва ўзбек тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарварлардан биридир.

Фурқатнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги аҳамияти шундаки, у демократ шоир сифатида бадиий-адабий тил ва услубни сўзлашув нутқига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Шу нуқтаи назарни Фурқат ўзининг «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» номли асарида ҳам олға суради. Бунда у тил ва услубнинг соддалиги ҳамда оммабоплиги муаммоларини кўтариб чиқади.

Фурқат халқ сўзлашув тилини, урф-одатларини пухта ўрганади ва оддий халқнинг ҳаётига чуқур кириб боради. Буни тасдиқловчи далил сифатида у ёзган «Гапнинг тавсифи», «Тўй тавсифи», «Аза тавсифи» каби асарларни кўрсатиш мумкин.

Фурқат халқ оғзаки ижодини ва унга тегишли бўлган шеърлар, мақолларни ўрганиб, шулар асосида ўз асарларининг тилини халқчил қилишга интилди. Халқ мақоллари услубига эргашиб, турмушнинг турли томонларига тегишли бўлган афоризмлар яратди.

Қишиким илму фандин бохабардур,
Халойиққа бақадру мўътабардур.

Шоир бу шеърий парчага «Олим бўлсанг, олам сеники» халқ мақоли мазмунини сингдирган.

Фурқат новатор шоир сифатида ўзбек адабий тили лексикасини янги маънолар ва шакллар билан бойитди. Масалан: шоир *барқ, дору, олмос* сўзларига бош-

қача маъно юклади. «Барқ» сўзини «электр токи» маъносида, «дору» сўзини «электр токининг керакли манбаи» маъносида, «олмос» сўзини «лампочканинг вольфрам сими» маъносида ишлатди.

Ўзбек адабий тилининг тараққиётида Фурқатнинг роли яна шундан иборатки, у маърифатпарвар шоир сифатида рус маданиятини, жумладан, рус тилини ўрганишни тарғиб этди. Бу жиҳатдан Фурқатнинг қуйидаги сўзлари характерлидир:

«Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдур. Балки мамлакат обод бўлиб, фуқаро ва раиялар осойишта бўлмоқларини хоҳлайдилар. Аз баски Русия халқи ҳамма вақт биз мусулмон халқининг давлатманд ва хурсанд бўлмогимизга қўшиш қиладур».[1] Фурқат русларнинг юртимизга бостириб кирганлиги, унинг оқибатлари ҳақида ҳеч нарса демади.

Фурқат ўз асарларида ижтимоий ҳаёт, фан, маданият, иқтисодий турмуш соҳаларида пайдо бўлган янги тушунчаларни ифодаловчи русча сўзлардан ва бу тил орқали кириб келган бошқа сўзлардан ҳам самарали фойдаланди. Масалан: *акт, бал, зол, театр, реал, кўмор, газет, гимназия, закун, самаучител, перевот, виставка, мошина, зовут, саллот, тилгироф, доктор, избошчи, пуржина* каби; шеърларида шундай мисралар учрайди: *«Театр базмини обод қилғил»* («Суворов ҳақида»), *«Кириб виставкани қилдик тамошо»* («Виставка хусусида»), *«Кириб гимназия кўрдик тамоми»* («Гимназия»), *«Бўлурлар тилгиром ила хабардор»* («Илм хосияти»).

Шоир бу сўзлардан фойдаланиб, ўз асарларида таърифланган воқеа, ҳодиса, нарса ва буюмлар ҳақида тасаввур беришга интилган. Унинг тили Навоий асарлари тилидан фарқ қилинишини ва унинг замонавий сўзлар билан бойиганлигини айтиб ўтиш керак. Масалан, Навоийнинг кўпгина байтларини ҳозирги ўзбек китобхонлари қийинчилик билан тушунсалар, Фурқат шеърларини осонлик билан тушуна оладилар. Лекин Фурқат тилини ҳозирги ўзбек тили билан тенглаштириб қўйиш ярамайди. Чунки унда ҳам бир қанча арабча, форсча лексик унсурлар ва грамматик шакллар учрайди. Лекин Фурқатда эски ўзбек адабий тилига хос бўлган грамматик шакллар анча силлиқлашган ва такомиллашган.

[1] Туркистон вилоятининг газети, 1892, 13- бет.

Эски ўзбек адабий тилига хос бўлган шаклларни келишик қўшимчаларининг ишлатилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Тушум келишиги учун **-ин, -и,** жўналиш келишиги учун **-а,** чиқиш келишиги учун **-дин** аффикслари қўлланади. Масалан:

Айлади **кўксима** чоку **кўнглими** афгорлар.
Устина қилмоқ хино бирла нигор истар кўнгул,
Дардима бечоралиғдин чораи қилмасмуди ...
Оразидин байтул-ҳазоним мунаввар бўлмаса:
Эшитганлар ани **ҳолин** билурлар.

Бундан ташқари, учинчи шахс кишилик олмошига келишик қўшимчалари *ани, анга, анинг, анда, андин* тарзида қўшилади.

Икки одам **анга** бўлди нағмасоз.
Анингдек паҳлавон йўқ бу арода.
Келур кўп жанг ила найранг **андин.**

Фурқат тилида айрим сўзлардаги аффикслар сингармонизм талаби асосида ёзилганини учратамиз. Масалан: *Фано бўлдум, йўқ ўлдум, ушбу оламдин мени расво.*

Фурқат асарларида **-иш, -моқ, -ув** аффикслари билан ясалган ҳаракат номларидан ташқари, **-ур** аффикси билан ясалган ҳаракат номлари ҳам бор. Аммо уларни ҳозирги-келаси замон феъли ва сифатдошидан фарқлаш керак. Масалан: *Турурга қолмади тоқат кўнгул ҳам волау шайдо.*

Фурқатда сўроқ юкламасининг *-му* шаклида ишлатилишини, *билан* кўмакчисининг *-ла, -ила, била, бирла, бирлан* тарзида қўлланиш ҳоллари мавжуд. Масалан:

Биро ишқида расволиғда ўлган **борму** деб мунда.
Расадла тўп отиб куннинг қиёми.
Муғанний нағма **бирлан** қилу қолин.

Булардан ташқари, равишдош ясовчи **-ибон** аффикси ва **ваё** деган қўш боғловчи ҳам ишлатилади:

Қилибон тарбиятда иҳтироми.
Ваё иқболи пастидин аламнок.
Ваёки анда бўлса шодмонлик.

Шунингдек, Фурқат тилида ўғуз тили унсурлари ҳам мавжуддир. Жумладан, ўтган замон сифатдош

ясовчи **-миш** ва **-он** аффикси, учинчи шахс кишилик олмоши **-он** шакли, *бўлмоқ* феъли *ўлмоқ* шаклида келиши кўзга ташланади.

Фурқат асарларида форс-тожик тилига хос бўлган аниқловчи ва аниқланмишнинг ёки қаратқичли бирикманинг **и** билан бириккан изофа қурилмалари кўп учрайди.

Эмиш Русияга **сардори лашкар.**
Олиб тўртинчида **таълими немис.**

Шундай қилиб, Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмида Навоий анъанасини қисман давом эттириш билан бирга, ўзбек адабий тилини янги грамматик шакллар ва рус тилининг лексик унсурлари билан бойитди. Ўша давр ўзбек адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Фурқат асарлари тили орқали ўзлаштирилган сўзларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам адабий тил меъёрига мослаштирилган ҳолда ишлатилмоқда.

6- §. Завқий асарларининг тили ва услуби

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий ўзбек демократик адабиётининг машҳур намояндаларидан биридир. Завқий ўткир танқид, аччиқ кулги асосига қурилган ўз бадиий асарлари мазмунига мос шакл топа билди ва ўз фикрларини тасвирлашда янги адабий услуб ҳамда бадиий усуллардан фойдаланди.

Завқий услубининг муҳим хусусиятларидан бири ўз замонасининг аниқ тарихий шахсларига мурожаат қилиб, уларни ўз асарлари учун объект қилиб олиш усулидир.

Завқий ўз асарларини тамомлашда ҳам алоҳида усулдан фойдаланди. У асар охирида ҳикоя қилинган воқеаларни алоҳида таъкидлайди. Бу билан уларнинг ҳаётий ва ҳаққонийлигини кўрсатади.

Завқий ўз услубида соддалик, равонликка эришиш мақсадида халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланди. У халқ мақолларини шеърий мисраларга сингдира билди. Масалан:

Фарқ айламай яхши-ёмон,
Ким арпа-буғдой, ким сомон,
Туҳмат ҳақоратлар ҳамон,
Не муддаосиз афандилар.

Завқий ўз асарларида халқ мақолларидан ижодий фойдаланиб қолмай, балки халқ оғзаки ижодига хос

қўшиқ шаклидан ҳам фойдаланди. У халқ қўшиқларига ўхшатиб шеърий сатрлар ёзди:

Кулфат тушиб бошиға,
Оғу тушиб ошиға,
Келмай киши қошиға,
Ақробу меҳрибонлар.

Бундай услубдан фойдалангани сабабли Завқий асарларида жонли халқ тили унсурлари кўп учрайди.

Завқий ўз асарларида халқ тилига хос сўзлардангина фойдаланиб қолмай, унга хос сўз бирикмаларини ҳам ишлатди. Масалан:

Бу **падар лаънат ҳаром ўлгур** отим,
Ҳар қачонким, мен минар бўлсам касал.

Келтирилган бу парчадаги *падар лаънат, ҳаром ўлгур* кабилар халқ тилига хос бирикмалардир.

Завқий Муқимий ва Фурқатдан кўра жонли халқ тилига кўпроқ суянди, шу боис унда тил халқчиллиги устун даражададир.

Бундан ташқари Муқимий ва Фурқат асарларида бўлгани каби Завқий асарларида ҳам русча — байналмилал сўзлар учрайди: *вексель, ўрус* (рус), *пойиз* (поезд), *вагўн* (вагон), *каласка* (коляска), *зовут* (завод), *журнол* (журнал), *тилграм* (телеграмма), *банка* (банк), *бўлус* (волость), *сиёз* (съезд), *приступ* (пристав), *калиш* (галош), *камитет* (комитет) каби.

Завқий рус тилидан юқоридаги каби фақат отларни эмас, балки сифат ва сўз бирикмаларини ҳам услубий талаб асосида ишлатди:

Кўр бўлмаса пул оқиб келурми
Бу бадшакл, **слепой дурракка.**
Урусча мақтаб Завқий: **хорошо,**
Жувон, пир, марду зан монанди ишдур.

Умуман, Завқий ўз шеърияти билан ўзбек адабий тилини халқ тилига хос грамматик шакллар билан мукаммаллаштирди. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тили демократ шоирлар, жумладан, Завқий ижоди билан янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

7- §. Ўзбек адабий тили тараққиётида Аваз Ўтарнинг тутган ўрни

Ўзбек демократик адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан яна бири Аваз Ўтар ҳам ўзбек адабий тилига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳамма демократ шоирлар каби Аваз Ўтар ҳам Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тилни ривожлантиришга, давр талабига мос ижодий шакллар билан бойитишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Аваз Ўтар асарлари тилида Алишер Навоий анъанаси, халқ тилига хос шакллар учрайди.

Аваз Ўтар давр талабига жавоб берадиган тил воситаларини яратишда, биринчи навбатда, халқ тилига мурожаат қилди. У халққа тушунарли тилда ижод этишни ўз услубининг асоси қилиб олиб, ўзидан аввал яшаб ижод этган шоирлардан анча илгарилаб кетди. Шу мақсадда халқ мақоллари, афоризмларидан самарали фойдаланди. Халқ оғзаки ижоди асарлари шаклига мослаб шеърлар ёзди.

Сипоҳи пора истар,
Мулла ижора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борми?

Аваз Ўтар асарларида халқ тилига хос *банди, зиндон, чора, ижора, шам, шол, кулба, увол* каби сўзлар учрайди. У янги бадиий шакллар қидириб топиш мақсадида эски ўзбек адабий тили шаклларидан ҳам фойдаланди.

Унинг асарларида жўналиш келишигининг **-а, -га, -ға,** аффиксли шакллари, чиқиш келишигининг **-дин, -дан,** равишдошнинг **-ибон, -уб, -убон, -убдур, -бон** шакллари учрайди. Масалан:

Лозим **сиза** ҳар тилни билув она тилидек.
Адабдур издиёди бахту иззат.
Анга бу **важҳдин** махфи лақабдур.
Дам-бадам бедору жабру зўрликлар **айлабон.**

Шоир туркман, озарбайжон тилларига хос шакллардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилди:

Очиб ҳар бир сарида мактабинг унвонин айлаб **чўх,**
Кетиб зулму ситамин зулмати **бўлмиш** жаҳон
равшан.

Эй, олами анжум аро ором **суранлар,**
Сизларда дахл мормудур аҳком **суранлар.**

Аваз Ўтар ўзбек демократик адабиётининг туғилиши ва тараққиётига улкан ҳисса қўшиш билан бирга, ўша давр ўзбек адабий тилининг шаклланишига ҳам муносиб улуш қўшди.

Умуман, ўзбек адабий тили XIX асрнинг иккинчи ярмида демократ-маърифатпарвар шоирлар: Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтарлар ижоди туфайли ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

8- §. Газета-публицистика услубининг пайдо бўлиши ва шаклланиши

Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши турли хил иқтисодий ва маданий алоқаларнинг маълум даражада ривожланишига сабаб бўлди. Россиянинг чекка ўлкаларида адабий ва маданий ҳаракат ислом динини ислоҳ қилиш, уни буржуазияга мослаштириш йўли билан олиб борилди. Натижада миллий буржуазия мафкураси вужудга келди.

Турли тамойил ва манфаатлар таъсирида Россиянинг чекка ўлкаларида «умумий турк тили» тўғрисидаги назариялар тарқалди. Демократ-маърифатпарварлар эса ўзбек тилини она тили заминида ривожлантириш учун курашдилар.

Булар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлган нашриёт ва вақтли матбуотда ўз ифодасини топди. 70- йиллардан бошлаб Туркистонда вақтли матбуот нашр этила бошланди. У рус тилида нашр этилган «Туркестанские ведомости» газетасидир. 1871 йилдан бошлаб дастлаб шу газетага илова тарзида, кейинчалик мустақил ҳолда ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлади. Шу даврдан бошлаб ўзбек адабий тилида газета-публицистика услуби пайдо бўлди ва шаклланди. Газета-публицистик тил ва услубининг пайдо бўлишида рус тили таъсир кўрсатди.

Маълумки, Ўрта Осиёга Россия бостириб киргандан сўнг рус тилидан қилинадиган таржима асарлари сони кўпайди. Бунга асосий сабаб рус тилининг маданий ҳаётдаги роли ва аҳамияти ошганлиги эди. Шунингдек, рус-тузем мактабларини ерли халқ болалари ҳам битириб чиқа бошлади. Уларнинг кучи билан русчадан ўзбекча-

га ва ўзбекчадан рус тилига асарлар таржима қилина бошланди. Рус тилидан дипломатик ҳужжатлар, расмий ёзишмалар, газета-ахборот материаллари, қишлоқ хў жалигига оид асарлар, илмий, табиий ва техника асар лари, сиёсий, тарихий ва бошқа хил асарлар таржима қилинди. Улар «Туркистон вилоятининг газети» саҳи фаларида нашр этиларди.

Шундай қилиб, «Туркистон вилоятининг газети» XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек ма данияти, хусусан, адабий тили тарихида маълум роль ўйнади. Бу нарса Фурқат (1858—1909), Сатторхон (1848—1901), Исҳоқхонларнинг (1862—1937) адабий ва публицистик фаолиятларида яққол кўринди. Улар шоир, олим, тарихчи бўлиш билан бирга, публицист сифати да газета-публицистика услубининг ривожланишига му носиб ҳисса қўшдилар.

Фурқат «Туркистон вилоятининг газети»да фаол иш тирок этди. Дастлаб газетага «Эълоннома» деб қараган Фурқат, кейинчалик унинг ижтимоий-сиёсий маъносини тушуниб, газетада ўз материаллари билан фаол иштирок этди. Исҳоқхон ҳам давр ўзгаришлари ҳақидаги фикрлари билан газетада қатнашиб турди. Сатторхон 1883—1890 йиллар давомида «Туркистон вилоятининг газети»да муҳаррир ёрдамчиси ва таржимон бўлиб ишлади.

Улар демократ-маърифатпарварлар сифатида газетада ўз асарлари, публицистик мақолалари билан қатнашиб, ундан эзилган омманинг фикр-туйғуларини ифода этиш учун фойдаландилар.

Улар ўзларининг публицистик мақолалари ва хатларида фан ва маданият тарғиботчиси сифатида майдонга чиқдилар. Бунинг учун рус тили ва фанини ўрганишни тарғиб қилдилар. Агар Фурқат «...Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдур»,—деса, Сатторхон: «Урусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топган илмлар ва бошқа халқдин ўрганган илмларни бизлар ҳам билиб, тирикилигимизда нафи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эрдик»,—деб ёзади.

Фурқат, Сатторхон, Исҳоқхон публицистикасининг тили алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўзбек адабий тилининг газета-публицистика тили ва услуби ривожида катта роль ўйнадилар, ўзбек адабиёти намояндаларининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ўзбек адабий

тилига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ўзбек тилини архаизм унсурларидан тозаладилар, уни янги иборалар, байналмилал сўзлар билан бойитдилар.

Русча-байналмилал сўз ва ибораларни публицистик мақолаларида ҳам сўзлашув нутқи шаклида қўлладилар. Масалан, *тилиграф, мошин, раял, фатагироф* (Фурқат), *гинирал губернатур, уезной, ушқўл, афитсер, камисия* (Сатторхон) шулар жумласидандир.

Исҳоқхоннинг қуйидаги фикрида рус тили таъсирида ўзбек тилига ўзлаштирилган лексик унсурлар яққол кўринади: *«Асримиз маданияти бор эрди, чунончи, оташ проба, тилигром* (телеграмма), *тилифўн* (телефон), *никтр* (электр) *фанирлари, ҳатто учадургон айрипилон* (аэроплан), *гирамўфун* (граммафон), *фатагироф* (фотография), *типогироф* (типография), *литогироф* (литография), *анвойи машиналар: афтомўбел* (автомобиль), *валисафед* (велосипед), *тилсиз тилигиромлар* (телеграммалар), *неча-неча ашёйи жадида, анвойи адидалар ҳаммаси мавжуд эди»* («Туркистон вилоятининг газети»).

Айрим сўз ва атамалар таржимаси билан берилган: *пачотний исмотритель* (иззатлик нозирлик): Ҳўқанд шаҳридаги мадрасада пачотний исмотритель, яъни иззатлик нозирлик мансабида турдим (ТВГ, 1890, 3-сон).

Баъзи рус-байналмилал сўз ва бирикмалар давр талабига биноан арабча, форсча сўзлар билан таржима қилиб берилган. Масалан, Сатторхонда: *тўпчи тўра* (господин артиллирист), *вазири илмия* (маориф вазири), *илмия маслаҳати* (педсовет мажлиси,) *муршиди* (йўлбошчиси), Фурқатда: *жаҳоннома* (география), Исҳоқхонда: *тошбосма* (литография), *жарроҳ* (хирург), *ҳарроҳ* (архитектор), *ҳаким* (шифокор), *мударрис* (профессор) (Исҳоқхон).

Газета-публицистика тили ва услубига бадиий услубнинг таъсири кучли бўлди. Чунки у кўп асрлик анъанага эга эди. Газета-публицистика услубининг шаклланиши натижасида унинг шакллари бадиий адабиётга ҳам сингиб борди.

Умуман, Фурқат, Сатторхон, Исҳоқхонлар ўзбек тилининг луғат таркибини ривожлантириш, газета-публицистика услубини янги сўз, иборалар, атамалар ҳисобига бойитиш учун кураш олиб бордилар. Шу сабабли уларнинг тили равон, аниқ ва бойдир.

Шундай қилиб, демократ-маърифатпарварлар газета-публицистика тили ва услубининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

1905—1917 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

1- §. Даврнинг адабий тили ҳақида

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида синфий-ғоявий кураш анча кучайди. Бунга асосий сабаб Россия иқтисодиётининг империалистик даврга кириши ва капиталистик зулмнинг кучайиши эди. Ишчилар капиталистик зулмига қарши курашиш учун сиёсий тўгараклар, ташкилотларга ва, ниҳоят, социал-демократлар партиясига бирлаша бошладилар.

Туркистонда ҳам капиталистик муносабатларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий ишчилар қатламининг сони бир қадар кўпайди. Бунга синфий табақаланиш жараёни сабабчи бўлди.

Туркистон сиёсий сургунлар ўчоғига айлана борди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишчилар сиёсий онгининг ўсишига ва уларнинг инқилобий ҳаракатга қатнашишига таъсир кўрсатди.

Айниқса, 1905 йил инқилобидан, маҳаллий меҳнаткашлар ҳаракатидан чўчиган миллий буржуазия сиёсий ва мафкуравий кураш майдонида ўз ишини фаоллаштирди. Маҳаллий буржуазия ўз ғояларини жадидчилик ҳаракати ёрдамида олиб борди. Натижада бир томонда буржуа-жадид адабиёти шаклланди ва, иккинчи томонда, демократик адабиёт ривожланди.

Туркистон социал-демократлари халқ оммаси ўртасида изчил ташвиқот олиб бориш билан бирга, «Русский Туркестан», «Самарқанд», «Рабочий» номли газеталар ҳам нашр қилдилар. Шу билан бирга, Марказий Россиядан «Искра», «Вперёд», «Пролетарий», «Борьба» газеталари ҳамда «Заря» журнали келиб турарди.

Туркистонда ҳам кундалик матбуотга эътибор кучайтирилди. 1905—1917 йилларда «Ўрта Осиёнинг умргузорлиги», «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Тижжор», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Ислоҳ» каби газеталар ва «Оина» журнали ташкил этилиб. нашр қилинди.

Бундан ташқари, Озарбайжонда чиқадиган «Янги ҳаёт», «Хўжа Насриддин», Татаристонда чиқадиган «Онг», «Шўро», Қримда чиқадиган «Таржимон» каби газета ва журналлар ҳам Туркистонда тарқалди.

Маълумки, Туркистонда то XIX асргача давом этган сиёсий, иқтисодий ва маданий тушкунликдан кейин адабиётда бир қадар олға силжиш сезила бошлади. Адабиётнинг янги шакллари тез ривожланди. Вақтли матбуот, труппалар шаклидаги халқ театри пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси тасодифий ҳодиса эмас.

Биринчи рус инқилобидан сўнг Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан, Волга бўйи, Қрим, Озарбайжон, Туркистон ҳамда Туркия, Эронда адабий ва маданий ҳаёт ривожланди. Эски усулдаги мактаблар янги «тараққий асри» нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Дарслар она тилида олиб борилиб, дастурларга дунёвий фанлар ҳам киритилди.

Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, ўша давр ўзбек адабий тили тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмасди. Ўзбек тили тарихида уч инқилоб даври умуммиллий тилнинг шаклланишидаги бошланғич даврдир. Бу даврда биринчи марта умуммиллий тил ғояси туғилди. Бу масалани мустамлака режими даврида амалга ошириш мумкин эмас эди, чунки миллий масаланинг ўзи ҳам тўла ҳал қилинмаган эди. Шунинг учун умуммиллий тил масаласини ҳал қилиш соҳасида турли хил ғоялар ва шовинистик қарашлар пайдо бўлди.

2- §. 1905—1917 йиллардаги ўзбек адабий тилининг хусусиятлари

Тараққиётнинг умумий руҳи шу давр адабий тилида ўз изини қолдирди. 1905—1917 йиллардаги ўзбек адабий тили, А. К. Боровков фикрича, «аралаш тил» эди. Адабиётда шеърий услуб насрий услуб устидан ҳукмронлик қилар эди. Насрий, драматик асарлар ҳамда газета тили адабий тилга таъсир қилди. Турли хил таъсирлар адабий тилда ўткинчи, шаклсиз ва аралаш ғояларни туғдирди ва у ўзбек адабий тилининг ҳолатига таъсир этди. У давр тилида, биринчи навбатда, татар ва ғарбий турк тили унсурлари кўзга ташланади.

Туркистон генерал-губернаторининг таржимони «Тараққий» газетасининг тили ҳақида ёзар экан: «Бу газетанинг тили татарча, ўзбек тилига мослаштирилган арабча ва усмонли туркча сўзлардан иборат» деган эди.

Ҳақиқатан бу давр ўзбек адабий тилида татар тили

ва ғарбий турк тили унсурлари катта ўрин тутар эди. Бу нарса Марказий Россия, Қрим, Озарбайжон, Туркиянинг ғоявий таъсири эканлиги сир эмас.

Татар, Қрим татар, Озарбайжон матбуоти ўзбек буржуазияси ҳамда зиёлиларининг сиёсий ва маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Қрим татар газетаси «Таржимон», татарча «Вақт», Озарбайжон сатирик журнали «Мулла Насриддин» Туркистон ва Бухорода кенг тарқалди.

Туркистон матбуотида, маданий-оқартув ишларида, театр ташкил қилишда, янги усул мактаблари очишда татарлар бевосита иштирок этдилар.

Бухорода биринчи марта янги усул мактабини 1907 йилда татар мулла Ниёз Собитов очди ва бу мактабда татар Абдураҳмон Саадий ўқитувчилик қилади.

Буларнинг ҳаммаси туркий тилларни «бирлаштириш» ҳақидаги ғоялар билан ҳамоҳанг эди.

Ғарбий-туркий унсурлар тилда мустаҳкам ўрнашиб олиб, ўша давр адабиёти ва матбуоти тилида узоқ вақт сақланиб қолди. Бу ғарбий унсурлар бир неча фонетик далилларда ҳам сақланган эди. Масалан: *Уч-дўрт гун сақланиюр* («Тараққий», № 6, 5. VII—1906); *ахри вар* (шу жойда); *вир мамлакат вар эса* («Садои Фарғона», 13. VI. 1914); *хабар верди* («Садои Туркистон», 18. IV. 1914).

Бу давр тилида ғарбий тил шакли «ўл» билан ўзбекча шаклдаги «бўл» феъллари параллел ишлатилган. Масалан: *Бу банкада Франция уч ҳисса ўлиб, бошқа давлатлар ҳақи биргина ҳисса ўлур эмиш* («Тараққий», № 4, 25. VI. 1906); *мажбур ўлди* (шу жойда); *бизларда на ўлди* («Хуршид», № 9. 3. IX. 1906) кабилар.

Булардан ташқари, адабий тилга бир қанча ғарбий-туркий морфологик унсурлар ҳам кириб келди. Масалан, сифатдошнинг ўтган замон шакли: *Майуб ҳисаб эдилан кишилар* («Тараққий», № 7, 22. VII. 1906). *Истамбулдан гелан хабарга қараганда* («Хуршид», № 2, 14. IX. 1906).

Сифатдошнинг келаси замон шакли: *Тараққи бизим маърифатимизнинг муфтаҳи ўлажакдир* («Тараққий», № 6, 5. VI. 1906); ўтган замон шакли *Зайниддин Харрот бу воқеани тушида кўрмишти* (кўрган эмиш) («Тараққий», № 4. 25. VI. 1906); ҳозирги замон феъли шакли: *Исбат қилийур* («Тараққий», № 15, 5. VIII. 1906); *Ҳўқанддан мударрис М. Н. ҳазратлари ёзиблар* («Садои

Туркистон», № 6, 24. IV. 1914); сифатдошнинг — **дик** аффиксли шакли: *Биринчи моддаси мутолаа қилиндикдан сўнгра* («Хуршид», № 2, 14. IX. 1906).

Адабий тилга у даврда йўл-йўлакай усмонли турк тилининг бир қанча лексик унсурлари ҳам кириб қолди. Буларнинг ҳаммаси «умумий турк тили» назарияси асосида пайдо бўлди. Масалан: *қўмондон* (командир), *санжоқ* (уезд), *Самарқанд санжоқининг тахсири* («Ойина», № 9, 1913). *Қўнгра* (Фран. конгресс) *умум мусулмон кўнграси* («Ойина», № 13, 1914, 205-бет). Бу хил сўзларнинг айримлари ҳатто кейинги даврларда ҳам учрайди.

Ўша давр тилида татар тилининг бир қанча унсурларини ҳам учратиш мумкин. Улар татарларнинг ўзбек матбуотида бевосита иштирок этишида кўринади. Татарча сўзлар асосан фонетик унсурларда ўз ифодасини топди.

Масалан: *чилин — член, кўриб билмий* («Садои Туркистон», № 3, 19. V. 1914). *Газета ўқий турган ҳар одамга маълум* («Садои Туркистон», № 10, 17. V. 1914) кабилар.

Татарча иборалар морфологик ва лексик унсурларда ҳам кўрина бошлади. Масалан: *Бизим Туркистон* («Садои Туркистон», № 10, 17. V. 1914); *қўлинда бор материаллар* (шу жойда); *Тийишли маълумот йибару* (шу жойда); *Урам вагун* (трамвай). («Тараққий», № 14, 3. VIII. 1906); *жирловчи хоним* («Садои Туркистон», № 18, 1914) кабилар.

1905—1917 йиллар ўзбек адабий тилининг асоси қандай эди ҳамда унинг халқ сўзлашув тилига, шеваларга муносабати қандай эди?

1905—1917 йиллар адабий тили эски ўзбек адабий тилининг яъни халқ жонли сўзлашув тилидан узоқ бўлган китобий-адабий тилнинг давоми эди. Унинг базаси сўзлашув тили бўлмаганлиги сабабли у вақтда адабий тил ҳақидаги тортишувларда шевалар муаммоси кўтариб чиқилмади.

Ўша давр адабий тилига кирган шевачилик унсурлари унинг таркибига сингиб кетган эди. Тошкентда чиқадиган матбуот асарлари тилида Тошкент шеваси хусусиятлари учрайди. Масалан: *кетваткан* («Тараққий», № 2, 17. VI. 1906): *казах уруслар келайатдилар* («Тараққий», № 9, 16. XII. 1906). Бунга қарама-қарши Самарқанддаги нашрларда ва бу ерлик муаллифларнинг асар-

ва ғарбий турк тили унсурлари катта ўрин тутар эди. Бу нарса Марказий Россия, Қрим, Озарбайжон, Туркиянинг ғоявий таъсири эканлиги сир эмас.

Татар, Қрим татар, Озарбайжон матбуоти ўзбек буржуазияси ҳамда зиёлиларининг сиёсий ва маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Қрим татар газетаси «Таржимон», татарча «Вақт», Озарбайжон сатирик журнали «Мулла Насриддин» Туркистон ва Бухорода кенг тарқалди.

Туркистон матбуотида, маданий-оқартув ишларида, театр ташкил қилишда, янги усул мактаблари очишда татарлар бевосита иштирок этдилар.

Бухорода биринчи марта янги усул мактабини 1907 йилда татар мулла Ниёз Собитов очди ва бу мактабда татар Абдураҳмон Саадий ўқитувчилик қилади.

Буларнинг ҳаммаси туркий тилларни «бирлаштириш» ҳақидаги ғоялар билан ҳамоҳанг эди.

Ғарбий-туркий унсурлар тилда мустаҳкам ўрнашиб олиб, ўша давр адабиёти ва матбуоти тилида узоқ вақт сақланиб қолди. Бу ғарбий унсурлар бир неча фонетик далилларда ҳам сақланган эди. Масалан: *Уч-дўрт гун сақланиюр* («Тараққий», № 6, 5. VII—1906); *ахри вар* (шу жойда); *вир мамлакат вар эса* («Садои Фарғона», 13. VI. 1914); *хабар верди* («Садои Туркистон», 18. IV. 1914).

Бу давр тилида ғарбий тил шакли «ўл» билан ўзбекча шаклдаги «бўл» феъллари параллел ишлатилган. Масалан: *Бу банкада Франция уч ҳисса ўлиб, бошқа давлатлар ҳақи биргина ҳисса ўлур эмиш* («Тараққий», № 4, 25. VI. 1906); *мажбур ўлди* (шу жойда); *бизларда на ўлди* («Хуршид», № 9. 3. IX. 1906) кабилар.

Булардан ташқари, адабий тилга бир қанча ғарбий-туркий морфологик унсурлар ҳам кириб келди. Масалан, сифатдошнинг ўтган замон шакли: *Майуб ҳисаб эдилан кишилар* («Тараққий», № 7, 22. VII. 1906). *Истамбулдан гелан хабарга қараганда* («Хуршид», № 2, 14. IX. 1906).

Сифатдошнинг келаси замон шакли: *Тараққи бизим маърифатимизнинг муфтаҳи ўлажакдир* («Тараққий», № 6, 5. VI. 1906); ўтган замон шакли *Зайниддин Харрот бу воқеани тушида кўрмишти* (кўрган эмиш) («Тараққий», № 4. 25. VI. 1906); ҳозирги замон феъли шакли: *Исбат қилийур* («Тараққий», № 15, 5. VIII. 1906); *Ҳўқанддан мударрис М. Н. ҳазратлари ёзиблар* («Садои

Туркистон», № 6, 24. IV. 1914); сифатдошнинг — **дик** аффиксли шакли: *Биринчи моддаси мутолаа қилиндикдан сўнгра* («Хуршид», № 2, 14. IX. 1906).

Адабий тилга у даврда йўл-йўлакай усмонли турк тилининг бир қанча лексик унсурлари ҳам кириб қолди. Буларнинг ҳаммаси «умумий турк тили» назарияси асосида пайдо бўлди. Масалан: *қўмондон* (командир), *санжоқ* (уезд), *Самарқанд санжоқининг тахсири* («Ойина», № 9, 1913). *Қўнгра* (Фран. конгресс) *умум мусулмон кўнграси* («Ойина», № 13, 1914, 205-бет). Бу хил сўзларнинг айримлари ҳатто кейинги даврларда ҳам учрайди.

Ўша давр тилида татар тилининг бир қанча унсурларини ҳам учратиш мумкин. Улар татарларнинг ўзбек матбуотида бевосита иштирок этишида кўринади. Татарча сўзлар асосан фонетик унсурларда ўз ифодасини топди.

Масалан: *чилин — член, кўриб билмий* («Садои Туркистон», № 3, 19. V. 1914). *Газета ўқий турган ҳар одамга маълум* («Садои Туркистон», № 10, 17. V. 1914) кабилар.

Татарча иборалар морфологик ва лексик унсурлар ҳам кўрина бошлади. Масалан: *Бизим Туркистон* («Садои Туркистон», № 10, 17. V. 1914); *қўлинда бор материаллар* (шу жойда); *Тийишли маълумот йибару* (шу жойда); *Урам вагун* (трамвай). («Тараққий», № 14, 3. VIII. 1906); *жирловчи хоним* («Садои Туркистон», № 18, 1914) кабилар.

1905—1917 йиллар ўзбек адабий тилининг асоси қандай эди ҳамда унинг халқ сўзлашув тилига, шеваларга муносабати қандай эди?

1905—1917 йиллар адабий тили эски ўзбек адабий тилининг яъни халқ жонли сўзлашув тилидан узоқ бўлган китобий-адабий тилнинг давоми эди. Унинг базаси сўзлашув тили бўлмаганлиги сабабли у вақтда адабий тил ҳақидаги тортишувларда шевалар муаммоси кўтариб чиқилмади.

Ўша давр адабий тилига кирган шевачилик унсурлари унинг таркибига сингиб кетган эди. Тошкентда чиқарилган матбуот асарлари тилида Тошкент шеваси хусусиятлари учрайди. Масалан: *кетваткан* («Тараққий», № 2, 17. VI. 1906): *казах уруслар келайатдилар* («Тараққий», № 9, 16. XII. 1906). Бунга қарама-қарши Самарқанддаги нашрларда ва бу ерлик муаллифларнинг асар-

ларида биз бир қатор шу шевадан кирган сўзларни учратамиз. Масалан: Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасида, «Ойина» журнали ва «Самарқанд» газетасида Самарқанд — Бухоро шеваларига хос турланиш системасини учратамиз, яъни қаратқич ва тушум келишиклари учун **-ни** аффикси қўлланади. Масалан: *Муни сабаби бизларни ўқимаганимиздир* (Беҳбудий, «Падаркуш»). *Халқни кўзи* (шу асар). *Ҳукуматни руҳсати илан* («Ойина», № 16, 1915, 448-бет). *Бизни Туркистонда* («Самарқанд», № 31, 30. VII. 1913).

Жўналиш ва ўрин-пайт келишигида **-га (-ка)** аффикси ишлатилади: *Бойвачча усули жадид мактабидами ўқийдир, ёки эски мактабга* («Падаркуш»). *Уйни бир тарафига сандуқ* (шу асар). *Бой ётир карават устига уйқуда* (шу асар). *Ўрта ва аъло* (олий) *мактабларига ўқийдурган болалар* («Самарқанд», № 31, 30. VII. 1913).

1905—1917 йиллар адабий тилида рус тилидан қабул қилинган сўзлар ҳам мавжуддир. Рус тили унсурлари, асосан, жонли сўзлашув шаклида кириб келган. Масалан: *қизиқ ва интересни ҳодиса эмиш* («Падаркуш»). *Банкалар кўпайди, катта бойлар чилин бўлур* (шу асар). *Пристуф ҳайда турма, марш* (шу асар). Бундан ташқари, матбуот тили орқали ҳам бу каби сўзлар кириб келди.

Умуман олганда, бошқа тилдан сўз олиш оғзаки сўзлашув орқали ва матбуот, ёзув орқали бўлади. Араб тилини ўрганиш ўзбек тилида бир қанча адабий шаклларни вужудга келтирган бўлса, оғзаки муносабат рус тилидан кўп сўзларни ўзлаштиришга сабаб бўлган.

Сўзлашув нутқи шаклида қабул қилинган сўзлар ўз орфографиясида аксини топди. Урғусиз унлилар талаффузига асосан ёзилди.

Ёзувда эса жонли сўзлашув нутқига хос бўлган протеза *(урус, истарши)*, эпентеза *(трудовой)*, апокопа *(сйаз, уйаз)*, синкопа *(дестин)* ва бошқа шу каби ҳодисалар ўз ифодасини топди. Буларнинг ҳаммаси сўз қабул қилишнинг оғзаки шаклда бўлганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Умуман, рус тилидан қай тарзда сўз олинганидан қатъи назар, у ўзбек адабий тили, жумладан, ижтимоий-сиёсий лексика ва атамашунослик тараққиётига самарали таъсирини кўрсатди. Бу ўринда бошқа тилларнинг ҳам озми-кўпми таъсири бўлди.

3- §. Ўзбек тилининг амалий грамматикасини тузиш учун бўлган уринишлар

Ўрта Осиёнинг Россияга мажбуран қўшиб олиниши натижасида Туркистон маъмурияти ҳарбий ва бошқариш ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида ерли халқларнинг тилини ўрганишни ҳам асосий вазифа қилиб қўйди. Ана шу вазифа ўзбек тилини ўрганишга ёрдам берувчи дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қилган эди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинганининг дастлабки йилида майор М. А. Терентьевнинг грамматикаси ва хрестоматияси нашр этилди.[1] Бу асарлардан сўнг ҳеч бир илмий қийматга эга бўлмаган, фақат амалий мақсадни кўзда тутувчи маълумотномалар ва мустақил ўрганиш учун қўлланмалар чиқа бошлади. Жумладан, А. Старчевский[2], В. А. Алексеев ва А. Вишнегорский-лар[3] қўлланмалари нашр этилди. Бу қўлланмалар чор ҳукумати маъмуриятининг кенг кўламда иш олиб боришига ёрдам бермас эди. Шунинг учун Туркистон генерал-губернатори 1906 йилда махсус буйруқ чиқариб, унда ҳарбий-маъмурий хўжалик соҳасидаги амалдорлар ўзбек тилини ўрганиши кераклиги кўрсатилади.

Буйруқда олға сурилган фикрлардан сўнг матбуот саҳифаларида мунозара бошланади. Мунозараларнинг натижаси ва қизиқишлар яна энг содда грамматика, қўлланмалар тузиш билан чегараланади. Юқорида эслатиб ўтилган қўлланмалардан ташқари, М. Андреев, Л. Зимин, Қиёс-Беков, Л. Афанасьев, Н. Смолевский, С. А. Лапин, М. Преображенский кабиларнинг ўзбек ти-

---

[1] Терентьев М. А. Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская, СПБ, 1875; Ўша муаллиф. Хрестоматия турецкая, персидская, киргизская и узбекская. СПБ, 1875.

[2] Старческий А. Спутник русского человека в Средней Азии. СПБ. 1878; Ўша муаллиф. Переводчик с русского языка на сартовский. СПБ, 1886; Ўша муаллиф. Русский средне и южноазиатский переводчик.

[3] Алексеев З. А. и Вишнегорский В. Самоучитель сартовского языка. Ташкент, 1884; Алексеев З. А. Фразы на сартовском языке с русским переводом и транскрипцией. Ташкент, 1884.

лига бағишланган асарлари нашр этилади.[1] Уларнинг кўпчилигида ҳали илмий далиллар етишмас эди.

Шунинг учун академик К. К. Залеман А. Алексеевнинг «Самоучители»ни танқид қилиб: «Кимки, бирор-бир туркий тилнинг самоучителини тузмоқчи бўлса, аввало «Олтой тили грамматикаси» билан танишиб чиқсин»[2] деган эди.

1905—1917 йиллар даврида она тили дарсликлари ҳам тузилади. Бу дарсликлар биринчи марта товуш усули асосида тузилиб, улар ҳам озми-кўпми ўзбек адабий тилининг нормаллашишига ва бошланғич мактабнинг энг оддий талабини қондиришга хизмат қилар эди. Бундан ташқари, бошланғич синфлар учун ўқиш китоблари ҳам чиқарилган.

1914—1915 йилларда Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Енгил адабиёт», «Қироат китоби», «Ўқиш китоби» номлари остида педагогик мазмундаги китоблари майдонга келган.

Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1918), «Адабиёт ва миллий шеърлар», «Биринчи муаллим» (1912), «Иккинчи муаллим» (1915), «Гулистони мактаб» (1917) номли асарлари нашр этилади. Бу каби бадиий ва таълим-тарбиявий асарлар ҳамда публицистик мақолаларда рус ва умуман дунё халқлари маданияти, илму фани, мактаб ва маорифи улуғланиб, халқни илмли, маданиятли бўлишга чақирилади.

1912 йилда М. Фахриддиновнинг биринчи синфлар учун «Раҳбари аввал», Абдураззоқ Наманганийнинг «Таҳсилул алифбо» номли китоблари чиқди.

Алифбо китоблари билан бирга, бошқа мақсадлар-

[1] Анреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище, Ташкент, 1896; Машковцев Ф. Уроки сартовского языка, Т.—1899; Наливкин В. П. Руководство к практическому изучению сартовского языка, Самарканд, 1898; Наливкин В. П., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общепотребительских слов с приложением грамматики по наречиям Наманганского уезда, Казань, 1884; Наливкин В. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь, Т—1912; Беляев И. Руководство к практическому изучению сартовского языка и русско-сартовский собеседник, Т—1910; Будазинский Н. Учебник сартовского языка, Т.—1910; Зимин Л. Учебник сартовского языка. Т.—1914; Киясбеков. Словарь из элементарных слов с главнейшими грамматическими правилами; Скобелев, 1908; Смоленский Н. Краткая грамматика узбекского языка, изд. I, Самарканд, 1914; Преображенский М. Карманный руско-сартовский словарь, Т.—1917.

[2] Қаранг: Записки Восточного общества, I. СПБ, 1887, 37-бет.

даги китоблар ҳам нашр этилди. Масалан, Наманганда Исҳоқхоннинг «Жомиул Хутун» (1912), Тошкентда Қори Муҳаммаднинг «Тўғри ёзиш» (1915) китоблари нашр қилинади.

Бу анча содда дарслик ва китобларда, асосан, она тилининг софлигига эътибор берилган. Абдулла Авлоний бу ҳақда: «Алифбо соф ва осон туркистон лаҳжаси тилида ёзилган» деб ёзади. Бу дарслик ва қўлланмаларда ғарбий-туркий тил унсурлари ошиб-тошиб ётар эди. Масалан: *Мактаб сизи инсон қилур* («Иккинчи муаллим»); *Дўстларнинг бири дарҳол югуриб дарахт устига чиқмиш* («Иккинчи муаллим»). *Қўй қадам илм уйина, тумор, маржонни унут* («Адабиёт»).

Ўзбек адабий тилининг шўро давридаги тараққиёти ва унинг фонетик тизимидаги ўзгаришлар

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тили эски ўзбек адабий тилининг тарихан ишланган ва ҳозирги талабга мослашган шаклидир.

Шўро ҳокимияти йилларида ўзбек халқи «шаклан миллий», «мазмунан социалистик» маданиятни ривожлантириш учун курашди. Халқ хўжалиги ва маданият соҳасидаги ўзгаришлар миллий тиллар олдига янги вазифалар қўйди. Ўзбек адабий тилига давр тақозоси билан янги тушунчаларни англатувчи сўз ва иборалар кириб келди, унинг грамматик қурилиши янги шакллар билан тўлдирилди.

Шўро даврида ўзбек адабий тилида юз берган ўзгаришларни унинг фонетикасида ҳам, лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, орфографиясида ҳам, услубиятида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда ўзбек тили фонетикасида рўй берган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

а) унли ва ундошлар системасида: **и, а, о** унлиларидаги фарқли ҳолат; **л, р** ундошларида юмшоқлик (палатилизация) ҳодисасининг юз бериши; **в, ф** товушлари лаб-лаб, лаб-тиш, **ж, дж** товушларининг сирғалувчи, қоришиқ сифатида фарқланаётганлигида кўринади;

б) рус тилининг баъзи ўзига хос товушлари талаффуз нормаларига мос ҳолда ўзбек тилига кириб келди ва келмоқда. Масалан, **ы унлиси, ц, щ** ундош товушлари;

в) сингармонизм функционал жиҳатдан чекланди ва бўш бўлди. Масалан: Муқимий ва Фурқат асарларида айрим сўзлардаги аффиксларнинг сингармонизм талаби-

га асосан ёзилишини учратамиз: *кечтук, ўрун, ўпушиб, ўтуб, ўнум* каби;

г) урғу тизимида ўзгариш юз берди. Ўзбек тилида урғу боғлиқ урғу ҳисобланади. Рус тили таъсирида ўзбек тилида эркин урғу ҳам пайдо бўлди: *óбласть, рýчка, лéкция* (урғу биринчи бўғинда), *програ́мма, раке́та* (урғу иккинчи бўғинда) каби.

Ўзбек тили фонетикасида дастлабки йиллардаёқ пайдо бўлаётган ўзгаришлар маълум даражада ёзувни такомиллаштиришни тақозо этарди. «Маданий қолоқлик»ни тугатиш ва барча халқларни социалистик қурилишга жалб этиш зарурлиги ёзув билан боғлиқ масалаларни тез ҳал қилишни талаб этди.

Маълумки, ўзбек халқи бир неча аср мобайнида араб ёзувидан фойдаланиб келган.

Инқилобнинг дастлабки йилларида бошқа ёзувга ўтиш учун оммавий зарурият туғилмаган эди. Чунки араб ёзуви ўзбек халқининг онгига чуқур сингиб кетган ва бу ёзувда ўзбек халқининг маълум мумтоз адабиёти яратилган эди. Шу сабабли ёзув соҳасидаги вазифа ўзбек тилининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда араб ёзувини такомиллаштириш, соддалаштириш тарзидагина ўқилиши мумкин бўлди. Бу вазифа 1922 йилда амалга оширилди ва у ёзувни такомиллаштириш йўлидаги биринчи қадам қўйилди. Бу тадбир ўзбек халқининг маданий жиҳатдан юксалишида муҳим аҳамият касб этди. Шўро ижтимоий ва давлат тузуми шароитида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий тараққиёти тезда мавжуд ёзувни такомиллаштириш ёзув масаласини тўла ҳал этмаслигини ва лотин ёзувига ўтиш зарурлигини кўрсатди. Натижада 1929 йилда лотин ёзувига ўтилди. Лотин ёзувига ўтиш «маданий инқилоб»ни тайёрлаш ва амалга оширишда муайян роль ўйнади. Бу ёзувни такомиллаштиришдаги иккинчи қадам бўлди. Лотин ёзуви ҳам учинчи қадамни қўйишгача ўзгартирилди. 1929 йилда 9 унлили тизим асосида олинган ёзувга 1934 йилда жиддий ўзгаришлар киритилди. Айрим унлиларни ифодаловчи ҳарфлар, товушлар қисқартирилди ва имло қоидалари янгидан тузилди. Буларнинг ҳаммаси учинчи қадамни қўйиш, яъни рус графикаси асосидаги ёзувга ўтиш учун шарт-шароитлар тайёрлади. Натижада 1940 йилнинг май ойидан бошлаб ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алфавитдан рус графикасига (кириллча ёзувга) асосланган янги ёзув тизимига кўчирилди. Шу тариқа

бу тадбир ўзбек халқи маданиятининг тезроқ «юксалиши»га, «равнақ топиши»га ёрдам беради, деб ҳисобланди. Лекин бу тадбир орқасида шўро тузумининг қандай мақсади яширингани кейинчалик маълум бўлди.

1- §. Ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар

Ўзбек халқи ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, табиий, тилимизнинг луғат таркибида ҳам ўз аксини топди. Шўро даврида ўзбек тили лексикасида содир бўлган ўзгаришлар ўзбек тилининг ички имкониятлари, рус тилидан кирган сўз ва атамалар орқали акс эттирилди. Маълумки, 30- йилларнинг бошида илмий-техника атамашунослигини яратишга эҳтиёж сезилди, Шу муносабат билан турли соҳалар бўйича пайдо бўлган янги тушунчаларни ифодаловчи сўз ва атамалар билан луғат таркибини тўлдириш зарурияти туғилди. Бунинг учун ўша даврда халқ шеваларига мурожаат қилинди. Адабий тилга шевалардан кўплаб сўз ва атамалар олинди. Улар маданий ва хўжалик қурилишимизнинг турли соҳаларида ишлатилмоқда. Масалан, *тенглама, ўнлик, юзлик, учбурчак, тўғри чизиқ* (математика), *ундош, унли, атов, атоқли от* (тилшунослик), *ғаллакорлик, пахтакорлик, сувлик, ботқоқлик, мевалик* (қишлоқ хўжалиги) кабилар.

Ўзбек адабий тилида лексиканинг семантик ривожи ҳам кўзга ташланди. Лексиканинг бу томондан ривожланиши эса эски сўзларни янги маънода қўллаш, сўзларни кўчма маънода ишлатиш асосида юз берди. Бу нарса жамиятимиз ижтимоий тузилиши, шўро кишисининг янги ҳаётий муносабатлари, ахлоқ нормалари, урф-одатлари билан боғлиқдир. Масалан: *ишчи* сўзи эски ўзбек тилида ва қадимги туркий адабий тилда «хизматкор, малай, лойчи» каби маъноларда қўлланган. Ҳозирги вақтда ишчи деганда кўпроқ завод-фабрика, давлат хўжалигида ишлайдиган киши тушунилади. *Ватан* сўзи тор маънода ҳовли-жой маъносини, *республика* — мамлакат маъносини билдиради; *ер* сўзи сайёра маъносидан ташқари, *участка, тупроқ, давлат, мамлакат, ўрин, паст, оёқ ости* маъноларини ифодалайди. Маълумки, баъзи сўзлар рус тилига туркий тиллардан қабул қилинган. Жумладан, *маёқ, стакан, товар, ўчоқ* кабилар. Бундай сўзлар шўро даврида ва ундан олдинроқ рус тили заминида ўз маъносини кенгайтирган ҳолда ўзбек

тилига ўзлашган эди. Масалан: *ўчоқ* (очаг) — *печь* каби асл маъносидан ташқари, манба, бирон нарсанинг тарқалиш манбаи; бирор ташкилот: *уй* — хонадон, оила каби маънолар касб этган; *билим ўчоғи* (очаг знаний), *кадрлар ўчоғи* (кузница кадров), *маданият ўчоғи* (очаг культуры), *тарбия ўчоғи* (очаг воспитания) кабилар. *Маёқ* сўзи чўққи, чегара белгиси, байроқ маъносидан ташқари, денгиз қирғоғига ўрнатилиб, кемаларга йўл кўрсатувчи минора, намуна бўладиган нарса каби маъноларни ҳам билдиради; *Ўзбекистон — Шарқдаги маёқ* каби.

Рус тилининг бевосита таъсири натижасида калькалаш (айнан таржима) йўли билан ўзбек тилида жуда кўп янги сўз ва атамалар юзага келди. Масалан: *шанбалик* (субботник), *ёқилғи* (горючий), *беш йиллик* (пятилетка), *тўгарак* (кружок), *туғруқхона* (родильный дом), *музёрар* (ледокол), *етти йиллик* (семилетка), *йўлдош* (спутник), *пайвандчи* (сварщик), *тенглама* (уравнение), *аниқловчи* (определение) каби.

Юқоридаги каби сўз ва атамалар ҳаётимизнинг барча соҳаларида турли-туман тушунчаларни ифода этиш зарурияти билан ишлатилиб келмоқда. Ҳозирги ўзбек адабий тили калькалаш йўли билан пайдо бўлган сўз ва атамаларнинг қайси даврда вужудга келганлигини рус тилидаги тарихий санасига асосланиб белгиласа бўлади. Масалан: *шанбалик* —1920 йилда, *беш йиллик* —1929 йилда, *стахановчи* —1935 йилда, *чўлқувар* —1954 йилда, колхоз-совхоз —1920—30- йилларда пайдо бўлган.

Рус тилидаги янги-янги фразеологик бирликлар, мақолларни айнан таржима қилиб ишлатиш ҳам кенгайиб борди. Масалан: *тинчликсевар халқлар, шаклан миллий, мазмунан социалистик, танқид ва ўз-ўзини танқид, ҳечдан кеч яхши, биринчи қалдирғочлар, дала маликаси, зангори кема, сунъий йўлдош, зангори олов* кабилар. Юқорида кўздан кечирилган фактлар ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида вужудга келган.

Фан ва техника ривожи туфайли ўзбек тилига четдан жуда кўп янги сўз ва атамалар қабул қилинди. Бу соҳада рус тилининг самарали таъсири катта бўлди. Рус тили орқали фаннинг турли соҳа ва тармоқларига оид тегишли сўз ва атамалар ўзбек тилига кириб келди. Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзлар ўзбек тилшунослигида махсус луғат қилиб нашр этилган. (О. Усмонов, Р. Дониёров. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965 й.)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўзларнинг маъно хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бундай фактлар ўзбек умумхалқ тили лексикасининг ўсиш йўллари ва ривожланишини кўрсатади.

2- §. Ўзбек адабий тили морфологиясида янгиликлар

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг морфологик тузилиши ҳам бир қанча янги грамматик шакллар билан бойиди. Бу янгиликлар ўзбек тилининг ички ва ташқи манбаларидан фойдаланиш асосида ўзбек адабий тилининг морфологик тизимида пайдо бўлган янгиликлар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин.

1. Кўпчилик аффикси **-лар** кўплик, умумийлик, чоғиштириш маъноларидан ташқари бошқачароқ вазифани адо эта бошлади:

а) **-лар** сифат шакли ясашда хизмат қилади: *болалар боғчаси* (болаларнинг боғчаси деб ишлатмаймиз), *ишчилар шаҳарчаси* (ишчиларнинг шаҳарчаси эмас) каби.

б) бирор нарса-буюмнинг жами, нави, хилини англатади: *сувлар ичдим, қаламлар олдим, газеталар ўқидим* каби.

в) ҳурмат маъносини билдиради: *акамлар келдилар, ойимлар кетдилар* каби.

2. Ҳозирги ўзбек тилида келишиклар вазифаси анча кенгайиб бормоқда. Маълум бир вазифада қўлланиб кетган аффикс ёки кўмакчили қурилмани қўллаш ҳодисаси тез-тез учрамоқда. Масалан: *Биз кеча боққа* (боғда) *тўпландик. Ишларингизга* (ишларингизда) *муваффақият тилайман. Шундай дейишга* (дейишдан) *уялдим. Отабек иргиб отга* (отни) *минди ва Қутидордан сўради* (А. Қодирий). *Телефонда гаплашмоқ, телефон орқали гаплашмоқ, телефон қилмоқ* кабилар. Бундай ҳолат, ўз навбатида, тилнинг вазифасига хос имкониятлари чегараси кенгайганлигини кўрсатади.

3. От категориясидаги баъзи сўз ясовчи аффикслар-нинг функционал ривожи ҳам морфологиямизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим бир қисмини ташкил қилади: **-чи, -ли, -лик, -ча, -ма, -лаштириш, -дош, -чилик**

каби. Шу аффикслардан баъзиларини кўздан кечирайлик.

Маълумки, эски ўзбек тилида **-чилик** аффикси кам қўлланилар эди. Бу аффикс маъноси кўпинча **-вул** аффикси билан берилар эди: *чинговул, киптовул, тустовул* (қаранг: А. Навоий, «Муҳокаматул луғатайн». Асарлар, 3-том, Тошкент, 1948, 210-бет). Ҳозирги ўзбек адабий тилида **-чилик** аффиксининг қўлланиш доираси анча кенгайди. Масалан: *деҳқончилик, далачилик, пахтачилик, хизматчилик, оғмачилик, теримчилик* каби. Баъзан нутқда **-чилик** аффикси ўрнида **-лик** аффикси ишлатилади.

Ёки **-лаштириш** аффиксини олиб кўрайлик. Бу аффикс ўзлаштирилган байналмилал, баъзан ўзбекча сўзларга қўшилиб келади. У 20-йиллардан эътиборан ишлатила бошланди: *электрлаштириш, коллективлаштириш, соддалаштириш.*

4. Ўзбек тилида айрим феъл шакллари ясовчи аффикснинг вазифаси кенгайгани ҳолда, баъзилари қисқармоқда, баъзи аффикслар маъноларида фарқли ҳолат рўй бермоқда. Масалан: **-япти** аффиксининг вазифаси кенгайиб боргани ҳолда, **-ётир, жак** аффикслари ни ишлатиш доираси чекланмоқда. Келиб чиқиш негизи бир бўлган **-гунча, ганча** аффиксларининг маъноларида фарқланиш вужудга келди. Ҳозирги тилда **-гунча** пайт равишдоши ясайди, **-ганча** эса қиёслаш-чоғиштириш маъноларини билдиради.

5. Ўзбек тили луғат таркибига рус ва байналмилал сўзлар келиб қўшилгани сабабли, улар билан боғлиқ ҳолда бир қанча аффикслар ҳам ўзлаштирилди: **-изм, -ист, -ер, -ик, -ив, -изация, -фикация** каби. Масалан, *капитализм, романист, артистка, субъектив, технологик, механизация, канализация.*

6. Рус тилининг таъсирида ўзбек адабий тилида композиция йўли билан сўз ясаш доираси анча кенгайди. Қўшма сўзларни ясашда асл ўзбек сўзлари билан бир қаторда, бошқа тиллардан кирган сўз ва атамалар ҳам тенг ҳуқуқли қисм сифатида иштирок қилди: **агро-, водо-, гео-, гидро-, -логия, -мер, микро-, мото-, радио-, теле-, тепло, -ультра-, -ход.**
Масалан: *автопойга, аэромаёқ, гидроиншоот, микроўғит, радиотўлқин, радиоэшиттириш, телемарказ, телетомошабин, ультрабинафша* каби.

7. Эски ўзбек тилида кисқартма отлар учрамас эди. Баъзан сўзлашув тилида ТЎМ (тўлиқсиз ўрта мактаб) қисқартмасини дастлабки йилларда учратамиз. Ҳозирги ўзбек адабий тилида аббревиатуралар бевосита рус тилининг таъсирида пайдо бўлган. Масалан: *санбат, комсомол, БМТ, Ўздавнашр, Ўзкитоб, Ўқувпеддавнашр* каби.

8. Такрор натижасида жуфт отлар ясалади. Редупликация йўли билан пайдо бўлган жуфт отлар эски ўзбек адабий тилида ҳам учрайди. Шўро даврида жонли тилдан адабий тилга кирган янги жуфт сўзлар пайдо бўлди. Масалан: *от-пот, пала-партиш, иш-пиш, ош-пош, апил-тапил, қора-қура, патир-сатр* кабилар.

9. Эски ўзбек адабий тилида фамилиялар, тахаллуслар, *қизи, ўғли, зода, -ий* воситаси билан юзага келган бўлса, ҳозирги ўзбек адабий тилида рус тили таъсирида **-ов, -ев, -овна, -ович, евич** каби аффикслар воситасида ясалади. Масалан: *Солижон Ҳасанович Очилов, Зайнаб Сайфиевна Шойназарова* кабилар.

Бу фикрлар адабий тил морфологиянинг айрим грамматик шакллар нуқтаи назаридан ихчамлашганлигини ва бойиганлигини кўрсатади.

3- §. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидаги ўзгаришлар

Шўро ҳокимияти йилларида ўзбек тили синтаксисида ҳам сезиларли ўзгариш юз берди. Маълум бир бўлакни таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, сўзлашув нутқида сўз тартибида ўзгариш юз бермоқда.

Бундай ҳолатни кўпинча дикторлар (сухандонлар), конферансье нутқида ва нотиқларнинг тантанали нутқида учратамиз. Масалан: *Ашулани ижро этади Нуриддин Ҳайдаров; Эфирда куйлайди Лайло Шарипова; Шеърни ўқийди муаллифнинг ўзи* кабилар.

Эргашли боғланишнинг от бошқарувли типи ҳозирги тилимизда самарали қўлланмоқда. Бу хил бошқарув эски ўзбек адабий тилида ҳам қўлланилган. Бундай бошқарув типлари рус тилининг самарали таъсирида пайдо бўлган[1].

Масалан: *меҳнатда — роҳат; яхшиликка — яхшилик; ҳаракатда — баракат; пахтадан мўл ҳосил; Мактабдан*

---

[1] Гулямов А. Г. Развитие узбекского литературного языка в советский период. Известия АН УзССР, 5. Ташкент, 1948, 15—23-бет.

ишга! Ҳамма пахта теримига! Жаҳонга тинчлик!

Ҳозирги ўзбек адабий тилида кириш сўз, ибора ва гаплар ҳам анча ривожланди. Масалан: — *Тўғри, ёмон одам жазосини тортиши керак,— деди Саида* (А. Қаҳҳор). *Бу студент (ўтган йили мусобақада иккинчи ўринни олган эди) шахматга жуда берилган.*

Ҳозирги ўзбек тили синтаксисида номинатив ва сўзгапларнинг ҳар хил турлари ҳам пайдо бўлди. Бу хил гаплар XIX асрнинг охиригача деярли учрамайди, деса бўлади[1]. Масалан: *Тонг. Қуёш кўкка ленталар ёйди. Салом, бригадир! Салом, салом. Бормилар?* («Муштум»).

Равишдош ва сифатдош оборотлар билан бирга боғловчили қурилмалар ҳам параллел қўлланадиган бўлди. Масалан: *Бошим оғриб, ишга чиқа олмадим. Бошим оғриганлиги сабабли ишга чиқа олмадим.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гап қурилмаларининг турли типлари пайдо бўлди. Жумладан, **-ки** боғловчиси билан бириккан турли типдаги эргашган қўшма гаплар вужудга келди. Масалан: *Бахтим борки, ҳар нарса гўзал кўринади менинг кўзимга* (Ҳ. Олимжон). *Ишқилиб, уни қўлга киргизингки, бошқа нонхўрларга намуна бўлсин* (С. Айний).

Бундан ташқари, кўчирма гапли қурилмалар кўп ишлатилмоқда. Кейинги пайтларда кўчирма гапларнинг МҚ (муаллиф гапи, кўчирма гап) КМ, ҚМҚ, МҚМ типларидан ташқари, МҚМҚ, ҚМҚМ ва камроқ МҚМҚМ кўринишлари ҳам ривожланди.

Масалан: *Хийла ергача жим боришди. Ниҳоят қори: Ўрмонжон акамнинг жаҳллари кўп тез-да,— деди ва товуш чиқармай қорнини силкитиб кулди,— раиснинг ўнг қўли бўлгандан кейин шу билиниб турмаса бўладими* (А. Қаҳҳор). МҚМҚ. — *Йўқолсин уруш,— деди.— Бўлсин замон осойиш,—деди,—ер юзида инсонлар* (КМҚМ). *Буни кўриб Ўрмонжон: «Ҳа, демак, ҳовридан тушибди» деб ўйлади-да, эшик олдига бориб,— қаерда эдингиз?— деб сўради* (А. Қаҳҳор). МҚМҚМ.

Булар ўзбек тили синтактик қурилишида унинг содда ликдан мураккаблиққа, қуйи ҳолатдан юқори ҳолатга қараб аста-секин ривожланиб бориши жараёнида пайдо бўлган, янги даврнинг талабига мувофиқ миллий адабий тилнинг қурилишига мос келадиган ўзгаришлардир.

[1] Гафуров Х. Номинативные предложения в современном узбекском языке. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1962.

4- §. Ўзбек тили функционал услубларининг ривожланиши

Функционал услубларнинг ривожланиши тарихий ва зарурий ҳодиса бўлиб, буни ривожланаётган ҳамда шаклланаётган миллий бирликнинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг янада ўсиши, жамиятда тилга бўлган янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши тақозо этади.

Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда бадиий услубда асосан шеърият ривожланган, публицистика услуби энди пайдо бўлаётган, миллий ва расмий-амалий услублар деярли йўқ, илмий услуб унчалик тараққий этмаган эди. Шўро ҳокимиятининг дастлабки пайтларида унинг моҳиятини тушунтириб берадиган кўпгина ҳужжатлар ўзбек халқига ўзининг русча тили ва услубида етиб келар эди. Албатта, бу ҳужжатлар таржима қилинар эди. Лекин таржимада сўз ва атамалар билан бир қаторда, асл нусханинг услуби ҳам бир кадар сақлаб қолинарди. Бу нарса рус тили услубининг ўзбек миллий тили услубига таъсирини кучайтирди. Бу ҳолни ўзбек адабий тилининг услубий хусусиятлари ёки турли жанрлари ҳам кўрсатади.

Ёзма нутқда монолог ва диалог шакллари пайдо бўлди. Турли касб-ҳунардаги шахслар ўртасида ҳар хил ёзишмалар ривожланди. Газета, журнал ва дарсликларда янги нутқ оборотлари пайдо бўлди. Шиор ва чақириқларнинг янги шакллари вужудга келди. Телеграмма, буйруқ, фармон, декрет, директива каби ҳужжатларнинг тузилиши ихчамлашди. Бу жараёнда ўзбек адабий тилида услубларнинг қуйидаги гуруҳлари шаклланди:

1. Адабий-бадиий услуб. Бунинг ўзи шеърий услуб ва насрий услуб деб иккига бўлинади.

2. Ижтимоий-публицистик услуб. Бунга газета-журнал, адабий-танқидий ишлар, памфлетлар, мақолалар ва очерклар услуби киради.

3. Илмий баён услуби, бунинг таркиби нутқ воситаларининг турли кўринишидан иборат (тиббиёт, ҳуқуқ, фалсафа ва ҳоказо). Илмий-оммабоп асар, мақола, рисолаларнинг услуби ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлди.

4. Касб-ҳунар-техника услуби, бу ишлаб чиқариш-техника адабиётлари услубидир. Бу услуб техника, ҳарбий ва бошқа турли хил касблар соҳасида иш кўрувчилар учун хизмат қилади.

5. Қонунлаштирувчи ҳужжатлар, буйруқлар, топшириқлар услубидан иборат расмий ҳужжатлар услуби.

6. Ҳар хил ёзишмалар, кундаликлар ва хатларга хос бўлган мактубий услуб.

Жамиятнинг маданий савияси ҳар бир кишининг тилдаги услубий жиҳатларни эгаллаб олиш, яъни услублардан конкрет вазиятга қараб фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун жамиятнинг маданиятли ходими адабий тилнинг барча бойликларини ўзлаштириб олгандагина ўзининг митингда, тантанали мажлисда, илмий мунозарада, радио эшитувчилар ва телетомошабинлар олдида, расмий меҳмонлар билан учрашув вақтида, ишлаб чиқариш кенгашида ва ҳоказоларда қай тарзда сўзлаш лозимлигини билади. Бундан ташқари, газетага мақола ёзишда, илмий ахборот, оммабоп рисола, хитобнома, ариза, шахсий мактуб ва ҳоказолар ёзишда услубни тўғри танлайди.

5- §. Ҳамза ва ўзбек адабий тили

Ўзбек маданиятининг атоқли арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий чуқур ижтимоий мазмун билан суғорилган асарлар яратиб, XX асрнинг 30-йилларигача бўлган адабиётни янги образлар, янги мавзу ва шакллар билан бойитди. У адабиёт, санъат, халқ маорифи ҳамда шу даврдаги ўзбек адабий тилини ривожлантириш йўлида талай ишлар қилди.

Ҳамза мадрасада ўқиб юрган вақтларида Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат каби илғор маърифатпарвар шоирларнинг асарларини қунт билан ўқийди. У рус тилини пухта ўрганиб, Пушкин, Гоголь, Островский, Горький ва Маяковский асарларини, озарбайжон, татар, қозоқ халқлари ёзувчиларининг асарларини, ана шу тилларда нашр этилган газета ва журналларни узлуксиз мутолаа қилди.

Ҳамза ўз ижодий фаолияти давомида ўзбек адабий тилини жонли халқ сўзлашув тилига яқинлаштиришга интилди, унинг кўпчиликка тушунарли бўлишини таъминлаш учун курашди. Лекин унинг бу ҳаракатини айрим кимсалар адабиётдан хабарсизлик деб бўҳтон қилдилар. Бунга қарши Ҳамза «Қизил гул» тўпламига ёзган сўз бошида шундай дейди: «...адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми?» деювчи зотларга қарши биз, бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизнинг тушунувина ўнғай бўлсин учун бўлса керак, деймиз... биз ўзбек тилига яқинлаштирмоққа киришдик».

Ҳақиқатан ҳам «Ҳамза ўз она тилини ҳимоя қилган, бадиий асар тилининг халқчил бўлиш принципида маҳкам турган ва бадиий асар мазмуни билан баробар шакли ҳам кенг ўқувчилар оммасига тушунарли бўлиши кераклигини асосий мезон қилиб олган»[1] эди.

Шоир 1916—1917 йилларда нашр этилган «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул», «Пушти гул», «Сафсар гул», «Сариқ гул» тўпламларида ана шунга амал қилгани ҳолда, халқ қўшиқлари вазни ва куйларида ажойиб халқчил шеър намуналарини яратган:

Сувлар кетар, тош қолур,
Кулфат кетар, ёш қолур.
Боболардан бир сўз бор,
Ўсма кетар, қош қолур.

ёки:

Йигит деган эр бўлур,
Меҳнат кўрса шер бўлур

сингари содда ва ихчам мисралар халқ мақоллари таъсирида ёзилган. Бу унинг халқ оғзаки ижодиёти хазинасидан кенг кўламда ижодий фойдаланганини кўрсатувчи яққол далилдир.

Ҳамза ўзбек шеъриятига янги услуб ва янги адабий шаклни олиб кирган новатор шоир сифатида шуҳрат қозонди.

Унинг мисраларида кўтаринки руҳ, халқчиллик, шеърий вазн ва оҳанг мутаносиблиги, бадиий юксаклик яққол акс этган.

Шоирнинг тил ва услуб соҳасидаги новаторлиги шундан иборатки, у ўша даврда ўзбек халқи орасида қўлланма бошланган «ишчи», «меҳнатчи», «хизматчи», «ишчидеҳқон», «янги турмуш», «контрлик» ва бошқа кўпгина янги сўз, сўз шакллари ва ибораларни шеъриятга олиб кирди ва улардан кенг фойдаланди. Шунингдек, ўзбек тили луғатида бор сўзларнинг айримларини янги маънода ишлатди, халқ иборалари, мақоллар, ҳикматли сўзлардан ижодий фойдаланган ҳолда, уларда замон руҳини ифодалади ва, ниҳоят, ўзи ҳам янги сўзлар яратди.

Ҳамза адабиётнинг асосий воситаси бўлган тил сод-

[1] Қаюмов Л. Аср ва наср. Тошкент, 1975, 50- бет.

далигига алоҳида аҳамият бериб, ўзининг барча жанрларда яратган асарларида бунга амал қилди ва катта муваффақиятларга эришди.

Шоир шеъриятининг лексикасида асосан ўзбекча (туркча) сўзлар, тожикча, арабча, татарча, ўғуз тиллари (шевалари)га хос унсурлар ва диалектизмлар ишлатилганини кўрамиз. Лекин тожикча, арабча сўз ва сўз шакллари Ҳамза шеърларида замондош шоирларга қараганда озроқ ишлатилган. Бунинг сабаби, Ҳамзанинг ўз таъбири билан айтганда, асарлари тилини ўзбек авом тилига яқинлаштириш, соддалаштиришга интилишидир. Қўлланган арабча ва тожикча сўзларнинг аксарияти ўша вақтда ўзбек тилига сингиб кетган ва ўзбек мумтоз шеъриятида кенг тарқалган сўзлардан иборат: *асрор* (а)— сирлар, *аъмо* (а)— кўр, *ботин* (а)— ички томон, *савт* (а)—овоз, *мақдам* (а)— йўл, *мусоҳиб* (а)—ҳамсуҳбат, *эъзоз* (а)— иззат, *маош* (а)— тирикчилик, *зоҳид* (а)— сўфи; *маллапўш* (т)— малла тўнли, *серўз* (т)— уч кунлик, *андуҳ* (т)— қайғу, ғам, *ком* (т)— мақсад, *мўр* (т)— чумоли, *ноб* (т)— соф, тоза ва ш. к.

Унинг асарларида баъзан арабча ва тожикча сўзларни ўзбекча (туркий) сўз ва қўшимчалар билан алмаштириб ишлатиш ҳолларини кўрамиз: *ҳамроҳ* ўрнида *йўлдош, беозор* ўрнида *озорсиз, жосус* ўрнида *яшурун, зўр* ўрнида *куч* каби.

Татар ва ўғуз тиллари (шевалари)га хос сўз ва сўз шакллари шоирнинг янги шакл, вазнда шеърлар яратиш йўлида анъаналарга бой татар ва озарбайжон адабиёти билан танишиши, ўрганиши ҳамда уларга эргашиши жараёнида пайдо бўлган. Масалан: ўғузча: *ёлон*— ёлғон, *севдиги* — севгилиси, *ўлурса* — ўлди, ўлиб, *куймишам, афандиларимиза, нокаса* — нокасга, *бан* — мен, *истамиш, келмиш, сузмоқа*—сузмоққа, *қолмоқа*—қолмоққа, *билмам*—билмайман; татарча: *оқирин* (акирин)—секин, *шулай, улай, булай, ани, кил,— кел, туған, қарт; турам, кўрам, қўрқам, санами, суя кўр, билалар, ёзарға, зўр* (зўр китоб) ва ш. к.лар учрайди.

Ҳамза улуғ демократ-маърифатпарвар шоир Фурқатдан кейинги авлод ёзувчилари орасида рус адабиёти, рус тили ва умуман рус маданиятини ўрганиш, уни кенг ташвиқ қилишда алоҳида ўрин эгаллайди. «Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 25 октябрь сонида босилган «Муаллим афандиларимиза улуғ рижомиз» мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Бизим қайси бир мусулмонга сиз ҳам ўғлингизни русча ўқитувга беринг, бизга энг керакли тижорат асбобларидан бири, дорилфунун тарбия ва таълимларин қўлга олмоқдур. Бошқа миллатлардаги халқ илм учун ёшгина ўғил ва қизларини Оврупадан Америкага, Осиёдан Оврупага 4—5 йил мусофир қилиб юборадилар. Лоақал сиз кўз олдингизда бўлган «Русско-туземнический» мактабларина беринг...»[1]

1920 йилларда ёзилган «Ҳой, ҳой, отамиз», «Берма эркингни қўлдан» каби шеърларининг поэтикаси, улардаги чақириқ, ҳайқириқ, ҳужумкорлик хусусиятлари рус инқилобий қўшиқлари ва шўро поэзиясининг классиги В. В. Маяковский ва Д. Бедний таъсирида яратилганмикан деган фикрни айтишга имкон беради.

«Бой ила хизматчи» драмасини томоша қилар эканмиз, ундаги образлар рус драматурги А. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ» пьесасидаги образлар билан чамбарчас боғланганини кўрамиз. Жамила билан Катеринанинг фожиали ўлимлари, Ҳожи она билан Кабаниханинг уй ичидаги кирдикорлари ўртасида ўхшашлик бор. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Унинг асарларида анчагина русча сўзлар ва бу тил орқали ўзлашган русча--байналмилал сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг кўпчилиги рус тилидаги шаклида, айримлари фонетик жиҳатдан ўзгарган ҳолда ишлатилган: *станция, поезд, вагон, белат, извош, семафор, старший, палиска, вексел, гостиница, милиция, одиял, банка, губернатор, печать, протес, закон, военный, суд, папка, винтовка, орёл* ва ш. к.

Диалектизмлар. Ҳамза асарларида диалектизмлар кўпинча асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний кўрсатиш учун, персонажлар нутқини хусусийлаштиришни назарда тутиб ишлатилган.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган диалектизмларнинг кўпчилиги Фарғона типидаги қарлуқ лаҳжасига тааллуқли диалектизмлардир (Қўқон, Марғилон, Водил).

Масалан: **Бақа // баққа** — бу ёққа, **тунов кун** — ўтган кун, **аяғ** — оёқ, **бувӣ** — она, **ая** — она (хола), **чималиқ** — тошк. ғўшанга, **важ** — нарса (вещь), **шоти** — тошк. нарвон, **малла** — бўз, **кисса** — чўнтак (карман), **кин**—

---

[1] Қаюмов Л. Ҳ. Ҳакимзоданинг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ҳаёти ва фаолияти.— Ўзбек адабиёти, Тошкент, 1960, 12- бет.

кейин, **кўланка** — соя, **пўписа** (хит. пўпуза) — дўқ, **шундоғ**—шундай, **мундоғ**—бундай, **жа**—жуда, **атмовдим**—айтмаб эдим, **бермовди**—бермаб эди, **поқ**—сал бўлмаса маъносида, **нағал**—наҳал, **соб**—тамом, **соғ**—қўнж (этик соғи), **узоғ йили**—ўтган йили, **тутаноқ**—тутқаноқ (қуёнчиқ касали номи), **боғонот**—боя, **палон-тугон**—фалон-пистон, **тош** — узунлик ўлчоғи, 5,5 км.га тенг, **хаятча** — томорқа (ер участкаси), **тугул** — эмас, **истамоқ** — қидирмоқ, **озғуриш** — йўлдан уриш (ёмон йўлга бошлаш) ва ш. к.

Булардан ташқари, у оддий сўзлашув тилида кенг қўлланадиган **салворлик** — оғирлик, **кўрак** — ғунча маъносида, **қанқийди** — санғийди, изғийди, **қимсиниб** — тортиниб, **палла** — вақт, **ушоқ** — майда (кичкина), **зол** — оғир, тадбиркор маъносида, **бир-бир** — бир марта, **тўсуқ** — парда, **ўйновчилар** — саҳнада қатнашувчилар, **суйиш** — эркалатиш, **кулку** — комедия, **жўралашмоқ**—ўртоқлашмоқ (дўстлашмоқ), **бўз бола** каби сўз, сўз шакллари ва ибораларни адабий тилга олиб кирди.

Ҳамза драматик асарларининг тил хусусиятларига диққат қилинганда, уларнинг тили бадиий ифодаларга бой, ҳар бир персонаж қайси табақага мансуб эканлигига қараб, ўзига хос сўзлари билан гаплашиши, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва ихчам фразеологик иборалар жуда ўринли ишлатилгани кўринади.

Бу ўринда Ҳамзанинг замондоши марҳум академик Қори Ниёзийнинг хотирасини келтириш жоиздир: «Ҳамзанинг ажойиб ва қимматбаҳо хусусиятларидан бири шунда эдики, у кўп вақтлар омма орасида бўлар, уларнинг ҳаётини ўрганар ва ҳаётий мавзуларда суҳбатлашар эди. Унинг чўнтагида махсус бир дафтарчаси бўлиб, унга халқ хазинасидан чиққан айрим сўзлар ва мақолларни ёзиб юрар эди»[1].

«Майсаранинг иши» комедиясида персонажлар тили хусусийлашган бўлиб, унда халқ вакиллари Майсара, Мулладўстларнинг тили Мулларўзи ва қозининг сунъий сўзлар билан тўлган тилидан ўзининг аниқ ва ифодалилиги билан фарқ қилади. Масалан:

Мулларўзи: Хайрият, хайрият *(туриб, калитни ушлаб)*. Иншоолло калити мурод, қулфи мақсадга эришдик... Осойиш, бадҳаққи расул, жумлайи пайғамбарон кушойиш...

[1] «Уқитувчилар газетаси», 1954, 19 март.

Мулладўст: Ўргилай тақсир! Бебахтнинг ошига пашша ҳам, кана ҳам, сўна ҳам, қолаверса шалаплаб олиб мана шунақа азроил ҳам, мункар-накир ҳам тушаверади. Ундан кўра қуппа-қуруқ бўйи бўлса ҳам олиб бераверинг. Мачитнинг томидами, кесакхонадами кунимизни кўраберамиз-да! *(«Майсаранинг иши»)*.

Персонажларни тил жиҳатидан типиклаштириш хусусиятини Ҳамзанинг бошқа пьесаларида ҳам учратамиз.

Ҳамза драмаларида ишлатилган мақоллар, ҳикматли сўзлар ва иборалар персонажлар тилининг узвий қисмига айланиб кетган: «Доно сўзини, нодон кўзини тергайди», «Ит ҳам, бит ҳам кун кўради», «Сут билан кирган жон билан чиқади», «Юраксизнинг уйи кўраксиз», «Ошиқ билан ўйнасанг ошиғингга ўт тушар, маъшуқ билан ўйнасанг қошиғингда тут пишар», «Жониворнинг гўрковчиси, нафсининг терговчиси», «Кампирнинг дарди ғўзада», «Уйчи ўйлагунча, таваккалчи уйига етибди», «Эгри калтакка эгри тўқмоқ», «Қизни эркалатсанг, эрингга тепади, ўғилни эркалатсанг, бурнингга тепади», «Чигирткадан қўрққан буғдой экадими», «Тенг-тенгги билан, тезак қопи билан», «Эр йигитнинг бош солгани ўлгани», «Бировга чуқур кавлама эй ўғил, ўзинг йиқилгайсан ахир анга бил» ва ш. к.

Ҳамза «Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши», «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси» каби драматик асарларида халқ мақолларидан унумли, ижодий фойдаланган. Булар персонажлар нутқига таъсирчанлик бағишлаган, бадиий таъсир кучини орттирган. Унинг пьесаларида кенг қўлланган чуқур мазмунли, ўзига хос идеоматик иборалар, фразеологик бирикмалар ҳам халқчиллиги ва бадиий ифодалилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. «Кўз олдингда эчкининг соқолидек силкиниб тургандек гап», «Тулкимисиз, бўри?», «Бизники қайда бўлса битбилдиқмасми», «Чималиғни боғлатавуринг», «Эй, ўргулай, мозиминан сақичми бу!» «Соғини кўп таранг қилмай, нархини гапиришаверинг «...палон-тугун, деб анча байт-ғазал ўқиди», «Ҳамма ишинг ғўра тушган шўрвага ўхшайди», «Наъра уравермаг, манам калла деб қовоқ кўтариб юрганим йўқ», «Бора-бора чучугинг аччиққа, қучоғинг тўсиққа айланади», «Бир опанг бор мурдани зинда, зиндани газанда қилади», «Арпамиз хом қолиб, аравамизди от тортолмай қолса-я!», «Борса келмасга жўнатиш керак», «Кар-

найди ҳаммасиям зўр келган томонга буриб чалади...»

Ҳамза асарлари тилининг яна бир халқчил, ўзига хос томони шундан иборатки, у ҳам бўлса, халқ достонларида кенг қўлланган қофиядош сўзлардан ташкил топган саж шаклидан усталик билан фойдаланишдир. Масалан, Мулладўст сўзида: «Отим Ҳусайнжон **вофуруш,** ҳовлимда йўқ **хамиртуруш,** хотиним билан кунда **уруш:** ...**Танганг** йўқ, уйланишга бир **чақанг,** турма жаҳонни тор қилиб, бул охират сари **даканг...** Бетларимиз **тиришди,** бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига **кириш-ди...** Соқол **оқариб,** озиқ тишлар **тўкилиб,** нозик бу бел деган жонивор ҳам эски маҳсидек букилди-ю, ҳалигача паричеҳра **боғи гуландом,** юзи тўлун ой, зулфи **паришон,** қошлари **камон,** кўзлари **бодом,** тиллари **асал,** лаблари **шакар,** бўйлари **раъно,** ўзлари **доно,** деган қиз-жувонлар у ёқда тураверсин, кўзи **шишган,** тиши **тушган,** бетлари шафтоли қоқидек **тиришган,** қабристонга қараб лаҳад учун **киришган,** оғзи **гўрдек,** бурни **қувурдеккина...** саксонни, юзни урган бир кампир билан ҳам ўйнашни худойимиз кўп кўрди» («Майсаранинг иши»).

Холмат сўзида: «Оби **равон,** боғи **чунон,** шоҳ супага зеби **жаҳон,** мурча **миён,** писта **даҳан,** нозик адо, пари **жайҳон** (Жайҳун), яъни исми шарифлари **Жамилахон»** («Бой ила хизматчи»).

«Букун 8 март» асарида:

«Ҳай, **бой,**

Ичи ғирч-ғирч **мой**

Бети довул, бурни **сурной.**

Бу кун сандан қимматроқдир бир замбар **лой**...»

Қиёсланг, «Равшан» достонида: «Энди сўзни Равшанхоннинг **энасидан,** жони чиққан **танасидан,** айрилиб гавҳар **донасидан,** боғда очилган **лоласидан** айрилиб, қанотидан қайрилиб, юрар йўлидан **тойрилиб,** юраги куйиб **майрилиб** қолғон кампирдан эшитинг».

Ҳамза асарлари тил хусусиятларини ҳозирги замон ўзбек адабий тили билан солиштирсак, айрим фонетик ва морфологик фарқларни кўрамиз.

Фонетик фарқлар: 1. **е>а:** *йатим, санчалик, савги, бан* (мен; 2. **о//а:** *дада//дода, бала//бола, аёқ//оёқ;* 3. **и>у:** *хотун;* 4. **ҳ>й:** *илойим, арвайига (илоҳим, арвоҳига);* 5. **б>м:** мундоғ — (бундай), *мунда* (бунда), *мундан* (бундан); 6. **ҳ>ғ:** *нағал* (наҳал); 7. **қ>ғ:** туёғ, тароғ; 8. Сўз ўртасида бир р тушади: бек (берк).

Морфологик фарқлар: 1. Қаратқич — тушум келишиги. Қаратқич келишигининг ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги шакли **-нинг** Ҳамза асарларида аксарият ҳолларда кам учрайди. Асосан шакл эътибори билан қаратқич ва тушум келишиклари фарқ қилмайди, доимо иккала келишикда ҳам **-ни** қўлланаверади. Маъно, грамматик ҳолат буларнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб туради. Масалан: **яккалигингни** ҳурмати; ота-оналарингни эслаб; **юзини** оч, бир кўрайчи («Майсаранинг иши»). Қаратқич келишиги баъзан **-ди // -ти, -им** шаклларида ҳам ишлатилган: *Карнайди ҳаммасиям зўр келган томонга буриб чалади; Гапти учини чиқариб қўйди; Бизим янги турмушимиз: Маним қошимда* ва ш. к.

2. Жўналиш келишиги қўшимчалари **-га, -ға, -ка, -қа,** -а шаклларида қўлланган: **Донога** ишорат, **лодонга** жуволдиз; **масъулиятга, менга, тилакка, кима, суйганй-ма, сўйлашка** каби.

3. Чиқиш келишиги асосан **-дан,** қисман **-дин** шаклларида қўлланган: **хотин-қизлардан, фойдаларидан, қайғусидан, изидан, сендин, наҳридин** каби.

Бундан кўринадики, Ҳамза **-дан** шаклини жонли тилдан олиб, адабий тилда кенг ишлатган.

4. Ҳозирги — келаси замон феълининг бўлишсиз шакли **-ми** тарзида учрайди: **тур+ми+й+ман** — турмайман.

5. Баъзан буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик шакли **-гин** ўрнида эски ўзбек тилидаги **-гил (-ғил, -қил, -кил)** шакли ишлатилган: **эшитгил, турғил, келгил, бўлмагил, ўлдирғил** каби.

6. Равишдошнинг **-б (-иб, -уб)** шаклига **-он** аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган **-ибон, -убон** шакллари учрайди.

Келурга кундузи андиша қилса шум рақиблардин,
Қилубон аср ила ё шому хуфтон бир келиб кетсун;
Вақтнинг ғанйматин кўриб, ташладим ўзимни
кўндаланг,
Хуркди жаллодни **тортибон,** тўхтади той топир-тупур.

7. Ҳамзанинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши» асарида Фарғона шеваларида қўлланадиган **қанқимоқ** — изғимоқ, санқиб юрмоқ ва **қимсинмоқ** — уялмоқ, тортинмоқ феъллари ҳам ишлатилган: Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон **қанқийди;** Менинг отам у сен айтган Шодибой ... маски, шаҳарма-шаҳар **қанқиб** юрса; Қошки сиз мундоғ саловорлик, **қимсиниб** ўтирадирган йигитлардан бўлсангиз.

Қиёсланг, Навоийда:

Узорингни очарға **қимсанурмен,**
Вале эл кўрмакига **қизғанурмен.**

8. Жонли тилга хос **ҳализамон** (тож. **ҳамин замон**)— ҳозир, бир оздан кейин; **бот** — тез; **ғира-шира** — оз, бир оз равишлари ҳам ишлатилган.

Ҳамза асарларининг (хусусан, шеърларининг) синтаксиси содда бўлиб, унда асосий ўринни қисқа, ихчам жумлалар эгаллайди. Мураккаб қўшма гаплар унинг шеърларида жуда кам учрайди. Мураккаб фикрни ифодалаш зарурияти туғилиб қолганда, Ҳамза гапни икки мустақил қисмга бўлиб, боғловчисиз қўшма гап тарзида беради, шеърларда эса икки мустақил қисмга бўлиб юборади.

Масалан: Ўқисин қизларимиз,
Очилсин кўзларимиз,
Хизмат қилсин жориялар,
Яшасин миллат. («Пушти гул», 1916).

Бу тўрт мисрали бандда қисқа, ихчам, бош бўлаклардан иборат тўртта мустақил содда гап бор.

Шармсиздур юзлари,
Ошга тўймас кўзлари,
Тўйга бориб тўн киймоқ—
Ҳамон фикри сўзлари.

Бу бандда учта мустақил содда гап бор.

Ҳамзанинг юқоридаги шеърий парчаларига диққат қилсак, у серҳашам сифатлашларни ишлатмагани, доим фикрий аниқликка интилгани, жонли сўзлашув тилининг туганмас манбаларидан ижодий озиқлангани яққол кўринади.

Ҳамзанинг моҳир сўз санъаткори сифатида ўзбек адабий тилининг ривожланишига қўшган катта улуши қуйидагилардан иборат:

1. Ҳамза ижодининг илк даври (1905—1917 йиллар) да анъанага кўра давом этиб келаётган эски ўзбек адабий тили жонли сўзлашув тилидан анчагина узоқлашиб қолган эди. Ҳамза ўзининг деярли ҳамма асарларини жонли сўзлашув тили (марказий шаҳар шевалари) негизида ёзиб, шаклланаётган ўзбек миллий-адабий тилини шу асосда бойитди.

2. Бу давр матбуот тили «Умум турк тили» номи билан аталувчи туркизм, татаризм, арабизм ва русизм унсурлари билан тўлиб-тошган қурама адабий тил бўлган. Ҳамза бунга қарши ўз асарларида халқ оғзаки

ижоди хазиналаридан ижодий фойдаланган ҳолда, асарларининг тилини «Элимизнинг тушунувига ўнғай бўлсин учун», уни жонли сўзлашув тилига яқинлаштирди ва катта муваффақият қозонди.

3. Ўзбек тилига кириб келган янги сўз, сўз шакллари ва атамаларни бадиий адабиётга олиб кирди, уларни кенг кўламда қўллади, ўзи ҳам янги сўзлар яратди.

6- §. Абдулла Қодирий асарларининг баъзи тил ва услубий хусусиятлари

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг юксак бадиий маҳорат билан ёзилган роман, қисса, ҳикоя, фельетон ва адабий лавҳалари билан халқимиз қалбига кира олган Абдулла Қодирий ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тили равнақига катта ҳисса қўшди.

Абдулла Қодирий ижоди 1913—1914 йиллардан бошланади. Унинг шеърлари, ҳикоя ва фельетонлари ўша йиллари «Ойина» журнали ва «Садои Туркистон» газетасида босилиб турган.

Ёзувчи ижоди асосан Октябрь инқилобидан кейин, шўролар даврида камолотга эришди ва ўзининг ажойиб самарасини берди.

Абдулла Қодирий номини ўзбек адабиётида танитган машҳур асарлари «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ва «Обид кетмон» қиссасидир.

Ушбу асарлари билан ёзувчи XX аср ўзбек адабиётида наср жанри тараққиётига асос солди ва уни жаҳон миқёсига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётидаги йирик реалистик насрий асарлар ҳақида гапирилганда, дастлаб Абдулла Қодирий асарларига мурожаат қилинади.

Адиб асарларининг халқимиз ўртасида севилиб ўқиб келинишининг асосий сабаби, бизнингча, унинг воқеа-ҳодисаларни жонли халқ тилида тасвирлаб бериши ва персонажларнинг ўзларига хос сўзлар топиб, типиклаштира олишидадир. Унинг қатор мақолаларида бадиий асар тилининг аҳамияти масаласига алоҳида эътибор берилади.

У «Ўтган кунлар» романи ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Бадиийлик ҳар бир нарсани кўрганда, ўша нарсани ва ундан олган таассуротни оддий халқ тили билан тўғри тасвирлаб беришдадир...». «Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқи-

моқ фазилат саналмайдир, сўз — қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин...».

«...Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асл ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир. Бундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим».[1]

Шундай қилиб, Абдулла Қодирий ўзбек халқи тарихи, урф-одатлари, руҳияти ва турмуш шароитларига узвий боғланган ғоят бой, ифодали, ҳаётимиз кўзгуси бўлган ўзбек жонли сўзлашув тилидан кенг фойдаланиб ёзилган йирик насрий асарлари билан ўзбек адабий тили тарихий тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Оғзаки сўзлашув нутқи ва шеваларга хос сўз, сўз шаклларининг ёзма адабиётда кенг қўлланиши, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини очишда, персонаж тилини хусусийлаштиришда, маълум белгиларини тасвирлашда, услубий категорияларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабий тилда учрамаган баъзи сўз, атама ва ибораларни жонли тилдан олиб кириб, уларнинг «Фуқаролик ҳуқуқи»ни тиклаб қўйишда Абдулла Қодирий каби улуғ ёзувчиларнинг хизматлари катта бўлган.

«Абдулла Қодирий тилни яхши билган, уни бутун маъно товланишлари билан чуқур ҳис қилган санъаткорлардандир. Кўринишдан жуда оддий, кунда қўлланадиган сўзлар контекстда ниҳоят ўринли ва вақтида ишлатилиши туфайли шундай маъно касб этадики, бундан бошқа бирор сўз унинг ўрнини ўтай олмаслигига ишонасиз.

...Соддалик, бадиий образлилик Абдулла Қодирий романлари тилининг ўзига хослигини таъминлади. Ўзбек тилининг бойлигини, унда катта полотнолар яратиш мумкин эканлигини ўзбек ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб ... исбот этди»[2].

«Ўтган кунлар» романида ёзувчи персонажлар тилига жуда аҳамият берган, ҳар бир қаҳрамон ўзига хос

[1] Турдиев Ш. Абдулла Қодирий маҳорати ҳақида,— Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 4-китоб, Тошкент, 1962, 239-бет.

[2] Султонова М. Ёзувчи услубига доир. Тошкент, 1973, 93-бет.

сўзлар билан гапиртирилган. Бу жиҳатдан персонажлар нутқи орқали ёзувчи уларни типиклаштира олганини яққол кўриш мумкин. Масалан, Ўзбек ойимнинг Отабекка қарата айтган қуйидаги сўзлари, унинг юқори аслзодалар табақасига хос ғоя билан тарбияланган аёл образини кўз олдингизда гавдалантиради: «Мен сени бу умид билан боқиб катта қилмаган эдим... сен бизнинг наслимизни ерга урдинг» (бир марғилонликка уйландинг, демоқчи).

Ёзувчининг Офтоб ойимдаги одоб, бамаънилик, босиқ табиатлилик каби ўрта ҳол яшовчи ўзбек оналарига нисбатан ишлатган (Кумушга жавоб сўраш пайтидаги) сўзлари жуда ўзига хосдир: «Айтсам шуки,... Кумушнинг феъл-атвори ўзимга-маълум: эрка ўсган, лавзи тез, кундошликка чидайдиган сиёқи йўқ, ҳар куни Зайнабингиз билан ғидир-бидир қила бериб, сизни қийнаб қўярмикан дейман. ... бир куни келганда онаси қурғур бир оғиз айтмаган эди, деб мендан ранжирмикинсиз дейман. ...Така бузоқнинг турқи туққанига тамға деганларидай, албатта, менга равшан: аразчи десангиз ҳам шу, ичи қоралик десангиз ҳам шунда...»

Абдулла Қодирий ёзувчининг услуби, маҳорати ҳақида чуқур мулоҳазалар юритган. Ҳар доим образли равон тил учун курашган: «Услуб деган нарса тил билишга боғлиқ... ҳар бир ёзувчи тилининг характери бўлиб танилган бир хусусиятдир, демоқчимизки, ёзишга малака ҳосил қилингач, услуб ҳам ўз-ўзидан туғилади...»

Ёзувчилик маҳорати ва адабий тилнинг ривожи ҳақида шундай мулоҳаза юритган Абдулла Қодирий дастлаб ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, халқнинг бой жонли тилидан унумли фойдаланиш, ифодада ёрқинликка, воқеаларнинг энг нозик унсурларигача ихчам жумлаларда беришга интилди. А. Қодирий ғоят бой халқ тилининг мислсиз хазинасидан, шу билан бирга, ўзбек ва рус классик ёзувчиларининг тил билишдаги маҳоратларидан ижодий ўрганди[1].

Шундай қилиб, А. Қодирий жонли халқ тилининг имкониятларидан дадил ва самарали фойдаланиб, тўлақонли насрий асарлар яратишда бошқа ёзувчилардан илгарилаб кетди.

[1] Алиев А. Ижод ва изланишлар. Тошкент. 1976, 122-бет.

Абдулла Қодирийнинг сўз санъаткори эканлиги тарихий мавзудаги романларида, хусусан, «Обид кетмон» қиссасида ҳам кўзга ташланади.

Адиб бу асарида ҳам умумхалқ тилининг ажралмас қисми бўлган жонли тил бойликларидан кенг ва усталик билан фойдаланган. Чунки жонли тил бадиий асардаги маҳаллий колоритни кўрсатиб беришда бирдан-бир воситадир.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини тасвирлаганда, уларга хос воқеа-ҳодисаларни қаламга олганда оддий сўзлашув нутқига ва баъзан Тошкент шевасига оид бўлган сўз, сўз шакллари, иборалар, мақол ва маталлардан фойдаланади.

Қуйида ана шулардан бир қисмининг маъноларини изоҳлаймиз.

Тугул (тошк.)— эмас. Бу сўз эски ўзбек тилида кенг қўлланган. Солиштиринг, татар тилида: **тугел.** *«Мен* **тугул** *итим тишласа ҳам қимир этмайди бу Афросиёб,— деб ғижиниб Мулла Обидга қарайди* («Обид кетмон», 131-бет).

Жўн (тошк.)— оддий, тўғри, содда: *Холмирза ака ерни ҳайдаб, экишиб, ҳатто овқат жўнларидан ҳам қарашиб туради* (16). (Бу ўринда тўғрисида деган маънода).

Қимтинмоқ — ноқулайлик, жим турмоқ, бир оз қимирламоқ: *Бундан ташқари, қўшни қишлоқлардан келиб қолган қардошларни ёки эшон ва муллаларни ҳам қимтиниб кутиб турадилар.*

Юрунади (∠юр+ун+а+ди — тошк.)— юради (22).

Тўқинмоқ (∠тўқ+ин+моқ — тошк.) тўқнашмоқ, тегмоқ маъносида: *Аммо жимликни колхозчиларнинг ер ва кесакка* **тўқинган** *кетмон товушлари бузиб туради* (208).

Тағлай (тошк.)— танглай (20).

Пашмалоқи (тошк.)— кераксиз, майда (38).

Ёлқамсиқ (тошк.)— дангаса, ялқов маъносида (108).

Довучча (тошк.)— ғўра (167).

Эт — асосан қипчоқ шевалари ва қозоқ, қирғиз тилларида гўшт маъносида ишлатилади. Бу сўз Тошкент шевасида баъзан қўлланади: *Бизнинг қишлоқдан ҳамма вақт* **эт** *топиб бўлмайди* (69).

Ивирғами — хаёли: *Булар тўғрисида ўқувчи ташвишланса, аммо Бердибойнинг* **ивирғамига** *келмайди* (100).

Гурунг — гап, гаштак: **Гурунгга** *йиғилганлар ичида*

чет қишлоқдан келган аскиячи бир меҳмон ҳам бўлади (38).

Ёрти (∠ёр+ти∠ёрмоқ феълидан)— ярим маъносида. Ҳозир бу сўз ўзбек тилида фақат мақолларда ишлатилади (ёмондан **ёрти** қошиқ): *Мулла Обид ишкални ёзиш ваъдасини бергандан сўнг косадаги ошни* **ёртилаб** *бўлиб оладилар* (173).

Мертмоқ (∠берт)— шикастланиш, лат ейиш, зарб ейиш, майиб бўлиш, эгилиш: *Арик ёқалаб ўсган турли дарахтлар ҳам қуриган,* **мертилган** *шох бутоқларидан тоза, гўё шаҳарнинг олифта йигитларидек яшнайди* (10).

Қўнуқ (∠қўн+уқ)— тўхтамоқ: *Кетмонни ҳамма вақт бир* **қўнуқда** *тушурма* (201).

Капсан (архаик)— деҳқонлардан олинадиган солиқ тури.

Тос — тўда, гуруҳ, тўп.

Капалак (архаик)— Керенский чиқарган пул маъносида.

Довур — тўда, йиғин мажлис.

Ялтоқлик — хушомадгўйлик, таъмагирлик билан қилинадиган иззат-икром, яхши кўриниш хатти-ҳаракати.

Билка — куч-қувват: *Кечадан бери билакда* **билка** *қолмади, ўртоқ Рафиқов* (147).

Бўлтак — ер картаси, бригадалар учун ажратилган участка.

Жийлдам — тетик, ўзига тўқ.

Язна — езна, почча: *Ўктамбой* **язнасининг** *кетмонини узоқ ишлата олмай, ўзи олиб келган расмий кетмонни ишлатади* (21). Солиштиринг, татар тилида: **йезна.**

Бу сўз ҳозир тилимизда фақат мақоллардагина ишлатилади: яхши ота **язнача.**

Ахтахона (∠ахтихона)— отхона. Бу эски ўзбек тилида кенг қўлланган. Солиштиринг, «Шажараи турк»да: ... *бириси хонлик* **ақтихонага** *кирди.*

Ём (туркча — мўғулча)— чуқур. Солиштиринг, Ём— Жиззах вилоятига қарашли жой номи.

Нашаванд (∠наша+ванд)— наша чекадиган киши ва бошқалар.

А. Қодирий «Обид кетмон» қиссасида ишлатган айрим сўз ва сўз шакллари 30-йилларда тилимизда фаол ишлатилган бўлиб, ҳозирда уларнинг бир гуруҳи тарихий сўзлар сифатида, яна бир гуруҳи эса истеъмолдан чиқиб, ўрнига бошқа сўзлар ишлатилмоқда: *қадақ, таноб,*

бўлтак, маъруза, котиб, фирқа, ташвиқот, тарғибот, муфти, мингбоши ва ш. к.

Олинма сўзлар. Бошқа ўзбек ёзувчиларининг асарларида бўлганидек, А. Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссасида ҳам тожик, араб, рус тили орқали кириб ўзлашган сўзлар анчагина бор.

Маълумки, четдан кирган сўзлар, асосан, ўша тилнинг лексик системаси, унинг табиати ва ички тараққиёти қонунларига бўйсунган ҳолда ўзлаштирилди.

Айрим ўзлаштирилган сўзлар шу даражада тилимизга сингиб кетганки, унинг қайси тилдан келганини аниқлаш жуда қийин.

Масалан, **Лаъли** сўзи «Обид кетмон»да мис баркаш маъносида ишлатилган: *Мулла Обиддан қичқириб сўрайди:— бу ҳолвачининг* **лаълисини** *нима қиласиз, куёв?* **«Лаъли баркаш»**— бу ерда Обиднинг кетмони маъносида. Бу сўз асли арабча бўлиб, *қизил рангли тош;* маъжозий маънода *севгилининг қизил лаби; қизил сиёҳ билан ёзилган хат* маъноларида ишлатилади.

Фаранг сўзи тожикча ўз касбини яхши эгаллаган уста маъносини билдиради. Бу сўз якка ҳолда жуда сийрак қўлланади:

— *Менга қўлингни бер, Берди, сен шаҳардан Берди* **фаранг** *бўлиб чиқибсан!— дейди.*

Баъзи бир сўзлар ўзининг маъносига кўра кенг ўзлашиб қолиши ёки ўзлаштирилган сўзлар оддий сўзлашув нутқига мослаштириб, тамоман ўзгартирилиб қўлланиши мумкин. Масалан: ўзлашма сўзлардан **саржин** — 2—3 метрга баравар бўлган узунлик ўлчови, русча сажень; **патнис** русча — **поднос; милиса** лотинча **милиция** — қўшин ва ш. к.

Рус тили ва у орқали кирган сўзлар. «Обид кетмон»даги лексик қатламда рус тили ва у орқали Европа тилларидан кирган сўзлар ҳам бор.

Қиссада қишлоқ хўжалиги, транспорт, ижтимоий-сиёсий, савдо, озиқ-овқат; уй-рўзғор, фан-техника, кийим-кечак, матбуот каби соҳаларга оид русча сўзлар, рус тили ва у орқали кириб, 30-йилларда ўзлашган жуда кўп сўзларни учратамизки, улар шубҳасиз, ўша давр адабий тилимиз луғат таркибини кундан-кунга бойитиб ривожланаётганидан далолат беради.

«Обид кетмон»да қўлланган русча-европача сўзлар: *колхоз, трактор, центнер, гектар, агроном, пункт, десят* (десятина), *саржин* (сажень), *бухгалтер, пуд, картишка* (картошка), *четвирт* (четверть — чорак, чирпит), *самагон* (самогон — хонаки арақ), *коляска* (коляска), *автомобиль, комсомол, большевик, партия, паспорт, президиум, пролетар, самолёт, сельпо, электр, буджат* (бюджет), *полисмистр* (полицмейстер), *уяз* (уезд), *фронт, стол, кооператив, детясла* (болалар боғчаси), *доктор* (врач), *комиссия, индивидуалист* (жамият манфаатини менсимайдиган, мустақил яшайдиган худбин одам) ва ш. к.

«Обид кетмон» 1934 йилда бўлиб ўтган тил-имло қурултойидан олдин ёзилгани учун бўлса керак, айрим сўз ва атамалар олдинги имло қоидасига биноан арабча берилган: *фирқа — партия, маъруза — доклад, шўро — совет* каби.

Қиссадаги арабча ва тожикча сўзлар ёзувчининг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларига нисбатан миқдор жиҳатдан анча кам. Шунга қарамай, «Обид кетмон»да ўз даври ўқувчилари учун тушунилиши қийин бўлган айрим арабча ва тожикча сўз, сўз шакллари, иборалар ҳам учрайди.

Масалан: *нажас* (ар.) — ифлос, ҳаром, чиркин; *истиғно* (ар.) — бошқаларга муҳтож эмаслик; *мувозий* (ар.) — ёндош, параллел; *рўйи замин* (тож.) — ер юзи; *мунфаил* (ар.) — хижолатли, уялган, таъсирланган; *тарҳ* (ар.) — режа, лойиҳа; *тазвир* (ар.) — ҳийла, макр, алдаш; *сафохат* (ар.) — ақлсизлик, нодонлик, аблаҳлик, зино; *ҳариф* (ар.) — шерик, бирга ишловчи, улфат; *нағмаи ҳазар* каби.

Шуни ҳам айтиш керакки, А. Қодирий ўз қиссасида персонажлар нутқини хусусийлаштириш учун хилмахил усуллардан фойдаланади. У ҳар бир персонажнинг қайси табақага хос, қайси касб эгаси эканлигини назарда тутиб, унинг табиатига мос бўлган сўз ва иборалар ишлатади. Масалан, Обиднинг нутқига хос айрим сўзларни такрорлаш хусусиятини кўп ўринларда учратамиз. Обид ҳар бир жумлада «хўп» ва «оғайни» сўзларини қайта-қайта қўллайди.

«Хўп... мен бир йил бир таноб жойга пахта экдим, кузга бориб олтмиш пуд пахта олдим». «Хўп... бу нима деган гап?... хўп... биз эндигина бешта янги ҳовлига эга бўлдик».

— Оғайнилар!— дейди оғир ва салмоқли оҳанг билан Мулла Обид,— кеча мен оғайнимиз Берди татар билан... сўзлашдим».

Хатиб домла сўзларида ислом дини, унинг қоидаларига оид арабча, тожикча сўз, ибораларва айрим жумлалар учрайдики, булар орқали унинг баъзи руҳонийларга хос очкўзлик, сурбетлик, таъмагирлик каби типик образи гавдаланади.

Мисолларга мурожаат қилайлик: *«... Оллоҳ таоло малъуннинг шарридан ҳаммамизни ҳам ўз паноҳида асрасин». «Мулла Муҳсин... чунончи,* **«вало тулқун биайдиякум иллаттаҳлика»** (ўз ихтиёрингиз билан ўзингизни ҳаракатга ташламанг) *ояти каримасидан ҳам танозуи бақога катта ишорат бор...»* (67).

«Иншоолло широёб ҳам бўлиб қолар, деб ўйлайман. Баҳар ҳол рўшнолик бўлса бир қўй сўйиб юборишга ҳаракат қилсангиз... қўйнинг бақалоғи **муҳарраб** *дейди* (69).

— Биродар Холмирза, игна ўз тешигини тиколмайди-да... Ўйлаб қарасам, ўзим ҳам ёг-гўштга муҳтожман: у ёғини сўрасанг бола-чақа ўн беш кундан буён гўштли ош емаган... ўзи **муртод** *бўлибди... Ҳа, айтганча Мулла Муҳсиннинг орқасида намоз ўқиш ҳам* **нодуруст,** *агарчи тарки жамоат бўлса ҳам унга иқтидо қилманглиз* (81) ва ш. к.

А. Қодирий юқоридаги каби арабча, тожикча сўз, сўз шакллари ва ибораларни маълум услубий вазифани бажариш учун ишлатган.

«Обид кетмон»да қаҳрамонларнинг ички дунёси, руҳияти ва феъл-атворларини ҳаққоний кўрсатиш мақсадида халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, фразеологик ибораларни жуда ўринли қўллаган. Ёзувчи айрим мақол ва ҳикматли сўзларни ўз ҳолича қўллаш билан бирга кўпчилигини ижодий қайта ишлаб чиққан. Масалан: *«Эшакнинг эти ҳаром бўлгани билан кучи ҳалол», «Кишининг бахти кулмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўла олмайди», «Чаённинг касби чақиш», «Секин ёққан булутдан, кулиб қараган подшоҳдан қўрқ!», «Сен ўзингни порсо олма!», «Игна ўз тешигини тиколмайди», «Танача кўзини сузмаса, буқача ипини узмас», «Бош кетса ҳам обрўй кетмасин», «Сўзни сўзла уққанга, жонни жонга суққанга», «Ишламасдан емоқчи бўлсанг, оғримасдан ўлишинг аниқ», «Бордан юқар, йўқдан нетар», «Тарбиясизнинг бир қилиғи ортиқ», «Тенг еганни тангри суйибди», «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўрук на қилур», «Ётиб қолгунча отиб қол», «Билган топиб сўзлайди, билимсиз қопиб», «Касалнинг тузаласи келса, табиб ўз оёғи билан келади», «Қимирлаган қир ошар»* ва ш. к.

Тилнинг бадиий асардаги асосий хусусиятларидан бири — унда тасвирлаш воситасининг эстетик вазифани бажаришидир.

Бадиий адабиёт тил таъсирчанлигини, ифодавийлигини оширишнинг хилма-хил восита ва усулларига эга. Абдулла Қодирий ҳам ўз қиссасида ҳаётий аниқ воқеликнинг манзараларини ифодалаб берувчи бадиий сўз воситалари — сифатлаш, ўхшатиш, метафора, киноя ва муболағаларнинг ажойиб намуналарини яратган.

Ёзувчи қўллаган бадиий тасвирлаш воситалари ичида ўхшатишлар алоҳида ажралиб туради. «Обид кетмон» қиссасида биз ўхшатишнинг энг оддий шакли **-дек** (дай), **-намо** аффикслари ва **ўхшаш (ўхшаб), каби,** гўё (гўёки) сифат сўзлари ёрдами билан ҳосил бўлган хилма-хил намуналарни кўрамиз.

Абдулла Қодирий кўп ўринда ўхшатиш учун материал сифатида ҳайвонлар ва паррандалар, шунингдек, турли нарса-буюмлар номидан кенг фойдаланган:

«Мирвали банги тажангланиб, бир кап носини тили остига ташлайди-да **совуқ еган товуқдек** ҳурпайиб олади...» (32).

«Носирбой ўрнидан туриб бўлтакбошининг қўлидаги чойни шимириб ичади ва гўё **шер каби** гуркираган товуш чиқаради» (210).

«Ибонбойнинг биясига **ўхшаган** бу гавдаларга ҳам яшониб бўлмас экан-да, почча!— деди» (211).

Абдулла Қодирийдаги кўп ўхшатишлар халқ сўзлашув нутқига хос материаллар асосида тузилган:

— «Айниқса, Берди татар **дунёга янги келгандек** терисига сиғмайди, боши айланиб **мастдек** бўлади» (247).

«Бир чеккада **қурт шимгандек** ўтириб олади Мулла Обид» (30).

«Ҳозир кўнгли нон тиламайди, гўё **ёғ ичган каби»** (91).

«— Обид кетмон картошка экибди — ҳар биттаси **чамбаракнинг ўқи;** шолғом экибди — ҳар бири сават кўтарганда **бошга қўятурган чамбарак;** лавлаги экибди — ҳар бири **чақалоқ бола;** қовоқ экибди — сизга ёлғон, худога чин, ҳар бири **эшакнинг хўтигидек»** (25).

«... Белбоғининг қатига эҳтиёт юзасидан ташлаб

қўйган катталиги **бўғоз сичқондек** нашани ийлаб...» (27).

«Обид кетмон»да бир нарсанинг, белгининг, ҳаракатнинг номи бошқасига ўзаро ташқи ўхшашлиги асосидаги кўчириш ҳодисаси — метафора кўплаб учрайди: **«Омочнинг қулоғини** ушлаганми, **кетмоннинг шамолини** еганми?»

«... **Челакнинг оғзига** тунукадан турба ясаб, устига ҳалиги оғзи ёпилган қозончани келтириб қўяди» (84). Бу ерда бир нарсанинг номи бошқа бир нарсага шаклан ўхшашлик асосида кўчириляпти.

Абдулла Қодирий «Обид кетмон»ида икки тушунча ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида юзага келган кўчириш — метонимиялардан ҳам усталик билан фойдаланган. Масалан: «Вақтида келдинг, **дастурхонга ўлтур,**— деб жой кўрсатади...» (124).

Бу ерда «дастурхонга ўлтур» ибораси «овқатланишга ўтир» маъносида берилган.

«Бу тўғрида Мулла Обид жиддий **бош оғритади**». Бош —1) киши организмининг бўйиндан юқори қисми; 2) мия. Умуман «бош оғритмоқ» ибораси «ўйламоқ» маъносида ишлатилган. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўп келтириш мумкин.

Абдулла Қодирий асарларининг айрим тил хусусиятлари юзасидан айтилган фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Ёзма адабиёт халқ жонли тилининг ва оддий сўзлашув нутқининг иштирокисиз равнақ топа олмаслигини вақтида тушунган ҳамда шунга амал қилган Абдулла Қодирий ўзининг тарихий романлари, ҳикоя, фельетонлари ва сўнгги йирик асари «Обид кетмон» қиссаси билан шўро даври ўзбек адабий тилининг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

2. Унинг «Обид кетмон» қиссаси 30-йиллардаги ўзбек адабий тилининг барча хусусиятларини ўзида тўла акс эттирган.

3. Асар ўша давр насрининг поэтик тилини ўрганиш жиҳатидан ҳам аҳамиятга эга.

4. Қиссадаги шева, оддий сўзлашув нутқига хос сўз ва иборалар, историзм ва архаизмлар, олинма сўзлар тилимизнинг семантик услубий категорияларига оид сўзлар персонажлар нутқини хусусийлаштириш, тасвирланаётган воқеаларнинг қайси даврга тааллуқли эканини реал кўрсатиш учун хизмат қилади.

Абдулла Қодирий асарларининг халқимиз томонидан севилиб ўқилишининг сири ҳам ана шунда. Чунки ёзувчи ўз асарларида ҳар жумлани «ўн ўлчаб, бир кесган».

7-§. Ғафур Ғулом асарларининг тили ҳақида

Ўзбек адабиёти тарихи тараққиётига назар ташласак, ҳаётимизнинг жуда кўп тармоқларига оид ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда ёзилган асарлари билан шоир Ғафур Ғулом алоҳида ажралиб туради.

Ғафур Ғуломнинг хилма-хил жанрларда яратган асарлари ўзбек халқининг турли даврлардаги турмушини акс эттириб, адабиётимиз ривожида катта аҳамиятга эга бўлди.

Улкан сўз санъаткори ўзининг ажойиб шеърий ва насрий асарлари билан ўзбек халқининг қалбига ўрнашиб қолди. Бунинг асосий сири Ғафур Ғулом асарларининг халқчиллиги, ёзувчи ғояси мужассамлашган бадиий материядан ташкил топган услуби ҳамда тилининг соддалиги, тасвирий воситалари — ифодаларнинг равон ва халқ сўзлашув нутқига яқин бўлишидир.[1]

Ғафур Ғулом ижодининг дастлабки даврларидан бошлаб халқ оғзаки ижоди ва халқимизнинг жонли тили, оддий сўзлашув нутқини синчиклаб ўрганди, ундан ўз асарларида ижодий фойдаланди.

У жуда кўп сўз, ибора ва мақолларни жонли тилдан олиб, уни қайта ишлаб, ўзбек адабий тилининг бойишига ҳиссасини қўшди.

Масалан: қадимги турк ва эски ўзбек тилларида ишлатилиб, кейинчалик **кўкс** (< кўкрак) шаклида адабий тилда ишлатилмай, айрим шевалардагина сақланган сўзни шеъриятга олиб кириб жуда яхши иш қилди (кўкуз > кўкус > кўкс + им — кўксим каби):

Гранитлар каби,
Қийинликларга **кўкс** кериб
Куннинг машъалин ёқолган...
(«Қалбларнинг можароси»).

Фарғона шеваларига хос нордон анор маъносидаги **қай** сўзи:

Бу боғларда битган ҳар бир **қай-анор,**
Ёв бағрига отилажак гранат.

---

[1] Мамажонов С. Услуб жилолари. Тошкент, 1972, 82-бет.

Ғ. Ғулом илгари ишлатилган шеърий девонларга ёзилган муқаддима, кириш сўз, бош сўз ўрнидаги «Дебоча» атамасини қайтадан шеъриятга олиб кирди.

Айрим сўз бирикмалари ҳам шоир томонидан тузилиб, ундаги таркибий қисмларнинг маъно чегараси ўзгартилган, кенгайтирилган ҳолда ишлатилганини кўрамиз: **маърифат зинаси, инсоф маҳкамаси, замон кўраси, вулқонли севги, қўнғироқ қаҳқаҳали дўстлар, ўтли шиор, қонли тарих** ва ш. к.

Унинг асарларидаги лексик, морфологик, синтактик диалектизмлар воқеа-ҳодиса ёки персонажларнинг нутқини, руҳиятини табиий, аниқ тасвирлаш, унга таъсирчан услубий жило бериш, умуман, бадиий ифода воситаси сифатида ишлатилган. Масалан: *шумшук, атиги, баттарин, ичикмоқ, мазак, тахчиллик, тўқли, сояси юпқа, қала кавуш, холпаранг рўмол, қурдум дарё, лат ейиш, кўрк, чўнг, айтису, женгей, қутли, улкан, пилта чироқ, танча, тола — туз, қулоқ шамалоқ, гўлос, пистоқи* (ранг номлари), *қўлом, қўрғошин, зирапча, чидаганга чиқарган* (мато номи), *имилдоқ, далатаб, нўғой қошиқ, қўқаламоқ, ўрламоқ, говурт, қимрон, ўнқов, мечкай, чўкиртак, ҳалгунчак, зарда, қўсқи, ўтламоқ (сўкмоқ), лўла болиш, жилла, ая, ача, шоти, қопқа* ва ш. к.

Асар персонажларининг тили уларнинг характерларини очишда етакчи воситадир. Тил ўзининг тарихий конкретлиги билан бадиий асарда маълум ижтимоий-тарихий воқеанинг аниқ моҳиятини белгилашда, типик характерлар яратишда хизмат қилади. Персонажлар тили, жонли, аниқ таъсирчан образлар хусусий нутқ ёрдами билан асарнинг поэтик моҳиятини кўрсатади. Шунинг учун қаҳрамонлар образларини таҳлил этганда, тилнинг тасвирий воситаси бўлган ана шу икки томонни ҳисобга олмоқ керак.

Ёзувчи тилини умумхалқ тилидан ажратиш мумкин эмас. Умумхалқ тили, унинг луғат таркиби ва грамматик қурилиши халқимиз томонидан яратилган бойликдир.

Шундай қилиб, ёзувчи тили — умумхалқ тилининг хусусий кўриниши. Уни таҳлил қилганда, асарнинг ғоявий мазмунини ҳам ҳисобга олиш керак.

Сўз санъаткорлари адабиётимизга янги мавзулар, образлар, ғоялар киритар эканлар, тилнинг лексик ва грамматик бойлигидан янгича фойдаланиб, унинг услубини такомиллаштириб борадилар.

Ана шу нуқтаи назардан Ғафур Ғулом асарлари тили ва услубининг ўзига хослиги ҳақида гапириш мумкин. У ёзган дастлабки ҳикояларнинг бир қисми мазмун жиҳатдан натуралистик, унча умумлаштирилмаган, ҳаётимиз учун типик бўлмаган бўлса ҳам («Энг сўнгги тажриба билан бой бўлиш», «Соат», «Қизалоқ» каби), кўпчилик ҳикоя ва повестлари ўткир зиддиятлар асосига қурилган ва тил жиҳатидан яхши ишланган.

Ёзувчи, кўпинча, ўз ҳикояларини персонажлар тилидан гапиртиради. Масалан, «Бўйдоқ» ҳикоясида халқ сўзлашув нутқига хос бўлган сўз ва иборалардан жуда усталик билан фойдаланган ҳолда, уларга жило бериб, қаҳрамонини гапиртирганда, ўз муносабатини кулгили киноя билан кузатиб боради.[1] «Уйланиш ниятида қоғоздаги қантдай қилиб асраб ўтирилган қизларга совчи юбора бошладим — оғиз солдирдим. Ҳар ким ўз айбини билгуси келса, бирорта қизга совчи юборсин экан: бириси «ўпоқ», дебди, бириси «сўпоқ», дебди, яна биттаси «кўрпа кўтарди мусофирга берадиган қизимиз йўқ», деган жавоб бесавобни бериб, кампирнинг дилига озор берибди. Жуда ҳам жавоб тополмаганлари: «Вой айланай, қизим ҳали ёш, эрга бериш ниятимиз йўқ», деб жўнатибди.

Хулласи, илк баҳордан катта қовун пишиғигача уч жуфт кавушнинг жағи узилса ҳам мен «бахти сиёҳ»нинг пешанаси очилиб, бирор муносиб ерга унашолмадик. Кампирнинг бу тўғридаги мулоҳазаси «Осмоннинг никоҳи ерга тушгани йўқ»дан нарига ўтмади».

«Шум бола»да:— Қисовур билан ўғрининг тавбаси тавба эмас... «Ўғри қариса сўфи, ғар қариса парихон бўлади», деб бекорга айтилмаган-да. Тавба қилдим, дейди-я! Ҳа-ҳа, энди эшон бўлиб, қишлоқма-қишлоқ мурид овлаб юрибсанми? Ол буни!— Домла жуда қимтиниб, ўнғайсизланиб, заранг косани қўлига олди.

— Дурвазанг қизигандан кейин алёр ҳам айтиб берасан ҳали. Ич-эй, пайғамбарнинг меросхўри» (29).

Ушбу парчаларда содда тил, реал тасвирийлик орқали эскилик сарқитларини муаллиф сатира ўти билан куйдирган, руҳонийларнинг сирларини фош қилган.

Маълумки, тил синфий ҳодиса бўлмаса ҳам, айрим синфлар, табақа ва гуруҳлар нутққа бефарқ қарамас-

[1] Ёқубов Ҳ. Ғафур Ғулом. Тошкент, 1959, 23-бет.

дан, унга ўзларининг баъзи бир сўз ва ибораларини киритадилар. Масалан, «Шошилинч телеграмма» ҳикоясида Ғафур Ғулом юқори услубда гапирувчи «обиватель», «мешчанлар тили»нинг ёрқин намунасини келтириб, уларга хос жаргон ва ифодаларни аниқ ва усталик билан берган: «Манким ҳожиюл ҳарамайн Мирмуломиддин мулла Миркашофиддин ўғилларидирман, менга Фирдавс монанддан ўн олтинчи сафарул муборакда қоқилган чақмоқ (молния) телеграммани тўрт оғайнининг (жумодил соний) аввалида, офтоб аломат қиёмдан чизи гузашт қилғонида олдим, яъни «расида» деб ўрдак думли, жимжимадор қилиб қўлим қўйдим...».

Бунга ўхшаш мисолларни ёзувчи умрининг сўнгги йилларида ёзилган ҳикоя ва очерклларда ҳам учратиш мумкин.

Ғафур Ғулом асарларида сўзларнинг семантик-услубий белгиларига алоҳида аҳамият берилганини кўрамиз. Унинг асарларида (айниқса шеърларида) кўп маъноли (полисемия), шаклдош (омонимия), маънодош (синонимия), қарама-қарши маъноли (антонимия), сўзлар, архаизм ва тарихий сўзлар кенг қўлланган. Албатта, ёзувчи бу сўзларни ишлатганда, тасвирланаётган воқеанинг аниқ, ишонарли бўлишини таъминлаш, шеъриятда анъана бўйича давом этиб келаётган сўз ўйини — тажнислар ҳозирги ўзбек тилининг лексик жиҳатдан бой, услубий жиҳатдан пухта эканлигини намойиш қилиш учун, архаизм ва тарихий сўзлар орқали илгариги давр хусусияти сақланишини назарда тутган.

Масалан: кўп маъноли **бош** сўзи Ғафур Ғулом асарларида ўн икки хил маънода ишлатилган: 1. Қишининг боши; бош кўтармоқ. 2. Бош масала; аскар боши. 3. Боши йўқ; дўст бошга қарар. 4. Бир бошга бир ўлим. 5. Беш бош талаба. 6. Тоғнинг боши. 7. Ой боши; боши кетди. 8. Сув боши. 9. Боши берк кўча. 10. Бир бош узум. 11. Тўғноғич боши. 12. Жон боши; булоқ боши.

Ўчоқ сўзини кўчма маънода қўллаб, қуйидаги сўз бирикмаларини яратган: **маърифат ўчоғи, маориф ўчоғи, неъмат ўчоғи** (Дилда қайнар неъматларнинг ўчоғи).

Омонимлар бир хил товушлардан ташкил топган, яъни шакли бир хил, турли маъноларни билдирувчи сўзлардир, уларга тарихан ёндошсак, талаффуз этилишида фарқ сезилади:

Тилими тилимни минг **тилим** қилган
Қирқмалар боғлади юкин қовғага.
(«*Куз келди*» шеъридан).

Бу ерда: 1) **тилим** (тилинган, қирқилган): 2) тилим (менинг тилим); 3) тилим (тилим қилмоқ, ёрмоқ).

Тўлаган ҳаттоки олти ойликни газетага олдиндан ўзи **тўлаган** («*Одамлар ўртасида*» шеъридан).

Бунда: 1) Тўлаган (атоқли исм); 3) тўлаган (феъл);

Бармоқлари санарди: **«олти, етти»** деб...
Эртани ўйлашнинг пайти етти деб.

Бунда: 1) етти (7— сон): 2) етти (етмоқ — феъл). Юқоридагилардан ташқари, Ғафур Ғулом асарларида **қора, оқ, қизил, ёш, юз, от, ой, соч, тут** каби бир бўғинли сўзлар билан келган омонимлар кўп учрайди.

Шакл жиҳатидан турлича, аммо маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган анчагина синонимларни ҳам учратамиз. Маълумки, уруғ, қабила, элат, миллий тиллар ва диалектларнинг ўзаро муносабатлари орқали, хусусан луғат таркибининг доимий тараққиёти натижасида, бир қанча вақтлар давомида янги кириб келаётган ва истеъмолдан чиқиб бораётган сўзлар параллел тарзда ишлатила беради. Луғат таркибидаги бу ҳодиса синонимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мисоллар: **чақалоқ, гўдак, тепа, дўнг, адир: ўқрайиқ, тикилмоқ, кўз олайтирмоқ, кулмоқ, жилмаймоқ, илжаймоқ, табассум қилмоқ, қаҳқаҳа отмоқ, тиржаймоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ** (мийиқ остида кулдилар, қулимсиб ётишди, ғунча табассум, мийиғида илжайиб); **юз, бет, афт, ангор, башара, жамол, чеҳра; баҳодир, ботир, қаҳрамон, полвон, жасур, довюрак, қўрқмас, зўр, мард; улуғ, буюк, катта, улкан, гигант; чиройли, гўзал, сулув, лобар, кўркли** ва ш. к.

Синонимлар ҳамма вақт бир-бирлари билан тўлиқ маънодош бўла бермайдилар. Улар маълум маъно нюансликлари билан фарқланадилар. Агар биз **тепа, дўнг, адир** сўзларини олсак, булар бир-бирига яқин нарсаларни билдиради. Лекин **тепа** сўзи умуман **тепалик** (жой) маъносини билдирса, **дўнг** сўзи бир оз баланд бўлиб, дўнг бўлиб турган жой маъносини билдиради. **Қулмоқ, жилмаймоқ, табассум қилмоқ, қаҳқаҳа отмоқ** ва **гўдак, чақалоқ** каби синонимларни бир-бирлари билан доим алмаштириб ишлатиш мумкин, чунки улар яқин маънони билдиради.

Баъзи бир синонимик гуруҳни ташкил этган сўзлар нинг маъно жиҳатидан яқинлигига қараб, биринг нида иккинчисини ишлатиб бўлмайди. Масалан: **жаймоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ** синонимларин ижобий маънода қўлланадиган **кулмоқ, жилмаймоқ табассум қилмоқ** ўрнида қўллаб бўлмайди.

Ғафур Ғулом асарларида (умуман, 30-йилларда адабиёт майдонига кириб келган ёзувчилар асарларида) ўша вақтда неологизм саналган шўровий сўзлар **(партия, большевик, комсомол, колхоз, совхоз, сеялка аэроплан, трактор, агроном, звено, бригада, борона, ак тив, машина, паром, стол, стул** каби) ва адабий тилга кейинги вақтларда шўро фани, техникаси, рус тилининг таъсири натижасида кириб, ўзлашиб кетган **пахта те риш машинаси, космик кема, космонавт, ер йўлдоши мемориал, штурвал, монолит, автоматика, лунохо** каби сўз ва атамалар кўп қўлланганини кўрамиз.

Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам қуйидаги янги сўзларни ясаб, адабий тилга олиб киради: **ҳижронзада, дўстпар вар, дамкаш, яловкаш, шарофобод, уруш талаб, ги лерзод, дарёдил, нурсирамоқ, эмукдош, эмакдош, одам ча, американча, қалқонбағир, хушахлоқ** ва ш. к.

Лекин ёзувчи ўзининг айрим асарларида (кўпинча шеърларида) китобхонлар тушуниши қийин бўлган ҳозирги ўзбек тили луғатида ўзлашмаган арабча, то жикча ва қадимги туркий тилга хос эскирган сўзларни кўплаб ишлатган.

Масалан: **ғаммоз — сир** очувчи (чақимчи), **зарра** (зарралар, атомлар), **пешрав** (йўл бошловчи, олдинда юрувчи), **қаттол** (ўлдирувчи), **сад** (юз — 100), **бурҳон** (гувоҳ, далил), **мақбар** (гўр, қабр, мавзолей), **ҳумо** (афсонавий қуш), **мукаррам** (ҳурматли, азиз), **тамуғ** (дўзах), **киштукор** (кишти — кема, коса; кор — иш), **абадулабад** (битмас-туганмас), **шарорат** (ёмонлик), **айюҳаннос** (бақирмоқ), **байтул муқаддас** (Қуддус шаҳ ри ва ундаги яҳудийларнинг зиёратгоҳ жойи), **боби замма** (араб ёзувида **у (ў)** унлисини билдириш учун ҳарфнинг устига қўйилган вергул шаклидаги белги), **улус** (халқ), **боргоҳ** (сарой), **муҳаққақ** (аниқ, рост), **нужум** (юлдузлар бирлиги: нажм) ва ш. к.

Ғафур Ғулом сўнгги даврда ёзган асарларида сўз танлаш масаласига янада алоҳида аҳамият берганлиги яққол кўринади.

«Ғафур Ғулом бой халқ тилини яхши билади, унинг луғат таркибидан ўз фикр ва туйғуларини ифодалаш учун керакли сўзларни танлаб, сайлаб олади, поэтик луғатини ва ифода воситаларини мукаммаллаштиради.

... У халқ тилидан адабий тилга ... аҳён-аҳёнда ишлатилиб келган сўз ва ифодаларни олиб кирди ва уларга адабий тилда қонуний суратда яшаш ҳуқуқини берди... **қўли қанд, бар тутқизмас, қандингни ура бер, кўрарга кўзи йўқ, ўт билан ўйнай берма, қамишдан бел боғлаб хизмат қилса бас, сўққа бош, оғзига мум солгандай, айланарди бошимизда қўш тегирмон**... ва ҳоказо».[1]

Булардан ташқари, ёзувчи халқ мақолларидан ҳам ижодий равишда жуда ўринли, давр ва тасвирланаётган персонажларнинг характерига мос ҳолда, мақсадга мувофиқ фойдаланган: *Шошган қиз ёлчимас эрга — деганлар... Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар.* (*«Аввал ўқи»* шеъридан). *Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ эшак...* (*«Хотин»* шеъридан). *Ит ҳурар, карвон ўтар.* (*«Қозоқ даласининг бир жуфт ҳайдар кокили»* очеркидан). *Султон суягини хўрламас* (*«Кўзимиз ўткир»* очеркидан). *Асал айнимас, сариғ ёғ сасимас* (*«Тўқ ва маданий»* очеркидан). *Яхши ният — ярим мол* (*«Шараф»* очеркидан). *Эшакнинг кучи — ҳалол гўшти — ҳаром* (*«Чоллар»* очеркидан) ва ш. к.

Ғафур Ғуломнинг 40 йиллик ижодий фаолияти ўзбек халқининг ҳаёти билан узвий боғланган бўлиб, ана шу даврда турмушимизнинг жуда кўп томонларини қамраб олган ғоявий-бадиий етук шеърлари, поэмалари, повесть ва ҳикоялари, очерклари, публицистик ва илмий мақолалари билан ўзбек адабиётининг мавқеини юқори кўтарди ҳамда ўзбек миллий-адабий тилининг ривожига катта ҳисса қўшди.

8-§. Ойбек насрий асарларининг айрим тил хусусиятлари

XX аср ўзбек адабиётининг энг йирик вакили, ёзувчи Ойбек ўз асарлари тилининг содда, кўркам, услубининг эса равон ҳамда жозибали бўлишига доим эътибор бериб келган. Унинг дастлабки шеърий тўпламлари «Туйғулар» (1926), «Кўнгил найлари» (1928), «Машъала» (1932) даги шеърларида қишлоқ хўжалигини

[1] Ёқубов Ҳ. Ғафур Ғулом. Тошкент, 1959, 128-бет.

жамоалаштириш, хотин-қизлар озодлиги, саводсизликни тугатиш, фан сирларини ўрганиш сингари ўша даврнинг кун тартибида турган муҳим масалалар содда, образли тилда ва юксак маҳорат билан тасвирланган.

Ёзувчи ўз асарлари тили устида ишлаб, адабий тилни бойитиш ва такомиллаштиришдек фахрли вазифани бажарди, бу унинг «Дилбар — давр қизи», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Ўч», «Қизлар», «Зафар ва Заҳро» каби поэмаларида, айниқса, романларида яққол кўзга ташланади.

Агар биз Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини ўқисак, уни яратишда ёзувчининг умумхалқ тили бойликларидан, унинг турли-туман иборалари ва шаклларидан ижодий фойдалангани, ўзи эса жонли сўзлашув тили хусусиятларини мукаммал билганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Ойбек роман персонажларининг нутқини хусусийлаштиришда, уларни шу орқали типиклаштиришда зўр маҳорат кўрсатган.

Романда кўп персонажлар бўлишига қарамай, Ойбек уларнинг ҳар бирига мос характерларига ва ўз ижтимоий табақаларига хос сўз ҳамда ибораларни танлай билган.

Буни Мирзакаримбой ва жадид Абдушукур ўртасидаги диалогда яққол кўриш мумкин. Абдушукур Мирзакаримбойга «Ойна» журналини кўрсатиб айтади: *«Бу, отажон, мажмуа, жорийда, ойда икки дафъа Самарқандда босилиб, аҳли илм орасида тарқалади. Нима кераги бор дейсизми?— Мақсади диний, дунёвий ҳар нав фойдали ёзувлар билан миллати исломиянинг кўзини очиш, ҳақиқат йўлини кўрсатишдир. Муҳаррири илмда камолотга етган нодир инсонлардин...»*

Мирзакаримбой: *«Ажаб замон экан!.. Ҳар хил гаплар чиқади: мажмуа, жорийда... Фойдаси борми?! Мана* **банка** *деган сўз чиқди. Кўрдик, фойдаси, манфаати жуда зўр,* **вексель** *деган сўз чиқди. Уни ҳам кўрдик, бениҳоят зарур нарса,* **кредит, процент, завод, компания,** *яна бирмунча сўзлар борки, ҳаммаси нуқул фойдали нарсалар. Сизларники-чи?* **Жорийда,** *яна нима* **мажмуа!..** *Тавба!»*

Ушбу диалогда ўзбек миллий буржуазия зиёлисининг вакили Абдушукурнинг дунёқарашига хос **журнал, жорийда, мажмуа, аҳли илм, миллати исломия** каби сўз ва иборалар, маҳаллий капиталист Мирзакаримбой

мақсадларига мос **завод, банк, вексель, кредит, компания** каби сўзлар жуда ўринли қўлланган.

Персонажлар нутқидаги ўзига хосликни Йўлчи, Гулнор, Нури, Тантибойвачча, Шокир ота, Қоратой сўзларида ҳам кўриш мумкин.

Романда «муаллиф тилининг бой ва образлилиги бадиий тасвир воситаларидан кенг ва ўринли фойдаланиш, персонажлар тилининг хусусийлашганлиги кабилар Ойбекнинг бадиий асар тили устида чуқур ва қунт билан ишлаганлигидан далолат беради».[1]

«Қутлуғ қон»да ёзувчи тилни умум адабий тил қоидаларига бўйсундиради. Бироқ у ўз тилини ҳаётда ва бадиий тажрибасида пишитилган тасвирий воситалар билан бойитади. Айрим ўринларда тилни бениҳоят образли қилиб, поэзия тилига яқинлаштириб юборади: ўхшатиш, метафора, эпитет ва шу кабиларни кўп қўллайди, манзарали деталларга катта ўрин беради. Масалан, муаллиф жазирама иссиқ ва унинг таъсирини шундай тасвирлайди:

«Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай **оқ аланга билан жимгина ёнгандай.** Кенг дала йўлида қатновчилар **сийрак**: эски бир қалпоғини бурнига қадар тушириб, иссиқдан мудраган ва ҳорғин ориқ отининг ялқов қадамига бардош қилиб шаҳардан қайтаётган четан аравали деҳқон, **икки оёғи билан эшакнинг қорнига ниқтаб** муттасил «хих», «хих» билан халқумини қирган бир мўйсафид узумчи... **Иссиқ тобора ортар, «ғир» этган шамол йўқ,** от-арава кўтарган чанг ҳавода узоқ қимирламай туриб қолар, юзларга қизғин темир учқуни каби ёпишар, нафасни бўғар эди»[2].

Ойбек ҳам бошқа йирик ёзувчилар сингари халқ оғзаки ижодининг битмас-туганмас бойликларидан ижодий фойдаланиб, халқ мақоллари, иборалари ва айрим диалектизмларни маълум мақсадни назарда тутган ҳолда, персонажларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг характерларини аниқроқ очиш учун ишлатган.

Мисолларга мурожаат қилайлик: «Сўраганнинг айби йўқ, **бола йиғламаса, она сут бермайди», «Оч уйда қатиқ ивимас», «Ўнг кўзинг сўл кўзингга ёв»** (Эшвой сўзидан); **«Қорни очдан қорни тўқнинг нима парвойи бор», «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан»** (Йўлчи

[1] Қаюмов Л. Аср ва наср. Тошкент, 1975, 129- бет.
[2] Ёқубов Ҳ. Ойбек. Тошкент, 1955, 59- бет.

сўзидан); **«Бўзчи белбоққа ёлчимас», «Тама нонга қўл очгандан ўл оч!»** (Шокир ота сўзидан); **«Булар ёмон одам, илондан чаён туғилади»** (Қодир сувоқчи сўзидан) ва шу каби. Бунга ўхшаш мақол ва иборалар ни кўплаб келтириш мумкин.

Ойбекнинг «Навоий» романи ўзбек халқининг XV асрдаги феодал тузуми шароитидаги ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётини, темурийзодаларнинг ўзаро тахт талашиб олиб борган ички урушларини реал кўр сатиб берган тарихий-биографик асардир.

«Ҳар бир бадиий асар у яратилган тарихий давр билан маънавий алоқада бўлади. Шунинг учун ҳам Улуғ Ватан уруши даврида яратилган бу ажойиб ро маннинг ҳам ўша давр билан маълум ҳамоҳанглиги сезилади. Бу ҳамоҳанглик Алишер Навоий ватанпар варлик туйғуларини, адолат учун курашдаги иштирок ни ва шахсий жасоратини бўрттириб тасвирлашда кў ринади.

Романнинг жуда катта муваффақияти, табиийки муаллифнинг камолга етган бадиий маҳорати билан боғлиқ. Зотан, бу романда йирик эпик полотнонинг мураккаб сюжетини динамик ривожлантириб боришда, пейзаж ва портрет чизишда, айниқса, тарихий жанрда қийин ижод бобида ўша даврга мос бадиий тилни ишлашда шундай маҳорат кўрсатдики, бу билан муаллиф адабиётнинг классиклари даражасига кўтарилди»[1].

Ёзувчи персонажларнинг нутқида Навоий яшаган давр —XV аср тил хусусиятларини беришда анчагина муваффақиятга эришган. Баъзан муаллиф сўзида ҳам бир қанча арабча ва тожикча, ҳозирги замон китобхонлари тушуниши қийин сўз, сўз шакллари ва иборалар ишлатилганини ҳам кўрамиз. Албатта, бу воситалар маълум мақсадларда — давр руҳини типиклаштириш учун ишлатилган.

Масалан, муаллиф ёзади: «...Жомий бу аҳволдан чуқур **мутаассир** бўлар... Навоийнинг **иқтидорига**, ёр қин **закосига**, у бошлаган ишнинг чуқур маъносига ишонар...» (215);

«Бу — тепа-тепа тупроқ уюмлари билан Ҳирот **самосига** ҳокимлик қилган қалъа эди» (19); «...**Муаззам** тарих биноси яратган эрлар, ниҳоят, бир томчи қонини гуноҳига ғарқ бўлиб..» (484) ва шу каби.

---

[1] Қаюмов Л. Аср ва наср. Тошкент, 1975, 137- бет.

Бу ерда ишлатилган **«мутаассир»** (таъсирланиш), **«иқтидор»** (бажара олиш, қодир бўлиш), **«само»** (осмон), **«муаззам»** (улуғ), **«зако»** (зийрак) сўзлари ҳозирги ўзбек тилида кам ишлатилади.

Юқоридагилардан ташқари муаллиф тилида: **«мубҳам»** (яширин), **«таҳаммул»** (сабр, чидам), **«мутавозе»** (кибрсиз), **«манҳус»** (иши юришмаган), **«муқовамат»** (қувват берадиган), **«тамонил»** (мос келмоқ), **«фиқҳ»** (диний билим), **«адад»** (сон, ҳисоб), **«тадорик»** (илож, чора) каби кўплаб сўзларни кўрсатиш мумкин.

Ойбек романининг кейинги нашрида ҳозирги китобхонлар тушуниши қийин бўлган қатор сўзларни алмаштиргани кўринади (**Миқроз** ўрнида **қайчи** каби).

Ойбек «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл» сингари романларининг тили ва услуби устида ҳам қунт билан ишлаган. Ёзувчи «Олтин водийдан шабадалар» романида шўро даври кишиларининг фидокорона меҳнатларини маҳорат билан тасвирлайди. Уларнинг ахлоқий ва маънавий фазилатларини меҳнатга муносабатда ва қийинчиликларни енгиш учун бўлган иродаларида кўрсатади. Муаллиф бу меҳнатнинг ақл, ирода, идрок ва жисмоний куч талаб қилишини, унинг ижтимоий қудратини ҳам ҳаяжон билан тасвирлаб беради.

Романнинг тили кўп ўринларда образлидир. Ёзувчи ўз мақсадини аниқ ифодалаш учун тасвирий воситалардан кенг фойдаланади. Вазият, буюмлар, табиат кўринишлари, меҳнат манзаралари, ўй-фикрлар, нутқ хусусиятлари ва ҳаракатларини аниқ акс эттиради...

Ойбек персонажларни тасвирлашда, айниқса, портретини чизишда қуюқ тавсифий бўёқларни ишлатади, шу йўл билан уларнинг ўзига хос нозик хусусиятларини ёрқин кўрсатишга тиришади. Бунга Қомиланинг таърифи яққол мисол бўла олади. Муаллиф қаҳрамон билан китобхонни таништиришда унинг қиёфаси, қадди-қомати, афти, юриш-туриши, сўзлаши, ўзини тутиши, хулқи, ҳаракати ва бошқа хислатларига алоҳида эътибор беради: «... Қаердандир **от ўйнатиб қиз** келиб қолди. Унинг юзи **қорамтир, тўлагина, кулимсираган** лаблари **ингичка;** иягининг ичида **кичкина, чиройли** чуқурчаси бор; **қоп-қора** кўзлари жуда жонли, ўйноқи, қошлари ингичка, сал **чимирилган;** сочлари янги дўппи устида чамбар, эскироқ атлас кўйлак устидан кийган, оқ **сарғиш** шойидан торгина нимчаси унинг кучли бели-

ни, **тўлагина** кўкрагини янада **яққолроқ, қабартириброқ** кўрсатар эди... Қиз **сувлиқ чайнаб,** бошини тинмай силкиган, кўзлари **ҳуркак, баланд бўз** отдан тушмасдан, **ўткир, жарангли** товуш билан гапира бошлади-ю бирдан Ўктамга кўзи тушиб, ким экан, дегандай бир **зум** тикилди-да, отдан **чаққон** тушди, жиловини билакка солиб, Ўктамга қўл узатди...»[1]

Бу юқоридаги парчада ёзувчининг жонли халқ сўзлашув нутқида кенг қўлланадиган сифатлашлардан жуда ўринли фойдаланганини кўрамиз.

Романда баъзан ҳаддан ташқари мураккаб узун жумлалар (62—64-бетлар), персонажлар нутқидаги ўзига хос бўлмаган сунъийликлар ҳам кўзга ташланади.

Ойбекнинг Ватан уруши йилларида кишиларимизнинг жанглардаги чексиз қаҳрамонликларини кўрсатишга бағишланган «Қуёш қораймас» (1959 йилда тўлиқ босилган) романи тили ва услуби жиҳатдан бошқа насрий асарларидан фарқ қилади.

Асар уруш мавзусида ёзилгани учун унда (айниқса лексикасида) уруш жараёни билан алоқадор бўлган воқеа-ҳодисалар, жанг қуроллари номлари, кундалик жангчилар ҳаётида ишлатиладиган сўз, сўз шакллари, иборалар кенг қўлланган.

Бир байналмилал батальон жанговар тарихига бағишланган бу романдаги персонажлар бир мақсад йўлида ҳаракат қилишларига қарамай, улар хулқ-атвори, ақл-идроки, кишилар билан муомаласи, иш-амали, айниқса, ўзларига хос сўзлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романи лексикасида учрайдиган сўз ва атамаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ҳарбий соҳага оид сўзлар: *фронт, батальон, полк, дивизия, армия, взвод, окоп, блиндаж, землянка, дот, штаб, генерал, комбат, капитан, лейтенант, старший лейтенант, майор, сержант, ефрейтор, командир, атака, мина, бомба, снаряд, пулемёт, ракета, граната, автомат, команда пункти, бинокль, стратегия, танкист, сапёр, алоқачи / связист, пиёда, тўпчи, «максимка», контратака, отделение, часть, обоз, позиция, планшет, плащ-палатка, военкомат, передовой, линия, батарея, тягач, конвой, зенитка, артиллерия, артподготовка, диск, воронка, санбат, медсестра, бинт* ва шу кабилар.

2. Темир йўл, транспорт, кийим-кечак, овқат ва нчимлик номларига хос сўзлар: *станция, рельс, вагон, мотоцикл, каска, шинель, обмотка, картошка, буханка, сўк бўтқа, каша, колбаса, спирт.*

3. Романда юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалигига оид, уй-ашё номларини билдирувчи сўзлар, этоқли исмлар, шахснинг ўзи мансуб бўлган элат, миллат ва жой номлари учрайди: *колхоз, пахта, чўпон, зоотехник, рус, украин, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, ўзбек* ва бошқалар.

Ойбек бу асарида уруш даврида ўзбек тили лексикасига кириб келган ҳарбий соҳага оид сўзлар деярли тўла қўлланган бўлиши билан бирга, унда ўзбек тили семантик-услубий категориясига хос сўзлар, поэтик тил унсурларидан жуда усталик билан фойдаланган. Романдаги ўхшатиш, метафора, метонимия, такрор, кўчим, муболаға каби бадиий тилга алоқадор хусусиятлар ўзининг аниқлиги, ишонарлилиги, маъносининг кучи билан оддий халқ сўзлашув тили ва халқ оғзаки ижодига жуда яқинлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчи асар персонажларининг қайси миллат, элат ва шева вакили эканлигини ҳам баъзан ҳисобга олиб, уларнинг нутқи орқали типиклаштиришга ҳаракат қилади.

Масалан, Бектемир билан Қулмат диалогини олсак: *— Саған не бўлди, эсингни жийдинг-ба?— деди ёш қозоқ йигити ва уни анча нарига тортди-да, ҳалиги жойга душман мина ташлаши мумкинлигини тушунтирди) («Қуёш қораймас»,* 10—11-бетлар).

«— Чего, жарко?— деб сўради рус жангчиси сувдонини узатиб» (Мазкур асар, 16-бет).

«— Ничего, я сам,— деди рус жангчиси ҳаллослаб» (Ўша асар, 18-б.).

«Асқар полвон чуқур хўрсинди. — Бир вақт «Рўмоим деган **талинкани** *икки юз эллик* **сўлкавойга** *сотиб олибман-а. Ана қизиқиш, ана замон! Ҳаммаси ўтди-кетди* (Ўша асар, 26-бет. Талинка — патефон пластинкаси маъносида — Тошкент шеваси).

«Иккинчиси қозонлик татар дўсти эди. Бектемир билан учрашганда, одатда: «Эй, малай, ҳоллар ничик? деб қўярди» (38).

«Ў этигининг қўнжида **сивизға** *олиб юрарди»* (165,

[1] Ёқубов Ҳ. Ойбек. Тошкент, 1955, 59-бет.

сивизға — қамишдан ясалган ёки мисдан қилинган най — Тошкент шеваси).

Тошкент шевасига хос хусусиятларни кўпинча муаллиф сўзларида учратамиз: «... **гувала** *бош ефрейтор бемаъни аблаҳона гердайиш билан ўтириб, узун оёқларини чалиштирди*» (133).

«Бутун Европани забт этганда, уларнинг **жимжилоғи** *ҳам қонамаган эди»* (110), «...**коптокдек** *сакраб бутлар орасига яширинди* (98). *«Бектемирнинг бошидан* **гала-гала** *фикрлар, ранг-баранг хотиралар кечарди. Боболардан қолган қўрғондай катта чорҳари ҳам... янги хоналар ҳам... пахса деворлардаги* **гуж-гуж таппилар** *ва* **чамбараклардаги** *қовоқлардаги сут-қаймоқлар кўзларига кўриниб кетгандай бўлди»* (5).

«У сариқ тукли **олқиндидай** *чувак юзли, кичик гавдали, кўримсиз эди».* (6-бет).

«Қуёш қораймас»да Ойбек воқеа-ҳодисалар ва персонажларнинг хусусиятларини очишда халқ иборалари, мақолларидан ижодий фойдаланган, ўзи ҳам янги иборалар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар яратган: **«бало шўнғийди», «човут солади», «жаҳаннам ёғилади», «жон ҳовучлаб», «ранг-кути оқариб», «қалин-қаттиқ бола», «абжагини чиқармоқ», «умр косаси», «аммамнинг бузоғи», «долиғулига келган», «ўзбекча чўққайиш», «пихини ёрган», «чурвақалар», «дўзахнинг ўтёқар, ўткавлар шоввозлари», «чиқмаган жондан умид», «юмалоқ-ёстиқ қилмоқ», «Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар», «Керакли тошнинг оғири йўқ», «Қариб қуйилмаган, ачиб суйилмаган», «Ўқсиз солдат — қиличсиз қин», «Давлат тинч — халқ тинч», «Қафан кийган кетади, капалак кийган келади», «Қўрқоққа ип илон бўлиб кўринади», «Лашкар боши уста бўлса, душман оёғи осмонда бўлади», «Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан», «Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама», «Қўрқмас қирқ йил қирғинда юрса, қилич ўтмайди»** ва шу кабилар.

Маълумки, сўз санъаткори ўзбек тили луғатидан барча сўз бойлиги билан кенг танишган бўлиши ва зарур ўринларда уларнинг энг аниғи, маъно жиҳатдан энг таъсирли, энг мосини танлаб ишлата билиши керак.

Ана шу жиҳатдан қараганда Ойбекнинг «Болалик» номли таржимаи ҳол қиссаси ўзига хосдир. Асарни ўқир эканмиз, Ойбек тасвирлаган инқилобгача бўлган «эски Тошкент» шаҳари, унинг атрофидаги жойлар — маҳалла, кўча, бозор, даҳа, гузарлар; турли ижтимоий тоифадаги одамлар, уларнинг муносабатлари, руҳияти, феъл-атворлари, умуман, меҳнаткаш халқнинг аҳволи, улар онгининг аста-секин ўсиб бориши каби воқеа-ҳодисалар кўз олдимиздан худди кино лентасидай бирма-бир ўтади.

Ойбек «Болалик» қиссасида иштирок этувчи ҳар бир персонажнинг барча хусусиятлари, феъл-атворлари билан бирга нутқини ҳам хусусийлаштиришга ҳаракат қилган.

Масалан, бозорда эски-туски, темир-терсак, каби буюмларни сотувчи, уришқоқ, бақироқ Расул ўрис образини чизар экан, ёзувчи унинг табиатига хос сўзларни топади: «Шу пайт машҳур Расул ўрис келиб қолади. Гапига чалакам-чатти рус сўзларини аралаштиргани сабабидан унга «Расул ўрис» лақаби қўйилган. Унча-мунча сўзларни, айниқса русча сўкинишларни у билади. Новча, ингичка буришиқ юзли, кўзлари хунук, жағи олдинга чиққан. Қўлида ҳасса, бармоқларида катта-катта узук, тишларида доимо папирос.

— **Марш, хулиганлар!**— бақирарди Расул ўрис бизларга, кейин чолнинг бошига бориб ўдағайлади.

— Эй, сен аравачи чол, **пашол атсуда, свинья...** бобиллаб чолга югурарди:

— **Сволични** уриб ўлдирмасамми!..

... — Сен тўхтаб тур, **палисага** арз қиламан, ана шунда «ваҳ» дейсан! Ман арақни сенинг пулингга ичибманми, гўрсўхта, **падлес...** Айт ҳозир! (116—117-бетлар).

Ойбек персонажлар қайси табақа вакили бўлишига ва уларнинг феъл-атворларига қараб сўзлар танлайди. Жумладан, «Шўройи ислом» жамиятини тузган жадидлар нутқидан келтирамиз: «— Заволли Туркистон ўлкаси **фаже, пек** қоронғи зулматда ётдик. Аммо, Туркистон диёри, олтин тупроғимиз, буюк дарёларимиз узра бутун оламга ўрнак бўлган шавкатли давр тарихимиз қайтиб келар, эҳтимол, лекин афандилар, зиёлилар ва халойиқ, чоризм истибдодидан халос бўлдик. Аввало сиз билингизки, муқаддас динимиз, пок, муқаддас шариатимиз, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва сўнгра шонли байроқдоримиз миллий руҳ билан суғорилган урф-одатларимиз бор. Муваққат ҳукуматимиз оз-моз эркинлик берди. Афандилар, ҳуқуқимизни, муқаддас ишимизни, шавкатимизни, тақдиримизни унутмайлик,

муваққат ҳукумат олдида ўз арз ва илтимосимизни баён этайлик» (212-бет).

Юқоридаги жадид вакили нутқи орқали **олдин** Николай подшоҳ ҳукуматини, у ағдарилгандан кейин эса Керенский бошчилигидаги вақтли ҳукуматни ёқловчи, маҳаллий бой ва катта ер эгаларининг, ислом динининг тарафдори бўлган «янгилик киритувчи» зиёлилар — жадидларнинг дунёқарашлари, маънавий қиёфалари яққол кўринади. Яна шуниси характерлики, жадидлар ва руҳонийлар, уламолар нутқида ўша давр, яъни 1905—1917 йиллардаги «адабий тил»га хос бўлган кўпчилик омма тушуниши қийин сўз, сўз шакллари ва иборалар кўплаб ишлатилган. Буни ёзувчи жуда тўғри, уларнинг услубини сақлаган ҳолда бера олган.

Адиб халқ тилининг бутун гўзаллигини, имкониятини намоён этишда ўз қаламининг мўъжизакорлигини кўрсата олган.

Маълумки, сўз тилдаги асосий восита сифатида ўзида давр изини, руҳини ҳам ифодалайди. Масалан, «хатчўп», «озод» каби оддий сўзлар асарда маълум тарихий даврни ифодалашга хизмат қилади. Чунончи, «Озод» амалдаги «озод» сўзи билан уйғунликка эга бўлса-да, лекин у талабаларнинг бўшатилишини ҳам англатади. Ёш адиб сўзлар тартибида оғзаки нутқнинг хусусиятларини бадиий асарга усталик билан сингдириб юборади. Масалан, одатдагидек эгани гап бошида, кесимни охирида қўллаш билан чекланмайди. Халқ тили грамматикасининг қонунияти асосида бу тартиб баъзан ўзгартирилиб, эга гап охирига ҳам кўчирилади. Натижада адибнинг оғзаки ва ёзма нутқимиз орасидаги очиқликни туташтириш борасидаги санъати янада яққолроқ гавдаланади» (75).

Қиссада турли касбдаги кишиларнинг характерини, уларнинг руҳиятини аниқ ва реал ифодалаш учун муаллиф касб-корликка оид сўзлар, архаизм, олинма сўзлар, айниқса, диалектизмлардан кенг фойдаланади. «Болалик»да персонажлар нутқида ҳам, муаллиф нутқида ҳам Тошкент шевасига хос сўзлар кўп учрайди.

Чўпчак — эртак; **туршак** — қуритилган ўрик; **сағал** — сал; **танча** — сандал; **зиғирдай** — озгина; **нарвон** (тож. нардбон) — шоти; **мошкичири** — овқат номи — кичири оқ-қора аралаш: **Тўрва соқоли мошкичири; билгич** — билағон, доно; гўрт (город — янги шаҳар маъносида); **тақия** (дўппи); **ёлғондака** — ёлғондан; **тақилмоқ** — тегмоқ: — *Э, тентак!— дейди поччам ташқарига югуриб.— Тақилгансанда, ўзига жон битиптими?!* **Опоқ ойи** — катта ёшдаги аёлларга мурожаат қилганда айтиладиган сўз; **ўшатта** — ўша ерда; **нимча** — камзул; **қайдам** — билмадим маъносида ва ш. к.

Умуман, Ойбек насрий асарларида ҳар бир персонаж хусусий сўзларига эга, улар бир-бирларидан нутқлари билан ажралиб турадилар. Муаллиф тили ҳам ҳар бир асарида тобора такомиллашиб боради. Бу эса адиб асарлари тили ва услубининг ўзига хослигидан далолат беради.

9-§. Абдулла Қаҳҳор — сўз санъаткори

XX аср ўзбек адабиёти тарихида, хусусан наср соҳасида ўз асарлари тили ва услуби билан ажралиб турадиган ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳордир.

У ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида улуғ ёзувчилар сингари миллий нутқ маданияти тараққиётини кузатиб борди, унинг такомиллашуви, силлиқлашуви ва янги сўз шакллари, иборалар билан бойишига катта аҳамият берди.

Абдулла Қаҳҳор бадиий асарнинг китобхонлар орасида шуҳрат қозониши, севилиб ўқилиши, умрбоқийлиги, сифати, унда сўз, ибора ва жумлаларнинг қандай ишлатилишига боғлиқ эканлигини яхши тушунар эди.

Ёзувчи асарларидаги персонажлар жамиятнинг турли табақасига мансуб бўлиши билан бирга, улар ўз табиатига мос сўзлар билан гапиртирилган, яъни улар тил жиҳатдан ҳам типиклаштирилган. Масалан: Саидий, Жамол Каримий («Сароб»), Сиддиқжон, Зуннунхўжа («Қўшчинор чироқлари»), Саида, Қаландаров («Синчалик»), Мулла Норқўзи («Майиз емаган хотин»), Амин («Ўғри»), Фаҳриддин («Бошсиз одам»), Боқижон Бақоев («Адабиёт муаллими») ва шу кабилар.

Аммо Абдулла Қаҳҳор ўзининг дастлабки асарларида («Рақиб», «Рўдапо», «Янги мучал» каби) персонажлар тили устида ишлашда айрим етишмовчиликларга йўл қўйган. Яъни қаҳрамонлар тили хусусийлик даражасига етмайди.

Аста-секин асарлари тили устида астойдил, қунт билан ишлаши орқали, у ўзбек адабиётида, айниқса, унинг ҳикоячилик ва фельетончилик жанрлари тараққ-

бўлмаса ҳам, фақат ўзини бир кўрсатиб қўйиш учун сўзга чиқадиган одам ҳақиқатан хашаки гапни кўп гапиради. «Оз сўзла, кўп ўйла» деган халқ мақоли бор. Одам айтмоқчи бўлган гапини қанчалик пухта ўйлаб олса, тили ҳам шунчалик яхши чиқади. Агар киши сўзлайдиган нутқини пишитиб олишдан эринса, бу ишга қунт билан қарамаса, калаванинг учини тополмай, гапни чувалаштиради, ўринсиз пала-партиш сўзларга, жумлаларга йўл очиб беради. Кейин буни хаспўшлаш учун ҳам «қолип»дан чиққан тайёр китобий ибораларни, юқоридаги нотиқ сингари бир-бирига улаб кўпайтира бошлайди»[1].

Абдулла Қаҳҳор ҳикоячилик маҳоратини улуғ рус ёзувчиси А. П. Чеховдан ўрганганини кўп марта ифтихор билан қайд қилади. У ёзади: «Бундан ўттиз йил бурун мен у кишининг йигирма икки томлик тўпламини қўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим. Шунда аломат ҳодиса юз берди; шу билан муҳтарам устод менга гўё муборак кўзойнакларини бердилару: «Мана буни тақиб, ўз халқингнинг ўтмишига назар сол!» дедилар.

Устоднинг муборак кўзойнакларини тақиб халқимизнинг ўтмишига қарадим. Бир томонда Антон Павловичнинг темир йўл гайкаларини бураб олган «ёвуз ниятли киши»си, иккинчи томондан, отқоровул, юр деса юрган, тур деса турган, устидан ошириб ўқ узганида киприк қоқмаган «баттол ўғри»— Бабар! Булар замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи эди.

Шундай қилиб, болалигимда зеҳнимга чўкиб қолган хотиралар уйғонди, юзага чиқди, ўша вақтдаги халқ ҳаёти кўз олдимга келди. Мана шунинг натижаси бўлиб, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида ғам-ғуссага тўла «Ўғри», «Томошабоғ», «Бемор», «Анор», «Миллатчилар» вужудга келди. Бу ҳикояларни кенг китобхонлар оммаси хуш қабул қилган» («Ўтмишдан эртаклар»).

Ҳақиқатан ҳам ёзувчининг «Бемор», «Ўғри», «Анор», «Кўр кўзнинг очилиши», «Афлотун муҳаббати», «Ўжар», «Майиз емаган хотин», «Санъаткор», «Мастон», «Адабиёт муаллими», «Мунофиқ», «Икки ёрти — бир бутун», «Қанотсиз читтак», «Ошиқ», «Мирзо», «Жонфиғон», «Тешик дастурхон», «Қуюшқон» каби асарларидаги тилнинг содда ва конкретлиги, ихчам ва сиқиқлиги, образлилиги, сўзларнинг турли семантик ва услубий маъноларда ишлатилиши, шунингдек, халқ мақоллари ва ибораларидан усталик билан фойдаланиш, ниҳоят, уларнинг номланиш хусусиятлари ўқувчини ҳаяжонлантиради. А. П. Чехов ҳикояларидаги услубни кўз олдимизда гавдалантиради.

[1] Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. Т., 1973, 126-бет.

«Абдулла Қаҳҳор асарларини халққа ниҳоятда манзур ва яқин қилган омиллардан бири унинг тили эканлиги ҳақида кўп гапирилади. Ёзувчи фикрларининг ниҳоятда қуйма шаклда ифодаланиши образ ва воқеаларнинг ниҳоятда қабартма ва ёрқин тасвирланиши муаллиф ва персонаж нутқларининг гармоник бирлиги натижасидир. Муаллиф нутқи ва персонаж нутқининг узаро боғланиш йўллари ҳам, бундан кузатилган мақсад ҳам хилма-хилдир. Бу йўлларнинг ҳаммаси асар асосига олинган воқеанинг, образларнинг жонли, таъсирли чиқишига олиб келади.

Муаллиф нутқининг вазифаси ҳар бир асар характеридан келиб чиқади. Ёзувда бир ўринда ўз номидан — ҳикоячи номидан тўппа-тўғри ўқувчига мурожаат қилади, иккинчи ўринда айтмоқчи бўлган фикрини бирор персонажга юклайди, тасвирлаётган воқеани шу воқеа иштирокчиси айтиши мумкин бўлган бир шаклда беради»[1].

Абдулла Қаҳҳор ўзининг барча асарларида умумхалқ ўзбек тили луғат бойлигидан тўла фойдаланиши билан, сўзлашув нутқидаги хилма-хил образли иборалар, ҳикматли сўз, сўз шаклларидан ҳам ижодий фойдаланиб келган. Ёзувчи ҳар бир мақол, матал, ҳикматли сўз ёки ибора ва айрим сўзни ишлатар экан, унинг ўша воқеа-ҳодисага мослиги, персонаж табиатига, дунёқарашига, қилиқларига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, уларни айнан ва баъзан ўзгартириб, бошқачароқ шаклда беради: **«Минг хушомадгўйни ҳўл олиб бориб, куруқ олиб келаман-а»** («Икки ёрти — бир бутун»), **«Отнинг ўлими — итнинг байрами»** («Ўғри»), **«Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур»** (Ошиқ»), **«Гўшт суяксиз бўлмайди»** («Мунофиқ»), **«Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ»** («Қўшчинор чироқлари»— Зуннунхўжа сўзи), **«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади»** (Сиддиқжон сўзи), **«Элдан қолгунча,**

[1] Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. Тошкент, 1967, 60-бет.

эрдан қолган яхшироқ деб шуни айтса керак-да (Хадича хола сўзи), **«Кўпдан қуён қочиб қутулмайди»** (Рўзимат сўзи), **«Тайёр ошга баковул бўламан десанг, ҳамманинг кўзига хунук кўринасан»** (Хадича хола сўзи), **«Сендан бўлган бола нима бўлар эди, итдан бўлган қурбонликка ярамайди»** («Ўтмишдан эртаклар»— Қампир сўзи), **«Икки қўлу бир тепа бўлдик-қолдик», «Хазинага кирган мушук зарга қарамайди, сичқон овлайди», «Меҳмоннинг иззати уч кун», «Чўп устихон бўлиб кетди», «Очлик бўлганда деҳқон келисининг кири, тегирмончи дўпписининг чанги билан бўлса ҳам нарироққа бориб олади, лекин косибга қийин», «шакар қор»** (майда ёққан қор), **«ёнғоқ пойлама», «Оқ теракми, кўк терак», «Лойпарсиллоқ»** (болалар ўйинларининг номлари), **«Роҳатижон»** (музлатилган ширин ичимлик) ва ш. к.

Абдулла Қаҳҳор ўз асарларининг номини қўйишга ҳам моҳир бўлиб, Чехов ва Мопассан сингари бошқа ёзувчилардан ажралиб туради. Масалан: «Қанотсиз читтак», «Майиз емаган хотин», «Сароб», «Синчалак», «Қуюшқон», «Тешик дастурхон», «Тобутдан товуш» ва бошқалар.

Ёзувчи, айниқса «Сароб», «Қўшчинор чироқлари», «Синчалак», «Шоҳи сўзана» асарларида персонажларнинг тилларини хусусийлаштириш устида қунт билан ишлаган.

Унинг 1965 йилда ёзган **«Ўтмишдан эртаклар»** қиссаси эса тил ва услуб жиҳатдан бошқа асарларидан фарқланади. Воқеаларнинг баёни таржимаи ҳол хусусиятига эга. Қисса лексик жиҳатдан ҳам ўзига хос бўлиб, унда XX асрнинг I чорагидаги сўзлашув нутқи ва Фарғона шеваларига хос сўз, сўз шакллари, иборалардан давр хусусиятини сақлаш мақсадида жуда усталик билан фойдаланилган.

Биз қиссани ўқир эканмиз, унда оддий маиший ҳаётга оид сўз ва иборалардан тортиб, эскирган, тарихий, янги, диалектизм ҳамда олинма сўзларгача ишлатилганининг гувоҳи бўламиз.

Масалан: **Сим** — Фарғонанинг эски номи; **қоғоз танга** — қоғоз пул маъносида; **ташқи** — ташқари ҳовли маъносида; **аласламоқ** — болани бешикка солганда ёки болага алоқадор бирор ҳодиса юз берганда, унинг бошидан исириқ ёки латта (эски пахта) ёқиб айлантириб олиш жараёни; **вофуруш** — косибларнинг молини кўтара оладиган савдогар; **мошина қўшиқ** — грамофон; **пайса** — тахминан 20 грамм; **ваҳмак** (ваҳимаки) — ваҳима қиладиган одам; **бўриқ** — жўхорипоянинг бир бўғини; **отйўлак** — йўлак, далон; **туширинди** — келин тушди маросими маъносида: *«Қайси бир қиз кўнгли бўлмаганга тегмабди?* **Туширинди**да *йиғламасдан аравага чиққан келин борми?»* (30); **катта эна** — буви; **ая** — ойи; **мусофират** — мусофирчилик маъносида; **бала** — бола; **дикон** — дўкон; **нун** — нон; **суванак ҳолва** — ҳолва тури; **лапка** (рус. лавка) — дўкон; **«зингер»** — шу фирмадан чиққан тикув машинаси; **бўнак** — аванс; **песа** — чала пишган, думбул ўрик; **баззоз** — шоҳи матолар билан савдо қилувчи киши; **каппон** — усти ёпиқ ун бозори; **тим** — усти ёпиқ бозор ёки савдо қаторлари; **вақф** — кимдир васият қилиб қолдирган ёки кимдандир бирор мусулмон ташкилотига берилган ер, мулк; **чилон** — русча «член» сўзининг бузилгани; **шапати** — шапалоқ; **воқеанавис** — айғоқчи, агент; **ҳайтов, чироғпоя** — айрим золим, ярамас кишилардан кўпчилик бўлиб ўч олиш йўлларини билдирувчи сўзлар; **зиндамбир** (русча землемер) — ер ўлчовчи; **тугул** — эмас; «Валихон сўфи **тугул** ундан каттарофидан ҳам қўрқмас эди; **бувак** — гўдак; **баранчук** — ўғил маъносидаги сўз; **бўлис** — рус. волостной: *Бувайди* **бўлисига** *беш минг ўн икки киши тушибди;* **дилгиром** — телеграмма; **ғулу** — қўзғолон: *«Хўжандда халқ* **ғулу** *кўтарибди...»;* **ваъз** — эскир. нутқ; **амин** — чор Россиясидаги энг кичик амалдор; **аллоф** — ун билан савдо қилувчи киши; **гардиш булка** — юмалоқ булка; **нон книжка** — рус. заборная книжка; **ғишт бўлка** — ғишт шаклидаги булка; **гиёҳ** — заҳар маъносида: *«Ошга* **гиёҳ** *солинган экан, ош еган одамларнинг ҳаммаси тарракдай қотиб қолибди»;* **бўйсира** — эскир. саф (ранжир); *«...Йигитлар* **бўйсира** *бўлиб, шарқий мақомига гурс-гурс қадам ташлаб ўтганда, кўчанинг икки юзини одам тутиб кетар эди* ва шу кабилар.

Умуман, «Ўтмишдан эртаклар» ўзининг мавзуси билангина эмас, балки таржимаи ҳол асарнинг ёрқин намунаси сифатида ўзбек насри соҳасида муҳим ҳодиса бўлиб, тил хусусиятлари билан ҳам ўрганишга лойиқдир.

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3
1-§. Тилшунослик ва филология 4
2-§. Тилнинг қурилиши ва қўлланилишини ўрганувчи фанлар 8
3-§. Ўзбек адабий тили тарихи филологик фандир. . . . 10

Ўзбек адабий тили тарихий ривожининг назарий асослари

1-§. Ўзбек адабий тили ҳақида тушунча. Адабий тил умумхалқ тилининг олий шаклидир 12
2-§. Адабий тил меъёрга келтирилган тилдир 14
3-§. Адабий тилни тарихий-услубий жиҳатдан ўрганиш. . 16
4-§. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш 19
5-§. Ўзбек адабий тили ва унинг номланиши 26

Ўзбек адабий тили ва унинг тарихий илдизлари

1-§. Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар ўртасида тутган ўрни 30
2-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бошқа тизимдаги тилларнинг иштироки 34
3-§. Араб китобий тил анъанасининг Ўрта Осиёда ёйилиши. 51

Қадимги туркий адабий тил

1-§. Қадимги туркий адабий тил ҳақида 53
2-§. Руний ёзуви ва унинг ёдгорликлари 56
3-§. Уйғур ёзуви ва унинг ёдгорликлари 57
4-§. Қадимги туркий адабий тилнинг хусусиятлари . . . 59
5-§. Қадимги туркий тилнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли 61

Ўзбек халқ тили тараққиётининг илк даври

1-§. Бу давр адабий тилининг хусусиятлари 64
2-§. М. Қошғарий «Девону луғотит турк» асарининг тарихий ва илмий аҳамияти 66

3-§. «Қутадғу билиг» асарининг тили ва услуби 69
4-§. Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг тили ва услуби 73
5-§. XI аср адабий тилининг негиз диалекти муаммоси . . 75

Ўзбек адабий тилининг XII асрдан кейинги такомиллашуви

1-§. XII асрдан кейинги ўзбек адабий тилининг хусусиятлари 77
2-§. Қарлуқ-Хоразм адабий тили ҳақида 80
3-§. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и ва унинг тили. 81
4-§. «Қиссаи Рабғўзий» асарининг тили ва услуби . . . 84
5-§. «Қиссаи Юсуф» достонининг тил хусусиятлари . . . 86
6-§. Чиғатой улусининг адабий тили 88
7-§. Қарлуқ-уйғур тили тараққиётида «Уғузнома» асарининг роли 89
8-§. Олтин Ўрда адабий тили ҳақида 91
9-§. «Хисрав ва Ширин» достонида ўғуз-қипчоқ тил унсурларининг таъсири 92
10-§. «Муҳаббатнома» асари ва унинг тил хусусиятлари. . 94
11-§. XI—XIV асрлардаги расмий хужжатлар тили ва услуби. 97
12-§. Аралаш диалект хусусиятларининг «Тафсир»да акс этиши 100

Ўзбек халқ тилининг такомиллашуви

1-§. XIV асрнинг охиридан XVII асргача бўлган даврда адабий тил тараққиёти 102
2-§. Эски ўзбек адабий тили ҳақида. 104
3-§. Ўзбек адабий тили тараққиётида шоир Атоийнинг тутган ўрни 106
4-§. Саккокийнинг ўзбек тили тараққиётидаги роли. . . 108
5-§. Лутфий асарларининг баъзи тил хусусиятлари . . . 109

Алишер Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси

1-§. Алишер Навоийнинг она тили ривожидаги амалий хизматлари 112
2-§. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили 117
3-§. Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик меъёрларнинг белгиланиши 122
4-§. Алишер Навоий асарларида архаизм ва ундан фойдаланиш принциплари 125

5-§. Навоий асарларида турк тиллари бойлигидан фойдаланиш усуллари ва уларнинг услубий хусусиятлари . 127
6-§. Навоийнинг бошқа тилларга муносабати 129
7-§. Навоий назмий асарларининг тили ва услуби. . . . 131
8-§. Навоий насрий асарларининг тили ва услуби. . . . 135
9-§. Навоий мактубларининг тили ва услуби 138
10-§. «Муҳокаматул-луғатайн» ва унинг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрни 139
11-§. XVI аср ўзбек адабий тили тараққиётини ўрганишда Бобур асарлари тилининг аҳамияти 141
12-§. Тарихий достончиликда тил ва услуб масаласи. . . 146

XVII аср —XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабий тили

1-§. Давр адабий тилининг хусусиятлари 150
2-§. Абулғози Баҳодирхон тарихий асарларининг тили ва услуби. 151
3-§. Турди ҳажвий асарларининг тили ва услуби . . . 155
4-§. Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтаҳабул луғат» асарининг ўзбек адабий тили илмий атамашунослиги тараққиётидаги роли 158
5-§. Нишотий асарлари тилида Навоий анъанасининг давом эттирилиши 159
6-§. Мунис асарларининг тили ва услуби. 162
7-§. Гулханий асарларида тил ва услуб муаммолари. . . 165
8-§. Маҳмурнинг сатира тили ва услубини ривожлантиришдаги роли : 163
9-§. XV—XIX асрлардаги луғат ва грамматик асарларнинг адабий тилни меъёрлаштиришдаги роли 170

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабий тили

1-§. Узбек адабий тилига таъсир кўрсатган омиллар . . 175
2-§. XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили 176
3-§. XIX асрнинг иккинчи ярмида тил ва услуб муаммоси. 177
4-§. Узбек адабий тилини ривожлантиришда Муқимийнинг хизматлари 183
5-§. Фурқатнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли. 191
6-§. Завқий асарларининг тили ва услуби. 194
7-§. Ўзбек адабий тили тараққиётида Аваз Утарнинг тутган ўрни 196
8-§. Газета-публицистика услуби, унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши 197

1905—1917 йилларда ўзбек адабий тили

1-§. Даврнинг адабий тили ҳақида. 200
2-§. 1905—1917 йиллардаги ўзбек адабий тилининг хусусиятлари 201
3-§. Ўзбек тилининг амалий грамматикасини тузиш учун бўлган уринишлар 205

Ўзбек адабий тилининг шўро давридаги тараққиёти ва унинг фонетик тизимидаги ўзгаришлар

1-§. Ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар. . . 209
2-§. Ўзбек адабий тили морфологиясидаги янгиликлар. . 211
3-§. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидаги ўзгаришлар 213
4-§. Ўзбек тили функционал услубларининг ривожланиши. 215
5-§. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. 216
6-§. Абдулла Қодирий асарларининг баъзи тил ва услубий хусусиятлари 225
7-§. Ғафур Ғулом асарларининг тили ҳақида. 235
8-§. Ойбек насрининг айрим тил хусусиятлари 241
9-§. Абдулла Қаҳҳор — сўз санъаткори 251

ТУРСУНОВ УЛУҒ, ЎРИНБОЕВ БОЗОР,
АЛИЕВ АБДУҒАНИ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

Дорилфунунлар ва педагогика институтларининг филология ҳамда ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир *М. Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Тўлаганов*

ИБ № 6553

Теришга берилди 14. 12. 94. Босишга рухсат этилди 20. 01. 95. Формати 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 13,86. Шартли кр.-отт. 14,07. Нашр. л. 13,65. 8000 нусхада босилди. 73- буюртма.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—231—93.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1995.

Т 91

Турсунов У. ва бошқ.

Ўзбек адабий тили тарихи: Дорилфунунлар ва педагогика ин-тларининг филол. фак. талабалари учун дарслик (У. Турсунов, Б. Ўринбоев, А. Алиев.—2- қайта ишланган ва тўлдирилган нашри.— Т.: Ўқитувчи, 1995.—264 б.

I. 1, 2 Автордош.

ББК 81. 2Уз—923

«Ўқитувчи» нашриётида қуйидаги китоблар босмадан чиқди:

1. Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди (Альбом).
2. Бадиий терма китоб (Болалар боғчаларининг катта гуруҳлари учун).
3. Болалар адабиёти (Мажмуа).
4. Маънавият дарслари (Ўрта мактабларнинг 10—11-синф ўқувчилари учун мажмуа).
5. Қамбар Ота. Сиздай яшагим келар (Шеърлар).
6. Обид Расул. Хайрихон ва Майлихон (Шеърлар).
7. Шарафиддин Туроб. Ҳангомалар.